



ЎЗБЕКИСТОННИНГ
ЯНГИ ҚОНУНЛАРИ

НОВЫЕ ЗАКОНЫ
УЗБЕКИСТАНА

21

“АДОЛАТ”

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
АДЛИЯ ВАЗИРЛИГИ**

**ЎЗБЕКИСТОННИНГ
ЯНГИ ҚОНУНЛАРИ**

○

**НОВЫЕ ЗАКОНЫ
УЗБЕКИСТАНА**

21

Тошкент
Адолат
1999

Ўзбекистоннинг янги қонунлари / /Нашр учун масъул: Х. Т. Одиқориев, М. М. Мирсамадов/. — «Адолат», 1999. — 265 б.

Сарл олдида: Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги.
ББК 67.99(5У) — 3

Нашр учун масъул: Х. Т. ОДИҚОРИЕВ,
М. М. МИРСАМАДОВ.

**NAMANGAN DAVLAT
UNIVERSITETI**
Axborot-resurs markazi

1500

У $\frac{1203020000-021}{(04)-99}$ 5-6-99

© «Адолат», 1999.

ЎЗБЕКИСТОННИНГ ЯНГИ ҚОНУНЛАРИ

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ
МАЖЛИСИНИНГ I-ЧАҚИРИҚ XIII-СЕССИЯСИДА
ҚАБУЛ ҚИЛИНГАН ҚОНУН ВА ҚАРОРЛАР
1998 ЙИЛ 24—25 ДЕКАБР**

**ХУЖАЛИК ЮРИТУВЧИ СУБЪЕКТЛАР ФАОЛИЯТИНИ
ДАВЛАТ ТОМОНИДАН НАЗОРАТ ҚИЛИШ ТЎҒРИСИДА**

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИНИНГ

1998 йил 24 декабрь

Қ О Н У Н И

**(Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг
Ахборотномаси, 1999 йил, 1-сон, 8-модда)**

1-модда. Ушбу Қонуннинг мақсади

Ушбу Қонун хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятини давлат томонидан назорат қилиш билан боғлиқ муносабатларни тартибга солади.

Давлат бюджети ва бюджетдан ташқари жамғармалар маблағлари ҳисобидан молиялаштириладиган муассасалар фаолиятини давлат томонидан назорат қилиш қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда амалга оширилади.

2-модда. Хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятини давлат томонидан назорат қилиш тўғрисидаги қонун ҳужжатлари

Хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятини давлат томонидан назорат қилиш тўғрисидаги қонун ҳужжатлари ушбу Қонун ва бошқа қонун ҳужжатларидан иборат.

Прокурор назорати тартибида амалга ошириладиган давлат назорати тегишли қонун ҳужжатлари билан ҳам тартибга солинади.

Агар Ўзбекистон Республикасининг халқаро шартномасида хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятини давлат томонидан назорат қилиш тўғрисидаги Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатларида назарда тутилганидан бошқача қоидалар белгиланган бўлса, халқаро шартнома қоидалари қўлланилади.

3-модда. Асосий тушунчалар

Ушбу Қонунда қуйидаги асосий тушунчалар қўлланилади:

назорат қилувчи органлар — хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятини давлат томонидан назорат қилишга қонун ҳужжатлари билан ваколат берилган вазирликлар ва идоралар;

текшириш — хўжалик юритувчи субъектлар томонидан қонунлар ҳамда ўз фаолиятини тартибга солувчи бошқа қонун ҳужжатлари қандай бажарилаётганлигини назорат қилувчи органларнинг бир марта назорат қилиши;

тафтиш — молия ва солиқ масалалари бўйича қонун ҳужжатларига риоя этилиши, солиқ, давлат статистика органларига ҳамда банкларга тақдим этиладиган ҳисобга олиш ва ҳисобот ишларининг тўғрилиги устидан назоратни амалга ошириш мақсадида хўжалик юритувчи субъектларнинг бухгалтерлик, молия ва бошқа ҳужжатларини текшириш;

муқобил текшириш — операциялар бирлиги туфайли ўзаро боғлиқ бўлган ва турли хўжалик юритувчи субъектлардаги ёки бир хўжалик юритувчи субъектнинг турли бўлинмаларидаги ҳужжатларни таққослашдан иборат текширув;

назорат тартибида текшириш — хўжалик юритувчи субъектларнинг илгариги текширишда кўрсатилган қондабузарликларни бартараф этиши устидан назорат қилувчи органлар амалга оширадиган текшириш.

4-модда. Хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятини давлат томонидан назорат қилиш шакллари

Хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятини давлат томонидан назорат қилиш қуйидаги йўллар билан амалга оширилади:

текшириш, шу жумладан тафтиш, муқобил текшириш, назорат тартибида текшириш;

статистика ахборотларини ва бошқа ахборотларни таҳлил қилиш;

идора қарамоғидаги органларни текширишдан ўтказиш.

Хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятини статисти-

ка ахборотларини ва бошқа ахборотларни таҳлил қилиш орқали давлат томонидан назорат қилиш, шунингдек идора қарамоғидаги органларни текширишдан ўтказиш қонун ҳужжатларига мувофиқ амалга оширилади.

5-модда. Хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятини давлат томонидан назорат қилишнинг асосий принциплари

Хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятини давлат томонидан назорат қилишнинг асосий принциплари қуйидагилардан иборат:

назорат қилувчи органлар фаолиятида қонунийлик, холислик ва ошкоралик;

юридик ва жисмоний шахсларнинг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш;

хўжалик юритувчи субъектларнинг фаолиятига аралашмаслик.

6-модда. Текширувчи мансабдор шахсларга қўйиладиган талаблар

Хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятини текшириш назорат қилувчи органларнинг мансабдор шахслари томонидан амалга оширилади. Назорат қилувчи органларнинг мансабдор шахслари қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда аттестациядан ўтказилиши лозим.

Назорат қилувчи органлар мансабдор шахсларининг хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятини текширишига рухсат белгиланган намунадаги махсус гувоҳнома билан тасдиқланади.

7-модда. Назорат қилувчи органлар фаолиятини мувофиқлаштириш

Назорат қилувчи органлар фаолиятини мувофиқлаштириш махсус ваколатли орган томонидан амалга оширилади ва у чиқарган қарорларнинг хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятини текширишга доир қисми назорат қилувчи органлар учун мажбурий ҳисобланади.

8-модда. Махсус ваколатли органнинг асосий вазифалари

Махсус ваколатли органнинг асосий вазифалари қуйидагилардан иборат:

хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятини текшириш масалалари бўйича назорат қилувчи органлар фаолиятини мувофиқлаштириш;

хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятини текширишнинг, шу жумладан комплекс текширувлар ҳамда тафтишларнинг назорат қилувчи органлар бир-бирининг ишини такрорлашига йўл қўймайдиган мувофиқлаштирувчи режаларини ишлаб чиқиш;

назорат қилувчи органларнинг текширувлар ўтказишнинг мувофиқлаштирувчи режаларига риоя қилишини назорат қилиш ҳамда режадан ташқари текширувлар махсус ваколатли орган билан келишмай ўтказилишига йўл қўймаслик.

Махсус ваколатли органни тузиш ва унинг фаолият кўрсатиш тартиби қонун ҳужжатлари билан белгиланади.

9-модда. Текширишларни ўтказиш учун асос

Юридик шахс бўлган хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятини режали текшириш, шу жумладан тафтишдан ўтказиш учун қўйидагилар асос бўлади:

махсус ваколатли орган ёки унинг тегишли ҳудудий бўлинмаси томонидан берилган, хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятини текширишнинг мувофиқлаштириш режасидан кўчирма;

назорат қилувчи органнинг мувофиқлаштирувчи режа асосида чиқарган буйруғи ёхуд махсус ваколатли органнинг текшириш, шу жумладан тафтиш ўтказиш тўғрисидаги ҳамда текшириш мақсади, уни ўтказиш саноиси ва текширишни амалга ошириш топширилган мансабдор шахсларнинг таркиби кўрсатилган қарорлари.

Прокуратура, ички ишлар ва миллий хавфсизлик хизмати органлари томонидан хўжалик юритувчи субъектлар молия-хўжалик фаолиятини текшириш учун қўзғатилган жиноий иш мавжудлиги асос бўлади.

10-модда. Текширишлар даврийлиги

Хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятини режали тарзда текширишлар махсус ваколатли органнинг қарорига биноан йилига кўпи билан бир марта амалга оширилиши мумкин.

Солиқлар ва бошқа мажбурий тўловларни ўз вақти-

да ҳамда тўла миқдорда тўловчи, бошқа тартиб ва қондаларга риоя қилувчи, аудиторларнинг ҳар йилги тегишли хулосаларига эга бўлган хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятини текшириш назорат қилувчи органлар томонидан, қоида тариқасида, кўпи билан икки йилда бир марта амалга оширилади.

11-модда. Текширувлар муддатлари

Хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятини текшириш муддатлари ўттиз календар кунидан ошмаслиги лозим. Алоҳида ҳолларда махсус ваколатли органнинг қарорига биноан бу муддат узайтирилиши мумкин.

12-модда. Режадан ташқари текширув

Хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятини режадан ташқари текшириш учун махсус ваколатли органнинг текширилаётган объект номини, текширув ўтказиш мақсади, муддатлари ҳамда уни ўтказиш сабабларининг асослиги кўрсатилган ҳолда режадан ташқари текшириш ўтказиш тўғрисида чиқарган қарори, шунингдек текширишни амалга оширувчи тегишли назорат қилувчи органнинг буйруғи асос бўлиб хизмат қилади.

Режадан ташқари текширишлар назорат қилувчи органлар томонидан қуйидаги ҳолларда ўтказилади:

агар текширувни ўтказиш зарурати Ўзбекистон Республикаси Ҳукумати қароридан келиб чиққанда;

назорат қилувчи органга хўжалик юритувчи субъект томонидан қонунлар ва бошқа қонун ҳужжатлари бузилганлиги тўғрисида қўшимча маълумотлар келиб тушганда;

фавқулодда вазиятлар юзага келишининг олди олинаётганда;

санитария-эпидемиология вазияти мураккаблашганда, шунингдек қўшни давлатлардан юқумли касалликлар кийиб келиши ва тарқалиши эҳтимоли вужудга келганда.

13-модда. Якка тартибдаги тадбиркорлар фаолиятини текшириш

Якка тартибдаги тадбиркорлар фаолиятини текшириш солиқ органлари ҳамда бошқа назорат қилувчи органлар томонидан уларнинг ваколатлари доирасида ва

қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда амалга оширилади.

14-модда. Хўжалик юритувчи субъектларни уларнинг хўжалик фаолиятини тафтиш қилиш билан боғлиқ бўлмаган ҳолда текшириш

Хўжалик юритувчи субъектларни уларнинг хўжалик фаолиятини тафтиш қилиш билан боғлиқ бўлмаган ҳолда текшириш тегишли назорат қилувчи (ёнғинга қарши, санитария, ветеринария, энергетика назорати ва бошқа) органлар томонидан, қоида тариқасида, бир марта ўтказиладиган комплекс текширув давомида амалга оширилади.

Комплекс текширувлар махсус ваколатли орган тасдиқлаган режалар асосида ўтказилади.

15-модда. Назорат тартибда текшириш

Назорат тартибда текшириш назорат қилувчи органлар томонидан махсус ваколатли орган ёки унинг ҳудудий бўлинмалари билан келишилган тартибда ва муддатларда амалга оширилади.

16-модда. Текширилаётган хўжалик юритувчи субъектларнинг ҳуқуқлари ва мажбуриятлари

Текширилаётган хўжалик юритувчи субъектлар қуйидаги ҳуқуқларга эга:

ўз фаолиятлари текширилиши тўғрисидаги тегишли ахборотга эга бўлиш;

назорат қилувчи органларнинг текширувчи мансабдор шахсларидан махсус ваколатли орган ёки унинг ҳудудий бўлинмалари қарорини, текшириш ўтказиш учун асос ҳисобланувчи бошқа ҳужжатларни талаб қилиш, текширувчиларнинг шахсини тасдиқловчи ҳужжатлар билан танишиш;

текшириш ўтказиш учун асосга эга бўлмаган шахсларнинг текшириш ўтказишига йўл қўймаслик;

назорат қилувчи органларнинг ваколатига кирмайдиган масалаларга оид талабларни бажармаслик ва текшириш предметига тааллуқли бўлмаган материаллар билан уларни таништирмаслик;

назорат қилувчи органларнинг текширувчи мансабдор шахсларидан текшириш тугаганидан сўнг ўн кун муддат ичида текшириш натижаларини акс эттирувчи ҳужжатнинг бир нусхасини олиш;

қонунда белгиланган тартибда текшириш натижалари устидан шикоят қилиш.

Ҳўжалик юритувчи субъектлар текширувчиларнинг қонуний талабига биноан текшириш ўтказиш учун зарур бўлган материаллар ва ҳужжатларни тақдим этишга, уларни текшириш объектларига киритишга, текширувчиларга ўз вазифаларини бажаришлари учун кўмаклашишга мажбурдирлар.

17-модда. Ҳўжалик юритувчи субъектлар фаолиятини текшириш чоғида назорат қилувчи органлар мансабдор шахсларининг ҳуқуқлари ва мажбуриятлари

Назорат қилувчи органларнинг мансабдор шахслари ҳўжалик юритувчи субъектлар фаолиятини текшириш чоғида ўз ваколатлари доирасида қўйидаги ҳуқуқларга эга:

текширилаётган ҳўжалик юритувчи субъектлардан текшириш ўтказиш билан бевосита боғлиқ бўлган зарур ҳужжатлар ва бошқа ахборотларни талаб қилиш;

текширилаётган ҳўжалик юритувчи субъектларга аниқланган қондабузарликларни бартараф этиш тўғрисида бажарилиши мажбурий бўлган кўрсатмалар бериш;

тегишли давлат ҳокимияти ва бошқарув органлари, ҳўжалик юритувчи субъектлар мулкдорлари олдига айбдор шахсларнинг жавобгарлиги тўғрисидаги масалани қўйиш;

текширувга вазирликлар ва идоралар, корхоналар, муассасалар ва ташкилотлар мутахассисларини белгиланган тартибда шартнома асосида жалб этиш;

қонун ҳужжатларида назарда тутилган ҳолларда молиявий ёки маъмурий жазо чораларини қўллаш.

Назорат қилувчи органлар мансабдор шахсларининг қонуний талаблари текширилаётган ҳўжалик юритувчи субъектлар томонидан бажариш учун мажбурийдир.

Назорат қилувчи органларнинг мансабдор шахслари ҳўжалик юритувчи субъектлар фаолиятини текшириш чоғида ўз ваколатлари доирасида қўйидагиларни бажаришга мажбурдирлар:

текширилаётган хўжалик юритувчи субъектларга текшириш ўтказиш ҳуқуқини берувчи зарур ҳужжатларни кўрсатиш;

давлат сири, тижорат ёки бошқа сирлар сақланишини таъминлаш;

текширув натижаларини далолатнома (маълумотнома) билан расмийлаштириб, унинг бир нусхасини текширилаётган хўжалик юритувчи субъект ихтиёрида қолдириш;

ҳуқуқбузарлик ҳоллари аниқланган тақдирда қонун ҳужжатларида назарда тутилган чораларни кўриш.

18-модда. Хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятига аралашмасликни кафолатлаш

Назорат қилувчи органларнинг мансабдор шахслари хўжалик юритувчи субъектларнинг қонун ҳужжатларига мувофиқ амалга ошириладиган фаолиятига аралашшига ҳақли эмас.

Агар назорат қилувчи органларнинг мансабдор шахслари хўжалик юритувчи субъектларнинг фаолиятида қонун ҳужжатлари бузилганлигини аниқласалар, улар ўзларига берилган ваколат доирасида ва муайян қоидабузарликни бартараф этиш билан бевосита боғлиқ чоратадбирларни кўришлари мумкин. Назорат қилувчи органларнинг мансабдор шахслари қоидабузарлик ҳолати мавжудлигидан хўжалик юритувчи субъектларнинг бошқа қонуний фаолиятига аралашшиш ёки уни чеклаш учун асос сифатида фойдаланишга ҳақли эмас.

Назорат қилувчи органлар мансабдор шахсларининг ноқонуний қарорлари ёки бошқа ҳаракатлари натижасида хўжалик юритувчи субъектга етказилган зарарлар, шу жумладан бой берилган фойда қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда қопланади.

19-модда. Назорат қилувчи органлар мансабдор шахсларининг ҳаракатлари ва қарорлари устидан шикоят қилиш

Назорат қилувчи органлар мансабдор шахсларининг ҳаракатлари ва қарорлари устидан бевосита судга ёки бўйсунуш тартибида юқори турувчи органга ёхуд мансабдор шахсга шикоят қилиниши мумкин.

Шикоятни бериш назорат қилувчи орган мансабдор

шахсининг ҳаракатларини тўхтатиб қўймайди. Назорат қилувчи органлар мансабдор шахсларининг ҳаракатлари ва қарорлари устидан қилинган шикоятлар қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда ва муддатларда кўриб чиқилади.

20-м о д д а. Хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятини давлат томонидан назорат қилиш тўғрисидаги қонун ҳужжатларини бузганлик учун жавобгарлик

Хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятини давлат томонидан назорат қилиш тўғрисидаги қонун ҳужжатларини бузишда айбдор бўлган шахслар белгиланган тартибда жавобгарликка тортилади.

**Ўзбекистон Республикасининг
Президенти**

И. ҚАРИМОВ

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИНИНГ

1998 йил 24 декабрь

Қ О Н У Н И

(Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг
Ахборотномаси, 1999 йил, 1-сон, 10-модда)

1-модда. Инвестиция фаолияти тўғрисидаги қонун ҳужжатлари

Инвестиция фаолияти тўғрисидаги қонун ҳужжатлари ушбу Қонун ва бошқа қонун ҳужжатларидан иборат. Қорақалпоғистон Республикасида инвестиция фаолияти соҳасидаги муносабатлар Қорақалпоғистон Республикаси қонун ҳужжатлари билан ҳам тартибга солинади.

Чет эл инвестицияларини амалга ошириш билан боғлиқ муносабатларнинг ўзига хос хусусиятлари чет эл инвестициялари тўғрисидаги, чет эллик инвесторлар ҳуқуқларининг кафолатлари ва уларни ҳимоя қилиш чоралари тўғрисидаги қонун ҳужжатлари, Ўзбекистон Республикасининг халқаро шартномалари билан ҳам тартибга солинади.

Агар Ўзбекистон Республикасининг халқаро шартномасида Ўзбекистон Республикасининг инвестиция фаолияти тўғрисидаги қонун ҳужжатларида назарда тутилганидан бошқача қоидалар белгиланган бўлса, халқаро шартнома қоидалари қўлланилади.

2-модда. Асосий тушунчалар

Ушбу Қонунда қуйидаги асосий тушунчалар қўлланилади:

инвестициялар — иқтисодий ва бошқа фаолият объектларига киритиладиган моддий ва номоддий неъматлар ҳамда уларга доир ҳуқуқлар;

инвестиция фаолияти — инвестиция фаолияти субъектларининг инвестицияларни амалга ошириш билан боғлиқ ҳаракатлари мажмуи;

инвестор — ўз маблағларини, қарзга олинган ва жалб этилган маблағларни, мулкый бойликларни ва уларга доир ҳуқуқларни, шунингдек интеллектуал мулкка доир ҳуқуқларни инвестиция фаолияти объектларига инвестициялашни амалга оширувчи инвестиция фаолияти субъекти;

инвестиция фаолияти иштирокчиси — инвесторнинг буюртмаларни бажарувчи сифатида инвестиция фаолиятини таъминловчи инвестиция фаолияти субъекти;

реинвестициялар — инвесторнинг фаолияти натижасида олинган фойдани (даромадни) муомалага киритиш.

3-модда. Мўлжалланган объектига кўра инвестицияларнинг турлари

Инвестициялар мўлжалланган объектига кўра капитал, инновация ва ижтимоий инвестицияларга бўлинади.

Капитал инвестициялар жумласига асосий фондларни вужудга келтириш ва такрор ишлаб чиқаришга, шунингдек моддий ишлаб чиқаришнинг бошқа шакллари-ни ривожлантиришга қўшиладиган инвестициялар киради.

Инновация инвестициялари жумласига техника ва технологияларнинг янги авлодини ишлаб чиқиш ва ўзлаштиришга қўшиладиган инвестициялар киради.

Ижтимоий инвестициялар жумласига инсон салоҳиятини, малақаси ва ишлаб чиқариш тажрибасини оширишга, шунингдек номоддий неъматларнинг бошқа шакллари-ни ривожлантиришга қўшиладиган инвестициялар киради.

4-модда. Инвестицияларни амалга ошириш шакллари

Инвесторлар инвестицияларни қуйидаги йўллар билан амалга оширишлари мумкин:

юридик шахслар тузиш ёки уларнинг устав жамғармаларида (капиталларида) улушли иштирок этиш, шу жумладан мол-мулкни ёки акцияларни олиш;

қимматли қоғозларни, шу жумладан Ўзбекистон Республикаси резидентлари томонидан эмиссия қилинган қарз мажбуриятларини олиш;

концессияларни, шу жумладан табиий ресурсларни қидириш, ишлаб чиқиш, қазиб олиш ёки улардан фойдаланишга бўлган концессияларни олиш;

мулк ҳуқуқини, шу жумладан улар жойлашган ер участкалари билан биргаликда савдо ва хизмат кўрсатиш соҳалари объектларига, турар жойларга мулк ҳуқуқини, шунингдек ерга ҳамда бошқа табиий ресурсларга эгалик қилиш ва улардан фойдаланиш (шу жумладан ижара асосида фойдаланиш) ҳуқуқини қонун ҳужжатларига мувофиқ олиш.

Инвесторлар инвестицияларни қонун ҳужжатларига зид бўлмаган бошқа шаклларда ҳам амалга оширишлари мумкин.

Инвестициялар бирламчи ёки такроран қўшиладиган шаклларининг ўзгартирилиши уларнинг инвестициялар сифатида даражасининг ўзгаришига олиб келмайди.

5-м о д д а. Инвестиция ресурслари

Инвестиция ресурслари жумласига қуйидагилар киради:

пул ва бошқа молиявий маблағлар, шу жумладан кредитлар, пайлар, акциялар ва бошқа қимматли қоғозлар;

кўчар ва кўчмас мол-мулк (бинолар, иншоотлар, ускуналар ва бошқа моддий бойликлар) ҳамда уларга доир ҳуқуқлар;

интеллектуал мулк объектлари, шу жумладан техникавий ҳужжатлар тарзида тузилган техникага, технологияга, тижоратга оид ва бошқа билимлар мажмуи, у ёки бу турдаги ишлаб чиқаришни ташкил этиш учун зарур бўлган билимлар ва ишлаб чиқариш тажрибаси, ноу-хау;

ерга ва бошқа табиий ресурсларга, бинолар, иншоотлар, ускуналарга эгалик қилиш ва улардан фойдаланиш ҳуқуқи, шунингдек мулк ҳуқуқидан келиб чиқувчи ашёвий ҳуқуқлар;

қонун ҳужжатларига мувофиқ бошқа бойликлар.

6-м о д д а. Инвестиция фаолияти объектлари

Моддий ва номоддий неъматлар ишлаб чиқариш объектлари инвестиция фаолиятининг объектларидир.

Барпо этилиши ва фойдаланилиши қонун ҳужжатларида белгиланган санитария-гигиена, радиация, экология, архитектура-шаҳарсозликка оид ва бошқа талабларга жавоб бермайдиган, юридик ва жисмоний шахс-

ларнинг ҳуқуқларини ҳамда қонун билан қўриқланадиган манфаатларини бузадиган объектларга инвестиция киритиш тақиқланади.

7-модда. Инвестиция фаолиятининг субъектлари

Қуйидагилар инвестиция фаолиятининг субъектлари (инвесторлар ва иштирокчилар) бўлишлари мумкин:

Ўзбекистон Республикасининг резидентлари — фуқаролари (жисмоний шахслари), юридик шахслари; маҳаллий давлат ҳокимияти органлари ва давлат бошқарув органлари;

хорижий давлатлар, халқаро ташкилотлар ва чет эллик юридик шахслар ҳамда фуқаролар, шунингдек фуқаролиги бўлмаган шахслар ва Ўзбекистон Республикасининг чет элда доимий яшовчи фуқаролари;

ҳамкорликда инвестиция фаолиятини амалга ошираётган юридик ва жисмоний шахслар, шунингдек давлатлар ва халқаро ташкилотлар.

Инвесторлар қонун ҳужжатларига мувофиқ буюртмачи (маблағ киритувчи), кредитор, сотиб олувчи бўлишлари, шунингдек инвестиция фаолияти иштирокчиси ва зифасни бажарувчи бўлишлари мумкин.

Инвестиция фаолиятининг иштирокчилари инвестор билан тузилган шартнома асосида инвесторнинг буюртмасини бажарувчи бўлишлари мумкин.

8-модда. Инвесторнинг ҳуқуқлари

Мулк шаклларида ва фаолият туридан қатъи назар, инвесторлар инвестиция фаолиятини амалга оширишда тенг ҳуқуқларга эгадирлар.

Инвестицияланиши ушбу Қонун ёки бошқа қонунлар билан чекланган ёхуд тақиқланган объектлардан ташқари, ҳар қандай объектга инвестициялар киритиш инвесторнинг мутлақ ҳуқуқи ҳисобланади ва қонун билан қўриқланади.

Инвестор инвестициялаш мақсади, йўналиши, тури ва ҳажмини мустақил равишда белгилайди, буни амалга ошириш учун шартнома асосида, қоида тариқасида, танлов (тендер) савдосини ўтказиш йўли билан юридик ва жисмоний шахсларни инвестиция фаолияти иштирокчилари сифатида жалб этади.

Қонун ҳужжатларига мувофиқ инвестор инвестиция

объектларига ва уларнинг натижаларига эгалик қилиш, улардан фойдаланиш, уларни тасарруф этиш, шунингдек реинвестиция қилиш ҳуқуқига эга.

Қонун ҳужжатларида белгиланган мулк ҳуқуқини қўлга киритишни келтириб чиқармайдиган объектларга инвестиция киритиш инвесторнинг кейинчалик бу объектларга эгалик қилиш, уларни оператив бошқариш ёки улардан фойдаланишдан олинадиган фойда (даромадлар)да иштирок этиш ҳуқуқини истисно этмайди.

Инвесторнинг қарорига биноан инвестиция объектларига ва уларнинг натижаларига эгалик қилиш, улардан фойдаланиш, уларни тасарруф этиш ҳуқуқи қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда бошқа юридик ва жисмоний шахсларга берилиши мумкин. Ҳуқуқларни бериш пайтида тарафларнинг ўзаро муносабатлари улар тузадиган шартномалар асосида тартибга солинади.

Агар қонун ҳужжатларида бошқача тартиб белгиланмаган бўлса, инвестор, ўзига зарур бўлган мол-мулкни юридик ва жисмоний шахслардан ўзаро келишув асосида белгиланадиган нарх ва шартларда, ҳажми ва номенклатурасини чекламаган тарзда олишга ҳақли.

Инвестор қонун ҳужжатларида назарда тутилган бошқа ҳуқуқларга ҳам эга бўлиши мумкин.

9-м о д д а. Инвесторнинг мажбуриятлари

Инвестор:

инвестиция лойиҳаларида санитария-гигиена, радиация, экология, архитектура-шаҳарсозликка оид ва бошқа талабларга риоя этилганлиги хусусида экспертиза хулосасини олиши;

монополияга қарши қонун ҳужжатларининг талабларига риоя этиши;

солиқлар, йиғимлар ва бошқа мажбурий тўловларни тўлаши;

шартнома бажарилмаслиги ёки лозим даражада бажарилмаслиги туфайли инвестиция фаолияти иштирокчисига етказилган зарарни қоплаши;

маҳаллий давлат ҳокимияти органлари ва давлат бошқарув органларининг ўз ваколати доирасида қўйиладиган талабларини бажариши шарт.

Инвесторнинг зиммасида қонун ҳужжатларида назарда тутилган бошқа мажбуриятлар ҳам бўлиши мум-

2-4128
Anbari-resurs markazi

15 00 17

10-модда. Инвестиция фаолияти иштирокчисининг ҳуқуқлари

Инвестиция фаолиятининг иштирокчиси қуйидагиларга ҳақли:

танлов (тендер) савдосининг иштирокчиси бўлиш;
инвесторлар билан уларнинг буюртмаларини бажариш учун шартномалар тузиш;

агар қонун ҳужжатларида ёки шартномада бошқача тартиб белгиланмаган бўлса, инвестор олдидаги ўз мажбуриятини бажаришга бошқа шахсларни жалб этиш;
агар қонун ҳужжатларида ёки шартномада бошқача тартиб белгиланмаган бўлса, инвестиция фаолияти объектининг ҳақиқий қийматини пасайтириш натижасида эришилган тежамни мустақил равишда тасарруф этиш.

Инвестиция фаолиятининг иштирокчиси қонун ҳужжатларида назарда тутилган бошқа ҳуқуқларга ҳам эга бўлиши мумкин.

11-модда. Инвестиция фаолияти иштирокчисининг мажбуриятлари

Инвестиция фаолиятининг иштирокчиси:

қонун ҳужжатларида белгиланган нормалар, қоидалар ва стандартларга риоя этиши;

шартномаларни ўз вақтида ва лозим даражада бажариши;

шартномани бажармаслиги ёки лозим даражада бажармаслиги туфайли инвесторга етказилган зарарни қоплаши;

маҳаллий давлат ҳокимияти органлари ва давлат бошқарув органларининг ўз ваколати доирасида қўйилган талабларини бажариши шарт.

Инвестиция фаолиятининг иштирокчиси лицензияланиши лозим бўлган фаолиятни амалга ошириш учун Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси белгиланган тартибда лицензия олиши шарт.

Инвестиция фаолиятининг иштирокчиси зиммасида қонун ҳужжатларида назарда тутилган бошқа мажбуриятлар ҳам бўлиши мумкин.

12-модда. Инвестиция фаолияти субъектларининг ўзаро муносабатлари

Шартнома тузиш, шериклар ва кафилларни танлаш, мажбуриятларни белгилаш, шунингдек инвестиция фао-

лияти субъектлари ўзаро муносабатларининг бошқа шартлари қонун ҳужжатлари билан тартибга солинади.

13-модда. Инвестиция фаолиятида нарх белгилаш

Инвестиция фаолияти жараёнида маҳсулот (ишлар, хизматлар) баҳоси, қонда тариқасида танлов (тендер) савдоси натижаларига кўра, келишилган нархларда белгиланади.

Инвестиция фаолияти субъекти бозорда монопол ҳолатни эгаллаган ҳолларда нархларни давлатнинг ваколатли органи қонунларга мувофиқ тартибга солади.

14-модда. Инвестиция фаолиятини давлат томонидан тартибга солиш

Инвестиция фаолиятини давлат томонидан тартибга солиш қуйидаги йўллар билан амалга оширилади:

инвестиция фаолиятининг қонунчилик негизини такомиллаштириш;

солиқ тўловчилар ва солиқ солиш объектларини, солиқ ставкалари ва уларга доир имтиёзларни табақалаштирувчи солиқ тизимини қўллаш;

асосий фондларни жадал амортизация қилиш;

нормалар, қондалар ва стандартларни белгилаш;

монополияга қарши чораларни қўллаш;

кредит сиёсати ва нарх белгилаш сиёсатини ўтказиш;

ерга ва бошқа табиий ресурсларга эгалик қилиш ва улардан фойдаланиш шартларини белгилаш;

инвестиция лойиҳаларини экспертиза қилиш механизмларини белгилаш;

Ўзбекистон Республикасининг Инвестиция дастурига киритилган инвестиция лойиҳаларининг амалга оширилиши мониторингини юритиш.

Инвестиция фаолиятини давлат томонидан тартибга солиш қонун ҳужжатларида назарда тутилган бошқа шаклларда ҳам амалга оширилади.

15-модда. Марказлаштирилган инвестициялар

Давлат инвестиция фаолияти доирасида:

давлат бюджети ва бюджетдан ташқари фондлар маблағи ҳисобидан тўғридан-тўғри молиялаш йўли билан амалга ошириладиган инвестиция;

Ўзбекистон Республикаси Ҳукумати кафолати остида чет эл инвестициялари ва кредитларини жалб этган ҳолда амалга ошириладиган инвестиция марказлаштирилган инвестиция ҳисобланади.

Марказлаштирилган инвестицияларни бошқариш давлат инвестициялари мақсадлари учун объектларни, инвестициялаш шарт-шароитларини белгилашдан ва улар билан боғлиқ бошқа масалаларни ҳал этишдан иборат.

Марказлаштирилган инвестицияларни бошқариш маҳаллий давлат ҳокимияти органлари ва давлат бошқарув органлари томонидан уларнинг ваколатлари доирасида амалга оширилади.

16-м о д д а. Марказлаштирилган инвестицияларни амалга ошириш бўйича қарорлар қабул қилиш

Марказлаштирилган инвестицияларни амалга ошириш бўйича қарорлар давлат органлари томонидан ижтимоий-иқтисодий ривожланишнинг истиқболга мўлжалланган тахминлари, аниқ мақсадга мўлжалланган илмий-техник ва комплекс давлат дастурлари ҳамда ана шу инвестицияларнинг мақсадга мувофиқлигини аниқловчи техник-иқтисодий асослар негизида қабул қилинади.

Умумдавлат аҳамиятига молик бўлган аниқ мақсадга мўлжалланган комплекс давлат дастурларининг лойиҳалари Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси белгилайдиган тартибда ишлаб чиқилади ва тасдиқланади.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси давлат бюджетидан молияланадиган инвестицияларнинг ҳажмларини тасдиқлайди.

17-м о д д а. Марказлаштирилган инвестицияларни жойлаштириш

Марказлаштирилган инвестицияларни жойлаштириш, қоида тариқасида, давлат контракти асосида амалга оширилади.

Давлат контракти инвестиция фаолияти иштирокчисини — бажарувчини танлов (тендер) асосида саралаб

олиш орқали тузилади. Бунда мазкур бажарувчи учун қонун ҳужжатларида муайян имтиёзлар белгилаб қўйилиши мумкин.

18-модда. Ўзбекистон Республикасининг Инвестиция дастури

Ижтимоий-иқтисодий ривожланишнинг устувор йўналишларида амалга ошириладиган инвестиция лойиҳалари Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси тасдиқлайдиган Ўзбекистон Республикасининг Инвестиция дастурига киритилади.

Ўзбекистон Республикасининг Инвестиция дастурига киритилган инвестиция лойиҳаларини амалга ошириш иштирокчиларига солиққа оид ва бошқа имтиёзлар берилади. Ҳар бир алоҳида инвестиция лойиҳаси бўйича ёки умуман Ўзбекистон Республикасининг Инвестиция дастури бўйича бериладиган имтиёзларнинг аниқ рўйхати қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда аниқланади.

19-модда. Инвестиция лойиҳалари экспертизаси

Бюджет маблағлари ва бюджетдан ташқари маблағлар ҳисобига, шунингдек чет эл инвестицияларини Ўзбекистон Республикасининг Ҳукумати кафолати остида жалб этилган ҳолда молияланадиган инвестиция лойиҳалари экспертизадан ўтказилиши шарт. Экспертизани ўтказиш тартибини Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси белгилайди. Бошқа маъбалар ҳисобига молияланадиган инвестиция лойиҳалари санитария-гигиена, радиация, экология, архитектура-шаҳарсозликка оид ва бошқа талаблар бажарилишига доир қисмида, қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда давлат экспертизасидан ўтказилиши лозим.

Банкларнинг кредит ресурслари ҳисобидан молияланадиган кичик ва ўрта тадбиркорлик инвестиция лойиҳалари тижорат банки томонидан мазкур инвестиция лойиҳасини амалга оширишнинг мақсадга мувофиқлиги тўғрисида экспертиза қилиниши лозим.

Ўзбекистон Республикасининг халқаро шартномалари доирасида амалга ошириладиган инвестиция лойиҳалари шу шартномаларда назарда тутилган тартибда экспертиза қилиниши лозим.

20-модда. Инвестиция фондлари

Инвестиция фаолиятини амалга ошириш мақсадида тегишли инвестиция фондлари ташкил этилиши мумкин.

21-модда. Инвестиция фаолияти субъектлари ҳуқуқларининг кафолатлари

Давлат инвестиция фаолияти субъектларининг ҳуқуқларини кафолатлайди.

Давлат органлари ва уларнинг мансабдор шахслари инвестиция фаолияти субъектларининг қонун ҳужжатларига мувофиқ амалга оширилаётган фаолиятига ара-лашишга ҳақли эмас.

Агар давлат органлари ва уларнинг мансабдор шахслари инвестиция фаолияти субъектларининг фаолиятида қонун ҳужжатлари бузилганлигини аниқласалар, улар ваколатлари бўлган ва муайян қоидабузарликни бартараф этиш билан бевосита боғлиқ чораларни кўришлари мумкин. Давлат органлари ва уларнинг мансабдор шахслари қоидабузарлик мавжудлиги фактидан инвестиция фаолияти субъектларининг бошқа қонуний фаолиятига аралашуш ёки фаолиятини чеклаб қўйиш учун асос сифатида фойдаланиши мумкин эмас.

Ушбу модданинг қоидалари халқаро ҳуқуқнинг умум эътироф этилган принципларига мувофиқ белгиланган, Ўзбекистон Республикасининг миллий хавфсизлигини таъминлашга бевосита боғлиқ бўлган қонун ҳужжатларини қабул қилиш, уларга қўшимчалар киритиш ёки уларни бекор қилишга нисбатан татбиқ этилмайди.

22-модда. Инвестицияларни ҳимоя қилиш

Давлат инвестициялар ҳимоя қилинишини кафолатлайди.

Ўзбекистон Республикасида инвестициялар ва инвесторларнинг бошқа активлари давлат мулкига айлан-тирилмайди.

Инвестициялар ва инвесторларнинг бошқа активлари реквизиция қилинмайди, табиий офатлар, авариялар, эпидемиялар, эпизоотия ҳоллари ва бошқа фавқулодда хусусиятга эга бўлган ҳолатлар бундан мустасно.

Инвестицияларни реквизиция қилиш тўғрисидаги қа-
рор:

ушбу модданинг учинчи қисмида кўрсатилган ҳоллардан келиб чиқувчи вазифаларни ҳал этиш учун зарур бўлган инвестициялар ёки бошқа активларнинг энг кам миқдори чекланадиган;

камситилмайдиган асосда ва қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда амалга ошириладиган;

етказилган зарарга монанд равишда компенсация тўланадиган реквизиция бўйича талабларга риоя этилган ҳолда, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан қабул қилинади. Давлат кўрсатиб ўтилган компенсация тўловлари ўз вақтида амалга оширилишига кафил бўлади.

Инвестор инвестицияларни реквизиция қилиш тўғрисидаги қарор юзасидан суд тартибидан низолашишга ҳақли.

Инвестиция суғурта қилиниши мумкин, қонунда назарда тутилган ҳолларда эса суғурта қилиниши шарт.

23-модда. Маблағлардан фойдаланиш кафолатлари

Инвестиция фаолияти субъектининг инвестиция фаолияти натижасида олинган фойдаси (даромади) солиқлар, йиғимлар ва бошқа мажбурий тўловлар тўлангач, унинг хоҳишига кўра реинвестиция қилиниши ёки бошқа ҳар қандай усулда ннлатилиши мумкин.

Инвестиция фаолияти субъекти олган акциялар ва бошқа қимматли қоғозлар, унинг мақсадли банк омонатлари, шунингдек олинган мол-мулк олиб қўйилган (реквизиция қилинган) ҳолларда улар қиймати ёки ижара тўловлари қонун ҳужжатларига мувофиқ қопланади (компенсация тўланади).

Инвестиция фаолияти субъектининг ҳисобварақларидан фойдаланишни чеклаб қўйиш ёки маблағларни мажбуран олиб қўйиш қонунда белгиланган тартибда амалга оширилиши мумкин.

24-модда. Инвестицияларнинг қўшимча кафолатлари ва ҳимоя қилиш чоралари

Инвестицияларнинг қўшимча кафолатлари ва ҳимоя қилиш чоралари ҳукумат томонидан кафолатлар беришни, инвестиция лойиҳаларини молиявий таъминлашда кўмаклашишни, махсус солиқ ва тўлов режими яратилишини, лойиҳалар амалга оширилишининг давлат мо-

ниторинги юритилишини ва қонун ҳужжатларига мувофиқ бошқа чораларни ўз ичига олиши мумкин.

Инвестицияларнинг қўшимча кафолатлари ва уларни ҳимоя қилиш чоралари инвестиция фаолияти субъектларига Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг қарорларига биноан берилади.

25-модда. Очиқ ахборотдан эркин фойдалана олиш

Инвестиция фаолияти субъектларининг манфаатларига муайян тарзда дахлдор умум мажбурий тусдаги қонун ҳужжатларидан улар эркин фойдалана олишлари лозим.

Маҳаллий давлат ҳокимияти органлари ва давлат бошқарув органлари инвестиция фаолияти субъектларининг сўровларига кўра уларни қизиқтирган ахборотни қонун ҳужжатларида назарда тутилган тартибда беришлари шарт.

26-модда. Инвестиция фаолиятини чеклаб қўйиш, тўхтатиб туриш ёки тугатиш

Инвестиция фаолиятини чеклаб қўйиш, тўхтатиб туриш ёки тугатиш инвесторнинг, давлатнинг ваколатли органи ёки суднинг қарорига кўра амалга оширилиши мумкин.

Давлатнинг ваколатли органи инвестиция фаолиятини чеклаб қўйиш, тўхтатиб туриш ёки тугатиш тўғрисидаги қарорни:

инвестор қонунда белгиланган тартибда банкрот деб эълон қилинган ёки топилган;

фавқулодда вазиятлар юзага келган;

инвестиция фаолияти жараёнида қонун ҳужжатларида белгиланган санитария-гигиена, радиация, экология, архитектура-шаҳарсозликка оид ва бошқа талаблар, юридик ва жисмоний шахсларнинг ҳуқуқлари ҳамда қонун билан қўриқланадиган манфаатлари бузилишига олиб келиши мумкин бўлган ҳолатлар аниқланган ҳолларда қабул қилиши мумкин.

Инвестиция фаолияти субъектига ушбу модда иккинчи қисмининг учинчи хатбошисида кўрсатилган ҳолларда етказилган зарарни қоплаш тартиби қонун ҳужжатлари билан белгиланади.

27-модда. Инвестиция фаолияти тўғрисидаги қонун ҳужжатларини бузганлик учун жавобгарлик

Инвестиция фаолияти тўғрисидаги қонун ҳужжатларини бузганликда айбдор бўлган шахслар белгиланган тартибда жавобгар бўладилар.

Инвестиция фаолияти тўғрисидаги қонун ҳужжатлари бузилган тақдирда, инвестиция фаолиятининг субъекти етказилган зарарни, шу жумладан бой берилган фойдани, қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда қопланишини талаб қилиш ҳуқуқига эгадир.

28-модда. Низоларни ҳал этиш

Инвестициялар билан боғлиқ низолар (инвестицияга оид низолар) суд томонидан ҳал этилади.

**Ўзбекистон Республикасининг
Президенти**

И. ҚАРИМОВ

**«ИНВЕСТИЦИЯ ФАОЛИЯТИ ТЎҒРИСИДА»ГИ УЗБЕКИСТОН
РЕСПУБЛИКАСИ ҚОНУНИНИ АМАЛГА КИРИТИШ
ТЎҒРИСИДА**

**УЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ОЛИЙ МАЖЛИСИНИНГ**

1998 йил 24 декабрь

Қ А Р О Р И

(Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг
Ахборотномаси, 1999 йил, 1-сон, 11-модда)

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси қ а р о р
қ и л а д и:

1. «Инвестиция фаолияти тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни матбуотда эълон қилинган кундан эътиборан амалга киритилсин.

2. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳукумат қарорларини «Инвестиция фаолияти тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига мувофиқлаштирсин, вазирликлар ва идоралар мазкур Қонунга зид бўлган ўз норматив ҳужжатларини қайта кўриб чиқишларини ва бекор қилишларини таъминласин.

Ўзбекистон Республикаси
Олий Мажлисининг Раиси

Э. ХАЛИЛОВ.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИНИНГ

1998 йил 25 декабрь

Қ О Н У Н И

(Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг
Ахборотномаси, 1999 йил, 1-сон, 12-модда)

1-м о д д а. Адвокатлик фаолияти билан шуғулланиш ҳуқуқи

Адвокатлик фаолияти билан Ўзбекистон Республика-
сининг фуқаролари жинси, ирқи, миллати, тили, дини,
ижтимоий келиб чиқиши, эътиқоди, шахси ва ижтимоий
мавқеидан қатъи назар, шуғулланишга ҳақлидир.

Адвокатлик фаолияти билан шуғулланиш учун қонун
ҳужжатларида белгиланган тартибда лицензия бери-
лади.

2-м о д д а. Адвокатлик фаолиятининг асосий прин- циплари

Адвокатлик фаолиятининг асосий принциплари қу-
йдагилардан иборат:

адвокатнинг мустақиллиги;

касб этикасига, адвокатлик сирини ва қасамёдига
қатъий риоя этиш;

қонун ҳужжатларида ман қилинмаган усуллар ва
воситаларни қўллаш.

3-м о д д а. Адвокат қасамёди

Адвокат тегишли малака комиссиясининг мажлисида
қуйидаги мазмунда қасамёд қилади:

«Ўз касбий бурчимни ҳалол ва виждонан бажариш-
га, инсон ҳуқуқлари ва эркинликларини ҳамиша ҳимоя
қилишга, адвокатлик сирини сақлашга, Ўзбекистон Рес-
публикасининг Конституцияси ва қонунларига қатъий
риоя этишга тантанали қасамёд қиламан».

4-м о д д а. Адвокатнинг ваколатлари

Адвокат Ўзбекистон Республикасининг бутун ҳудудида, шунингдек, агар олинган топшириқни бажариш зарурияти тақозо этса ва тегишли давлатларнинг қонун ҳужжатларига зид бўлмаса, республика ташқарисида ҳам адвокатлик фаолияти билан шуғулланиш ҳуқуқига эга.

Муайян ишни олиб боришга адвокатнинг ваколатли эканлиги ордер билан тасдиқланади.

Адвокат, тараф сифатида, суд ишларини юритишнинг ҳамма босқичида процесснинг барча иштирокчилари билан тенг ҳуқуқларга эга.

Адвокат қуйидаги ҳуқуқларга эга:

қонунда белгиланган тартибда ишнинг барча материаллари билан танишиш ва ундан зарур маълумотларни кўчириб олиш;

ўз ҳимоясидаги шахс билан у ушланган пайтдан бошлаб қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда миқдори ва муддати чекланмаган холи учрашувлар ўтказиш; ишда иштирок этиш учун ўзига ижозат берилгани тўғрисида суриштирув, дастлабки тергов органлари ва суддан ёзма равишда тасдиқ талаб қилиш;

иш материаллари билан танишиш ҳамда ишни судда ва бошқа органларда кўриш чоғида овоз ёзиш қурилмалари ҳамда бошқа техника воситаларидан қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда фойдаланиш;

агар жиноят ишини юритишда, шунингдек фуқаролик, хўжалик ишини ёки маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги ишни кўриш ва ҳал этишда ҳимояни ёки вакилликни амалга ошириш зарурияти тақозо этса, давлат сирлари, тижорат сирини ёки бошқа сир ҳисобланган маълумот билан қонун ҳужжатларида назарда тутилган тартибда танишиш.

Адвокат қонун ҳужжатларида назарда тутилган бошқа ҳуқуқларга ҳам эга.

Адвокат:

юримдик ёрдам сўраб мурожаат қилган юримдик ва жисмоний шахсларга уларнинг ҳуқуқлари ва мажбуриятлари тўғрисида маслаҳат бериши;

юримдик ёрдам сўраб мурожаат қилган шахснинг ишига унинг ҳолатини оғирлаштирадиган касбий нуқтани назар билан ёндашмаслиги;

ваколат берувчининг, ўз ҳимоясидаги шахснинг нуқ-

таи назарига кўра ноқонуний қарор чиқарилган тақдирда, бу қарор устидан қонунда белгиланган тартибда шикоят қилиши шарт.

Адвокат қонун ҳужжатларида назарда тутилган бошқа мажбуриятларни ҳам бажаради.

5-м о д д а. Адвокатнинг мустақиллигини таъминлаш

Адвокатнинг мустақиллиги:

унга қонунда белгиланган тартибда адвокатлик фаолиятини амалга ошириш учун ижозат бериш, бу фаолиятни тўхтатиб туриш ва тугатиш;

адвокатнинг дахлсизлиги;

адвокатлик сирини ошкор этишни талаб қилишни ман этиш;

адвокат олиб бораётган ишларга аралашганлик ёхуд адвокатнинг дахлсизлигини бузганлик учун жавобгарлик;

давлат томонидан унга адвокатлик фаолияти кафолатлари берилиши ҳамда ижтимоий ҳимояланиши орқали таъминланади.

6-м о д д а. Адвокатнинг дахлсизлиги

Адвокатнинг шахси дахлсиз. Адвокатнинг дахлсизлиги унинг уй-жойига, хизмат хонасига, фойдаланишидаги транспорти ва алоқа воситаларига, унинг хат-хабарларига, унга тегишли ашёлар ва ҳужжатларга ҳам тааллуқлидир.

Адвокатга нисбатан жиноят иши Ўзбекистон Республикаси Бош прокурори, Қорақалпоғистон Республикаси прокурори, вилоят, Тошкент шаҳар прокурори ва уларга тенглаштирилган прокурорлар томонидан қўзғатилиши мумкин.

Адвокатнинг уй-жойи ёки хизмат хонасига, шахсий ёки фойдаланишидаги транспортга кириш, уларни кўздан кечириш, тинтув ўтказиш ёки олиб қўйиш, унинг телефон ва бошқа сўзлашув қурилмалари орқали олиб бориладиган сўзлашувларини эшитиб туриш, адвокатни кўздан кечириш ва шахсий тинтувдан ўтказиш, худди шунингдек унинг почта-телеграф жўнатмаларини, унга тегишли ашёлар ва ҳужжатларни кўздан кечириш ёки олиб қўйиш, адвокатни мажбурий келтириш, ушлаб туриш ёки қамоққа олиш Ўзбекистон Республикаси Бош

прокурори, Қорақалпоғистон Республикаси прокурори, вилоят, Тошкент шаҳар прокурори ва уларга тенглаштирилган прокурорларнинг санкцияси билан амалга оширилиши мумкин.

Адвокатнинг иш бўйича ҳуқуқий нуқтаи назарига нисбатан суриштирув органи, терговчи, прокурор тақдимнома киритиши, шунингдек суд усусий ажрим чиқариши мумкин эмас.

Адвокатни юридик ва жисмоний шахсларга қонунга мувофиқ юридик ёрдам кўрсатганлиги муносабати билан жиноий, моддий ва бошқа жавобгарликка тортиш ёки унга шундай жавобгарликка тортиш билан таҳдид қилиш мумкин эмас.

7-модда. Адвокатлик фаолиятига аралашишга йўл қўйилмаслиги

Адвокат юридик ва жисмоний шахсларнинг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш бўйича ўз касбий вазифаларини амалга ошираётганида унинг фаолиятига аралашишга йўл қўйилмайди.

Адвокатдан ва унинг ёрдамчисидан адвокатлик сирини предмети ҳисобланган ҳолатлар тўғрисида бирон-бир тушунтириш ёки кўрсатувлар беришни талаб қилиш, шунингдек улар ҳақида тезкор-қидирув фаолиятида, жиноят ишлари, маъмурий ҳуқуқбузарликлар тўғрисидаги ишлар ва бошқа ишларни юритишда фойдаланиш учун бирон-бир материал тақдим этишни талаб қилиш ман этилади.

Адвокатлик фаолиятини амалга ошириш чоғида бирон-бир махсус рухсатнома (ордер, ишда иштирок этиш учун адвокатга ижозат берилгани тўғрисида ёзма равишдаги тасдиқ, унинг шахсини тасдиқловчи ҳужжатдан ташқари) талаб қилиш ёки бошқа тўсиқлар вужудга келтириш ман этилади.

Адвокатнинг муайян ишни ўрганишига тўсқинлик қилиш ёки ваколат берувчининг ёхуд ўз ҳимоясидаги шахсининг қонуний манфаатларига зид келувчи нуқтаи назарни мажбуран эгаллашига эришиш мақсадида унга қандай шаклда бўлмасин таъсир кўрсатиш, шунингдек адвокатга таҳдид қилиш, уни ҳақоратлаш, унга нисбатан туҳмат қилиш, куч ишлатиш ёки унинг ҳаёти, соғлиғи ва мол-мулкига тажовуз қилиш қонун ҳужжатларига мувофиқ жавобгарликка сабаб бўлади.

8-м о д д а. Адвокатлик фаолияти ҳимояланишини таъминлаш

Адвокат ва унинг касбий фаолияти давлат ҳимоясида бўлади.

Адвокатнинг ўз ҳимоясидаги шахс билан холи учрашувлар ўтказишини, жиноят ишига доир барча материаллар билан танишиб чиқиши ва ундан зарур маълумотларни кўчириб олишни рад этиш ман қилинади.

Юридик ёрдам бериш билан боғлиқ ахборотни талаб қилиб олиш, олиб қўйиш, кўздан кечириш, текшириш, ундан нусха кўчириш, бундай ахборотни тўплаш ва ундан фойдаланишга фақат адвокат айбланувчи тариқасида жавобгарликка тортилган тақдирда, бошқа ҳолларда — жиноят, фуқаролик, хўжалик ишлари, интизомий ишлар ёки маъмурий ҳуқуқбузарликлар тўғрисидаги ишларни юритишда эса, фақат юридик ёрдам сўраб мурожаат қилган шахснинг розилиги билан йўл қўйилади.

Давлат томонидан адвокатга қўйидагилар таъминланади:

касбий вазифаларни бажариш имконияти;

Ўзбекистон Республикаси ҳудудида, шунингдек унинг ташқарисида юридик ёрдам сўраб мурожаат қилган шахсларга маслаҳат бериш имконияти;

Ўз касбий вазифаларини бажариши туфайли ҳаёти ва соғлиғи учун хавф-хатар юзага келганда зарур даражадаги ҳимоя.

Адвокатнинг касбга оид ҳуқуқларининг давлат органлари ва бошқа органлар, мансабдор шахслар ва фуқаролар томонидан бузилиши қонун ҳужжатларида назарда тутилган жавобгарликка сабаб бўлади.

9-м о д д а. Юридик ёрдамни таъминлаш кафолатлари

Ҳар ким ўз ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш учун юридик ёрдам сўраб ўзи хоҳлаган ҳар қандай адвокатга мурожаат қилишга ҳақлидир.

Ушлаб турилган шахсга айбланувчи, судланувчи ва маҳкумга адвокат билан монеликсиз ва холи учрашиш ҳамда ундан маслаҳат олиш учун зарур шарт-шароит таъминланиши лозим.

10-модда. Адвокатнинг ижтимоий ҳимояси чоралари

Адвокатнинг ҳаёти ва соғлиғи давлат ҳимоясида бўлади.

Адвокатларнинг ҳаёти ва соғлиғини адвокатура ўз маблағлари ҳисобидан мажбурий суғурта қилади.

Суғурта ташкилотлари суғурта суммаларини қуйидаги ҳолларда тўлайди:

адвокат ўз касбий вазифаларини бажариши муносабати билан олган тан жароҳатлари ёки соғлиғига бошқача тарзда етказилган шикастланиш оқибатида ўз касбий фаолиятини амалга ошириш вақтида ёки бундай фаолиятни тугатганидан кейин ҳалок бўлганда (вафот этганда), унинг меросхўрларига — адвокат ўртача ойлик иш ҳақининг эллик баравари миқдорида;

адвокат ўз касбий вазифаларини бажариши муносабати билан бундан кейин адвокатлик фаолияти билан шуғулланиш имкониятини истисно этадиган даражада майиб бўлганда ёки соғлиғига бошқача тарзда шикаст етказилганда — адвокат ўртача ойлик иш ҳақининг йигирма беш баравари миқдорида;

адвокат ўз касбий вазифаларини бажариши муносабати билан унинг бундан кейин адвокатлик фаолияти билан шуғулланиш имкониятини истисно этадиган даражада меҳнат қобилиятини узил-кесил йўқотишга олиб бормайдиган тан жароҳатлари олганда ёки соғлиғига бошқача тарзда шикаст етказилганда — адвокат ўртача ойлик иш ҳақининг беш баравари миқдорида.

11-модда. Адвокатуранинг маблағлари

Адвокатура нотижорат ташкилотдир ва фаолиятни ўз маблағлари ҳисобидан амалга оширади.

Адвокатуранинг штатлари, мансаб окладлари ва маъмурий-хўжалик харажатларининг сметалари молия органларида рўйхатдан ўтказилмаслиги лозим. Адвокатуранинг иш ҳақи фонди банклар томонидан назорат қилинмайди.

12-модда. Давлат билан адвокатура ўртасидаги ўзаро муносабатлар

Давлат ҳар бир фуқаронинг тенг ва эркин юридик

ёрдам олиш ҳуқуқини таъминлаш учун адвокатура билан ҳамкорлик қилади.

Адвокатура манфаатларига дахлдор масалалар давлат органлари томонидан республика адвокатлар жамоат бирлашмаси иштирокида белгиланган тартибда ҳал этилади.

Давлат адвокатурани фуқаролар мурожаат этиши учун қулай бўлган жойларда зарур бинолар билан белгиланган тартибда таъминлайди.

Адвокатурага коммунал хизматлар, алоқа хизматлари ҳақини тўлаш бўйича имтиёзлар ва қонун ҳужжатларида назарда тутилган тартибда бошқа имтиёзлар берилиши мумкин

**Ўзбекистон Республикасининг
Президенти**

И. КАРИМОВ

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИНИНГ

1998 йил 25 декабрь

Қ О Н У Н И

(Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг
Ахборотномаси, 1999 йил, 1-сон, 14-модда)

1-модда. Ушбу Қонуннинг мақсади ва вазифалари

Ушбу Қонуннинг мақсади рекламани тайёрлаш ва тарқатиш билан боғлиқ муносабатларни тартибга солишдан иборат.

Ушбу Қонуннинг асосий вазифалари қуйидагилардан иборат:

юридик ва жисмоний шахслар ёки маҳсулотлар туғрисида ахборот оқимини шакллантириш;

тадбиркорлик ва истеъмол маданиятини такомиллаштириш;

рекламанинг давлат ва жамоат манфаатларига, ахлоқ ва маънавиятнинг умум эътироф этилган нормаларига, юридик ва жисмоний шахсларнинг ишчанлик обрўсига, атроф муҳит ҳолатига тажовузидан ҳимояланиш чораларини таъминлаш;

маҳсулотнинг характери, тайёрланиш усули ва жойи, истеъмол хусусиятлари, сифати ва бошқа тавсифлари, уни реализация қилиш шартларига кўра истеъмолчиларни чалғитадиган ёлғон ёки ноаниқ маълумотлар реклама воситасида тарқатилишининг олдини олиш.

2-модда. Ушбу Қонуннинг қўлланиш соҳаси

Ушбу Қонун Ўзбекистон Республикаси ҳудудида реклама тайёрлаш ва тарқатиш билан боғлиқ муносабатларга татбиқ этилади.

Ушбу Қонун ижтимоий воқеаларни, сиёсий партияларнинг, диний ташкилотлар ва жамоат бирлашмаларининг манфаатларини акс эттирувчи ва (ёки) уларни қўллаб-қувватлашга мўлжалланган ахборот билан боғлиқ муносабатларга татбиқ этилмайди.

3-модда. Реклама тўғрисидаги қонун ҳужжатлари

Реклама тўғрисидаги қонун ҳужжатлари ушбу Қонун ва бошқа қонун ҳужжатларидан иборатдир.

Қорақалпоғистон Республикасида реклама соҳасидаги муносабатлар Қорақалпоғистон Республикасининг қонун ҳужжатлари билан ҳам тартибга солинади.

Агар Ўзбекистон Республикасининг халқаро шартномасида Ўзбекистон Республикасининг реклама тўғрисидаги қонун ҳужжатларидагидан бошқача қондалар белгиланган бўлса, халқаро шартнома қондалари қўлланилади.

4-модда. Асосий тушунчалар

Ушбу Қонунда қуйидаги асосий тушунчалар қўлланилади:

реклама — бевосита ёки билвосита фойда (даромад) олиш мақсадида юридик ва жисмоний шахслар ёки маҳсулот тўғрисида тарқатиладиган махсус ахборот;

реклама берувчи — рекламани тайёрлаш ва (ёки) тарқатиш учун унга буюртмачи бўлган шахс;

реклама тайёрловчи — реклама тайёрлашни тўлиқ ёки қисман амалга оширувчи шахс;

реклама тарқатувчи — реклама воситалари орқали рекламани тарқатишни амалга оширувчи шахс;

рекламадан фойдаланувчи — реклама йўналтирилган шахс ёки шахслар гуруҳи;

реклама воситалари — рекламани ундан фойдаланувчига етказиш учун ишлатиладиган воситалар;

маҳсулот — товарлар, ишлар, хизматлар.

5-модда. Рекламанинг тили

Ўзбекистон Республикаси ҳудудида реклама Ўзбекистон Республикасининг давлат тилида ёки реклама берувчининг хоҳишига кўра бошқа тилларда тарқатилади. Белгиланган тартибда рўйхатга олинган товар белгилари (хизмат кўрсатиш белгилари), босма усулда те-рилган бўғинли белгилар (логотиплар) асли қайси тилда бўлса, шу тилда келтирилиши мумкин.

6-модда. Рекламага доир асосий талаблар

Қонунийлик, аниқлик, ишончлилик, рекламадан фойдаланувчига зарар, шунингдек маънавий зарар етказ-

майдиған шаққлар ва воситалардан фойдаланиш рекламага доир асосий талаблардир.

Рекламада қуйидагилар тақиқланади:

ишлаб чиқарилиши ёки реализация қилиниши қонун ҳужжатлари билан тақиқланган маҳсулот тўғрисида ахборот тарқатиш;

жинси, irqи, миллати, тили, дини, ижтимоий келиб чиқиши, эътиқоди, шахси ва ижтимоий мавқеиға қараб, бошқа ҳолатларга кўра камситиш ёки ўзга шахсларнинг маҳсулотини бадном этиш;

қонун ҳужжатларининг бузилишига олиб келиши мумкин бўлган, фуқароларнинг соғлиғи ёки ҳаётига ва атроф муҳитга зарар етказувчи ёхуд зарар етказиши мумкин бўлган, шунингдек хавфсизлик воситаларига эътиборсизлик туйғусини уйғотувчи ҳаракатларга даъват қилиш;

мажбурий сертификатлаштирилиши зарур бўлган ёки ишлаб чиқарилиши ёхуд реализация қилиниши учун махсус рухсатнома (лицензия) бўлиши талаб этиладиган маҳсулотни тегишли сертификати, лицензияси бўлмағи туриб реклама қилиш;

агар муаллифлик ҳуқуқи ва турдош ҳуқуқлар тўғрисидаги қонун ҳужжатларида бошқача қоида назарда тутилган бўлмаса, бошқа маҳсулот рекламасида қўлланиладиган умумий ечим, матн, тасвир, мусиқали ёки овозли оҳанглариин айнан такрорлаш (тақлид ёки ўхшатма қилиш);

жисмоний шахснинг номи ёки тасвиридан унинг роҳлигини фойдаланиш;

порнографияни тарқатиш.

7-модда. Вояга етмаганларга мўлжалланган рекламага оид чеклашлар

Қуйидаги реклама тақиқланади:

фақат вояга етганларга мўлжалланган ёки вояга етмаганларнинг олиши ёхуд истеъмол қилиши тақиқланган маҳсулотни вояга етмаганлар истеъмол қилаётган ёки ундан фойдаланаётган тасвир туширилган реклама;

вояга етмаганларни маҳсулот олишга ёки реклама қилинаётган маҳсулотни олишни илтимос қилиб учинчи шахсларга мурожаат этишга даъват қилувчи реклама;

ҳақиқий ёки ўйинчоқ қуролдан фойдаланилган реклама.

8-модда. **Реклама берувчининг ҳуқуқ ва мажбуриятлари**

Реклама берувчи қуйидаги ҳуқуқларга эга:

реклама хусусида шартнома тузиш тўғрисида ошқо-
ра таклиф (оммавий оферта) киритиш;

реклама тайёрловчи ва тарқатувчи шартномани асос-
сиз равишда бекор қилган ҳолларда, етказилган зарар-
нинг ўрнини ва маънавий зарарни қоплаш тўғрисида
даъво билан судга мурожаат қилиш.

Реклама берувчи:

реклама тайёрловчи ва (ёки) тарқатувчининг тала-
бига биноан реклама ахборотининг ишончлилигини тас-
диқловчи ҳужжатларни тақдим этиши;

агар реклама берувчининг фаолияти лицензияланиши
зарур бўлса, маҳсулотни ёки реклама берувчининг ўзи-
ни реклама қилаётганда тегишли лицензияни тақдим
этиши шарт.

Реклама берувчи қонун ҳужжатларига мувофиқ бош-
қа ҳуқуқларга эга бўлиши ва ўзга мажбуриятларни ба-
жариши мумкин.

9-модда. **Реклама тайёрловчи ва тарқатувчининг ҳуқуқ ҳамда мажбуриятлари**

Реклама тайёрловчи ва тарқатувчи қуйидаги ҳуқуқ-
ларга эга:

оммавий оферта йўлланган шахсдан белгиланган
тартибда акцепт олганидан сўнг реклама берувчи шарт-
нома тузишдан бош тортган ҳолларда, бу шахсни шарт-
нома тузишга мажбурлаш тўғрисидаги ҳамда реклама
берувчининг шартнома тузишни асоссиз равишда рад
этганлиги туфайли етказилган зарарнинг ўрнини қоп-
лаш тўғрисидаги талаб билан судга мурожаат қилиш;

қонун ҳужжатларида белгиланган ҳолларда реклама
берувчидан тегишли лицензияни талаб қилиш.

Реклама тайёрловчи ва тарқатувчи:

ушбу Қонунда белгиланган реклама фаолияти ва
ҳомийлик қоидаларини бажариши;

ахборот ёки бошқа материалларни берган шахс тўғ-
рисидаги маълумотларни унинг розилигисиз ошқор қил-
маслиги;

реклама берувчи қонун ҳужжатларининг бузилиши-
га олиб келиши мумкин бўлган ахборот берган тақдир-

да реклама берувчини бу ҳақда вақтида хабардор этиши шарт.

Реклама тайёрловчи ва тарқатувчи қонун ҳужжатларига мувофиқ бошқа ҳуқуқларга эга бўлиши ва ўзга мажбуриятларни бажариши мумкин.

10-модда. Рекламага бўлган муаллифлик ҳуқуқи

Рекламага бўлган муаллифлик ҳуқуқи ва турдош ҳуқуқларни тартибга солиш қонун ҳужжатларига мувофиқ амалга оширилади.

11-модда. Рекламани айнанлаштириш

Реклама, уни тарқатиш шакллари ёки воситаларидан қатъи назар, бошқа ахборотдан реклама деб ҳисоблаш мумкин бўладиган даражада ажратилган бўлиши керак.

Телевидение ва радиодаги реклама бошқа дастурлардан унинг бошланиши ва охирида аудио-, видео-, аралаш воситалар ёки бошловчиларнинг шарҳлари ёрдамида ажратиб қўйилиши лозим.

Маҳсулотга қизиқишни шакллантириш ва маҳсулот реализациясига кўмаклашиш учун маҳсулотнинг муайян маркасига (моделига, артикулига) ёки унинг ишлаб чиқарувчисига истеъмолчининг эътиборини атайин жалб этувчи, шунингдек мазкур маҳсулотни ишлаб чиқарувчи ёки тарқатувчи шахсга тааллуқли маълумотлардан (реквизитлардан) иборат ахборот материали, муаллиф ва таҳририят материали — реклама ҳисобланади ҳамда у «Реклама» ёки «Реклама ўрнида» рукни остида жойлаштирилмоғи лозим.

12-модда. Ҳомийлик

Телерадиодастурларни яратишда, бошқа оммавий ахборот воситалари учун материаллар тайёрлашда, театр-концерт, спорт тадбирлари ва бошқа тадбирларни уюштиришда ҳомийлар қатнашиши мумкин.

Реклама телевидение ва радио, аудиовизуаль маҳсулот билан боғлиқ бўлган ва ҳомийлик хизматларидан фойдаланилаётган тақдирда, ҳомийлар тўғрисидаги ахборот дастурнинг бошланишида ва охирида қисқа ва аниқ қайд этилиши керак. Ҳомийнинг номи (номлани-

ши) ёнида ёки ҳомийнинг ўрнига унинг товар белгиси (хизмат кўрсатиш белгиси) кўрсатилиши мумкин.

Янгиликлар тўғрисидаги телерадиодастурларда ҳомийларнинг хизматларидан фойдаланишга йўл қўйилмайди.

Ҳомийлик кўрсатилаётган шахснинг фаолиятига ҳомий аралашинишга ҳақли эмас.

13-модда. Нотўғри реклама

Ноаниқлиги, икки хил маънони англатиши, бўрттириб юбориши, яшириб кетиши оқибатида, рекламани тарқатиш вақти, жойи ва усулига нисбатан қўйилган талабларни ва қонун ҳужжатларида назарда тутилган бошқа талабларни бузиши натижасида рекламадан фойдаланувчиларни чалғитувчи ёки чалғитиши мумкин бўлган, шахсларга, шунингдек давлатга зарар ва маънавий зарар етказиши мумкин бўлган реклама нотўғри (инсофсиз, билатуриб ёлғон) реклама ҳисобланади.

Нотўғри реклама тақиқланади.

Рекламани нотўғри деб топиш тўғрисидаги қарорни ваколатли давлат органи қабул қилади.

14-модда. Яширин реклама

Яширин реклама истеъмомчининг идрокига унинг ўзи англамаган ҳолда таъсир ўтказадиган, шу жумладан махсус видеоилловалардан (қўш овозли ёзувдан) фойдаланиш йўли билан ҳамда бошқа усуллар билан таъсир ўтказадиган рекламалар.

Яширин рекламадан радио-, теле-, видео-, аудио- ва кино маҳсулотда, шунингдек бошқа маҳсулотда фойдаланишга ва уни ўзга усуллар билан тарқатишга йўл қўйилмайди.

15-модда. Қиёсий реклама

Қиёсий реклама — рақобатчига ёки унинг томонидан тақдим этилаётган муайян бир турдаги маҳсулотга бевосита ёки билвосита айнанлаштириладиган рекламалар.

Агар рекламада маҳсулотнинг моддий, муҳим, ишончли хоссалари ҳолисона ва инсофли таққосланса, агар бунда реклама ундан фойдаланувчини чалғитиб қўймаса ва чалғитиб қўйиши ҳам мумкин бўлмаса, реклама

берувчи билан рақобатчининг шахси ёки реклама берувчининг ва рақобатчининг товар белгилари (хизмат кўрсатиш белгилари), фирма номи, маҳсулоти аралашиб кетмаса ҳамда рақобатчининг ишчанлик обрўсини ёки унинг товар белгисини (хизмат кўрсатиш белгисини), фирма номини, маҳсулоти ёки фаолиятини бадном этмаса, қиёсий рекламага йўл қўйилади.

16-модда. Ижтимоий рекламали ахборот

Ижтимоий рекламали ахборот соғлиқни сақлаш, атроф муҳитни муҳофаза қилиш, энергия ресурсларини сақлаб қолиш, ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш, аҳолини ижтимоий ҳимоя қилиш ва хавфсизлигини таъминлаш, маънавият ва маърифат масалаларига доир ахборот, шунингдек нотижорат йўсиндаги бошқа ахборотдир.

Шахсларнинг ижтимоий рекламали ахборотни текинга тайёрлаш ва тарқатишга доир фаолияти, ўз мол-мулкани (шу жумладан пул маблағларини) ижтимоий рекламали ахборот тайёрлаш ва тарқатиш учун бошқа шахсларга бериши хайрия фаолияти деб эътироф этилади. Бундай шахслар қонуи ҳужжатларида назарда тутилган имтиёزلардан фойдаланадилар.

Фаолияти давлат бюджетни ҳисобидан тўлиқ ёки қисман молиялаштириладиган реклама тарқатувчилар реклама учун ажратилган эфир вақтининг (нашр майдонининг) камида 5 фоизи ҳажмида ижтимоий рекламали ахборотни бепул жойлаштириши зарур.

17-модда. Телевидение ва радиодаги реклама

Телерадиоташкилотлар учун рекламага ажратилган кўрсатув (эшиттириш) вақти кўрсатувнинг (эшиттиришнинг) ҳар бир соатига 10 фоиздан ошиб кетмаслиги керак. Бу талаб кўрсатувнинг (эшиттиришнинг) ихтисослаштирилган рекламавий каналларига татбиқ этилмайди.

45 минутдан ортиқ давом этадиган концерт-томоша ва спорт дастурлари, кино- ва телефильмлар реклама учун тўлиқ 45 минутлик вақт оралиғида кўпи билан бир марта узиб қўйилиши мумкин. Реклама бу кўрсатувларнинг (эшиттиришларнинг) бошланиши олдидан ва (ёки) улар тугаганидан сўнг жойлаштирилиши ҳам

мумкин. 10 минутдан кам давом этадиган телекўрсатувларга (радиоэшиттиришларга) умуман, 10 минутдан ортиқ давом этадиган телекўрсатувларга (радиоэшиттиришларга) эса бу телекўрсатувларнинг (радиоэшиттиришларнинг) муаллифлик ҳуқуқи эгаси билан келишмасдан туриб реклама жойлаштирилиши мумкин эмас.

Давлат анжуманлари ва маросимлари олиб кўрсатилаётган (эшиттирилаётган) пайтда уни узиб туриб рекламани кўрсатиш (эшиттириш) тақиқланади.

Болалар даврасига (ўн тўрт ёшгача бўлганларга) мўлжалланган кўрсатувларда (эшиттиришларда) реклама тақиқланади. Бу тақиқ ижтимоий рекламали ахборотга татбиқ этилмайди.

Телекўрсатувларнинг бошловчилари, дикторлари ва бошқа қатнашчилари реклама учун ажратилган вақтдан ташқари пайтда маҳсулотни билатуриб намойиш қилиш ёки унинг истеъмол хусусиятларини бевосита ёки билвосита тавсифлаш ҳуқуқига эга эмас.

Телевидение ва радио ходимларига ахборот ниқоби остида реклама билан шуғулланиш, яъни маҳсулот ишлаб чиқарувчининг реквизиитларини, жойлашган манзилини, телефон рақамини, маҳсулотнинг тижорат белгиларини кўрсатиш тақиқланади.

18-модд. Босма оммавий ахборот воситаларидаги реклама

Босма оммавий ахборот воситаларидаги рекламанинг ҳажми, мавзусини шу оммавий ахборот воситаларининг ўзлари мустақил белгилайди. Обуна бўйича тарқатиладиган босма воситалар обуна шартларида нашрнинг умумий ҳажмидаги реклама миқдорини кўрсатишлари шарт.

Реклама йўсинидаги хабарлар ва материалларни бериб боришга ихтисослашмаган даврий босма нашрларда реклама даврий нашр бир сони ҳажмининг 40 фоизидан ошиб кетмаслиги шарт, қолган реклама бепул илова тарзида берилиши керак.

19-модд. Телефон ва ҳужжатли электр алоқадан фойдаланиладиган тарздаги реклама

Телекс ва факсимиль алоқа ёрдамида реклама қилишга, агар олувчининг махсус сўрови бўлмаса, бир

манзилга бир варақдан ортиқ бўлмаган ҳажмда бир марта жўнатишга йўл қўйилади.

Маҳаллий, шаҳарлараро ёки халқаро телефон алоқасидан фойдаланилган ҳолда кўрсатиладиган хизматлар рекламаси реклама воситаларида тарқатилган тақдирда қуйидаги аниқ ахборотлардан таркиб топган бўлиши керак:

хизматнинг пулли ёки текни йўсинда эканлиги ҳамда унинг қиймати тўғрисидаги ахборот;

таклиф этилган хизматнинг мазмуни тўғрисидаги ахборот;

хизмат истеъмолчилари доирасига нисбатан қонун ҳужжатларида белгиланган ҳамда хизматнинг ишлаб чиқарувчиси томонидан белгиланган — ёшга доир ва бошқа чеклашлар тўғрисидаги ахборот;

телефон алоқа каналидан пулли фойдаланиш ва тегишли минтақада хизматдан 1 минут фойдаланишнинг қиймати тўғрисидаги ахборот.

Ушбу модданинг иккинчи қисмида назарда тутилган ахборот реклама хизматини тақдим этиш учун фойдаланиладиган телефон рақами терилган шрифт ҳажмининг камида ярмига тенг ҳажмдаги шрифт билан босилиши шарт.

Милиция, тез тиббий ёрдам, ёнғиндан сақлаш ва шу каби хизматларнинг бепул хизмат кўрсатадиган телефон рақамларидан реклама тарқатиш учун фойдаланиш тақиқланади.

20-модда. Ташқи реклама

Ташқи рекламага алоҳида махсус конструкцияларда, тахталавҳаларда, экранларда, биноларнинг, иншоотларнинг ташқи томонида ва ҳоказоларда жойлаштириладиган реклама кирази.

Ташқи рекламани жойлаштириш тартиби маҳаллий давлат ҳокимияти органлари томонидан ўз ваколатлари доирасида белгиланади.

Муайян шахс эгаллаб турган бинонинг ташқи томонида, бинога кириш жойида шу шахс тўғрисида жойлаштирилган ёки мазкур шахснинг маҳсулоти ҳақида шу бино витринасидаги ахборот (пешлавҳа) реклама деб ҳисобланмайди ва бунинг учун маҳаллий давлат ҳокимияти органларининг рухсатини олиш талаб этилмайди.

Ташқи рекламани кўча ёриткичларининг таянчлари-

да ҳамда кўча ва йўллар қатнов қисми узра жойлаштириш хавфсизлик техникаси талабларига риоя қилган ҳолда ва йўл белгилари, светофорлар, чорраҳалар, пиёдаларнинг ўтиш жойлари, умум фойдаланишдаги транспорт воситалари бекатларини тўсиб қўймаган ҳолда, шунингдек бундай реклама йўл белгилари ва кўрсаткич белгилар тасвирини такрорламаган (ёки айнан тақлид қилмаган) тақдирда амалга оширилади.

Табиатни муҳофаза қилиш объектлари доирасида ташқи рекламани жойлаштиришга маҳаллий давлат ҳокимияти органлари ёки тегишли давлат бошқарув органларининг ваколат доирасида улар билан келишилган ҳолда рухсат берилади.

Ташқи рекламани тарих ва маданият ёдгорликларида, шунингдек дов-дарахтларни пайҳон қилиш ва туташ ҳудуддаги ободонлаштириш воситаларини бузиш йўли билан жойлаштириш тақиқланади.

21-модда. Транспортдаги ва почта жўнатмаларидаги реклама

Реклама транспорт воситаларида, шу жумладан метрополитенда фақат уларнинг эгалари ёки мулкдорлари билан келишилган ҳолда ҳамда хавфсизлик талаблари ва йўл ҳаракати қондаларига мувофиқ жойлаштирилиши мумкин.

Рекламани умум фойдаланишдаги транспорт воситаларида, метрополитен бекатларида, вокзалларда, портлар ва аэропортларда йўловчиларга хабар берувчи овозли тармоқлар орқали тарқатиш тақиқланади, ижтимоий рекламани ахборот бундан мустасно.

Рекламани почта жўнатмалари орқали тарқатиш Ўзбекистон почта ва телекоммуникациялар агентлигининг рухсати билан амалга оширилади. Рухсатномалар бериш тартиби ва олинadиган йиғим миқдори қонун ҳужжатлари билан белгиланади.

22-модда. Дори воситалари, тиббий буюмлар, косметика ва маиший кимё воситалари рекламаси

Дори воситалари рекламасида қуйидагилар бўлиши шарт:

дори воситасининг тўлиқ номи (шу жумладан хал-

қаро фармакологик номи) ва ишлаб чиқарувчисининг номи;

дори воситасидан фойдаланиш ёки уни қўллаш ҳақидаги ахборот.

Қўйидагиларни реклама қилиш тақиқланади:

фақат шифокорнинг кўрсатмаси (рецепти) бўйича бериладиган дори воситалари;

таркибида гиёҳвандлик воситалари ва (ёки) психотроп моддалари бўлган дори воситалари;

Ўзбекистон Республикасида тиббиётда қўлланишга рухсат берилмаган дори воситалари.

Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлигининг рухсатисиз қўйидагиларни реклама қилиш тақиқланади:

вояга етмаганларга мўлжалланган дори воситалари; даволаш сеанслари, гипноздан ва руҳий ёки биэнергетик таъсирнинг бошқа усулларида фойдаланиб амалга ошириладиган шунга ўхшаш тадбирлар;

тиббий йўсиндаги буюмлар, тиббий техника, гигиена воситалари, дезинфекция, дезинсекция ва дератизация воситалари;

даволаб бўлмайдиган ёки даволаш қийин бўлган касалликларга нисбатан самарали терапевтик усул.

Қўлланиши ва реализация қилиниши юзасидан тегишли давлат органлари махсус рухсатнома бермай туриб косметика воситалари, маиший кимё, озиқ-овқат маҳсулотлари, витаминли ва биологик жиҳатдан таъсирчан озиқ-овқат қўшимчаларини реклама қилиш тақиқланади.

Ушбу модданинг қоидалари тиббий муассасалар ва тиббиёт ходимлари учун мўлжалланган рекламага татбиқ этилмайди. Тиббий муассасалар ва тиббиёт ходимлари учун мўлжалланган дори воситаларини реклама қилиш тартиби Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги томонидан белгиланади.

23-модда. Тамаки маҳсулотлари ва алкогольли ичимликлар рекламаси

Тамаки маҳсулотлари ва алкогольли ичимликлар рекламаси тамаки чекиш ва алкогольли ичимликни истеъмол қилишнинг зарари ҳақида огоҳлантириш билан қўшиб олиб борилиши керак. Тамаки маҳсулотлари ва алкогольли ичимликлар жами рекламаси майдонининг камидан 5

фoизи ҳамда телевидение ва радиодаги реклама ролиги эфир вақтининг камида 3 секунди ана шундай огоҳлан-тириш учун ажратилиши лозим.

Тамаки ва тамаки маҳсулотлари, алкоғолли ичимликлар рекламаси чекиш ва алкоғолли ичимликларни истеъмол қилиш жараёнларини намойиш этишдан иборат бўлмаслиги, бу жараёнлар ижтимоий ва спорт ютуғига эришиш учун ёки истеъмолчиларнинг жисмоний ва руҳий ҳолати яхшиланиши учун муҳим аҳамиятга эга, деган таассурот туғдирмаслиги керак.

Тамаки ва тамаки маҳсулотлари рекламаси тиббий, спорт, мактабгача тарбия, умумий ўрта таълим муассасаларидан камида икки юз метр нарида, алкоғолли ичимликлар рекламаси эса — камида беш юз метр нарида жойлаштирилиши керак.

Қуйидагилар тақиқланади:

қуввати 28 даражадан ортиқ бўлган алкоғолли ичимликларни реклама қилиш;

телевидение ва радиода эрталаб соат 7 дан кеч соат 22 гача тамаки маҳсулотларини ва қуввати 28 даражагача бўлган алкоғолли ичимликларни реклама қилиш;

тамаки маҳсулотлари ва алкоғолли ичимликлар намуналарини реклама мақсадида вояга етмаган шахсларга текни тарқатиш;

асосан вояга етмаганларга мўлжалланган тадбирларга, агар уларда тамаки маҳсулотлари ёки алкоғолли ичимликларнинг номи ёхуд тасвиридан фойдаланиладиган бўлса, ҳомийлик қилиш;

вояга етмаганларга тамаки маҳсулотлари ва алкоғолли ичимликларнинг номи ва товар белгиси туширилган товарларни (футбол майкалари, бош кийимлар, ўйинлар ва шу кабиларни) тарқатиш, шу жумладан со-тиш;

вояга етмаганларга мўлжалланган босма нашрларда тамаки маҳсулотлари ва алкоғолли ичимликларни реклама қилиш;

газеталарнинг биринчи саҳифаларида, журналлар-ва бошқа даврий нашрларнинг муқоваларида тамаки маҳсулотлари ва алкоғолли ичимликларни реклама қи-лиш.

24-м о д д а. Қурол-яроғ рекламаси

Қурол-яроғни реклама қилиш фақат махсус нашр-

ларда, шунингдек бевосита овчилик қуролини реализация қилувчи савдо ташкилотларининг биноларида ёки тегишли кўргазмаларда (тадбирларда) амалга оширилади.

25-модда. Қимматли қоғозлар ва аҳолининг маблағларини жалб этиш билан боғлиқ хизматлар рекламаси

Қимматли қоғозларни ва аҳолининг маблағларини (банклардаги маблағларини, суғурта маблағлари ва шу кабиларни) жалб этиш билан боғлиқ хизматларни ёки шундай хизмат кўрсатаётган шахсларни реклама қилишни бундай фаолият тури билан шуғулланиш ҳуқуқи борлигини тасдиқлайдиган тегишли лицензия бўлган тақдирдагина амалга ошириш мумкин. Бундай хизматлар ёки шундай хизмат кўрсатувчи шахслар рекламасида кутилаётган даромадлар миқдорини, шунингдек бўлажак фойда (даромад) тўғрисидаги бошқа ахборотни маълум қилиш тақиқланади, камида бир йиллик якунларга кўра амалда тўланган фойда (даромад) бундан мустасно.

Қимматли қоғозлар ва аҳолининг маблағларини жалб этиш билан боғлиқ хизматлар рекламасига тааллуқли муносабатларни тартибга солиш қонун ҳужжатларида назарда тутилган тартибда амалга оширилади.

26-модда. Реклама материалларини сақлаш муддатлари

Реклама берувчи, реклама тайёрловчи ва тарқатувчи реклама материалларини охириги марта реклама эълон қилинган (кўрсатилган) кундан бошлаб бир йил давомида сақлаши шарт.

27-модда. Реклама ахборотига тааллуқли ҳужжатлар ва материаллар олиш

Реклама берувчи, реклама тайёрловчи ва тарқатувчи ўз зиммасига реклама тўғрисидаги қонун ҳужжатларига риоя этилиши устидан назорат олиб бориш юклатилган давлат органларининг талабига кўра, улар белгилаган муддатда реклама ахборотига тааллуқли ҳужжатлар ва материалларни тақдим этиши шарт.

Рекалма берувчилар, реклама тайёрловчилар ва тарқатувчиларнинг рекламага тааллуқли ҳужжатлари ва материалларини монеликсиз олиш ҳуқуқи монополияга қарши давлат органининг мансабдор шахеларига берилади.

Тижорат сири ҳисобланган ва ушбу модданинг иккинчи қисмида кўрсатилган мансабдор шахслар томонидан олинган маълумотлар ошкор қилинмаслиги лозим.

Монополияга қарши давлат органи ёки реклама тўғрисидаги қонун ҳужжатларига риоя этилиши устидан давлат назоратини амалга оширувчи бошқа органининг мансабдор шахслари тижорат сири ҳисобланган маълумотларни ошкор қилган тақдирда, реклама берувчига, реклама тайёрловчи ва тарқатувчига етказилган зарарнинг ўрни, шу жумладан маънавий зарар қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда қопланади.

28-м о д д а. Аксилреклама

Ваколатли давлат органлари реклама тўғрисидаги қонун ҳужжатлари бузилганлигини аниқлаган тақдирда, қонунбузар мазкур органларнинг қарорига биноан ва улар кўрсатган муддатда аксилреклама бериши шарт. Аксилреклама бериш шунингдек, ихтиёрий равишда ёки суднинг қарорига биноан амалга оширилиши мумкин. Аксилреклама беришни амалга ошириш билан боғлиқ барча харажатлар қонунбузар томонидан қопланади.

Агар қонунбузар аксилрекламани реклама тўғрисидаги қонун ҳужжатларига риоя этилиши устидан назоратни амалга оширувчи орган белгилаган муддатда бермаса, мазкур орган қонунбузарнинг рекламасини у аксилрекламани бергунга қадар тўлиқ ёки қисман тўхтаиб қўйиш тўғрисида қарор қабул қилишга ҳамда реклама тўғрисидаги қонун ҳужжатларини бузган шахс билан шартнома тузган тарафларни бундан хабардор қилишга ҳақлидир.

Аксилреклама раддия берилаётган реклама эълон қилинган айни ўша оммавий ахборот воситаларида, айни ўша муддат, макон, жой ва тартибдан фойдаланган ҳолда берилади.

Аксилрекламанинг мазмуни қонунбузарлик ҳолатини аниқлаган ва уни тузатиш тўғрисида қарор қабул қил-

ган тегишли давлат органи билан келишилади. Айрим ҳолларда бу органининг қарорига биноан аксилреклама бериладиган оммавий ахборот воситаси, муддати, жойи ва тартиби ўзгартирилишига йўл қўйилиши мумкин.

29-модда. Реклама тўғрисидаги қонун ҳужжатларини бузганлик учун жавобгарлик

Реклама тўғрисидаги қонун ҳужжатларини бузганликда айбдор бўлган шахслар белгиланган тартибда жавобгар бўладилар.

Реклама берувчилар, реклама тайёрловчилар ва тарқатувчилар монополияга қарши давлат органи томонидан қўйидаги миқдорларда жаримага тортилиши мумкин:

нотўғри реклама берганлик учун, ташқи рекламани жойлаштириш тартибига риоя этмаганлик ва аксилреклама беришдан бош тортганлик учун юридик шахслар — энг кам иш ҳақининг юз бараваридан беш юз бараваригача миқдорда, жисмоний шахслар эса — энг кам иш ҳақининг беш бараваридан етти бараваригача миқдорда;

рекламага тааллуқли маълумотларни ушбу Қонуннинг 27-моддасида кўрсатилган давлат органларига белгиланган муддатда тақдим этмаганлик учун юридик шахслар — энг кам иш ҳақининг қирқ бараваридан эллик бараваригача миқдорда, жисмоний шахслар эса — энг кам иш ҳақининг уч бараваридан беш бараваригача миқдорда;

реклама тўғрисидаги қонун ҳужжатлари бузилишини тугатиш ҳақидаги кўрсатмаларни ўз муддатида бажармаганлик учун юридик шахслар — энг кам иш ҳақининг юз бараваригача миқдорда, жисмоний шахслар эса — энг кам иш ҳақининг уч бараваридан беш бараваригача миқдорда.

30-модда. Низоларни ҳал этиш

Реклама тайёрлаш ва тарқатиш жараёнида келиб чиқадиган низолар суд тартибида ҳал этилади.

**Ўзбекистон Республикасининг
Президенти**

И. КАРИМОВ

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ

ОЛИЙ МАЖЛИСИНИНГ

1998 йил 25 декабрь

Қ А Р О Р И

**(Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг
Ахборотномаси, 1999 йил, 1-сон, 15-модда)**

**Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси қ а р о р
қ и л а д и:**

1. «Реклама тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни матбуотда эълон қилинган кундан эътиборан амалга киритилсин.

2. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳукумат қарорларини «Реклама тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига мувофиқлаштирсин, вазирликлар ва идоралар ушбу Қонунга зид бўлган ўз норматив ҳужжатларини қайта кўриб чиқишлари ва бекор қилишларини таъминласин.

**Ўзбекистон Республикаси
Олий Мажлисининг Раиси**

Э. ХАЛИЛОВ

РАДИОЧАСТОТА СПЕКТРИ ТУҒРИСИДА
ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИНИНГ

1998 йил 25 декабрь

Қ О Н У Н И

(Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг
Ахборотномаси, 1999 йил, 1-сон, 16-модда)

1-модда. Ушбу Қонуннинг мақсади

Ушбу Қонуннинг мақсади радиочастота спектрини тақсимлаш ва ундан фойдаланиш соҳасидаги ҳуқуқий муносабатларни тартибга солишдан иборатдир.

2-модда. Асосий тушунчалар

Ушбу Қонунда қуйидаги асосий тушунчалар қўлланилади:

радиочастоталар (радиотўлқинлар) — белгилар, сигналларни, ёзма матини, тасвирлар ва товушларни узатиш ёки қабул қилиш мақсадида фазода сунъий тўлқин ўтказгичсиз тарқатиладиган, шартли равишда уч минг гигагерцдан камроқ қилиб қабул қилинган частотали электромагнит тўлқинлар;

радиочастота спектри — шартли равишда уч минг гигагерцдан камроқ қилиб қабул қилинган оралиқдаги радиочастоталар тўплами;

радиоэлектрон воситалар — радиотўлқинларни тарқатиш ва (ёки) қабул қилиш учун мўлжалланган техник қурилмалар ёки тизимлар;

юқори частотали қурилмалар — радиочастоталар энергиясини саноат, илмий, тиббий, маиший ёки бошқа мақсадларда ҳосил қилиш ва ундан фойдаланиш учун мўлжалланган ускуналар ёки асбоблар, улардан радиотўлқинларни тарқатиш ёки қабул қилиш мақсадида фойдаланиш бундан мустасно;

радиочастоталар полосаси — радиочастота спектрининг муайян шароитларда радиоэлектрон воситалар ёки юқори частотали қурилмалардан фойдаланиш учун мўлжалланган қисми;

радиочастоталарни тақсимлаш миллий жадвали —

ҳар хил турдаги радиохизматлар ўртасида тақсимланган радиочастоталар рўйхати;

радиоалоқа миллий регламенти — радиочастоталар спектридан фойдаланиш соҳасидаги фаолиятни тартибга солувчи норматив ҳужжатлар мажмуи;

радиоҳалақитлар — радиоалоқа тизимида қабул чоғида бир ёки бир неча тўлқин тарқатишлар келтириб чиқарган, ахборот сифатининг ёмонлашуви, хатоликлар бўлиши ёки ахборот йўқолишида намоён бўладиган электромагнит энергиясининг таъсири;

индустриал радиоҳалақитлар — радиотўлқинларни узатиш учун мўлжалланмаган техник воситалар томонидан вужудга келадиган радиочастота спектри диапазонидаги электромагнит тарқатишлар;

электромагнит мослашув — радиоэлектрон воситаларнинг уларга радиоҳалақитлар таъсир этиб турган бир вақтнинг ўзида мавжуд ишлатиш шароитларида талаб даражасидаги сифат билан ишлай олиш қобилияти;

радиочастота спектридан фойдаланувчи — радиочастоталардан фойдаланиш ҳамда радиоэлектрон воситалар ёки юқори частотали қурилмаларни ишлатиш учун радиочастота органининг тегишли рухсатномасига эга бўлган юридик ёки жисмоний шахс;

радиочастота бериш — фойдаланувчига муайян радиочастоталардан фойдаланиш учун радиочастота органи томонидан бериладиган рухсатнома;

радиочастота спектрининг мониторинги — радиочастота спектри ҳолатини кузатиш, ундан фойдаланишни баҳолаш, радиочастота спектри тўғрисидаги қонун ҳужжатлари бузилишининг олдини олиш ва бартараф этиш учун мўлжалланган ташкилий-техник тадбирлар мажмуи.

3-модда. Радиочастота спектри тўғрисидаги қонун ҳужжатлари

Радиочастота спектри тўғрисидаги қонун ҳужжатлари ушбу Қонундан ва бошқа қонун ҳужжатларидан иборатдир.

Агар Ўзбекистон Республикасининг халқаро шартномасида радиочастота спектри тўғрисидаги Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатларидагидан бошқача қондалар белгиланган бўлса, халқаро шартнома қоидалари қўлланилади.

4-модда. Радиочастота спектрини тақсимлаш ва ундан фойдаланиш ҳуқуқи

Ўзбекистон Республикаси ҳудуди доирасида радиочастота спектрини фойдаланувчиларга радиочастоталарни тақсимлаш ваколатли давлат органларининг мутлақ ҳуқуқидир.

Ўзбекистон Республикаси ҳудудида радиочастота спектрини фойдаланиш ҳуқуқи оммавий ва хусусий мулк асосида фаолият кўрсатувчи фойдаланувчиларга берилади.

5-модда. Радиочастота спектрини фойдаланиш соҳасида давлат томонидан тартибга солиш ва бошқариш

Радиочастота спектрини фойдаланиш соҳасида давлат томонидан тартибга солиш сертификатлаш, лицензиялаш, солиқ солиш, ягона илмий-техника сиёсатини шакллантириш йўли билан, шунингдек қонун ҳужжатларида назарда тутилган бошқа воситалар билан амалга оширилади.

Радиочастота спектрини фойдаланиш соҳасида давлат бошқарувининг Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан ваколат берилган радиочастота спектри бўйича давлат бошқарув органи амалга оширади.

6-модда. Радиочастота спектри бўйича давлат бошқарув органининг ваколатлари

Радиочастота спектри бўйича давлат бошқарув органи:

радиочастота спектрини тақсимлаш ва ундан фойдаланиш соҳасида давлат сиёсатини амалга оширади;

радиочастота спектрини тақсимлаш ва ундан фойдаланиш масалалари бўйича норматив ҳужжатларни, радиоэлектрон воситалар ва юқори частотали қурилмалардан фойдаланиш бўйича давлат стандартлари, техник шартлар, ишлатиш нормалари ва қоидалари ҳамда бошқа норматив-техник ҳужжатларни ишлаб чиқади;

радиочастота органлари ўртасида радиочастоталар полосаларини тақсимлайди, радиочастоталарни тақсимлаш миллий жадвали ва радиоалоқа миллий регламентини шакллантиради;

радиочастота органларининг радиочастота спектридан фойдаланиш соҳасидаги фаолиятини мувофиқлаштириб боради;

ажратиладиган радиочастоталар ёки радиочастоталар полосаларининг техник экспертизасига оид ишларни ташкил этади;

радиочастота спектридан фойдаланувчиларнинг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилади;

радиочастота спектри тўғрисидаги қонун ҳужжатларига риоя этилиши устидан назоратни амалга оширади;

радиочастота спектридан фойдаланиш масалалари бўйича халқаро ташкилотларда Ўзбекистон Республикасининг манфаатларини ифода этади;

радиочастота спектридан фойдаланиш соҳасида халқаро ҳамкорликни амалга оширади.

Радиочастота спектри бўйича давлат бошқарув органи қонун ҳужжатларига мувофиқ бошқа ваколатларга ҳам эга бўлиши мумкин.

7-м о д д а. Радиочастота органлари

Радиочастота органлари жумласига қуйидагилар киради:

Ўзбекистон почта ва телекоммуникациялар агентлиги;

Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги;

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Ҳукумат алоқа хизмати.

Радиочастота органлари ўз фаолиятларини радиочастота спектри тўғрисидаги қонун ҳужжатларига мувофиқ амалга оширадilar.

8-м о д д а. Радиочастота органларининг ваколатлари

Радиочастота органлари:

радиочастоталардан фойдаланиш учун рухсатнома беради;

радиочастоталар спектри бўйича давлат бошқарув органи томонидан ажратилган радиочастоталар полосалари доирасида радиоэлектрон воситалар ва юқори частотали қурилмаларни Ўзбекистон Республикаси ҳудудида олиш (бериш), лойиҳалаш, қуриш (ўрнатиш), ишлатиш ҳамда чет эллардан олиб кириш учун рухсатнома беради;

радиоэлектрон воситалар ва юқори частотали қурилмалар белгиланган стандартлар ва техник нормаларга номувофиқ бўлган, фуқароларнинг хавфсизлиги, атроф муҳит муҳофазасини таъминламаган тақдирда, шунингдек алоҳида ҳолатларда уларни ишлатишни белгиланган тартибда тақиқлайди;

фойдаланувчиларга берилган радиочастоталар ҳисобини юритади, шунингдек радиочастота спектридан радиочастота спектри бўйича давлат бошқарув органи томонидан белгиланган тартибга мувофиқ фойдаланилиши устидан назоратни амалга оширади;

радиоэлектрон воситаларга, шу жумладан халқаро ташкилотлар ва хорижий давлатларнинг халқаро шартномалар ва қондаларга мувофиқ фаолият кўрсатаётган радиоэлектрон воситаларига бўлган радиохалақитларни бартараф этади;

бошқа ваколатли органлар билан биргаликда электромагнит мослашувни таъминлаш бўйича ташкилий-техник тадбирларни ишлаб чиқади.

Радиочастота органлари қонун ҳужжатларига мувофиқ радиочастота спектри соҳасида бошқа ваколатларга ҳам эга бўлиши мумкин.

9-модда. Радиочастота спектридан фойдаланиш

Радиочастота спектри фойдаланувчиларга давлат, жамоат ва шахсий эҳтиёжларни таъминлаш учун берилади.

Радиочастота спектридан фойдаланиш белгиланган тартибда радиочастота органи томонидан бериладиган рухсатнома асосида амалга оширилади.

Фойдаланувчиларга муайян радиочастоталар бериш радиочастоталарни тақсимлаш миллий жадвалига мувофиқ амалга оширилади.

Радиочастоталарни радиочастота спектридан фойдаланувчилар ўртасида тақсимлаш танлов асосида ёки ким ошди савдоси натижаларига кўра амалга оширилиши мумкин.

Радиочастота органи ва радиочастота спектридан фойдаланувчи ўртасидаги ўзаро муносабатлар шартнома асосида амалга оширилади.

10-модда. Радиочастота спектридан фойдаланиш муддатлари

Радиочастота спектри фойдаланувчиларга радиочастота

стота органи рухсатномасида ёки фойдаланиш шартномасида назарда тутилган муайян муддатга берилади.

11-модда. Радиочастота спектридан фойдаланганлик учун ҳақ тўлаш

Радиочастота спектридан фойдаланиш пулликдир. Радиочастота спектридан фойдаланганлик учун ҳақ тўлаш тартиби, шунингдек ҳақ тўлашдаги имтиёзлар қонун ҳужжатлари билан белгиланади.

12-модда. Радиочастота спектридан фойдаланувчиларнинг ҳуқуқ ва мажбуриятлари

Радиочастота спектридан фойдаланувчилар қуйидаги ҳуқуқларга эга:

қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда радиочастота спектридан фойдалана олиш;

Ўзбекистон Республикаси ҳудудида фойдаланиш учун рухсат этилган радиоэлектрон воситалар ва юқори частотали қурилмаларни белгиланган тартибда олиш (бериш);

радиоҳалақитлар манбаларини аниқлаш учун радиочастота органига мурожаат этиш ва уларни бартараф қилишда иштирок этиш;

берилган рухсатнома донрасида радиочастота спектридан фойдаланиш жараёнида қонуни ҳужжатларида тақиқланмаган ҳар қандай фаолиятни амалга ошириш;

Ўз ҳуқуқлари ва қонуний манфаатлари бузилган тақдирда ваколатли давлат органларига ёки судга мурожаат этиш.

Радиочастота спектридан фойдаланувчилар қуйидаги мажбуриятларга эга:

радиоэлектрон воситалар ва юқори частотали қурилмаларни олиш (бериш) учун радиочастота органининг рухсатномасини олиш;

радиоэлектрон воситалар ва юқори частотали қурилмаларни радиочастота органида рўйхатдан ўтказиш ҳамда уларни ишлатиш ҳуқуқи учун рухсатнома олиш;

радиоэлектрон воситалар ва юқори частотали қурилмаларни белгиланган нормалар ҳамда қондаларга мувофиқ лойиҳалаш, қуриш (ўрнатиш) ва ишлатишни амалга ошириш;

радиочастота спектридан фойдаланганлик учун ҳақни ўз вақтида тўлаш.

Радиочастота спектридан фойдаланувчилар қонун ҳужжатларига мувофиқ бошқа ҳуқуқ ва мажбуриятларга эга бўлиши мумкин.

13-модда. Радиочастота спектридан фойдаланиш ҳуқуқини бекор қилиш, тўхтатиш ёки чеклаш

Радиочастота органлари радиоэлектрон воситалар ва юқори частотали қурилмаларни ишлатиш хусусиятлари, шунингдек айрим частоталардан фойдаланиш имкониятлари билан боғлиқ муайян шароитларда радиочастота спектридан фойдаланишни бекор қилиш, тўхтатиш ёки чеклашга ҳақлидир.

Радиочастота спектридан фойдаланиш ҳуқуқи қуйидаги ҳолларда бекор қилинади:

фойдаланилаётган радиоэлектрон воситалар ва юқори частотали қурилмалардан фуқаролар ҳаёти ёки соғлиғига, шунингдек атроф муҳит ҳолатига аниқ хавф юзатганда;

фойдаланиш рухсатномаси ёки шартномасининг амал қилиш муддати тугаганда;

берилган радиочастоталардан белгиланган муддат мобайнида фойдаланилмаганда;

берилган радиочастоталардан воз кечилганда;
юридик шахснинг ўзи ёки жисмоний шахснинг фаолияти тугатилганда.

Радиочастота спектридан фойдаланиш ҳуқуқи қуйидаги ҳолларда тўхтатилиши ёки чекланиши мумкин:

фойдаланиш рухсатномаси ёки шартномаси шартлари бузилганда;

радиочастота спектрининг муайян полосаларидан ўта муҳим давлат эҳтиёжлари учун фойдаланиш зарур бўлиб қолганда;

радиочастота спектридан фойдаланганлик учун белгиланган ҳақ тўланмаганда.

Радиочастота спектри бўйича давлат бошқарув органи ҳам қонун ҳужжатларида назарда тутилган ҳолларда радиочастота спектридан вақт ва (ёки) ҳудуд бўйича фойдаланиш ҳуқуқини тўхтатишга ёки чеклашга ҳақлидир.

Давлат мудофааси, миллий хавфсизлик ва ҳуқуқтартибот мақсадлари учун ажратилган радиочастоталардан фойдаланиш фақат тегишли давлат бошқарув

органлари билан келишилган ҳолда тўхтатилиши, чекланиши ёки тугатилиши мумкин.

14-модда. Радиоэлектрон воситалар ва юқори частотали қурилмаларни яратиш, лойиҳалаш, ишлаб чиқариш, қуриш (ўрнатиш), олиш (бериш), ишлатиш ва Ўзбекистон Республикаси ҳудудига олиб кириш

Радиоэлектрон воситалар ва юқори частотали қурилмаларни яратиш, лойиҳалаш ва ишлаб чиқариш, шунингдек радиочастоталардан фойдаланиб илмий-тадқиқот ва тажриба-конструкторлик ишларини ўтказиш фойдаланувчи радиочастота спектридан фойдаланиш учун рухсатнома олганидан ва яратиш учун техник шартлар келишилганидан кейингина амалга оширилади.

Барча турдаги ва йўналишдаги радиоэлектрон воситалар ва юқори частотали қурилмаларни қуриш (ўрнатиш) радиочастота органининг тегишли рухсатномаси бўлган тақдирдагина амалга оширилиши мумкин.

Ўзбекистон Республикаси ҳудудига радиоэлектрон воситалар ва юқори частотали қурилмаларни олиш (бериш) радиочастота органининг тегишли рухсатномасини тақдим этган ҳолда амалга оширилади.

Ўзбекистон Республикаси мудофааси ва хавфсизлигини таъминлаш учун мўлжалланган радиоэлектрон воситалар ва юқори частотали қурилмаларни, шунингдек фуқаро авиациясида училарни ҳамда ҳаво ҳаракати хизматини радионавигация жиҳатидан таъминлаш мақсадларида фойдаланиш учун мўлжалланган бортдаги ва ер усти радиоэлектрон воситаларни олиш (бериш) тартиби Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан белгиланади.

Ўзбекистон Республикаси ҳудудига радиоэлектрон воситаларни ва юқори частотали қурилмаларни ишлатиш бевосита тегишли радиочастота органининг рухсатномаси билан, хорижий давлатларнинг дипломатия ва колатхоналари ва консуллик муассасаларида ўрнатилган шундай воситалар ва қурилмаларни ишлатиш эса — Ўзбекистон Республикаси Ташқи ишлар вазирлиги орқали амалга оширилади.

Телевидение кўрсатувлари ва радиозиттиришлар дастурларини қабул қилиш учун мўлжалланган радиоэлектрон воситаларни, шунингдек савдо тармоғи орқали сотишга рухсат берилган маиший радиоэлектроника бу-

юмларини олиб кириш, олиш (бериш) ва ишлатиш учун тегишли рухсатнома талаб қилинмайди.

Ўзбекистон Республикаси ҳудудига радиоэлектрон воситалар ва юқори частотали қурилмаларни олиб кириш Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан белгиланган тартибда амалга оширилади.

Радиочастота органининг тегишли рухсатномасиз олиб киришга, олишга (беришга) ва ишлатишга йўл қўйиладиган радиоэлектрон воситалар ва юқори частотали қурилмалар рўйхати радиочастота спектри бўйича давлат бошқарув органи томонидан белгиланади.

15-модда. Индустрал радиоҳалақитларнинг эҳтимол тутилган манбаларига қўйиладиган талаблар

Яратилаётган, лойиҳалаштирилаётган, ишлаб чиқарилаётган ва ишлатилаётган турли техник воситаларнинг техник тавсифномалари радиоҳалақитларнинг эҳтимол тутилган манбалари (электр транспорти, электр узатиш линиялари, электр асбоблари, автотранспорт воситалари ва бошқалар) тариқасида индустрал радиоҳалақитларнинг йўл қўйиладиган даражалари нормаларига мувофиқ бўлиши керак.

Техник воситаларни радиоҳалақитларнинг йўл қўйиладиган даражадаги нормаларига мувофиқлигини синаш тартиби Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Ўзбекистон давлат стандартлаш, метрология ва сертификатлаш маркази томонидан белгиланади.

16-модда. Электромагнит мослашув

Барча фойдаланувчиларнинг радиочастота спектридан фойдаланиши қўлланилаётган радиоэлектрон воситалар ва юқори частотали қурилмаларнинг электромагнит мослашувни қатъий тарзда таъминланган ва уларнинг ўлчамлари ҳамда тавсифлари Ўзбекистон Республикаси ҳудудида қабул қилинган стандартлар ва техник нормаларга мувофиқ бўлган тақдирда амалга оширилади.

Радиоэлектрон воситалар ва юқори частотали қурилмаларнинг электромагнит мослашувига риоя қилиниши ҳамда ўлчамлар ва тавсифларнинг стандартлар ва техник нормаларга мувофиқлиги устидан назоратни радиочастота органлари амалга оширади.

Агар радиоэлектрон воситалар ва юқори частотали қурилмаларнинг ишлаши бошқа фойдаланувчиларнинг амюқа сифатига салбий таъсир этса ёки фуқароларнинг соғлиги ва атроф муҳитга зарарли таъсир кўрсатса, бу воситалар ва қурилмаларни ишлатиш тўхтатилади ёки бевосита радиочастота органининг қарорига кўра ёхуд тегишли давлат органлари ёки фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларининг асослантирилган тақдимномасига кўра тугатилади.

17-модда. Берилган радиочастоталар тўғрисидаги ахборот

Берилган радиочастоталар тўғрисидаги ахборот маълумотлар миллий базаси (радиочастоталар регистри) асосини ташкил этади.

Берилган радиочастоталар тўғрисидаги ахборотни ҳисобга олиш, тизимлаштириш ва сақлашни радиочастота органлари радиочастота спектри бўйича давлат бошқарув органи белгилаган тартибда амалга оширади.

Радиочастота органлари радиочастота спектридан фойдаланиш тўғрисидаги ахборотни радиочастота спектри бўйича давлат бошқарув органига белгиланган тартибда тақдим этади.

18-модда. Ҳарбий ҳаракатлар ва фавқулодда ҳолатлар содир бўлганда фойдаланувчиларнинг радиоэлектрон воситаларидан фойдаланиш

Ҳарбий ҳаракатлар, zilzilalar, сув тошқинлари, ёнғинлар, эпидемиялар ва бошқа фавқулодда ҳолатлар содир бўлганда радиочастота органлари фойдаланувчиларнинг радиоэлектрон воситаларини ишлатишини чеклашни жорий этишга, шунингдек бу воситалардан давлат хавфсизлигини таъминлаш, табиий офатларни ёки уларнинг оқибатларини бартараф этиш мақсадларида фойдаланишга ҳақлидир.

19-модда. Радиочастота спектри мониторинги

Радиочастота спектри мониторингини Ўзбекистон почта ва телекоммуникациялар агентлиги бошқа радиочастота органлари билан биргаликда амалга оширади.

Мониторингни амалга ошириш тартиби радиочастота спектри бўйича давлат бошқарув органи томонидан белгиланади.

20-м о д д а. Низоларни ҳал этиш

Радиочастота спектридан фойдаланиш соҳасида келиб чиқадиган низолар суд тартибида ҳал этилади.

21-м о д д а. Радиочастота спектри тўғрисидаги қонун ҳужжатларини бузганлик учун жавобгарлик

Радиочастота спектри тўғрисидаги қонун ҳужжатларини бузишда айбдор бўлган шахслар белгиланган тартибда жавобгар бўладилар.

**Ўзбекистон Республикасининг
Президенти**

И. КАРИМОВ

**«РАДИОЧАСТОТА СПЕКТРИ ТЎҒРИСИДА»ГИ УЗБЕКИСТОН
РЕСПУБЛИКАСИ ҚОНУНИНИ АМАЛГА КИРИТИШ
ҲАҚИДА**

**УЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ОЛИЙ МАЖЛИСИНИНГ**

1998 йил 25 декабрь

Қ А Р О Р И

**(Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг
Ахборотномаси, 1999 йил, 1-сон, 17-модда)**

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси **қ а р о р**
қ и л а д и:

1. «Радиочастота спектри тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни матбуотда эълон қилинган кундан эътиборан амалга киритилсин.

2. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳукумат қарорларини «Радиочастота спектри тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига мувофиқлаштирсин, вазирликлар ва идоралар ўзларининг ушбу Қонунга зид бўлган норматив ҳужжатларини қайта кўриб чиқишлари ва бекор қилишларини таъминласин.

**Ўзбекистон Республикаси
Олий Мажлисининг Раиси**

Э. ХАЛИЛОВ

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИНИНГ

1998 йил 25 декабрь

Қ О Н У Н И

(Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг
Ахборотномаси, 1999 йил, 1-сон, 20-модда)

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси қ а р о р
қ и л а д и:

Ўзбекистон Республикасининг қуйидаги қонун ҳуж-
жатларига ўзгартишлар ва қўшимчалар киритилсин:

I. Ўзбекистон Республикасининг 1991 йил 19 ноябрда
қабул қилинган «Давлат тасарруфидан чиқариш ва ху-
сусийлаштириш тўғрисида»ги Қонуни (Ўзбекистон Рес-
публикаси Олий Кенгашининг Ахборотномаси, 1992 йил,
№ 1, 43-модда; 1993 йил, № 5, 236-модда; 1994 йил,
№ 11—12, 285-модда; Ўзбекистон Республикаси Олий
Мажлисининг Ахборотномаси, 1995 йил, № 9, 193-модда;
1998 йил, № 3, 38-модда) 8-моддаси учинчи бандининг
олтинчи хатбошиси «имтиёзлар бериш» деган сўзлардан
олдин «қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда» де-
ган сўзлар билан тўлдирилсин.

II. Ўзбекистон Республикасининг 1992 йил 13 январ-
да қабул қилинган «Аҳолини иш билан таъминлаш тўғ-
рисида»ги Қонуннинг 1998 йил 1 майда қабул қилинган
Ўзбекистон Республикаси Қонуни билан тасдиқланган
янги таҳрири (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажли-
сининг Ахборотномаси, 1998 йил, №5—6, 97-модда):

1) 22-моддасининг тўртинчи қисми қуйидаги таҳрир-
да баён этилсин:

«Ҳақ тўланадиган жамоат ишларини ташкил қилиш
ва молиялаш, шунингдек ишсиз шахсларнинг бундай
ишларда иштирок этиши тартиби Ўзбекистон Республи-
каси Вазирлар Маҳкамаси томонидан белгиланади»;

2) 27-моддасининг биринчи қисми қуйидаги таҳрир-
да баён этилсин:

«Ишсизлик нафақаси ушбу Қонуннинг 3-моддасига

мувофиқ ишсиз деб эътироф этилган шахсларга тайинланади. Қарамоғида учтагача киши бўлган, ўттиз беш ёшга тўлмаган ишсиз эркакларга ишсизлик нафақаси улар ҳақ тўланадиган жамоат ишларида Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан белгиладиган тартибда иштирок этган тақдирда тайинланади»;

3) 34-моддасининг:

биринчи қисми қуйидаги мазмундаги **тўртинчи хатбоши** билан тўлдирилсин:

қарамоғида учтагача киши бўлган, ўттиз беш ёшга тўлмаган ишсиз эркак ҳақ тўланадиган жамоат ишларида иштирок этишни рад этган тақдирда»;

тўртинчи, бешинчи, олтинчи, еттинчи ва саккизинчи хатбошилари тегишинча **бешинчи, олтинчи, еттинчи, саккизинчи ва тўққизинчи хатбошилари** деб ҳисоблансин;

иккинчи қисми қуйидаги мазмундаги **тўртинчи хатбоши** билан тўлдирилсин:

«ишсиз шахс ҳақ тўланадиган жамоат ишларида иштирок этаётган бўлса, бундай ишларда иштирок этган даврида».

III. Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг 1992 йил 14 январдаги Қарори билан тасдиқланган Мулкчиликнинг барча шаклидаги корхоналар (ташкilotлар), шу жумладан чет эл корхоналари ва қўшма корхоналар фақат махсус рухсатнома (лицензия) асосидагина шуғулланишга ҳақли бўлган фаолият турлари рўйхатининг (Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг Ахборотномаси, 1992 йил, № 4, 182-модда; 1994 йил, № 4, 109-модда, № 5, 143-модда, № 8—9, 244-модда, № 10, 258-модда; Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 1996 йил, № 9, 144-модда; 1997 йил, № 2, 56-модда, № 9, 241-модда) ўнинчи хатбошиси қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«Нефть, нефть маҳсулотлари ва газ қазиб чиқариш, уларни қайта ишлаш ва сотиш».

IV. Ўзбекистон Республикасининг 1992 йил 9 декабрда қабул қилинган «Давлат божи тўғрисида»ги Қонуни (Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг Ахборотномаси, 1993 йил, № 1, 22-модда; 1994 йил, № 5, 161-модда; Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 1996 йил, № 9, 144-модда; 1997 йил, № 2, 56-модда, № 4—5, 126-модда, № 9, 241-модда; 1998 йил, № 5—6, 102-модда, № 9, 181-модда) 4-моддаси 4-бандининг:

б) кичик банди қўйидаги таҳрирда баён этилсин:

«б) жисмоний шахслар — туғилиш, ўлим қайд этилганлиги учун, фарзандликка олиш, оталикни белгилаш, жинсининг ўзгартирилиши ҳолларида, шунингдек фуқаролик ҳолати далолатномаларини қайд этиш пайтида йўл қўйилган хатолар муносабати билан туғилганлик тўғрисидаги ҳужжатлар ёзувлари ўзгартирилган, тузатиш ва тўлдирилган тақдирда уларга гувоҳномалар берганлик учун»;

«в» кичик бандидаги «руҳий касаллиги ё ақли заифлиги» деган сўзлар «руҳияти бузилиши (руҳий касаллиги ёки ақли заифлиги)» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

банд қўйидаги мазмундаги «д» кичик банди билан тўлдирилсин:

«д) табиий офатлар натижасида жабрланган жисмоний шахслар — уларга такрорий гувоҳномалар берганлик учун».

V. Ўзбекистон Республикасининг 1992 йил 9 декабрда қабул қилинган «Табиатни муҳофаза қилиш тўғрисида»ги Қонуни (Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг Ахборотномаси, 1993 йил, № 1, 38-модда; Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 1995 йил, № 6, 118-модда; 1997 йил, № 4—5, 126-модда) 31-моддаси иккинчи қисмининг бешинчи хатбошиси қўйидаги мазмундаги хатбошилар билан алмаштирилсин:

«Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги;

Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги;

Ўзбекистон Республикаси Ер ресурслари давлат қўмитаси махсус ваколатли давлат табиатни муҳофаза қилиш идоралари ҳисобланади».

VI. Ўзбекистон Республикасининг 1993 йил 2 сентябрда қабул қилинган «Маҳаллий давлат ҳокимияти тўғрисида»ги Қонуни (Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг Ахборотномаси, 1993 йил, № 9, 320-модда; Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 1997 йил, № 9, 241-модда) 21-моддасининг иккинчи қисми чиқариб ташлансин.

VII. Ўзбекистон Республикасининг 1994 йил 5 майда қабул қилинган «Халқ депутатлари вилоят, туман ва шаҳар Кенгашларига сайлов тўғрисида»ги Қонунининг (Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг Ахборотномаси, 1994 йил, № 5, 125-модда; Ўзбекистон Республи-

қаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 1998 йил, № 3, 38-модда) 23-моддаси қўйидаги таҳрирда баён этилсин:

«23-модда. Депутатликка номзодларга қўйиладиган талаблар

Қўйидагилар:

қасддан содир этилган жинояти учун илгари судланган фуқаролар;

сайлов тайинланган кунга қадар сўнгги беш йил мобайнида Ўзбекистон Республикаси ҳудудида доимий яшамаган фуқаролар;

Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучларининг ҳарбий хизматчилари, Ўзбекистон Республикаси Миллий хавфсизлик хизматининг, Ички ишлар вазирлигининг, Давлат божхона қўмитасининг, бошқа ҳарбийлаштирилган бўлинмаларнинг ходимлари;

диний ташкилотлар ва бирлашмаларнинг профессионал хизматчилари депутатликка номзод этиб рўйхатга олинмайдилар.

Судьялар, прокуратура органлари ва ҳокимият ижроия органларининг мансабдор шахслари (вилоятлар, туманлар ва шаҳарларнинг ҳокимлари буидан мустасно) депутат этиб сайлангудек бўлсалар, эгаллаб турган лавозимларидан бўшаш тўғрисида ариза берганлари тақдирдагина халқ депутатлари вилоят, туман ва шаҳар Кенгашлари депутатлигига номзод этиб рўйхатга олинмайдилар».

VIII. Ўзбекистон Республикасининг 1994 йил 22 сентябрда қабул қилинган Қонуни билан тасдиқланган Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексининг (Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг Ахборотномаси, 1995 йил, № 1, 3-модда; Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 1996 йил, № 9, 144-модда; 1997 йил, № 2, 56-модда, № 9, 241-модда; 1998 йил, № 5—6, 102-модда, № 9, 181-модда):

1) 182-моддаси қўйидаги таҳрирда баён этилсин:

«182-модда. Божхона тўғрисидаги қонун ҳужжатларини бузиш

Божхона назоратини четлаб ёки божхона назоратидан яшириб ёхуд божхона ҳужжатлари ва воситаларига

Ўхшатиб ясалган ҳужжатлардан алдаш йўли билан фойдаланган ҳолда ёки декларациясиз ёхуд бошқа номга ёзилган декларациядан фойдаланиб, товар ёки бошқа қимматликларни Ўзбекистон Республикасининг божхона чегарасидан ўтказиш:

а) кўп миқдорда;

б) хизмат лавозимидан фойдаланган ҳолда содир этилган бўлса, —

мол-мулк мусодара қилиниб, беш йилдан саккиз йилгача озодликдан маҳрум қилиш билан жазоланади.

Ўша ҳаракат:

а) жуда кўп миқдорда;

б) чегарани бузиб ўтиш, яъни божхона хизматининг розилигини олмасдан туриб, товар ёки бошқа қимматликларни Ўзбекистон Республикасининг божхона чегарасидан очиқдан-очиқ ўтказиш йўли билан;

в) уюшган гуруҳ томонидан ёки унинг манфаатларини кўзлаб содир этилган бўлса, —

мол-мулк мусодара қилиниб, саккиз йилдан ўн беш йилгача озодликдан маҳрум қилиш билан жазоланади»;

2) **Кодекс қўйидаги мазмундаги 186¹-модда** билан тўлдирилсин:

«186¹-модда. Этил спирти, алкоғолли маҳсулот ва тамаки маҳсулотини ноқонуний равишда ишлаб чиқариш ёки муомалага киритиш

Этил спирти, алкоғолли маҳсулот ва тамаки маҳсулотини ноқонуний равишда ишлаб чиқариш ёки муомалага киритиш, шундай ҳаракатлар учун маъмурий жазо қўлланилганидан кейин содир этилган бўлса, —

мол-мулк мусодара қилиниб, энг кам ойлик иш ҳақининг эллик бараваридан етмиш беш бараваригача миқдорда жарима ёки икки йилгача ахлоқ тузатиш ишлари ёхуд уч йилгача озодликдан маҳрум қилиш билан жазоланади.

Ўша ҳаракатлар:

а) кўп миқдорда;

б) бир гуруҳ шахслар томонидан олдиндан тил бириктириб содир этилган бўлса, —

мол-мулк мусодара қилиниб, беш йилдан саккиз йилгача озодликдан маҳрум қилиш билан жазоланади».

IX. Ўзбекистон Республикасининг 1994 йил 22 сен-

тябрда қабул қилинган Қонуни билан тасдиқланган **Ўзбекистон Республикаси Жиноят-процессуал кодексининг** (Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг Ахборотномаси, 1995 йил, № 2, 5-модда; Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 1995 йил, № 12, 269-модда; 1997 йил, № 2, 56-модда, № 9, 241-модда; 1998 йил, № 5—6, 102-модда, № 9, 181-модда):

1) **345-моддасининг иккинчи қисми «186» рақамидан кейин «186¹» деган рақам билан тўлдирилсин;**

2) **405-моддаси матнидаги «етти суткада» деган сўзлар «ўн беш суткада» деган сўзлар билан алмаштирилсин;**

3) **490-моддаси қуйидаги мазмундаги иккинчи қисм билан тўлдирилсин:**

«Назорат инстанцияси суди жиноят ишини назорат тартибида кўриб, кассация ажримини, агар кейин суд ажримлари, қарорлари чиқарилган бўлса, уларни ҳам бекор қилади ва ишни янгидан кассация тартибида кўриб чиқишга ўтказади»;

иккинчи, учинчи ва тўртинчи қисмлари тегишинча учинчи, тўртинчи ва бешинчи қисмлар деб ҳисоблансин.

Х. Ўзбекистон Республикасининг 1994 йил 22 сентябрда қабул қилинган Қонуни билан тасдиқланган Ўзбекистон Республикаси Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексининг (Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг Ахборотномаси, 1995 йил, № 3, 6-модда; Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 1995 йил, № 9, 193-модда, № 12, 269-модда; 1996 йил, № 5—6, 69-модда, № 9, 144-модда; 1997 йил, № 2, 56-модда, № 4—5, 126-модда, № 9, 241-модда; 1998 йил, № 3, 38-модда, № 5—6, 102-модда, № 9, 181-модда):

1) **164-моддаси:**

иккинчи қисмнинг санкцияси қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«сотилаётган ашёларни мусодара қилиб, энг кам иш ҳақининг беш бараваридан ўн бараваригача миқдорда жарима солишга сабаб бўлади»;

учинчи қисмнинг санкцияси қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«фуқароларга энг кам иш ҳақининг беш бараваридан ўн бараваригача, мансабдор шахсларга эса — етти бараваридан ўн беш бараваригача миқдорда жарима солишга сабаб бўлади»;

2) Кодекс қуйидаги мазмундаги 175¹ ва 186¹-моддалар билан тўлдирилсин:

«175¹-модда. Бухгалтерия ҳисоби ва ҳисоботини юритиш тартибини бузиш

Бухгалтерия ҳисоби ва ҳисоботини юритиш тартибини бузиш —

мансабдор шахсларга энг кам иш ҳақининг беш бараваридан ўн бараваригача миқдорда жарима солишга сабаб бўлади.

Худди шундай ҳуқуқбузарлик маъмурий жазо чораси қўлланилганидан кейин бир йил давомида такрор содир этилган бўлса, —

мансабдор шахсларга энг кам иш ҳақининг ўн бараваридан ўн беш бараваригача миқдорда жарима солишга сабаб бўлади»;

«186¹-модда. Этил спирти, алкоғолли маҳсулот ва тамаки маҳсулотини ноқонуний равишда ишлаб чиқариш ёки муомалага киритиш

Этил спирти, алкоғолли маҳсулот ва тамаки маҳсулотини ноқонуний равишда ишлаб чиқариш ёки муомалага киритиш, —

ҳуқуқбузарлик ашёларини мусодара қилиб, энг кам иш ҳақининг беш бараваридан ўн беш бараваригача миқдорда жарима солишга сабаб бўлади»;

3) 227-моддасининг санкцияси қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«ҳуқуқбузарлик ашёларини мусодара қилиб, фуқароларга энг кам иш ҳақининг беш бараваридан ўн бараваригача, мансабдор шахсларга эса — ўн бараваридан ўн беш бараваригача миқдорда жарима солишга сабаб бўлади»;

4) Кодекс қуйидаги мазмундаги 241¹-модда билан тўлдирилсин:

«241¹-модда. Текширишларни ўтказиш тартибини бузиш

Хўжалик юритувчи субъектларнинг мөлия-хўжалик

фаолиятини текшириш ва тафтиш қилишларнинг белги-
ланган тартибини бузиш, —

мансабдор шахсларга энг кам иш ҳақининг уч бара-
варидан беш бараваригача миқдорда жарима солишга
сабаб бўлади.

Худди шундай ҳуқуқбузарлик маъмурий жазо чора-
си қўлланилганидан кейин бир йил давомида такрор со-
дир этилган бўлса, —

мансабдор шахсларга энг кам иш ҳақининг беш ба-
раваридан ўн бараваригача миқдорда жарима солишга
сабаб бўлади»;

5) 245-моддасининг биринчи қисми «175-моддасининг
бешинчи қисми» деган сўзлардан кейин «175¹-моддаси-
да» деган сўзлар билан, «186» рақамидан кейин «186¹»
деган, «241» рақамидан кейин эса «241¹» деган рақам-
лар билан тўлдирилсин;

6) 261-моддасининг биринчи қисмидаги «65-моддаси-
нинг биринчи қисмида (қишлоқ хўжалиги учун мўлжал-
ланган ерлар бундан мустасно), 65-моддасининг иккин-
чи қисмида, 68-моддасида (ҳисоботни бузиб кўрсатиш,
ердан фойдаланганлик тўғрисида ахборот тақдим этиш-
дан бош тортиш ёки нотўғри ахборот тақдим этиш бун-
дан мустасно), 69-моддасида (қишлоқ хўжалиги учун
мўлжалланган ерлар бундан мустасно)» деган сўзлар
«65-моддасининг иккинчи қисмида (қишлоқ хўжалиги
ерларини ва бошқа ерларни яроқсиз ҳолга келтирганлик
бундан мустасно), 68-моддасида (шаҳарлар ва посёлка-
ларнинг ерларига, табиатни муҳофаза қилиш, соғломлаш-
тириш, рекреация мақсадларига мўлжалланган ерларга,
сув фонди ерларига оид қисми)» деган сўзлар билан ал-
маштирилсин;

7) 266¹-моддаси қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

**«266¹-м о д д а. Ер ресурслари давлат қўмитасининг
органлари**

Ер ресурслари давлат қўмитасининг органларига уш-
бу Кодекснинг 65-моддасида (ерларни ишлаб чиқариш
ва бошқа чқиндилар, кимёвий ва радиоактив моддалар
ҳамда оқова сувлар билан ифлослантирганлик бундан
мустанно), 68-моддасида (шаҳарлар ва посёлкаларнинг
ерлари, табиатни муҳофаза қилиш, соғломлаштириш,
рекреация мақсадларига мўлжалланган ерлар, сув
фонди ерлари бундан мустасно), 69-моддасида пазарда

тутилган маъмурий ҳуқуқбузарликлар тўғрисидаги ишлар тааллуқлидир.

Ер ресурслари давлат қўмитаси органлари номидан маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисидаги ишларни кўриб чиқиш ва жарима солиш тартиқсида маъмурий жазо чорасини қўллашга қўйидагилар ҳақлидирлар:

Ўзбекистон Республикаси ерлардан фойдаланиш ва уларнинг муҳофаза этилишини назорат қилиш бўйича бош давлат инспектори ва унинг ўринбосарлари — фуқароларга энг кам иш ҳақининг уч бараваригача, мансабдор шахсларга эса — етти бараваригача миқдорда;

Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва туманларнинг ерлардан фойдаланиш ва уларнинг муҳофаза этилишини назорат қилиш бўйича давлат инспекторлари — фуқароларга энг кам иш ҳақининг икки бараваригача, мансабдор шахсларга эса — беш бараваригача миқдорда жарима солишга».

XI. Ўзбекистон Республикасининг 1995 йил 6 майда қабул қилинган «Ўзбекистон Республикасида депутатларнинг мақоми тўғрисида»ги Қонуни (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 1995 йил, № 6, 114-модда; 1996 йил, № 9, 141-модда) 7-моддасининг иккинчи қисми қўйидаги мазмундаги иккинчи ва учинчи қисмлар билан алмаштирилсин:

«Алоҳида ҳолларда депутатнинг ваколатлари тегишли ҳокимият вакиллик органи қарори билан муддатидан илгари тўхтатилиши мумкин. Депутат деган юксак номга доғ туширувчи хулқ-атвор бундай масалани кўриб чиқиш учун асос бўлиши мумкин.

Депутат уни депутатликка номзод этиб кўрсатган орган (партия) олдидаги ўз мажбуриятларини бажармаган тақдирда, бу органнинг (партиянинг) таклифи ҳам депутатнинг ваколатларини муддатидан илгари тўхтатиш тўғрисидаги масалани кўриб чиқиш учун асос бўлиб хизмат қилиши мумкин».

XII. Ўзбекистон Республикасининг 1995 йил 21 декабрда қабул қилинган Қонуни билан тасдиқланган Ўзбекистон Республикаси Меҳнат кодексининг (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 1996 йил, 1-сонга илова; 1997 йил, № 2, 65-модда; 1998 йил, № 5—6, 102-модда, № 9, 181-модда):

1) 65-моддасининг биринчи қисми қўйидаги тахрирда баён этилсин:

«Ишсизлик нафақаси ишсиз деб эътироф этилган шахсга у иш қидираётган шахс сифатида маҳаллий меҳнат органида рўйхатдан ўтган кундан эътиборан тайинланади. Қарамоғида учтагача киши бўлган, ўттиз беш ёшга тўлмаган ишсиз эркакка ишсизлик нафақаси у ҳақ тўланадиган жамоат ишларида Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан белгиланадиган тартибда иштирок этган тақдирда тайинланади. Ишсиз шахснинг нафақа олиш ҳуқуқи у иш қидираётган шахс сифатида рўйхатдан ўтган пайтдан бошлаб кечи билан ўн биринчи кундан эътиборан кучга киради»;

2) 66-моддаси:

биринчи қисми қуйидаги мазмундаги **тўртинчи хатбоши** билан тўлдирилсин:

«қарамоғида учтагача киши бўлган, ўттиз беш ёшга тўлмаган ишсиз эркак ҳақ тўланадиган жамоат ишларида иштирок этишни рад этган тақдирда»;

тўртинчи, бешинчи, олтинчи, еттинчи ва саккизинчи хатбошилари тегишинча **бешинчи, олтинчи, еттинчи, саккизинчи ва тўққизинчи хатбошилар** деб ҳисоблансин;

иккинчи қисми қуйидаги мазмундаги **тўртинчи хатбоши** билан тўлдирилсин:

«ишсиз шахс ҳақ тўланадиган жамоат ишларида иштирок этаётган бўлса, — бундай ишларда иштирок этган даврида».

XIII. Ўзбекистон Республикасининг 1995 йил 21 декабрда ва 1996 йил 29 августда қабул қилинган Қонунлари билан тасдиқланган Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодексининг (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 1996 йил, 2-сонга илова, № 11—12; 1997 йил, № 2, 56-модда, № 9, 241-модда; 1998 йил, № 5—6, 102-модда) **38-моддаси:**

биринчи қисми қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«Қуйидаги фуқаролик ҳолати ҳужжатлари давлат томонидан қайд этилиши керак:

- 1) тугилиш;
- 2) ўлим;
- 3) никоҳ тузилганлиги;
- 4) никоҳдан ажраллиш»;

қуйидаги мазмундаги **учинчи қисм** билан тўлдирилсин:

«Фарзандликка олиш, оталикни белгилаш, фамилия,

нем ва ота немини ўзгартириш, жинсининг ўзгартирилиши каби воқеа ва фактлар ушбу модданинг биринчи қисмида назарда тутилган фуқаролик ҳолати ҳужжатларида уларга тегишли ўзгартишлар киритиш йўли билан ифодаланади»;

учинчи, тўртинчи, бешинчи ва олтинчи қисмлари тегишинча тўртинчи, бешинчи, олтинчи ва еттинчи қисмлар деб ҳисоблансин;

олтинчи қисмидаги «фуқаролик ҳолати ҳужжатларини ёзиш органи томонидан суд қарори асосида» деган сўзлар «фуқаролик ҳолати ҳужжатларини ёзиш органи томонидан, манфаатдор шахслар ўртасида низо бўлса ёки фуқаролик ҳолати ҳужжатларидаги ёзувларда жиддий тафовутлар бўлса — суд қарори асосида» деган сўзлар билан алмаштирилсин.

XIV. Ўзбекистон Республикасининг 1996 йил 29 августда қабул қилинган Қонуни билан тасдиқланган Ўзбекистон Республикаси Консуллик уставининг (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 1996 йил, № 9, 124-модда) 46-моддаси қуйидаги тахрирда баён этилсин:

«46-модда. Консул томонидан фуқаролик ҳолати далолатномаларини қайд этиш Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси тасдиқлайдиган Фуқаролик ҳолати далолатномаларини қайд этиш қоидаларига мувофиқ амалга оширилади».

XV. Ўзбекистон Республикасининг 1996 йил 30 августда қабул қилинган «Селекция ютуқлари тўғрисида»ги Қонуни (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 1996 йил, № 9, 133-модда; 1997 йил, № 4—5, 126-модда) 22-моддасининг иккинчи қисми қуйидаги тахрирда баён этилсин:

«Давлат синовлари ихтисослаштирилган ташкилотлар томонидан белгиланган услуб ва муддатларда рўйхати Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан тасдиқланадиган давлат нав синов станцияларида, давлат нав синов участкаларида, бошқа ҳўжаликлар ва ташкилотларда ўтказилади».

XVI. Ўзбекистон Республикасининг 1997 йил 24 апрелда қабул қилинган «Табий монополиялар тўғрисида»ги Қонуни (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 1997 йил, № 4—5, 106-модда) қуйидаги мазмундаги 2¹-модда билан тўлдирилсин:

«2¹-модда. Ушбу Қонунда қўлланилаётган асосий тушунчалар

Ушбу Қонунда қуйидаги асосий тушунчалар қўлланилмоқда:

табiiй монополия — товар бозоридаги шундай ҳолатки, унда технологик хусусиятларга кўра ишлаб чиқариш харажатлари ортиб кетиши муносабати билан муайян турдаги товарларга (ишларга, хизматларга) бўлган талабни қондиришнинг рақобатга асосланган шароитини яратиб бўлмайди ёки бундай шароитни яратиш иқтисодий жиҳатдан мақсадга мувофиқ эмас;

табiiй монополия субъекти — табiiй монополия шароитида товарлар (ишлар, хизматлар) ишлаб чиқариш (реализация қилиш) билан машғул хўжалик юритувчи субъект (юридик шахс)».

XVII. Ўзбекистон Республикасининг 1997 йил 24 апрелда қабул қилинган Қонуни билан тасдиқланган Ўзбекистон Республикасининг Солиқ кодекси (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 1997 йил, 4—5-сонга илова, № 9, 241-модда; 1998 йил, № 3, 38-модда, № 5—6, 102-модда, № 9, 181-модда):

1) 7-моддасининг биринчи қисми қуйидаги мазмундаги 4¹-банд билан тўлдирилсин:

«4¹) ижтимоий инфратузилмани ривожлантириш солиғи»;

2) 8-моддасининг тўртинчи қисми қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«Савдо ва умумий овқатланиш корхоналари даромад (фойда) солиғи, қўшилган қиймат солиғи, экология солиғи, сув ресурсларидан фойдаланганлик учун солиқ, ер ости бойликларидан фойдаланганлик учун солиқ, ер солиғи, ижтимоий инфратузилмани ривожлантириш солиғи, бошқа маҳаллий солиқлар ва йиғимлар (мол-мулк солиғи бундан мустасно) ўрнига бюджетга ялпи даромад солиғи тўлайдилар. Ялпи даромад солиғини ҳисоблаб чиқариш тартиби ва ставкалари Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан белгиланади»;

3) 28-моддаси қуйидаги мазмундаги иккинчи қисм билан тўлдирилсин:

«Ҳар йили Давлат бюджети тасдиқланаётган вақт-

да Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси юридик шахсларнинг даромадларига (фойдасига) солинадиган солиқ ставкасини ушбу модданинг биринчи қисмида назарда тутилган энг юқори миқдоридан кўпайтирмай белгиллаган ҳолда уни қайта кўриб чиқиши мумкин»;

иккинчи қисми учинчи қисм деб ҳисоблансин;

4) 31-моддасининг биринчи қисми қуйидаги мазмундаги 21-банд билан тўлдирилсин:

«21) ички ишлар органлари ҳузуридаги соқчилик бўлинмалари»;

5) 63-моддасининг учинчи қисми қуйидаги мазмундаги учинчи ва тўртинчи қисмлар билан алмаштирилсин:

«Жисмоний шахсларнинг даромадига солинадиган солиқ тўлов манбаида ушлаб қолинганда солиқ қуйидаги муддатларда тўланади:

даромад тўловчи юридик шахслар томонидан ушлаб қолинган солиқ суммаси шу мақсадларда пул маблағлари олиш учун банкка ҳужжатлар тақдим этиш билан бир вақтда бюджетга ўтказилади;

тўловни натура ҳолида ёки маҳсулотни реализация қилишдан, ишлар бажариш ёхуд хизмат кўрсатишдан тушган тушумдан тўловчи юридик шахслар томонидан, ушлаб қолинган солиқ суммаси тўлов амалга оширилган ой тугаганидан кейин беш кун ичида бюджетга ўтказилади.

Ушбу модданинг биринчи қисмида кўрсатилган юридик шахслар:

иш ҳақини тўлаш чоғида жисмоний шахснинг талабига кўра унга унинг даромади суммаси ва тури, шунингдек ушлаб қолинган солиқ суммаси (агар солиқ ушлаб қолинган бўлса) кўрсатилган маълумотномани бериши;

асосий бўлмаган иш жойидан олинган даромадлар тўғрисида жисмоний шахснинг рўйхат рақами, фамилияси, исми ва отасининг исми, доимий яшаш манзили, ҳисобот йилида қилган даромадининг умумий суммаси ва ушлаб қолинган солиқнинг умумий суммаси кўрсатилган маълумотномани қонун ҳужжатларида белгиланган шаклда молия йили тугаганидан сўнг ўттиз кун ичида солиқ органларига тақдим этиши шарт»;

6) Кодекс қуйидаги мазмундаги 64¹-модда билан тўлдирилсин:

«64¹-модда. Тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланувчи жисмоний шахсларга солиқ солишнинг алоҳида тартиби

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланувчи жисмоний шахслар учун солиқнинг қатъий суммасини белгилаган ҳолда солиқ солишнинг алоҳида тартибини тайинлаши мумкин»;

7) 66-моддасининг:

биринчи қисми қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«Тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланувчи юридик шахслар қўшилган қиймат солиғи тўловчилардир»;

иккинчи қисми «ана шу товарлар» деган сўзлардан кейин «(ишлар, хизматлар)» деган сўзлар билан тўлдирилсин;

8) 67-моддасининг иккинчи қисми қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«Товарларни (ишларни, хизматларни) реализация қилиш обороти солиқ солинадиган оборотдир, қўшилган қиймат солиғи тўлашдан озод қилинган ва ўз ишлаб чиқариш эҳтиёжлари учун фойдаланиладиган товарлар (ишлар, хизматлар) бундан мустасно»;

9) 71-моддасининг:

биринчи қисми:

35-бандидаги «эллик» деган сўз «камида эллик» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

37-банди чиқариб ташлансин;

қуйидаги мазмундаги **39-банд** билан тўлдирилсин:

«39) ички ишлар органлари ҳузуридаги соқчилик бўлинмаларининг хизматлари»;

иккинчи қисми чиқариб ташлансин;

10) 72-моддасининг:

иккинчи хатбошиси қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«агар ҳукуматлараро тузилган шартномаларда бошқача тартиб назарда тутилган бўлмаса, товарларнинг (ишларнинг, хизматларнинг) эркин конвертация қилинадиган валютадаги экспортга, шу жумладан Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлиги мамлакатларига етказиб берилишига»;

модда қуйидаги мазмундаги **тўртинчи хатбоши** билан тўлдирилсин:

«чет эл тарафи томонидан ўзаро дўстлик принципи қўлланган тақдирда, чет эл дипломатик ваколатхонала-

ри ҳамда уларга тенглаштирилган ваколатхоналарнинг расмий фойдаланиши учун, шунингдек бу ваколатхоналар дипломатик ва маъмурий-техник ходимларининг, шу жумладан улар билан биргаликда яшаётган оила аъзоларининг, агар улар Ўзбекистон Республикаси фуқароси бўлмасалар ҳамда республикада доимий яшаётган бўлмасалар, шахсий фойдаланиши учун реализация қилинаётган товарларга (ишларга, хизматларга)»;

11) 73-моддасининг иккинчи қисми қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«Ижтимоий аҳамиятга молик айрим озиқ-овқат товарлари бўйича қўшилган қиймат солиғи камайтирилган ставкаларда тўланиши мумкин. Ставкалар ва бундай товарларнинг рўйхати Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан белгиланади»;

12) 74-моддасининг биринчи қисми қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«Бюджетга тўланиши лозим бўлган қўшилган қиймат солиғи солиқ солинадиган оборот бўйича ҳисоблаб чиқарилган солиқ суммаси билан ушбу Кодекснинг 75-моддасига мувофиқ ҳисобга ўтказиладиган солиқ суммаси ўртасидаги фарқ сифатида белгиланади»;

13) 75-модданинг матни қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«Ҳисобга ўтказиладиган қўшилган қиймат солиғи суммаси ҳисобот даврида амалда келиб тушган, шунингдек импорт қилинган, солиқ солинадиган оборот, шу жумладан ноль даражали ставка бўйича солиқ солинадиган оборот учун фойдаланиладиган товарлар (ишлар, хизматлар) учун олинган ҳисобварақ-фактуралар бўйича тўланиши лозим бўлган солиқ суммасидир. Олинган, ўз эҳтиёжлари учун фойдаланилаётган асосий воситалар ва номоддий активлар бўйича солиқ суммаси ҳисобга ўтказилмаслиги керак»;

14) 76-моддасининг учинчи қисмидаги «солиғи бўйича ҳисобга турмаган» деган сўзлар «солиғини тўловчи бўлмаган» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

15) 90-моддасининг биринчи қисми «қонун ҳужжатларига мувофиқ мулк қилиб олинган ернинг қиймати бундан мустасно» деган сўзлар билан тўлдирилсин;

16) 91-моддаси қуйидаги мазмундаги иккинчи қисм билан тўлдирилсин:

«Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси норматив муддатда ўрнатилмаган ёки фойдаланилмаётган

ускуналар учун солиқнинг оширилган ставкаларини белгилашга ҳақли»;

иккинчи қисми учинчи қисм деб ҳисоблансин;

17) 92-моддасининг биринчи қисми қуйидаги мазмундаги **хатбоши** билан тўлдирилсин:

«солиқ тўловчининг балансида бўлган ҳамда тадбиркорлик фаолиятида фойдаланилмаётган фуқаролик ҳимояси ва сафарбарлик аҳамиятига молик объектларнинг»;

18) 100-моддасининг биринчи қисми қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«Қонун ҳужжатларига мувофиқ ер участкаларини ижарага олган юридик ва жисмоний шахслар ер солиғи ўрнига бюджетга ижара ҳақи тўлайдилар»;

19) 101-моддаси биринчи қисмининг:

9-банди «нефть ва газ қувурлари» деган сўзлардан кейин «иссиқлик трассалари» деган сўзлар билан тўлдирилсин;

11-банди қуйидаги таҳрирда баён этилсин;

«11) Ўзбекистон Республикасининг Инвестиция дастурига киритилган объектлар қурилиши учун ажратилган ерлар — қурилишнинг норматив муддати даврига, шунингдек Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг қарори билан қурилиш ишлари тўхтатиб қўйилган объектлар эгаллаган ерлар»;

қисм қуйидаги мазмундаги **19-банд** билан тўлдирилсин:

«19) солиқ тўловчининг балансида бўлган ҳамда тадбиркорлик фаолиятида фойдаланилмаётган фуқаролик ҳимояси ва сафарбарлик аҳамиятига молик объектлар эгаллаган ерлар»;

20) 102-моддаси биринчи қисмининг 1-бандидаги «(бюджетдан молиявий таъминланадиган бошқарув органлари ва илмий-тадқиқот муассасалари бундан мустасно)» деган сўзлар чиқариб ташлансин;

21) 108-моддаси қуйидаги мазмундаги иккинчи қисм билан тўлдирилсин:

«Юридик шахслар балансида бўлган ва улар томонидан тадбиркорлик фаолиятида фойдаланилмаётган фуқаролик ҳимояси ва сафарбарлик аҳамиятига молик объектларга ер остидан фойдаланганлик учун солиқ солинмайди»;

22) 135-моддасининг биринчи қисми қуйидаги мазмундаги **9-банд** билан тўлдирилсин:

«9) товарлар (ишлар, хизматлар) реализация қилинаётганда ҳисобварақ-фактураларни белгиланган тартибни бузган ҳолда расмийлаштирганлик учун маҳсулот етказиб берувчидан реализация қилинган товарлар (ишлар, хизматлар) қийматининг ўн фоизи миқдорида жарима ундирилади».

XVIII. Ўзбекистон Республикасининг 1998 йил 30 апрелда қабул қилинган «Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссияси тўғрисида»ги Қонунининг (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 1998 йил, № 5—6, 95-модда) 3-моддаси қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«3-модда. Марказий сайлов комиссиясини тузиш

Марказий сайлов комиссияси Олий Мажлис томонидан камида ўн беш нафар аъзодан иборат таркибда тузилади.

Марказий сайлов комиссиясининг аъзолари Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгеси, халқ депутатлари вилоятлар ва Тошкент шаҳар Кенгашларининг тавсияси бўйича Олий Мажлис томонидан тасдиқландилар.

Марказий сайлов комиссиясининг Раиси комиссия аъзолари орасидан Ўзбекистон Республикаси Президентининг тақдимномаси бўйича комиссия мажлисида сайланади.

Марказий сайлов комиссияси Раисининг ўринбосари ва комиссия котиби комиссия аъзолари орасидан комиссия мажлисида сайландилар.

Марказий сайлов комиссиясининг ваколатлари Олий Мажлисининг қарори бўйича тугатилиши мумкин».

XIX. Ўзбекистон Республикасининг 1998 йил 28 августда қабул қилинган «Эл-юрт ҳурмати» орденини таъсис этиш тўғрисида»ги Қонуни (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 1998 йил, № 9, 163-модда) билан тасдиқланган «Эл-юрт ҳурмати» ордени тавсифи» қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«Эл-юрт ҳурмати» ордени

ТАВСИФИ

«Эл-юрт ҳурмати» ордени 1 микрон қалинликдаги тилла қопланган 925 пробали кумушдан тайёрланади, у

икки ёнбағридан нурлар таралган саккиз қиррали юлдуз шаклига эга. Юлдузнинг бурчаклари орасида зангори рангдаги шаффоф эмаль қопланган тарам бўлиб таралаётган нур тутамлари жойлашган. Юлдузнинг қарама-қарши жойлашган учларининг ораси 57 миллиметр. Нурлар жо бўлган айлананинг диаметри — 52 миллиметр.

Орденнинг марказида Регистон майдони тасвирланган. Унинг ортида рангли эмаль юритилган водийлар ва тоғлар, улар узра эса зангори осмон фониди чиқаётган қуёш акс эттирилган.

Майдон тасвирининг атрофи қизил рангдаги эмаль тўлдирилган ботиқ айлана билан ўралган. Юқорида, оқ фонда «**EL-YURT HURMATI**» сўзлари, айлананинг пастки қисмида — яшил шаффоф эмаль қопланган дафна шохлари жойлашган. Тасвир ва ёзувнинг атрофи қизил рангдаги эмаль тўлдирилган ботиқ айлана билан ўралган.

Орденнинг орқа томонида, пастки қисмида унинг тартиб рақами 2 миллиметр катталикидаги шрифт билан ёзилган.

Орден Ўзбекистон Республикасининг Давлат байроғи ранглиридаги муҳайяр лента сирилган қадағичга илмоқча ва ҳалқа ёрдамида уланади».

**Ўзбекистон Республикасининг
Президенти**

И. КАРИМОВ

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ
МАЖЛИСИНИНГ I-ЧАҚИРИҚ XIV-СЕССИЯСИДА**

**ҚАБУЛ ҚИЛИНГАН
ҚОНУН ВА ҚАРОРЛАР
1998 йил 14-15 апрель**

**ТАДБИРКОРЛИК ВА ТАДБИРКОРЛАР ФАОЛИЯТИНИНГ
КАФОЛАТЛАРИ ТЎҒРИСИДА**

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИНИНГ

1999 йил 14 апрель

Қ О Н У Н И

**(Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг
Ахборотномаси, 1999 йил, 5-сон, 106-модда)**

I. УМУМИЙ ҚОИДАЛАР

1-модда. Қонуннинг мақсади ва асосий вазифалари

Ушбу Қонуннинг мақсади тадбиркорлик фаолиятини ташкил этиш ва амалга ошириш билан боғлиқ муносабатларни тартибга солиш, шунингдек тадбиркорларга кафолатлар беришдан иборат.

Ушбу Қонуннинг асосий вазифалари фуқароларнинг тадбиркорлик фаолиятида эркин иштирок этиши ва манфаатдорлиги учун шарт-шароит яратиш, уларнинг ишчанлик фаоллигини оширишдан, тадбиркорлик фаолияти субъектларининг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилишдан иборатдир.

2-модда. Тадбиркорлик ва тадбиркорлар фаолиятининг кафолатлари тўғрисидаги қонун ҳужжатлари

Тадбиркорлик ва тадбиркорлар фаолиятининг кафолатлари тўғрисидаги қонун ҳужжатлари ушбу Қонун ва бошқа қонун ҳужжатларидан иборатдир.

Тадбиркорларнинг товар ишлаб чиқарувчилар ва тадбиркорлар палатасига аъзолиги билан боғлиқ муносабатларнинг ўзига хос жиҳатлари «Товар ишлаб чиқа-

рувчилар ва тадбиркорлар палаталари тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни билан ҳам тартибга солинади.

Асосий вазифаси тадбиркорлик фаолияти бўлмаган давлат муассасалари, ташкилотлари, фуқароларнинг ўзини-ўзи бошқариш органлари, жамоат бирлашмалари, диний ташкилотлар ва бошқа ташкилотларга нисбатан ушбу Қонун улар фаолиятининг ўз хусусиятига кўра тадбиркорлик ҳисобланадиган қисмига нисбатан қўлланилади.

Қорақалпоғистон Республикасида тадбиркорлик ва тадбиркорлар фаолиятининг кафолатлари билан боғлиқ муносабатлар Қорақалпоғистон Республикаси қонун ҳужжатлари билан ҳам тартибга солинади.

Агар Ўзбекистон Республикасининг халқаро шартномасида тадбиркорлик ва тадбиркорлар фаолиятининг кафолатлари тўғрисидаги Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатларида назарда тутилганидан бошқача қоидалар белгиланган бўлса, халқаро шартнома қоидалари қўлланилади.

3-модда. Тадбиркорлик тушунчаси

Тадбиркорлик (тадбиркорлик фаолияти) — қонун ҳужжатларига мувофиқ даромад (фойда) олишга қаратилган, юридик ва жисмоний шахслар томонидан маҳсулот ишлаб чиқариш (ишларни бажариш, хизматлар кўрсатиш) йўли билан таваккал қилиб ва ўз мулкий жавобгарлиги остида амалга ошириладиган ташаббускор фаолият.

Тадбиркор — юридик шахс ташкил этган ҳолда ҳам, ташкил этмасдан ҳам тадбиркорлик фаолияти билан доимий асосда шуғулланувчи жисмоний шахс (якка тартибдаги тадбиркор).

4-модда. Тадбиркорлик фаолияти субъектлари

Қонун ҳужжатларига мувофиқ юридик шахслар ва якка тартибдаги тадбиркорлар, шу жумладан чет эл фуқаролари ёки юридик шахслари, шунингдек фуқаролиги бўлмаган шахслар тадбиркорлик фаолияти субъектларидир.

Давлат ҳокимияти ва бошқарув органларининг мансабдор шахслари, шунингдек қонунларда тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланиши ман этилган бошқа шахс-

лар тадбиркорлик фаолиятининг субъектлари бўлишлари мумкин эмас.

5-модда. Тадбиркорлик фаолияти субъектларининг бирлашмалари

Тадбиркорлик субъектлари ўз фаолиятларини мувофиқлаштириш, шунингдек ҳуқуқларини ҳамда умумий манфаатларини ифода этиш ва ҳимоя қилиш мақсадида уюшмалар (иттифоқлар) шаклида бирлашмалар тузишлари мумкин.

Тадбиркорлик субъектлари тадбиркорлик фаолиятини биргаликда юритиш мақсадида хўжалик бирлашмалари, хўжалик ширкатлари ёки жамиятлари тузишлари мумкин.

Агар қатнашчиларнинг қарорига биноан уюшма (иттифоқ) зиммасига тадбиркорлик фаолиятини юритиш юклатилса, бундай уюшма (иттифоқ) қонун ҳужжатларида назарда тутилган тартибда концернга, корпорацияга ва бошқа шаклдаги хўжалик бирлашмаларига ёхуд хўжалик ширкатига ёки жамиятига айлантирилиши лозим.

Тадбиркорлик фаолияти субъектларининг бирлашмасини тузиш, унинг фаолият юритиши, қайта ташкил этилиши ва тугатилиши билан боғлиқ муносабатлар қонун ҳужжатлари билан тартибга солинади.

6-модда. Тадбиркорлик фаолияти субъектларини давлат рўйхатидан ўтказиш

Тадбиркорлик фаолияти субъектлари давлат рўйхатидан ўтказилиши лозим.

Тадбиркорлик фаолияти субъектларини давлат рўйхатидан ўтказиш қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда ва муддатларда амалга оширилади. Якка тартибдаги тадбиркорни давлат рўйхатидан ўтказиш хусусиятлари ушбу Қонуннинг 17 ва 18-моддаларида назарда тутилган.

Давлат рўйхатидан ўтказиш маълумотлари ҳамма танишиши учун очиқ бўлган ягона давлат реестрига киритилади.

Тадбиркорлик фаолияти субъектини ташкил этишнинг қонунда белгиланган тартиби бузилиши ёки таъсис ҳужжатларининг қонунга номувофиқ бўлиши давлат рўйхатидан ўтказишни рад этишга сабаб бўлади.

Рўйхатдан ўтказувчи органлар тадбиркорлик фаолияти субъектларини ташкил этиш мақсадга мувофиқ эмас, деган важ билан уларни давлат рўйхатидан ўтказишни рад этишга ёки қонун ҳужжатларида назарда тутилмаган қўшимча талабларни белгилашга ҳақли эмас.

Тадбиркорлик фаолияти субъектларини давлат рўйхатидан ўтказишни рад этганлик, шунингдек рўйхатдан ўтказиш муддатларини бузганлик устидан судга шикоят қилиш мумкин.

Рўйхатдан ўтказувчи орган мансабдор шахсларининг ҳаракатлари (қарорлари) суд томонидан қонунга хилоф деб топилган тақдирда, улар рўйхатдан ўтказишни рад этиш ёки рўйхатдан ўтказиш муддатини бузиш туфайли тадбиркорлик фаолияти субъектларига етказилган зарарни тўлайдилар, шунингдек маънавий зарарни қоплайдилар.

Тадбиркорлик фаолияти субъекти — юридик шахс давлат рўйхатидан ўтказилган пайдан бошлаб ташкил этилган ҳисобланади.

Тадбиркорлик фаолияти субъекти — якка тартибдаги тадбиркор давлат рўйхатидан ўтказилганлик тўғрисидаги гувоҳномани олган пайдан бошлаб ўз фаолиятини амалга оширади.

7-модда. Тадбиркорлик фаолиятининг айрим турларини лицензиялаш

Лицензияланиши лозим бўлган тадбиркорлик фаолиятининг турлари қонулар билан белгиланади.

Тадбиркорлик фаолиятининг айрим турларини амалга ошириш учун лицензиялар бериш тартиби Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан белгиланади.

8-модда. Тадбиркорлик фаолиятининг мулкий асоси

Тадбиркорлик фаолияти тадбиркорнинг (тадбиркорларнинг) ўз мол-мулки асосида ҳам, жалб этилган мол-мулк асосида ҳам амалга оширилиши мумкин.

Тадбиркор (тадбиркорлар) тадбиркорлик фаолиятини амалга оширишига асос ва восита бўлган мол-мулк, шу жумладан мулкий ҳуқуқлар қонун ҳужжатларида назарда тутилган тартибда ҳуқуқларнинг белгиланиши, ўзгариши ва бекор бўлиши билан боғлиқ олди-сотди, гаров, ижара ва бошқа битимлар объекти бўлиши мумкин.

9-модда. Тадбиркорлик фаолияти субъектларига кредитлар бериш ва уларни суғурта қилиш

Тадабиркорлик фаолияти субъектларига кредитлар бериш ва уларни суғурта қилиш қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда амалга оширилади.

Тадабиркорлик фаолиятининг субъектига кредитлар беришда банк муассасалари, бошқа кредит муассасалари ёки суғурта ташкилотлари кафил бўлишлари мумкин.

Туловга қобилиятли юридик ва жисмоний шахслар кафил бўлишлари мумкин.

Кредит шартномалар бўйича мажбуриятлар таъминоти сифатида тадабиркорлик фаолиятининг субъекти ўз мол-мулкидан, шу жумладан ашёларидан ва мулкӣ ҳуқуқларидан фойдаланиши мумкин.

10-модда. Ҳисоб ва ҳисобот

Тадабиркорлик фаолияти субъекти ҳисоб ва ҳисоботни қонун ҳужжатларига мувофиқ юритади.

Тадабиркорлик фаолияти субъекти ҳисобот маълумотларининг тўғрилиги учун қонунда белгиланган тартибда жавобгар бўлади.

II. ТАДАБИРКОРЛИК ФАОЛИЯТИ СУБЪЕКТЛАРИНИНГ ҲУҚУҚЛАРИ ВА МАЖБУРИЯТЛАРИ

11-модда. Тадабиркорлик фаолияти субъектларининг ҳуқуқлари

Тадабиркорлик фаолияти субъектлари қуйидагиларга ҳақли:

ишлаб чиқариш дастурини мустақил равишда шакллантириш, маҳсулот етказиб берувчиларни ва ўз маҳсулоти (ишлари, хизматлари) нинг истеъмолчиларини танлаш;

тадабиркорликдан чекланмаган миқдорда даромад (фойда) олиш ва уни ўз ихтиёрига кўра тасарруф этиш, товарлар (ишлар, хизматлар) бозорида монопол мавқени эгаллаб турган тадабиркорлик фаолияти субъектлари бундан мустасно;

ўз маҳсулотини (ишлари, хизматларини), ишлаб чиқариш чиқиндиларини бозор конъюнктурасидан келиб

чиқиб ёки шартнома асосида мустақил равишда белгиланадиган нархлар ва тарифлар бўйича реализация қилиш, қонун ҳужжатларида назарда тутилган ҳоллар бундан мустасно;

асосий ишлаб чиқариш фондларининг жадаллаштирилган амортизациясини қилинган харажатларни ишлаб чиқариш чиқимларига тегишли асосий фондлар учун белгиланган нормадан икки баравардан ошиб кетмайдиган миқдорда киритган ҳолда қўллаш;

бинолар, иншоотлар, ускуналар ва бошқа мол-мулкни олиш ва (ёки) ижарага олиш, шу жумладан ихтисослашган лизинг корхоналари, ташкилотлари воситачилигида олиш;

хайрия фаолиятида иштирок этиш;

белгиланган тартибда ташқи иқтисодий фаолиятни амалга ошириш.

Тадбиркорлик фаолияти субъектлари қонун ҳужжатларида назарда тутилган бошқа ҳуқуқларга ҳам эга бўлиши мумкин.

12-модда. Тадбиркорлик фаолияти субъектларининг мажбуриятлари

Тадбиркорлик фаолияти субъектлари:

қонун ҳужжатлари ёки ўзлари тузган шартномалардан келиб чиқадиган мажбуриятларни бажаришлари;

ёлланган ходимлар билан ўз вақтида ҳисоб-китоб қилишлари;

хавфсизлик, экология, санитария, гигиена ва меҳнатни муҳофаза қилиш талабларига риоя этишлари;

реализация қилинадиган маҳсулотларининг қонун ҳужжатларига мувофиқ сертификатларига эга бўлишлари;

манзили ва бошқа реквизитлари ўзгарганлиги тўғрисида тегишли давлат органларини ўз вақтида хабардор қилишлари;

бухгалтерия ҳисобини ва бошқа ҳисобни қонун ҳужжатлари талабларига мувофиқ юритишлари;

ўз фаолиятлари тўғрисидаги ҳисоботларни тегишли органларга белгиланган тартибда ва муддатларда тақдим этишлари шарт.

Тадбиркорлик фаолияти субъектларининг қонун ҳужжатларида назарда тутилган бошқа мажбуриятлари ҳам бўлиши мумкин.

13-модда. Тадбиркорлик субъектларининг фаолиятини текшириш

Тадабиркорлик субъектларининг фаолиятини текшириш режали тартибда қонун ҳужжатларига мувофиқ махсус ваколатли органнинг қарорига биноан йилига кўпи билан бир марта амалга оширилиши мумкин.

Солиқлар ва бошқа мажбурий тўловларни ўз вақтида ва тўла ҳажмда тўлаб турадиган, аудитор (аудиторлик фирмаси)нинг ҳар йиллик тегишли хулосаларига эга бўлган ҳамда тадабиркорлик фаолиятининг бошқа норма ва қоидаларига риоя этадиган тадабиркорлик субъектларининг фаолиятини текшириш назорат қилувчи органлар томонидан, қоида тариқасида, икки йилда кўпи билан бир марта амалга оширилади.

Назорат қилувчи органлар ўтказадиган тадабиркорлик субъектларининг фаолиятини текшириш ўттиз календар кундан ошиб кетмаслиги ва тадабиркорлик субъектларининг фаолиятига халақит бермаслиги лозим.

Тадабиркорлик фаолияти субъектлари назорат қилувчи органларнинг ваколат доирасига кирмайдиган масалалар бўйича талабларини бажармаслик ва текшириш мавзунга тааллуқли бўлмаган материаллар билан уларни таништирмаслик ҳуқуқига эгадирлар.

Текшириш натижалари қонун ҳужжатларида белгиланган муддатларда тадабиркорлик фаолияти субъектларига маълум қилинади.

Назорат қилувчи органлар ва уларнинг мансабдор шахслари, аудиторлар (аудиторлик фирмалари) тадабиркорлик субъектларининг фаолиятини текшириш ва тафтиш қилиш муносабати билан ўзларига маълум бўлган, тижорат сирини ҳисобланувчи маълумотларни ошкор этганлик учун қонунга мувофиқ жавобгар бўладилар.

III. ЯККА ТАРТИБДАГИ ТАДАБИРКОРЛИКНИНГ ХУСУСИЯТЛАРИ

14-модда. Якка тартибдаги тадабиркорликнинг турлари

Якка тартибдаги тадабиркорлик шахсий тадабиркорлик (бир шахснинг тадабиркорлиги) ва биргаликдаги тадабиркорлик (шахслар гуруҳининг тадабиркорлиги) турларига бўлинади.

15-модда. Шахсий тадбиркорлик (бир шахсининг тадбиркорлиги)

Шахсий тадбиркорлик якка тартибдаги тадбиркорнинг ўзи томонидан мулк ҳуқуқида, шунингдек мулкка эгаллик қилиш ва (ёки) ундан фойдаланишга йўл қўядиган ўзга ашёвий ҳуқуқ туфайли ўзига тегишли бўлган мол-мулк негизда мустақил равишда амалга оширилади.

Шахсий тадбиркорликни амалга ошириш учун эр-хотиндан бири эр-хотиннинг умумий биргаликдаги мол-мулкидан фойдаланган ҳолларда, агар қонунларда ёки никоҳ шартномасида ёхуд эр-хотин ўртасидаги ўзга келишувда бошқача қоида назарда тутилган бўлмаса, эрнинг (хотиннинг) розилиги талаб қилинади.

16-модда. Биргаликдаги тадбиркорлик шакллари

Юридик шахс ташкил қилмаган ҳолдаги биргаликдаги тадбиркорлик шаклларига қуйидагилар киради:

эр-хотиннинг умумий мол-мулки негизда амалга ошириладиган оилавий тадбиркорлик, шу жумладан деҳқон хўжалигининг умумий биргаликдаги мулки негизда амалга ошириладиган деҳқон хўжалиги:

оддий ширкат.

Эр-хотинга умумий биргаликдаги мулк ҳуқуқида тегишли бўлган мол-мулк негизда оилавий тадбиркорлик амалга оширилаётганида, иш муомаласида эр-хотин номидан эрнинг ёки хотиннинг розилиги билан эр-хотиндан бири иштирок этади, бу розилик якка тартибдаги тадбиркорликни рўйхатдан ўтказиш пайтида тасдиқланиши лозим.

Тадбиркорлик фаолияти объекти сифатида уй-жойдан фойдаланиш билан боғлиқ оилавий тадбиркорлик амалга оширилаётганида, уй-жой мулкдорларидан бирининг иш муомаласига киришиши бошқа мулкдорларнинг нотариал тасдиқланган розилиги билангина бажарилади.

Деҳқон хўжалиги ва оддий ширкатни тузиш, унинг фаолият юритиши ва фаолиятини тугатиши билан боғлиқ муносабатлар қонун ҳужжатлари билан тартибга солинади.

17-модда. Якка тартибдаги тадбиркорни давлат рўйхатидан ўтказиш хусусиятлари

Якка тартибдаги тадбиркорни давлат рўйхатидан ўтказиш тегишли давлат ҳокимияти органи томонидан, қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда амалга оширилади.

Рўйхатдан ўтказиш жисмоний шахс ариза берган пайтдан бошлаб уч кунлик муддатдан кечиктирмай амалга оширилиши лозим. Жисмоний шахс рўйхатдан ўтказиш йиғимини тўлаганлиги тўғрисидаги ҳужжатни тақдим этгандан кейин, унга аризасида кўрсатилган муддатга якка тартибдаги тадбиркор давлат рўйхатидан ўтказилганлиги тўғрисидаги гувоҳнома берилади. Давлат рўйхатидан ўтказиш рад этилган тақдирда, бундай қарорни қабул қилган орган жисмоний шахсни уч кун ичида ёзма шаклда бу ҳақда хабардор қилиши шарт.

Давлат рўйхатидан ўтказганлик тўғрисидаги гувоҳнома солиқ органлари ва қонун ҳужжатларида белгиланадиган бошқа органлар мансабдор шахсларининг талабига биноан кўрсатилади.

Якка тартибдаги тадбиркор давлат рўйхатидан ўтганидан сўнг солиқ органлари ҳамда пенсия фонди органларида қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда рўйхатга туриши шарт.

18-модда. Рўйхатдан ўтказиш йиғими

Якка тартибдаги тадбиркор давлат рўйхатидан ўтказилганлик учун рўйхатдан ўтказиш йиғимини тўлайди.

Рўйхатдан ўтказиш йиғими банк муассасалари ёки аҳолидан тўловларни қабул қилувчи бошқа муассасалар орқали тўланади. Тўланган рўйхатдан ўтказиш йиғими қайтарилмайди.

Рўйхатдан ўтказиш йиғими ставкасининг меъёрий миқдори Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан белгиланади. Йиғимнинг аниқ миқдорлари, уни ундириш тартиби ва тўлаш бўйича имтиёзлар бериш қонун ҳужжатларида белгиланади.

Йиғим суммаси тадбиркор рўйхатдан ўтказилган жойдаги маҳаллий бюджет ҳисобига ўтказилади.

19-модда. Якка тартибдаги тадбиркорликни ўз номидан амалга ошириш

Якка тартибдаги тадбиркор ўз номидан тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланади, ҳуқуқлар ва мажбуриятларга эга бўлади ҳамда уларни амалга оширади.

Жисмоний шахс ўзининг тадбиркорлик фаолияти билан боғлиқ битимларни тузаётганида, агар бунинг моҳияти тузилаётган битимнинг мазмунидан аниқ келиб чиқмаса, якка тартибдаги тадбиркор сифатида ҳаракат қилаётганини кўрсатиши лозим. Бундай кўрсатманинг бўлмаслиги якка тартибдаги тадбиркорни ўз мажбуриятлари юзасидан зиммасидаги жавобгарликдан озод этмайди.

Якка тартибдаги тадбиркор ўз фаолиятини амалга оширишда шахсий иш ҳужжатлари бланкаларидан, муҳр, штамплардан фойдаланишга ҳақли, уларнинг матнлари мазкур шахс якка тартибдаги тадбиркор эканлигидан далолат бериши лозим.

20-модда. Маҳсулот (ишлар, хизматлар) сифатига қўйиладиган талаблар

Якка тартибдаги тадбиркор ишлаб чиқараётган маҳсулот (ишлар, хизматлар) қонун ҳужжатларида белгиланган талабларга жавоб бериши лозим.

21-модда. Савдо-воситачилик фаолияти

Якка тартибдаги тадбиркор ўзи ишлаб чиқараётган маҳсулотни (ишларни, хизматларни), шунингдек реализация қилиш мақсадида олган товарларни қонун ҳужжатларида тақиқланмаган ҳар қандай усулда ва айни шунинг учун белгиланган жойда реализация қилишга ҳақли.

Савдо фаолиятини доимий савдо дўконлари орқали амалга ошираётган якка тартибдаги тадбиркор назорат-касса аппаратларидан фойдаланиши ва нақд тушумни банк муассасаларига ҳар куни топшириши шарт.

Банк муассасалари якка тартибдаги тадбиркорнинг талабига биноан унинг ҳисобварағидан қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда нақд пул маблағларини бериши шарт.

22-модда. Ташқи иқтисодий фаолият

Якка тартибдаги тадбиркор қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда ташқи иқтисодий фаолиятни амалга оширишга ҳақли.

23-модда. Меҳнатга оид муносабатлар

Якка тартибдаги тадбиркорлик якка тартибдаги тадбиркорнинг, якка тартибдаги тадбиркорлар гуруҳининг, унинг (уларнинг) оила аъзоларининг шахсий меҳнатига асосланади.

Тадбиркорлик фаолиятида шахсий меҳнати билан иштирок этувчи якка тартибдаги тадбиркор, якка тартибдаги тадбиркорлар гуруҳи, унинг (уларнинг) оила аъзолари, агар улар Ўзбекистон Республикаси Ижтимоий таъминот вазирлиги ҳузуридаги Пенсия фондига бадалларни тўласалар, давлат ижтимоий суғуртасидан ўтказилиши лозим.

Якка тартибдаги тадбиркорнинг, якка тартибдаги тадбиркорлар гуруҳининг, унинг (уларнинг) оила аъзоларининг ишлаган вақти давлат ижтимоий суғуртаси бўйича бадаллар тўланганлигини тасдиқловчи ҳужжатлар асосида, меҳнат дафтарчаси белгиланган тартибда расмийлаштирилган бўлса меҳнат стажига қўшиб ҳисобланади.

24-модда. Пул ҳисоб-китоблари

Якка тартибдаги тадбиркорларнинг тадбиркорлик фаолиятини амалга оширишлари билан боғлиқ ҳисоб-китоблари қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда амалга оширилади.

25-модда. Банк хизмати кўрсатиш

Якка тартибдаги тадбиркорларга банк хизмати кўрсатиш, якка тартибдаги тадбиркор билан банк муассасаси ўртасида тузиладиган шартномалар асосида, қонун ҳужжатларига мувофиқ амалга оширилади.

Якка тартибдаги тадбиркор эркин айирбошланган валютада пул олувчининг номини ёзиладиган ҳисобварақлар очишга ва уларни ўз хоҳишига кўра тасаруф этишга ҳақли. Банк муассасалари омонатчиларга

омонатларни сақлаш ва уларнинг биринчи талаби билан омонатларни эркин айирбошланадиган валютада сўзсиз қайтариш ҳамда тегишли фоизаларни омонат валютасида тўлаш юзасидан зарур кафолатларни бериши шарт.

26-модда. Солиқ солиш

Якка тартибдаги тадбиркорга солиқ солиш қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда амалга оширилади.

27-модда. Якка тартибдаги тадбиркорлик натижаларини ҳисобга олиш

Якка тартибдаги тадбиркорлик натижаларини ҳисобга олиш қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда амалга оширилади. Якка тартибдаги тадбиркорларга нисбатан, агар қонунда бошқача тартиб назарда тутилмаган бўлса, юридик шахслар учун белгиланган молия ва статистика ҳисоботларини тузиш ва тақдим этиш тўғрисидаги талаблар қўйилмаслиги лозим.

28-модда. Якка тартибдаги тадбиркорнинг банкротлиги

Кредиторларнинг талабларини қаноатлантиришга қодир бўлмаган якка тартибдаги тадбиркор банкрот деб топилши мумкин.

Якка тартибдаги тадбиркорни банкрот деб топилши ёхуд у ўзининг банкротлигини эълон қилиши асослари ва тартиби ҳамда якка тартибдаги тадбиркор банкротлигининг ўзга хусусиятлари қонун билан белгиланади.

29-модда. Тадбиркорлик иши (бизнес). Тадбиркорлик ишини (бизнесни) бошқа шахсга ўтказиш (сотиш)

Тадбиркорлик иши (бизнес) — мулкий ҳуқуқларни ва тадбиркорнинг ўзига хос воситаларини, шунингдек унга тегишли бўлган, якка тартибдаги тадбиркор ўз тадбиркорлик фаолиятини амалга ошириши учун фойдаланадиган бошқа мутлақ ҳуқуқларни ўз ичига оладиган мол-мулк мажмуидир.

Якка тартибдаги тадбиркор ўз тадбиркорлик ишини

(бизнесини) қонун ҳужжатларига мувофиқ бошқа шахсга текинга ўтказиш ёки сотишга ҳақли.

Тадбиркорлик ишини (бизнесни) ўтказиш (сотиш) тўла ҳажмда ҳам, унинг қисмлари бўйича ҳам амалга оширилиши мумкин.

Тадбиркорлик ишини (бизнесни) оловчи аввалги якка тартибдаги тадбиркорнинг барча ҳуқуқлари ва мажбуриятларининг ҳуқуқий вориси ҳисобланади.

Тадбиркорлик ишини (бизнесни) ёки унинг бир қисмини ўтказишда (сотишда) оловчига ўтадиган ҳуқуқлар ва мажбуриятлар шартномада назарда тутилиши лозим.

30-модда. Якка тартибдаги тадбиркорликда қарзлар бўйича ундирувни қаратиш хусусиятлари

Шахсий тадбиркорликни амалга оширишда якка тартибдаги тадбиркор ўзига мулк ҳуқуқида тегишли бўлган барча мол-мулк билан, шу жумладан эр-хотиннинг умумий мол-мулкидаги улуши билан жавобгар бўлади, қонунга мувофиқ ундирув қаратилиши мумкин бўлмаган мол-мулк бундан мустасно.

Эр-хотиндан бири шахсий тадбиркорлик фаолиятини амалга ошириш учун эр-хотиннинг умумий биргаликдаги мол-мулкидан фойдаланган ҳолларда, унинг қарзлари бўйича ундирув қонун ҳужжатларига мувофиқ эр-хотиннинг умумий биргаликдаги мол-мулкига ҳам қаратилиши мумкин.

Агар тадбиркор бўлмаган эр-хотиндан бири умумий мол-мулк шахсий тадбиркорлик фаолиятида эри (хотини) томонидан ишлатилишига рози бўлмаса, у умумий мол-мулкни бўлиши сўраб судга муурожаат этишга ҳақлидир.

Тадбиркор бўлмаган эр-хотиндан бирининг мол-мулки шахсий тадбиркорликни амалга ошираётган эрининг (хотинининг) қарзлари бўйича ундирувга қаратилиш нарсаи бўлиши мумкин эмас.

Онлавий тадбиркорликни амалга оширишда тадбиркорлик фаолиятини амалга ошириш муносабати билан эр-хотиннинг қарзлари бўйича ундирув, улардан қайси бири иш муомаласида қатнашаётганлигидан қатъи назар, эр-хотиннинг умумий биргаликдаги мол-мулкига қаратилиши мумкин.

Тадбиркорлик фаолияти оддий ширкат шаклида

амалга оширилганда унинг қатнашчилари оддий ширкатнинг учинчи шахслар олдидаги мажбуриятлари бўйича ҳамма умумий мажбуриятлар юзасидан солидар жавобгар бўладилар.

IV. ТАДБИРКОРЛИҚНИ РАҒБАТЛАНТИРИШ

31-модда. Тадбиркорлик фаолиятини давлат томонидан рағбатлантириш

Тадбиркорлик фаолиятини давлат томонидан рағбатлантириш:

тадбиркорлик соҳасига инвестицияларни (шу жумладан чет эл инвестицияларини), замонавий технологиялар ва ускуналарни жалб этиш учун, шунингдек бозор инфратузилмаси институтларини ривожлантириш учун шарт-шароитлар яратиш орқали;

тадбиркорлик фаолияти субъектларининг экспорт-импорт операцияларида, халқаро кўرғазмалар ва ярмаркаларда, ташқи иқтисодий фаолият соҳасидаги дастурлар ва лойиҳаларни рўёбга чиқаришда иштирок этишини кенгайтириш бўйича тадбирларни амалга ошириш орқали;

тадбиркорлик фаолияти субъектлари самарали фаолият юритиши учун уларни зарур ҳуқуқий, иқтисодий, статистик, ишлаб чиқариш-технологик, илмий-техникавий ва бошқа ахборотлар билан таъминлаш орқали;

солиқлар, йиғимлар ва тарифлар бўйича имтиёзлар белгилаш орқали;

бошқа шаклларда амалга оширилади.

32-модда. Тадбиркорликни ривожлантириш дастурлари

Тадбиркорлик фаолияти субъектларини давлат томонидан қўллаб-қувватлаш тадбиркорликни ривожлантириш дастурларини рўёбга чиқариш йўли билан қуйидагиларни ўз ичига олган ҳолда амалга оширилади:

тадбиркорликнинг норматив-ҳуқуқий асосини такомиллаштириш;

ишлаб чиқариш инфратузилмасини шакллантириш;

тадбиркорликни ривожлантиришнинг иқтисодий рағбатлантириш чоралари;

ҳуқуқий, ахборот, консалтинг, лизинг ва бошқа хизматларни ривожлантириш.

33-модда. Маҳаллий давлат ҳокимияти органларининг тадбиркорликни рағбатлантириш соҳасидаги ваколатлари

Маҳаллий давлат ҳокимияти органлари тадбиркорликни рағбатлантириш соҳасида қонун ҳужжатларига мувофиқ;

тадбиркорликни ривожлантиришнинг ҳудудий дастурларини ишлаб чиқади ва рўёбга чиқаради;

тадбиркорлар фаолиятини ҳимоя қилишнинг қўшимча кафолатлари ва чораларини белгилайди;

тадбиркорлик фаолияти субъектлари учун маҳаллий солиқлар ва йиғимлар бўйича имтиёзлар белгилайди; бошқа ваколатларни амалга оширади.

34-модда. Тадбиркорлик фаолиятини қўллаб-қувватлаш фондлари

Тадбиркорлик фаолиятини қўллаб-қувватлаш ва рағбатлантириш мақсадларида қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда фондлар тузилиши мумкин.

V. ТАДБИРКОРЛИК ФАОЛИЯТИ СУБЪЕКТЛАРИ ҲУҚУҚЛАРИНИНГ КАФОЛАТЛАРИ

35-модда. Тадбиркорлик фаолияти субъектлари ҳуқуқлари ва манфаатларининг кафолатлари

Давлат тадбиркорлик фаолияти субъектларига тенг ҳуқуқларни кафолатлайди ва моддий-техника, молия, меҳнат, ахборот, табиий ва бошқа ресурслардан фойдаланиш учун тенг имкониятлар яратади, тижорат сирини ҳисобланувчи ахборот ҳимоя қилишсини кафолатлайди.

Тадбиркорлик фаолияти субъектларининг ҳуқуқларини камситишга йўл қўйилмайди.

36-модда. Тадбиркорлик фаолияти субъектлари мулк ҳуқуқининг ва бошқа ашёвий ҳуқуқларининг кафолатлари

Тадбиркорлик фаолияти субъекти мол-мулкнинг мулкдори ўзига қарашли мол-мулкка эгалик қилиш, ун-

дан фойдаланиш ва уни тасарруф этиш ҳуқуқига эга.

Мол-мулкнинг мулкдори ўз мол-мулкига нисбатан қонунга зид бўлмаган ҳар қандай ҳаракатни қилишга ҳақли.

Тадбиркорлик фаолияти субъектларининг мол-мулки қонун билан муҳофаза этилади.

Мулкдор бўлмаган тадбиркорлик фаолияти субъектларининг ашёвий ҳуқуқлари бузилишдан қонунларда назарда тутилган тартибда ҳимоя қилинади.

Тадбиркорлик фаолияти субъектидан мол-мулкни олиб қўйишга, шунингдек унинг ваколатларини чеклашга фақат қонунларда назарда тутилган ҳолларда йўл қўйилади.

37-модда. Интеллектуал фаолият натижаларини ҳимоя қилиш

Тадбиркорлик фаолияти субъектларининг объектив ифодаланган интеллектуал фаолият натижаларига ва унинг ўзига хос воситаларига (фирма номи, товар белгиси, хизмат кўрсатиш белгиси ва ҳоказоларга) бўлган мутлақ ҳуқуқи қонун билан қўриқланади ва давлат томонидан ҳимоя қилинади.

Мутлақ ҳуқуқ объектлари бўлган интеллектуал фаолият натижалари ва ўзига хос воситаларидаги учинчи шахслар ҳуқуқ эгасининг розлиги билангина фойдаланишлари мумкин.

38-модда. Ошкор этилмаган ахборотни ҳимоя қилиш

Тижорат сирини бўлган, учинчи шахсларга маълум бўлмаган ахборот (ошкор этилмаган ахборот) агар у учинчи шахсларга маълум эмаслиги, қонуний асосда ундан эркин фойдалана олиш мумкинмаслиги ва ахборотнинг эгаси унинг махфийлигини муҳофаза қилиш чораларини кўраётганлиги туфайли ҳақиқий ёки нисбий тижорат қийматига эга бўлса, у ҳимоя қилинади.

Ошкор этилмаган ахборотни ноқонуний фойдаланишдан ҳимоя қилиш ҳуқуқи бу ахборотга нисбатан бирон-бир расмийликни сажаришдан (уни давлат рўйхатидан ўтказиш, гувоҳнома олиш ва ҳоказодан) қатъи назар вужудга келади.

Ошкор этилмаган ахборотни ҳимоя қилиш қоидалари қонунга мувофиқ тижорат сирини бўла олмайдиган маълумотларга (давлат рўйхатидан ўтказилиши керак бўл-

ган юридик шахслар тўғрисидаги, мол-мулкка бўлган ҳуқуқлар ва мол-мулк хусусида тузилган битимлар ҳақидаги маълумотларга, давлат статистика ҳисоботи тариқасида тақдим этиладиган маълумотларга ва бошқаларга) нисбатан татбиқ этилмайди.

Ошкор этилмаган ахборотни қонуний асосларсиз олган ёки тарқатган ёхуд ундан фойдаланаётган шахс бу ахборотга ҳақли эга бўлиб турган шахсга ахборотдан ноқонуний фойдаланганлик натижасида етказилган зарарни қоплаши шарт.

Ошкор этилмаган ахборот мазмунини ташкил этувчи маълумотларни мустақил тарзда ва ҳақли равишда олган шахс бу маълумотлардан, тегишли ошкор этилмаган ахборот эгасининг ҳуқуқларидан қатъи назар, фойдаланишга ҳақли ва бунда фойдаланиш учун унинг олдидан жавоб бермайди.

39-модда. Тадбиркорлик фаолияти субъектининг шаъни, қадр-қиммати ва ишчанлик обрўсини ҳимоя қилиш

Тадбиркорлик фаолиятининг субъекти ўз шаъни, қадр-қиммати ва ишчанлик обрўсига путур етказувчи маълумотларга раддия берилишини талаб қилишга ҳақли.

Башарти, тадбиркорлик фаолияти субъектининг шаъни, қадр-қиммати ва ишчанлик обрўсига путур етказувчи маълумотлар оммавий ахборот воситаларида тарқатилган бўлса, айти шу оммавий ахборот воситаларида раддия берилиши лозим. Башарти, бундай маълумотлар ташкилотдан олинган ҳужжатда мавжуд бўлса, бундай ҳужжат алмаштирилиши ёки чақириб олиниши керак. Бошқа ҳолларда раддия бериш тартиби суд томонидан белгиланади.

Башарти, суднинг қарори бажарилмаса, суд қоидабузарга қонун ҳужжатларида белгиланган миқдорда ва тартибда ундириладиган жарима солишга ҳақлидир. Жарима тўлаш қоидабузарни суднинг ҳал қилув қарорида назарда тутилган ҳаракатни бажариш мажбуриятидан озод этмайди.

Узининг шаъни, қадр-қиммати ва ишчанлик обрўсига путур етказувчи маълумотлар тарқатилган тадбиркорлик фаолиятининг субъекти бундай маълумотлар рад этилиши билан бир қаторда, уларни тарқатиш оқибатида

етказилган зарар тўланишини ва маънавий зарар ўрнини қоплашни талаб қилишга ҳақлидир.

40-модда. Тадбиркорлик фаолиятига аралашмаслик кафолатлари

Давлат органлари ва уларнинг мансабдор шахслари тадбиркорлик субъектларининг қонун ҳужжатлариға мувофиқ амалга оширилаётган фаолиятига аралашшишга ҳақли эмас.

Агар давлат органлари ва уларнинг мансабдор шахслари тадбиркорлик субъектлари фаолиятида қонунбузарликларни аниқласалар, улар ўз ваколатларига кирувчи ва аниқ бузилишни бартараф этиш билан бевосита боғлиқ бўлган чораларни кўришлари мумкин. Давлат органлари ва уларнинг мансабдор шахслари қоидабузарлик мавжудлиги фактидан тадбиркорлик фаолияти субъектларининг бошқа қонуний фаолиятига аралашшиш ёки уни чеклаш учун асос сифатида фойдаланишлари мумкин эмас.

Давлат органлари ёки улар мансабдор шахсларининг ғайриқонуний қарорлари ёки бошқа ҳаракатлари (ҳаракатсизлиги) натижасида тадбиркорлик фаолияти субъектига етказилган зарар, шу жумладан бой берилган фойда, қонун ҳужжатларида назарда тутилган тартибда қопланиши лозим.

41-модда. Даромадларни тасарруф этиш эркинлиги кафолатлари

Тадбиркорлик фаолияти субъектларининг барча ишлаб чиқариш харажатлари қопланганидан, солиқлар, йиғимлар ва бошқа мажбурий тўловлар тўланганидан, шунингдек кредиторлар билан ҳисоб-китоб қилинганидан кейин қолган даромади (фойдаси) ўзларининг ихтиёрига биноан ишлатилади.

42-модда. Ахборотдан фойдалана олиш кафолатлари

Тадбиркорлик фаолияти субъектлари ўз манфаатларига дахлдор қонун ҳужжатларидан эркин фойдалана олишлари лозим.

Давлат органлари тадбиркорлик фаолияти субъектларининг сўровларига биноан уларни қизиқтирган ахборотни қонун ҳужжатларида назарда тутилган тартибда тақдим этишлари шарт.

43-модда. Қўшимча кафолатлар

Тадбиркорлик фаолияти субъектларини ҳимоя қилишнинг ушбу Қонунда назарда тутилган кафолатлари ва чоралари билан бир қаторда, қонун ҳужжатлари билан қўшимча кафолатлар ва ҳимоя чоралари, шу жумладан шериклар томонидан тадбиркорлик фаолияти субъектлари олдидаги ўз мажбуриятлари аниқ бажарилишини таъминловчи кафолатлар ва ҳимоя чоралари берилиши мумкин.

VI. ЯҚУНЛОВЧИ ҚОИДАЛАР

44-модда. Тадбиркорлик субъектини тугатиш (фаолиятини тўхтатиш)

Тадбиркорлик субъектини тугатиш (фаолиятини тўхтатиш) қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда амалга оширилади.

45-модда. Низоларни ҳал этиш

Тадбиркорлик субъектларининг фаолияти билан боғлиқ низолар қонун ҳужжатларида назарда тутилган тартибда ҳал қилинади.

46-модда. Тадбиркорлик ва тадбиркорлар фаолиятининг кафолатлари тўғрисидаги қонун ҳужжатларини бузганлик учун жавобгарлик

Тадбиркорлик ва тадбиркорлар фаолиятининг кафолатлари тўғрисидаги қонун ҳужжатларини бузишда айбдор бўлган шахслар белгиланган тартибда жавобгар бўладилар.

**Ўзбекистон Республикасининг
Президенти**

И. ҚАРИМОВ

**«ТАДБИРКОРЛИК ВА ТАДБИРКОРЛАР ФАОЛИЯТИНИНГ
КАФОЛАТЛАРИ ТЎҒРИСИДА»ГИ ЎЗБЕКИСТОН
РЕСПУБЛИКАСИ ҚОНУНИНИ АМАЛГА КИРИТИШ
ҲАҚИДА**

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ОЛИЙ МАЖЛИСИНИНГ**

1999 йил 14 апрель

Қ А Р О Р И

**(Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг
Ахборотномаси, 1999 йил, 5-сон, 107-модда.)**

**Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси қ а р о р
қ и л а д и:**

1. «Тадбиркорлик ва тадбиркорлар фаолиятининг ка-
фолатлари тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қо-
нуни матбуотда эълон қилинган кундан эътиборан
амалга киритилсин.

2. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси
ҳукумат қарорларини «Тадбиркорлик ва тадбиркорлар
фаолиятининг кафолатлари тўғрисида»ги Ўзбекистон
Республикаси Қонунига мувофиқлаштирсин, вазирлик-
лар ҳамда идоралар мазкур Қонунга зид бўлган ўз нор-
матив ҳужжатларини қайта кўриб чиқишлари ва бекор
қилишларини таъминласин.

3. Қуйидагилар ўз кучини йўқотган деб ҳисоблансин:
1991 йил 15 февралда қабул қилинган «Ўзбекистон
Республикасида тадбиркорлик тўғрисида»ги Ўзбекистон
Республикасининг Қонуни (Ўзбекистон Республикаси
Олий Кенгашининг Ахборотномаси, 1991 йил, № 4, 60-
модда);

Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг 1991 йил
15 февралда қабул қилинган «Ўзбекистон Республика-
сида тадбиркорлик тўғрисида»ги Ўзбекистон Республи-
каси Қонунини кучга киритиш тартиби ҳақида»ги Қа-
рори (Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг Ах-
боротномаси, 1991 йил, № 4, 61-модда);

1993 йил 7 майда қабул қилинган «Ўзбекистон Рес-
публикасида тадбиркорлик тўғрисида»ги Ўзбекистон
Республикасининг Қонунига ўзгартиш ва қўшимчалар
киритиш ҳақида»ги Ўзбекистон Республикасининг Қону-

ни (Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг Ахборотномаси, 1993 йил, № 6, 237-модда);

1993 йил 28 декабрда қабул қилинган «Тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланувчи жисмоний шахслардан рўйхатга олганлик учун ундириладиган йиғим ва бундай шахсларни рўйхатга олиш тартиби тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикасининг Қонуни (Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг Ахборотномаси, 1994 йил, № 1, 12-модда);

Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг 1993 йил 28 декабрда қабул қилинган «Тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланувчи жисмоний шахслардан рўйхатга олганлик учун ундириладиган йиғим ва бундай шахсларни рўйхатга олиш тартиби тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунини амалга киритиш тартиби ҳақида»ги Қарори (Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг Ахборотномаси, 1994 йил, № 1, 13-модда);

1995 йил 31 августда қабул қилинган «Ўзбекистон Республикасининг айрим қонунларига ўзгартишлар ва қўшимчалар киритиш тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг XIII бўлими (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 1995 йил, № 9, 193-модда).

**Ўзбекистон Республикаси
Олий Мажлисининг Раиси**

Э. ХАЛИЛОВ

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИНИНГ

1999 йил 14 апрель

Қ О Н У Н И

(Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг
Ахборотномаси, 1999 йил, 5-сон, 108-модда)

1-модда. Лизинг тўғрисидаги қонун ҳужжатлари

Лизинг тўғрисидаги қонун ҳужжатлари лизингни амалга ошириш пайтида юзага келадиган муносабатларни тартибга солади ҳамда ушбу Қонун ва бошқа қонун ҳужжатларидан иборат.

Агар Ўзбекистон Республикасининг халқаро шартномасида Ўзбекистон Республикасининг лизинг тўғрисидаги қонун ҳужжатларида назарда тутилганидан бошқача қоидалар белгиланган бўлса, халқаро шартнома қоидалари қўлланилади.

2-модда. Лизинг тушунчаси

Лизинг ижара муносабатларининг алоҳида тури бўлиб, унда бир тараф (лизинг берувчи) иккинчи тарафнинг (лизинг олувчининг) топшириғига биноан учинчи тарафдан (сотувчидан) ҳақ эвазига эгаллик қилиш ва фойдаланиш учун лизинг шартномасида белгиланган шартларда бериб қўйиш мақсадида мол-мулкни (лизинг объектини) олади.

Лизинг уч тарафлама (сотувчи — лизинг берувчи — лизинг олувчи) ёки икки тарафлама (лизинг берувчи — лизинг олувчи) лизинг шартномаси бўйича амалга оширилади.

Лизинг берувчи ва сотувчи ўртасида икки тарафлама лизинг шартномаси тузилаётганида қўшимча равишда лизинг объектининг олди-сотди шартномаси тузилади.

3-модда. Лизинг объектлари

Тадбиркорлик фаолияти учун фойдаланиладиган истеъмол қилинмайдиган ҳар қандай ашёлар, шу жумла-

дан корхоналар, мулкий комплекслар, бинолар, иншоотлар, ускуналар, транспорт воситалари ҳамда бошқа кўчар ва кўчмас мулк лизинг объектлари бўлиши мумкин.

Ер участкалари ва бошқа табиат объектлари, шунингдек эркин муомалада бўлиши қонун ҳужжатлари билан тақиқланган ёки муомалада бўлишининг алоҳида тартиби белгиланган мол-мулк лизинг объектлари бўлиши мумкин эмас.

4-модда. Лизинг субъектлари

Лизинг берувчи, лизинг олувчи ва сотувчи лизинг субъектларидир.

Лизинг шартномаси бўйича лизинг олувчига келгусида топшириш мақсадида лизинг объектини мулк қилиб олувчи шахс лизинг берувчи деб эътироф этилади.

Эгалик қилиш ва фойдаланиш учун лизинг шартномаси бўйича лизинг объектини олаётган шахс лизинг олувчи деб эътироф этилади.

Лизинг берувчи лизинг объектини кимдан олаётган бўлса, шу шахс сотувчи деб эътироф этилади.

Аниқ лизинг объектига нисбатан қуйидагиларнинг бир шахс тимсолида иш кўришига йўл қўйилмайди:

лизинг шартномаси бўйича лизинг берувчи ва лизинг олувчи;

лизинг берувчининг кредитори ва лизинг объектининг лизинг олувчиси.

5-модда. Лизинг турлари

Лизинг турлари бўйича молиявий ва оператив лизингларга бўлинади.

Молиявий лизингда лизинг шартномаси қуйидаги талаблардан бирига жавоб бериши керак:

лизинг шартномаси муддати тугагач, лизинг объекти лизинг олувчининг мулкига ўтади;

лизинг шартномаси муддати лизинг объектининг хизмат муддатидан 80 фоиздан ортиқ бўлади ёки лизинг шартномаси муддати тугагач, лизинг объектининг қолдиқ қиймати унинг бошланғич қийматининг 20 фоизидан камни ташкил этади;

лизинг олувчи лизинг объектини қатъий белгиланган нархда ёки лизинг шартномаси муддати тугаганда аниқланадиган нархда сотиб олиш ҳуқуқига эга;

лизинг шартномаси давридаги тўловларнинг умумий суммаси лизинг объекти қийматининг 90 фоизидан ортиқ.

Агар лизинг шартномасида ушбу модданинг иккинчи қисмида кўрсатилган талаблардан бирортаси назарда тутилмаган бўлса, лизингнинг бундай тури оператив лизинг ҳисобланади. Оператив лизингни (ижарани) амалга ошириш тартиби ва шартлари қонун ҳужжатлари билан тартибга солинади.

Лизинг унинг учта субъекти иштирок этадиган тўғридан-тўғри шаклда ҳам, лизинг олувчи ва сотувчи бўлиб бир шахснинг ўзи иштирок этадиган қайтариладиган шаклда ҳам амалга оширилиши мумкин.

6-модда. Қўшимча лизинг

Лизинг олувчи лизинг берувчи олдида лизинг шартномаси юзасидан жавобгар бўлиб қолгани ҳолда, лизинг шартномаси бўйича олган лизинг объектини лизинг берувчининг ёзма розилиги билан вақтинчалик эгаллик қилиш ва фойдаланиш учун учинчи шахсга қўшимча лизингга топширишга ҳақли. Бунда ушбу Қонуннинг қоидалари қўшимча лизинг шартномасида қўшимча лизинг берувчига, қўшимча лизинг олувчига ва сотувчига нисбатан мувофиқ равишда лизинг берувчига, лизинг олувчига ва сотувчига бўлганидек қўлланилади.

Қўшимча лизинг шартномасининг амал қилиш муддати лизинг шартномасининг амал қилиш муддатидан ортиқ бўлиши мумкин эмас.

7-модда. Лизинг объектини ҳисобга олиш ва рўйхатдан ўтказиш

Молиявий лизинг объекти лизинг олувчи балансида ҳисобга олинади.

Оператив лизинг объекти лизинг берувчи балансида ҳисобга олинади.

Давлат органларида рўйхатдан ўтказилиши талаб этиладиган лизинг объектлари қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда лизинг берувчининг ёки лизинг олувчининг номига расмийлаштирилади.

8-модда. Лизинг фаолияти

Лизинг шартномаси бўйича лизинг берувчининг ўз маблағи ва (ёки) қарз маблағларини инвестициялашга

қаратилган тадбиркорлик фаолияти тури — лизинг фаолиятидир.

Банклар лизинг фаолиятини ўз маблағлари ва (ёки) жалб этилган маблағлар ҳисобидан амалга оширади.

9-модда. Лизинг шартномаси

Лизинг шартномаси ёзма шаклда, қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда тузилади.

Агар лизинг олувчи жисмоний шахс бўлса, лизинг шартномаси нотариал тасдиқланиши лозим.

Қуйидагилар лизинг шартномасининг муҳим шартлари ҳисобланади:

лизинг объектининг тавсифланиши (лизинг объектининг миқдори, сифати, рўйхати, контракт қиймати ва бошқа кўрсаткичлари) ва шартнома умумий пул суммасининг кўрсатилиши;

тарафларнинг лизинг объектини олиш ва бериш билан боғлиқ мажбуриятлари;

лизинг объектини бериш тартиби, шу жумладан лизинг объектини етказиб бериш, монтаж қилиш ва фойдаланишга топшириш тартиби;

лизинг тўловларини тўлаш шартлари, миқдорлари, муддатлари ва тартиби;

лизинг объектидан фойдаланиш, унга қараш, уни сақлаб туриш ва таъмирлаш юзасидан тарафларнинг мажбуриятлари;

шартноманинг амал қилиш муддати.

Тарафларнинг келишувига биноан лизинг шартномасига қуйидаги шартлар киритилиши мумкин:

лизинг объектини (молиявий лизингга) сотиб олиш тартиби ва муддатлари;

лизинг шартномасини ўзгартириш ва бекор қилиш;

лизинг объектини суғурта қилиш;

форс-мажор ҳолатлар;

лизинг берувчи қўшимча хизматлар кўрсатиши, бундай хизматларсиз лизинг объектидан фойдаланиб бўлмаса;

лизинг субъектлари томонидан лизинг шартномаси шартларига риоя этилишини назорат қилиш тартиби.

Лизинг шартномасига қонун ҳужжатларига мувофиқ бошқа шартлар ҳам киритилиши мумкин.

10-модда. Лизинг шартномасини ўзгартириш ва бекор қилиш

Лизинг шартномасини ўзгартириш ва бекор қилиш, агар қонун ҳужжатларида ва шартномада бошқа тартиб назарда тутилган бўлмаса, тарафлар келишувига биноан амалга оширилиши мумкин.

11-модда. Лизинг берувчининг ҳуқуқ ва мажбуриятлари

Лизинг берувчи қуйидаги ҳуқуқларга эгадир:

Лизинг олувчининг лизинг объектидан қандай шароитларда фойдаланаётганлигини ва уни белгиланган мақсадига мувофиқ ишлатаётганлигини лизинг шартномаси шартларига ҳамда қонун ҳужжатлари талабларига мувофиқ назорат қилиш;

лизинг олувчининг розилиги билан лизинг объекти ва унинг сотувчисини танлаш;

қонун ҳужжатларида ҳамда лизинг шартномасида назарда тутилган ҳолларда ва тартибда лизинг олувчидан лизинг объектини олиб қўйиш;

лизинг олувчи лизинг шартномасини жиддий тарзда бузган тақдирда барча лизинг тўловларини муддатидан илгари тўлашни ёхуд етказилган зарарни ундириб ва (ёки) лизинг объектини қайтиб олган тарзда шартнома-ни бекор қилишни талаб этиш.

Агар лизинг объекти лизинг берувчининг айби билан етказиб берилмаган бўлса ёки лизинг шартномаси шартларига номувофиқ бўлса, лизинг берувчи лизинг олувчининг розилиги билан ўзи лозим даражада бажармаган лизинг шартномаси шартларини тузатиб бажаришга ёки лизинг олувчига бошқа лизинг объектини таклиф этишга ҳақли.

Лизинг берувчи:

лизинг шартномаси бўйича мол-мулкни олиши ва уни лизинг олувчига эгалик қилиш ҳамда фойдаланиш учун бериши;

лизинг олувчи учун мол-мулк олаётганда мол-мулк муайян шахсга лизингга беришга мўлжалланганлигини сотувчига маълум қилиши;

лизинг объектини, агар шартномада шундай шартлар назарда тутилган бўлса, сақлаб туриш, таъмирлаш ва унга техник хизмат кўрсатиш бўйича лизинг олувчи ол-

дида ўз зиммасига олинган мажбуриятларни ўз вақтида ва тўлиқ ҳажмда бажариши шарт.

Лизинг берувчи қонун ҳужжатларида белгиланган бошқа ҳуқуқларга эга бўлиши ва ўзга мажбуриятларни бажариши мумкин.

12-м о д д а. Лизинг олувчининг ҳуқуқ ва мажбуриятлари

Лизинг олувчи қуйидаги ҳуқуқларга эга:

лизинг объектини мустақил аниқлаш ва сотувчини танлаш;

лизинг берувчидан лизинг шартномасини бажармаганлик ёки лозим даражада бажармаганлик туфайли етказилган зарар қопланишини талаб қилиш;

сотувчига лизинг объекти олди-сотди шартномасидан келиб чиқувчи талабларни, жумладан унинг сифати ва бутлиги, топшириш муддати, кафолатли таъмирлаши ва ҳоказолар хусусида талаблар қўйиш;

лизинг объекти етказиб берилмаган, тўлиқ етказиб берилмаган, етказиб бериш муддати ўтказиб юборилган ёки сифати талаб даражасида бўлмаган лизинг объекти етказиб берилган тақдирда, етказиб бериладиган лизинг объектидан воз кечиш ва лизинг шартномасининг бекор қилинишини талаб этиш;

лизинг шартномаси муддатидан олдин бекор қилинган тақдирда, ўзи вақти-вақти билан аванс сифатида тўлаган тўловлар ва бошқа суммаларни лизинг объектидан фойдаланиш даврида олган фойданинг қийматини чегириб ташлаб, ўзига қайтариб беришни талаб қилиш.

Учинчи шахс ундирувни лизинг объектига қаратганда лизинг олувчи лизинг шартномасини бекор қилиш ва лизинг объектини мулк қилиб олиш билан бир пайтда лизинг шартномаси бўйича тегишли лизинг тўловлари қолдиғини бир йўла тўлашга ҳақли.

Лизинг олувчи:

лизинг объектини қабул қилиб олиши ва ундан лозим даражада фойдаланиши, уни шартнома шартларига мувофиқ сақлаб туриши;

лизинг тўловларини ўз вақтида тўлаб туриши, агар лизинг шартномасида бошқача тартиб белгиланмаган бўлса, лизинг объектини ўз ҳисобидан жорий таъмирлаши, уни сақлаб туришга доир бошқа харажатлар қилиши шарт.

Лизинг шартномаси бекор қилинганда лизинг олувчи лизинг объектини лизинг берувчидан қандай ҳолатда олган бўлса, шундай ҳолатда, нормал эскириш ва тарафларнинг келишувида шартлашилган ўзгаришларни ҳисобга олган ҳолда қайтариши шарт, ушбу модданинг иккинчи қисмида назарда тутилган ҳоллар бундан мустасно.

Лизинг олувчининг лизинг объектини таъмирлаш ва унга техник хизмат кўрсатишга доир ҳуқуқи ва мажбурияти сотувчи билан алоҳида тузилган шартномада белгиланиши мумкин.

Лизинг олувчи қонун ҳужжатларида белгиланган бошқа ҳуқуқларга эга бўлиши ва ўзга мажбуриятларни бажариши мумкин.

13-модда. Сотувчининг ҳуқуқ ва мажбуриятлари

Сотувчи қонун ҳужжатларига ва шартномага мувофиқ ҳуқуқларга эга бўлади ва мажбуриятларни бажаради.

Агар лизинг шартномасида ёки олди-сотди (маҳсулот етказиб бериш) шартномасида бошқача қоида назарда тутилган бўлмаса, олди-сотди шартномаси бўйича сотувчининг лизинг олувчига нисбатан ҳуқуқ ва мажбуриятлари лизинг берувчига нисбатан ҳуқуқ ва мажбуриятларидек бўлади. Бунда лизинг олувчи лизинг объекти олди-сотди шартномасини бекор қилишга ёки уни ҳақиқий эмас деб топishга ҳақли эмас.

14-модда. Лизинг объектининг олди-сотди шартномаси хусусиятлари

Лизинг объектининг олди-сотди шартномаси лизинг берувчи ва сотувчи ўртасида тузилиб, унга кўра лизинг берувчи лизинг олувчининг топшириғига биноан лизинг объектини кейинчалик лизинг олувчига бериш учун ўз мулки қилиб олади.

Тарафларнинг хоҳишига кўра лизинг объектининг олди-сотди шартномаси лизинг шартномаси кучга киришидан олдин ёки кейин тузилиши мумкин.

Лизинг объекти олди-сотди шартномасини тузиш пайтида лизинг берувчи лизинг объекти қайси мақсадда олинаётганлигидан сотувчини олдиндан хабардор қилиши, буни олди-сотди шартномасида қайд этиши шарт.

15-модда. Лизинг объектига бўлган мулк ҳуқуқи

Лизинг объектига бўлган мулк ҳуқуқи лизинг олувчи томонидан сотиб олингунга қадар лизинг берувчига тегишлидир.

Молиявий лизингда лизинг шартномасининг амал қилиш муддати тугагунга қадар барча лизинг тўловлари тўланган тақдирда, агар лизинг шартномасида бошқача тартиб назарда тутилмаган бўлса, лизинг объектига бўлган мулк ҳуқуқи лизинг олувчига ўтиши мумкин.

Оператив лизингни амалга оширишда лизинг берувчи ва лизинг олувчи ўртасидаги лизинг объектининг олди-сотди шартномаси асосида лизинг объектига бўлган мулк ҳуқуқи лизинг олувчига ўтиши мумкин.

Лизинг олувчи банкрот бўлган, унинг мол-мулки хатга олинган ёки мусодара қилинган тақдирда, лизинг объекти лизинг олувчининг умумий мол-мулкидан ажратилади ва лизинг берувчига қайтарилиши лозим, у мол-мулкни ўз хоҳишига кўра тасарруф этиши мумкин. Лизинг берувчига зарарни қоплаш тартиби қонун ҳужжатлари билан белгиланади.

16-модда. Лизинг берувчи ва лизинг олувчининг ўз ҳуқуқларидан учинчи шахслар фойдасига воз кечиши

Лизинг берувчи лизинг олувчини хабардор қилган ҳолда лизинг шартномаси бўйича ўз ҳуқуқларидан тўлиқ ёки қисман учинчи шахслар фойдасига воз кечиши мумкин.

Лизинг олувчи лизинг берувчининг рухсати билан молиявий лизинг шартномаси бўйича ўз ҳуқуқларидан тўлиқ ёки қисман учинчи шахслар фойдасига воз кечиши мумкин. Оператив лизингни амалга оширишда лизинг олувчининг ҳуқуқларидан воз кечишига йўл қўйилмайди.

Лизинг объектига бўлган мулк ҳуқуқи лизинг берувчидан учинчи шахсга ўтганда, лизинг олувчи билан тузилган лизинг шартномаси янги мулкдор учун ўз кучини сақлаб қолади.

17-модда. Лизинг объектини жадал амортизация қилишни қўллаш

Лизинг берувчи ва лизинг олувчи ўзаро келишган ҳолда қонун ҳужжатларига мувофиқ лизинг объектини жадал амортизация қилишни қўллаш ҳуқуқига эга.

18-модда. Лизинг объектини суғурталаш

Нобуд бўлиш, йўқолиш, ўғирлаш, шикастланиш, бузилиш ва барвақт эскириш хавфи билан боғлиқ бўлган тарздаги ҳар қандай етказилиши мумкин бўлган зарардан лизинг объектини суғурталаш тарафларнинг келишувига биноан амалга оширилади. Бундай келишув бўлмаган тақдирда, лизинг олувчи лизинг объекти суғуртаси учун жавобгар бўлади.

19-модда. Лизинг объекти билан боғлиқ хавфлар

Лизинг объекти билан боғлиқ барча хавфлар, шу жумладан унинг тасодифан йўқолиши (нобуд бўлиши) ёки тасодифан бузилиши, шунингдек ўғирланиши, барвақт эскириши, шикастланиши хавфлари лизинг шартномасида назарда тутилган тартибда лизинг олувчига ўтади. Хавфлар лизинг олувчига ўтган дақиқадан эътиборан лизинг олувчи лизинг объекти ҳар қандай тарзда йўқотилиши ёки шикастланиши учун лизинг шартномаси амал қиладиган муддат давомида жавобгар бўлади.

Агар хавфлар лизинг берувчидан лизинг олувчига ўтадиган вақт лизинг шартномасида белгиланган бўлмаса, хавфлар лизинг олувчига у лизинг объектини олган дақиқадан эътиборан ўтади.

Агар таклиф этилган лизинг объекти лизинг шартномасига мос келмаса ва бу лизинг олувчига лизинг объектидан воз кечиш ҳуқуқини берса, ана шундай номувофиқлик бартараф этилгунга қадар ёки лизинг олувчи лизинг объектини олгунга қадар барча хавфлар лизинг берувчи зиммасида бўлади.

Сотувчининг ночорлиги ёки лизинг объектининг ундан фойдаланиш мақсадларига номувофиқлиги хавфлари лизинг олувчининг зиммасида бўлади, лизинг берувчининг сотувчини ёки лизинг объектини танлаш ёхуд лизинг берувчи лизинг олувчини муайян сотувчини ёки лизинг объектини танлашга ғайриқонуний тарзда мажбурлаш ҳоллари бундан мустасно.

20-модда. Лизинг шартномаси бўйича таъминлаш

Лизинг шартномасига боғлиқ равишда сарфланган маблағлар қайтарилишининг кафолати сифатида лизинг берувчи лизинг олувчидан таъминлаш берилишини, шу

жумладан гаров, банк кафолати ёки учинчи шахснинг кафиллиги кўринишидаги таъминлаш берилишини талаб қилиши мумкин.

21-модда. Лизинг объектидан гаров сифатида фойдаланиш

Агар лизинг шартномасида бошқача қоида назарда тутилган бўлмаса, лизинг берувчи лизинг олувчини олдиндан хабардор қилмай туриб лизинг объектидан гаров сифатида фойдаланишга ҳақли эмас.

Лизинг олувчи лизинг объектини гаров сифатида ишлатишга ҳақли эмас.

22-модда. Лизинг тўловлари

Лизинг шартномаси бўйича лизинг олувчи тўлайдиган лизинг тўловлари лизинг объекти амортизациясининг тегишли қисми қийматини ва лизинг шартномаси бўйича лизинг берувчи томонидан қилинган харажатларни, шунингдек унинг даромади (маржа)ни ўз ичига олади.

Лизинг тўловлари шартноманинг бутун амал қилиш муддатига тақсимланади ва бўлиб-бўлиб тўланади. Лизинг тўловларининг миқдорлари ва даврийлиги лизинг шартномаси билан белгиланади.

23-модда. Лизинг олувчидан пул суммаларини ундириш ва лизинг объектини олиб қўйиш

Лизинг берувчи томонидан лизинг олувчидан пул суммасини ундириш ва лизинг объектини олиб қўйиш тартиби қонун ҳужжатлари билан белгиланади.

24-модда. Лизинг субъектларининг жавобгарлиги

Лизинг берувчи мол-мулкни етказиб бермаганлик, тўлиқ етказиб бермаганлик, етказиб бериш муддатини ўтказиб юборганлик ва тегишли даражада сифатли бўлмаган мол-мулкни етказиб берганлик учун, агар бу унинг айбли ҳаракатлари (ҳаракатсизлиги) туфайли бўлса, лизинг олувчининг олдида жавобгар бўлади.

Лизинг берувчи лизинг олувчи олдида лизинг объекти юзасидан жавобгар бўлмайди, лизинг объекти сотувчиси ва лизинг объектининг ўзи лизинг берувчи томонидан

танланган ва лизинг олувчи шу туфайли зарар кўрган-лиги исботланган ҳоллар бундан мустасно.

Лизинг берувчи ва лизинг олувчи сотувчига нисба-тан лизинг объектининг олди-сотди шартномаси бўйича солидар кредиторлар сифатида иш кўрадилар. Сотувчи улар олдида лизинг объектининг олди-сотди шартнома-сидан келиб чиқувчи мажбуриятларни бажариш (лизинг объектининг сифати, бутлиги, лозим даражада етказиб берилиши ва бошқалар) юзасидан жавобгар бўлади. Бунда сотувчи лизинг объекти билан боғлиқ айнан бит-та зарар учун бир пайтнинг ўзида лизинг олувчи ва ли-зинг берувчи олдида жавобгар бўлиши мумкин эмас.

Оператив лизингни амалга оширишда лизингга бе-рилган лизинг объектидан фойдаланишга тўлиқ ёки қисман тўсқинлик қилувчи камчиликлар учун лизинг бе-рувчи жавобгар бўлади. Бундай камчиликлар аниқлан-ган тақдирда, лизинг олувчи лизинг берувчидан уларнинг текин бартараф этилишини ва лизинг тўловлари мута-носиб равишда камайтирилишини ёки мазкур лизинг объектининг камчиликларини бартараф этиш билан боғлиқ ўз харажатларининг қопланишини талаб қилиш-га ҳақли.

Лизинг берувчи лизинг объектининг лизинг шарт-номасини тузишда қайд этиб ўтилган камчиликлари учун жавоб бермайди.

Лизинг олувчининг айби билан лизинг объектининг йўқолиши ёки лизинг объектининг ўз вазифасига доир аҳамиятини йўқотиши, агар лизинг шартномасида бош-қача тартиб назарда тутилмаган бўлса, лизинг олувчи-ни лизинг берувчи олдидаги жавобгарликдан озод эт-майди.

25-м о д д а. Низоларни ҳал этиш

Лизингни амалга ошириш жараёнида юзага келади-ган низолар суд тартибида ҳал этилади.

Ўзбекистон Республикасининг
Президенти

И. ҚАРИМОВ

**«ЛИЗИНГ ТЎҒРИСИДА»ГИ ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ҚОНУНИНИ АМАЛГА КИРИТИШ ҲАҚИДА**

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ОЛИЙ МАЖЛИСИНИНГ**

1999 йил 14 апрель

Қ А Р О Р И

**(Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг
Ахборотномаси, 1999 йил, 5-сон, 109-модда)**

**Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси қ а р о р
қ и л а д и:**

1. «Лизинг тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни матбуотда эълон қилинган кундан эътиборан амалга киритилсин.

2. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳукумат қарорларини «Лизинг тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига мувофиқлаштирсин, вазирликлар ва идоралар ўзларининг мазкур Қонунга зид бўлган норматив ҳужжатларини қайта кўриб чиқишлари ва бекор қилишларини таъминласин.

**Ўзбекистон Республикаси
Олий Мажлисининг Раиси**

Э. ХАЛИЛОВ

**ФУҚАРОЛАРНИНГ ЁЗИНИ ЁЗИ БОШҚАРИШ
ОРГАНЛАРИ ТЎҒРИСИДА**

(янги таҳрири)

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИНИНГ

1999 йил 14 апрель

Қ О Н У Н И

(Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг
Ахборотномаси, 1999 йил, 5-сон, 110-модда)

1-модда. Фуқароларнинг ёзини ёзи бошқариши тушунчаси

Фуқароларнинг ёзини ёзи бошқариши — фуқароларнинг Ўзбекистон Республикаси Конституцияси ва қонунлари билан кафолатланадиган, уларнинг ёз манфаатларидан, ривожланишнинг тарихий хусусиятларидан, шунингдек миллий ва маънавий қадриятлардан, маҳаллий урф-одатлар ва анъаналардан келиб чиққан ҳолда маҳаллий аҳамиятга молик масалаларни ҳал қилиш борасидаги мустақил фаолиятидир.

2-модда. Фуқароларнинг ёзини ёзи бошқариш органлари тўғрисидаги қонун ҳужжатлари

Фуқароларнинг ёзини ёзи бошқариш органлари тўғрисидаги қонун ҳужжатлари ушбу Қонун ва бошқа қонун ҳужжатларидан иборат.

Қорақалпоғистон Республикасида фуқароларнинг ёзини ёзи бошқариши соҳасидаги муносабатлар Қорақалпоғистон Республикасининг қонун ҳужжатлари билан ҳам тартибга солинади.

3-модда. Фуқароларнинг ёзини ёзи бошқариш ҳуқуқи

Фуқаролар шаҳарчалар, қишлоқлар, овуллар ва маҳаллаларда ёзини ёзи бошқаришга доир ёз конституциявий ҳуқуқини фуқароларнинг сайлов ҳуқуқлари кафолатларига мувофиқ фуқаролар йиғинлари (вакиллар йиғилиши) орқали амалга оширадилар.

Фуқаролар жинси, ирқи, миллати, тили, дини, ижтимоий келиб чиқиши, эътиқоди, шахсий ва ижтимоий мавқеидан қатъи назар, бевосита ҳамда ўзларининг сайлаб қўйиладиган вакиллари орқали ўзини ўзи бошқаришни амалга оширишда тенг ҳуқуқларга эгадир.

Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқаришга доир ҳуқуқларини чеклаш тақиқланади.

4-модда. **Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари фаолиятининг асосий принциплари**

Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари фаолиятининг асосий принциплари қуйидагилардан иборат:

демократизм;
ошкоралик;
ижтимоий адолат;
инсонпарварлик;
маҳаллий аҳамиятга молик масалаларни ечишда мустақиллик;
жамоатчилик асосидаги ўзаро ёрдам.

5-модда. **Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш ҳудудлари**

Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариши Ўзбекистон Республикасининг бутун ҳудудида амалга оширилади. Шаҳарчалар, қишлоқлар, овуллар ва маҳаллалар фуқаролар ўзини ўзи бошқаришининг ҳудудий бирликларидир.

Шаҳарчалар, қишлоқлар, овулларни тузиш, тугатиш, шунингдек уларнинг чегараларини ўзгартириш, уларга ном бериш ва уларнинг номини ўзгартириш фуқаролар ўзини ўзи бошқаришининг тегишли органлари фикрини ҳисобга олган ҳолда қонун ҳужжатларида назарда тутилган тартибда амалга оширилади.

Маҳаллани тузиш, қўшиб юбориш, бўлиш ва тугатиш, шунингдек унинг чегараларини белгилаш ва ўзгартириш фуқаролар ўзини ўзи бошқариш органларининг ташаббусига кўра маҳаллий давлат ҳокимияти органлари томонидан амалга оширилади.

6-модда. Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари фаолиятини давлат томонидан қўллаб-қувватлаш

Давлат ҳокимияти ва бошқарув органлари фуқаролар ўзини ўзи бошқариш органларининг шаклланиши ва ривожланиши учун зарур шарт-шароит яратадилар, уларнинг ишларига аралаштиришга йўл қўймайдилар, фуқароларга ўзини ўзи бошқаришга доир ҳуқуқларини амалга оширишда кўмаклашадилар.

7-модда. Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари

Қуйидагилар фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларидир:

шаҳарча, қишлоқ, овул фуқароларининг, шунингдек шаҳар, шаҳарча, қишлоқ ва овулдаги маҳалла фуқароларининг йиғини (вакиллар йиғилиши) (бундан буён матнда фуқаролар йиғини деб юритилади);

фуқаролар йиғинининг кенгаши;

фуқаролар йиғини фаолиятининг асосий йўналишлари бўйича комиссиялар;

фуқаролар йиғинининг тафтиш комиссияси;

туман марказидан олисда жойлашган ва бориш қийин бўлган шаҳарчалар, қишлоқлар ва овулларда қонун ҳужжатларида назарда тутилган ҳолларда тузиладиган маъмурий комиссия (бундан буён матнда маъмурий комиссия деб юритилади).

Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари маҳаллий давлат ҳокимияти органлари тизимига кирмайди.

Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари юридик шахс ҳуқуқларидан фойдаланади, белгиланган намунадаги муҳрга эга бўлади ва маҳаллий давлат ҳокимияти органларида рўйхатга олинishi керак.

Фуқаролар йиғини тўғрисидаги намунавий низом Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан тасдиқланади.

8-модда. Фуқаролар йиғини органларини ва уларнинг мансабдор шахсларини сайлаш

Фуқаролар йиғини органларини ва уларнинг мансабдор шахсларини сайлаш фуқароларнинг қонунда бел-

гиланган сайлов ҳуқуқлари кафолатларини таъминлаган ҳолда, умумий, тенг ва тўғридан-тўғри сайлов ҳуқуқи асосида яширин ёки очиқ овоз бериш йўли билан амалга оширилади.

9-модда. Фуқаролар йиғини

Фуқаролар йиғини — фуқаролар ўзини ўзи бошқаришининг юқори органи бўлиб, аҳоли манфаатларини ифодалаш ва унинг номидан тегишли ҳудудда амал қилувчи қарорлар қабул қилиш ҳуқуқига эгадир.

Фуқаролар йиғинида ўн саккиз ёшга тўлган ҳамда шаҳарча, қишлоқ, овул ва маҳалла ҳудудида доимий яшаётган шахслар қатнашадилар.

10-модда. Шаҳарча, қишлоқ, овул фуқаролар йиғини ва шаҳардаги маҳалла фуқаролар йиғинининг ваколатлари

Шаҳарча, қишлоқ, овул фуқаролар йиғини ҳамда шаҳардаги маҳалла фуқаролар йиғини тегишли равишда шаҳарча, қишлоқ, овул фуқаролар ўзини ўзи бошқариш органларининг ҳамда шаҳардаги маҳалла фуқаролар ўзини ўзи бошқариш органларининг ваколатларига қонун ҳужжатлари билан берилган исталган масалани ўзи кўриб чиқиш учун олиш ва ҳал этиш ҳуқуқига эга.

Шаҳарча, қишлоқ, овул фуқаролар йиғини ва шаҳардаги маҳалла фуқаролар йиғини:

фуқаролар йиғини раисини (оқсоқолини) ва унинг маслаҳатчиларини, фуқаролар йиғини фаолиятининг асосий йўналишлари бўйича комиссияларнинг раисларини ва аъзоларини сайлайди, йилнинг ҳар чорагида уларнинг ҳисоботларини эшитади;

фуқаролар йиғинининг тафтиш комиссиясини ҳамда қонун ҳужжатларида назарда тутилган ҳолларда маъмурий комиссияни сайлайди, улар тўғрисидаги низомларни тасдиқлайди;

белгиланган тартибда раиснинг (оқсоқолнинг) маслаҳатчилари ва фуқаролар йиғини кенгаши девонининг миқдор таркибини белгилайди, раиснинг (оқсоқолнинг) тақдимномасига кўра фуқаролар йиғинининг масъул котибини тайинлайди;

кенгаш, тафтиш комиссияси ва маъмурий комиссия

фаолиятининг асосий йўналишларини белгилайди, йилнинг ҳар чорағида уларнинг ҳисоботларини эшитади;

фуқаролар ўзини ўзи бошқариш органининг фаолият дастурини ва харажатлар сметасини, ҳудудни комплекс ривожлантиришни таъминлаш, аҳоли пунктларини ободонлаштириш ва уларнинг санитария ҳолатини яхшилашга қаратилган тадбирлар режаларини тасдиқлайди;

қонунлар ва бошқа қонун ҳужжатларининг, шунингдек ўз қарорларининг ижро этилиши устидан жамоатчилик назоратини амалга оширади;

Ўзбекистон Республикаси Президенти сайловини ўтказувчи, шунингдек Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисига, халқ депутатлари вилоят, туман ва шаҳар Кенгашларига сайлов ўтказувчи участка сайлов комиссияларининг аъзоллигига номзодларни тегишли округ сайлов комиссияларига тавсия этади;

халқ депутатлари туман, шаҳар Кенгаши депутатлигига номзод кўрсатиш тўғрисида қарор қабул қилади;

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси депутатлигига, халқ депутатлари вилоят Кенгашлари депутатлигига номзодлар кўрсатиш учун фуқароларнинг номзодлари бўйича ҳокимиятнинг тегишли вакиллик органларига таклифлар киритади;

тўйлар ва бошқа маросимларни ўтказиш бўйича тавсиялар беради;

йилнинг ҳар чорағида туман, шаҳар ва вилоят ҳокимликлари раҳбарларининг фуқаролар ўзини ўзи бошқариш органлари фаолияти соҳасига кирувчи масалалар юзасидан ҳисоботларини эшитади. Фуқаролар йиғинларининг ҳисоботлар тўғрисидаги баённомалари тегишли вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликларига юборилади, улар бу баённомаларнинг ҳисобини юритадилар, фуқароларнинг мурожаатлари бажарилишини назорат қиладилар;

атроф муҳитни муҳофаза қилиш ва ободонлаштириш масалалари юзасидан ўз ваколати доирасида тегишли ҳудудда жойлашган корхоналар, муассасалар, ташкилотлар раҳбарларини ҳисоботларини эшитади;

фуқаролар ўзини ўзи бошқариш органларининг ўз маблағларини шакллантиради, фуқаролар ўзини ўзи бошқариш органларининг мулкига эгалик қилади, ундан фойдаланади ва уни тасарруф этади;

ободонлаштириш ишларини ўтказиш, умумий фойдаланишдаги жойларни таъмирлаш, шунингдек кам таъ-

минланган оилаларнинг уйлари ва квартираларини таъмирлашда ёрдам кўрсатиш учун аҳолидан ихтиёрийлик асосида маблағ йиғиш тўғрисида қарорлар қабул қилади;

ободонлаштириш, кўкаламзорлаштириш ва санитария-тозалаш ишлари ўтказиш учун тегишли ҳудудда жойлашган корхоналар ва ташкилотларнинг маблағларидан шартнома асосида фойдаланиш тўғрисида қарорлар қабул қилади;

ўз ҳудудидаги ижтимоий инфратузилмани ривожлантириш учун юридик ва жисмоний шахсларнинг маблағларини ихтиёрийлик асосида бирлаштириш масалалари юзасидан қарорлар қабул қилади;

пул маблағлари сарфланиши устидан назоратни ташкил этади;

атроф муҳитни муҳофаза қилишга кўмаклашади; гузарлар барпо этишга доир масалаларни кўриб чиқади;

маъмурий-ҳудудий бирликлар ва маҳаллаларнинг chegarаларини ўзгартириш, маҳаллалар, кўчалар, майдонлар ва бошқа объектларнинг номини ўзгартириш тўғрисида тегишли давлат органларига таклифлар киритади;

ер участкаларини бериш (реализация қилиш) масалаларини кўриб чиқувчи туман комиссиясига ўз вакилини юборади;

қонун ҳужжатларига мувофиқ бошқа ваколатларни амалга оширади.

Шаҳардаги маҳалла фуқаролар йиғини ушбу моддада назарда тутилган ваколатлардан ташқари, кам таъминланган оилаларга моддий ёрдам кўрсатиш ва болали муҳтож оилаларга нафақалар тайинлаш масалаларини ҳал этади, оилаларни давлат томонидан ижтимоий қўллаб-қувватлаш мақсадлари учун қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда ажратиладиган маблағлардан ўз ўрнида ва самарали фойдаланилишини таъминлайди.

Шаҳарча, қишлоқ, овул фуқаролар йиғини шаҳарча, қишлоқ ва овулдаги маҳалла фуқаролар йиғинларига кўмаклашади, марказлаштирилган тарзда ажратиладиган маблағлардан қандай фойдаланилаётганлиги тўғрисидаги ҳисоботларини эшитади.

11-модда. Шаҳарча, қишлоқ ва овулдаги маҳалла фуқаролар йиғинининг ваколатлари

Шаҳарча, қишлоқ ва овулдаги маҳалла фуқаролар

Йиғини тегишли равишда шаҳарча, қишлоқ ва овулдаги маҳалла фуқаролар ўзини ўзи бошқариш органларининг ваколатларига қонун ҳужжатлари билан берилган исталган масалани ўзи кўриб чиқиш учун олиш ва ҳал этиш ҳуқуқига эга.

Шаҳарча, қишлоқ ва овулдаги маҳалла фуқаролар йиғини:

фуқаролар йиғинининг раисини (оқсоқолини) ва унинг маслаҳатчиларини, фуқаролар йиғини фаолиятининг асосий йўналишлари бўйича комиссияларнинг раисларини ва аъзоларини сайлайди, йилнинг ҳар чорагида уларнинг ҳисоботларини эшитади;

раиснинг (оқсоқолнинг) маслаҳатчилари ва фуқаролар йиғини кенгаши девонининг миқдор таркибини белгилайди, раиснинг (оқсоқолнинг) тақдимномасига мувофиқ фуқаролар йиғинининг масъул котибини тайинлайди;

қонунларга риоя этилиши ҳамда бошқа қонун ҳужжатлари ва ўз қарорлари, шунингдек шаҳарча, қишлоқ ва овул фуқаролар йиғинининг қарорлари ижро этилиши устидан жамоатчилик назоратини амалга оширади;

пул маблағларининг сарфланиши устидан назоратни ташкил этади, фуқаролар йиғинининг тафтиш комиссиясини сайлайди, комиссия тўғрисидаги низомни тасдиқлайди, йилнинг ҳар чорагида унинг ҳисоботларини эшитади;

ҳудудларни ободонлаштириш ва кўкаламзорлаштириш бўйича тадбирлар режасини белгиланган тартибда тасдиқлайди;

кам таъминланган оилаларга моддий ёрдам кўрсатиш ва болали муҳтож оилаларга нафақалар тайинлаш масалаларини ҳал этади, оилаларни давлат томонидан ижтимоий қўллаб-қувватлаш мақсадлари учун қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда ажратиладиган маблағлардан ўз ўрнида ва самарали фойдаланилишини таъминлайди;

қонун ҳужжатларига мувофиқ бошқа ваколатларни амалга оширади.

12-модда. **Фуқаролар йиғини кенгашининг ваколатлари**

Фуқаролар йиғинининг қарорларини бажариш ва фуқаролар ўзини ўзи бошқариш органларининг фуқаролар йиғинлари оралиқ давридаги жорий фаолиятини

амалга ошириш учун фуқаролар йиғинининг раиси (оқсоқоли), унинг маслаҳатчилари, фуқаролар йиғини фаолиятининг асосий йўналишлари бўйича комиссияларнинг раислари ва йиғиннинг масъул котибидан иборат таркибда фуқаролар йиғинининг кенгаши тузилади.

Фуқаролар йиғинининг кенгаши:

фуқаролар йиғинини чақиради;

фуқаролар йиғини фаолиятининг асосий йўналишлари бўйича комиссиялар ишини мувофиқлаштиради, хайрия ташкилотлари ва бошқа ташкилотлар билан ҳамкорликдаги тадбирларни ўтказиши;

фуқаролар йиғини раисининг (оқсоқолининг) тақдимномасига кўра фуқаролар йиғини кенгашининг дивонини шакллантиради;

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси, халқ депутатлари вилоят, туман ва шаҳар Кенгашлари депутатларига уларнинг сайловчилар билан учрашувларини уюштиришда, фуқароларни қабул қилишда, улар ўз сайлов участкаларида бошқа ваколатларини амалга оширишларида кўмаклашади;

оммавий-сиёсий, маънавий-маърифий, маданий, спорт тадбирларини ва бошқа тадбирларни ўтказишда маҳаллий давлат ҳокимияти органларига кўмаклашади;

хотин-қизларнинг манфаатларини ҳимоя қилиш, уларнинг ижтимоий ҳаётдаги, оилада маънавий-ахлоқий муҳитни шакллантиришдаги, ёш авлодни тарбиялаш ишидаги мавқеини оширишга қаратилган чора-тадбирларни кўради;

рўйхатдан ўтмаган диний ташкилотлар фаолият кўрсатишининг олдини олиш, фуқароларнинг диний эътиқод эркинлиги ҳуқуқларига риоя этилишини таъминлаш, диний қарашларни мажбуран сингдиришга йўл қўймаслик чора-тадбирларини кўради, виждон эркинлиги ва диний ташкилотлар тўғрисидаги қонун ҳужжатларига риоя этилиши билан боғлиқ бўлган бошқа масалаларни кўриб чиқади;

тарбияга оид масалалар юзасидан таълим муассасалари билан ҳамкорлик қилади;

икки ёшга тўлмаган болалари бор ишламайдиган оналарга нафақаларни шу мақсадда ажратилган давлат бюджети маблағларидан белгиланган тартибда тайинлайди ва тўлайди;

бошқаларнинг парвариши ва ёрдамига муҳтож кекса фуқароларга шафелик (патронажлик) ёрдами шу

мақсадда ажратилган давлат бюджети маблағлари ҳисобидан кўрсатилишига кўмаклашади;

мазкур ҳудудда яшовчи фуқароларни иш билан таъминлашга, шу жумладан касаначиликни ташкил этишга кўмаклашади;

қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда кичик корхоналар, сартарошхоналар, пойабзал таъмирлаш ва тикиш устахоналари, халқ ҳунармандчилиги цехларини ва аҳолига маиший хизмат кўрсатувчи бошқа корхоналарини ташкил этиш, қайта ташкил этиш ва тугатиш тўғрисида қарор қабул қилади, бу қарор кейинчалик фуқаролар йиғинида тасдиқланади;

аҳолининг уйларни, ҳовлилардаги биноларни, ҳовлилар ва уйлар атрофидаги ҳудудларни ободонлаштириш, кўкаламзорлаштириш ва ораста сақлаш, болалар ва спорт майдончаларини жиҳозлаш, йўллар, кўприклар, кўчалар, йўлкалар, коммунал тармоқларни қуриш, қайта қуриш, таъмирлаш ва яроқли ҳолда сақлаш, тарих ва маданият ёдгорликларини, қабристонларни таъмирлаш ишларида ихтиёрийлик асосида қатнашишларини ташкил этади, туман, шаҳар ҳокимлиги ажратадиган моддий ва бошқа маблағларни, ўз маблағларини ана шу мақсадларда ишлатади, жамоатчилик ёрдамини (ҳашарларни) уюштиради, кўриклар ва танловлар ўтказиши;

ёқилғи, электр ва иссиқлик энергияси ҳамда сувдан тежамли фойдаланиш ва уларнинг беҳуда сарфланишини камайтиришга қаратилган тадбирларни ўтказиши;

деҳқон ва фермер ҳўжаликларини ривожлантиришга кўмаклашади;

тегишли ҳудуддаги ерларнинг фойдаланилиши ва муҳофаза этилиши устидан жамоатчилик назоратини амалга оширади;

савдо ва маиший хизмат кўрсатиш корхоналарининг иши, савдо ва фуқароларга хизмат кўрсатиш маданияти қондаларига риоя этилиши устидан назорат амалга оширилишига кўмаклашади;

тегишли ҳудудда жамоат тартибини таъминлашда, шу жумладан фуқароларнинг келиши ва кетишини ҳисобга олишни ташкил этишда, ўсмирлар ва ёшлар ўртасида ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш ишида, вояга етмаганларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилишда ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органларга кўмаклашади;

аҳоли пунктлари, сув таъминоти манбалари, турар

жойлар, мактаблар ва бошқа таълим муассасаларининг санитария ва экология ҳолати устидан назорат амалга оширилишига кўмаклашади;

ёнғинга қарши хавфсизлик талабларига, жониворларни сақлашга оид ветеринария қоидаларига риоя этилиши устидан назорат амалга оширилишига кўмаклашади;

иморатлар қуриш ҳамда ҳовлилар ва уйлар атрофидаги ҳудудларни ораста сақлаш қоидаларига риоя этилиши устидан жамоатчилик назоратини амалга оширади;

уй-жой фондидан фойдаланиш ва унинг асралишини таъминлашда фуқароларга кўмаклашади;

аҳолидан солиқлар ва мажбурий тўловлар ўз вақтида тушишига кўмаклашади;

фуқаролар уй-жойдан фойдаланиш харажатларини ва коммунал хизматлар ҳақини банк муассасаси орқали ҳисоб-китоб қилиб, тўлиқ ва ўз вақтида тўлашларини коммунал хизмат кўрсатиш корхоналари билан биргаликда уюштиради ва назорат қилади. Аҳоли уй-жой-коммунал хизматлар ҳақини тўлиқ тўлашини таъминлаганлиги учун фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органига ўтказиладиган маблағларни белгиланган тартибда кам таъминланган оилаларга уй-жой-коммунал хизматлар ҳақини тўлашда ёрдам беришга, фуқаролар ўзини ўзи бошқариш органларининг ходимларини рағбатлантиришга, шунингдек ободонлаштириш ишларини ўтказишга ишлатади;

фуқароларни табиий офатларга қарши курашга ва уларнинг оқибатларини тугатишга жалб этади;

аҳолини фуқаролик ҳимоясига доир тадбирларни ўтказишга жалб этади, ҳарбий хизматга мажбурлар ва чақирилувчиларни мудофаа ишлари бўлимларига чақирилаётганликларидан хабардор этишни ва чақиришни ташкил қилишга кўмаклашади, шунингдек шахарчалар, қишлоқлар ва овулларда уларнинг шахсий-бирламчи ҳисобини юритади;

жазони ижро этиш муассасаларидан озод этилган шахсларни ижтимоий-меҳнатга тиклаш ва жиноятчиликнинг олдини олишга доир тадбирларни ижтимоий мослашув марказлари билан биргаликда амалга оширади;

илгари судланган ҳамда ҳуқуқбузарликлар содир этишга мойил бошқа шахсларга тарбиявий таъсир ўтказиш учун фахрийлардан, хотин-қизлар ва ёшлар, ма-

даният ва дин вакиллари жумласидан комиссиялар тузади.

Фуқаролар йиғинининг кенгаши қонун ҳужжатларига мувофиқ бошқа ваколатларни ҳам амалга ошириши мумкин.

13-модда. Фуқаролар йиғини раисининг (оқсоқолининг) ваколатлари

Фуқаролар йиғинининг раиси (оқсоқоли):

фуқаролар йиғинини чақиради;

раис маслаҳатчиларининг, масъул котибнинг, фуқаролар йиғини фаолиятининг асосий йўналишлари бўйича комиссиялар ҳамда маъмурий комиссия раислари ва аъзоларининг номзодларини сайлаш учун фуқаролар йиғинига тақдим этади;

қонунлар ва бошқа қонун ҳужжатларининг, фуқаролар йиғини ва унинг кенгаши қарорларининг ижро этилиши устидан жамоатчилик назоратини амалга оширишга доир ишларни ташкил этади;

давлат ҳокимияти ва бошқарув органларида, судда, юридик ва жисмоний шахслар билан муносабатларда фуқароларнинг маънафатларини ифодалайди;

фуқаролар йиғини маблағларини қонун ҳужжатларига мувофиқ тасарруф этади;

эгасиз мол-мулкни, шунингдек мерос тарикаснда фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органига ўтган мол-мулкни сақлаш чора-тадбирларини кўради;

фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органи номидан шартномалар, шу жумладан меҳнат шартномалари тузади;

кам таъминланган оилаларнинг, шунингдек табиий офатлардан жабр кўрган фуқароларнинг моддий ва уй-жой-майший шароитларини яхшилаш тўғрисида тегишли органларга таклифлар киритади;

ўз ҳудуди доирасида яшовчиларни ҳисобга олиб боришни, шунингдек тегишли ҳудудда жамоат тартибини таъминлашда, шу жумладан фуқароларнинг келиши ва кетишини ҳисобга олишни ташкил этишда, ўсмирлар ва ёшлар ўртасида ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш ишида ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органларга кўмаклашишга доир ишларни ташкил этади;

вояга етмаганларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш бўйича жамоатчилик ишини ташкил этади, ота-онаси-

нинг қаровисиз қолган болаларни тегишли давлат муассасаларига жойлаштиришга кўмаклашади;

тегишли ҳудудда байрам кунлари ва муҳим саналар билан боғлиқ оммавий тадбирлар ўтказилишини ташкил қилади;

рўйхатдан ўтмаган диний ташкилотлар фаолият кўрсатишининг, диний қарашларни мажбуран сингдириш ҳолларининг олдини олишга доир ишларни уюштиради, виждон эркинлиги ва диний ташкилотлар тўғрисидаги қонун ҳужжатларига риоя этилиши билан боғлиқ бошқа масалаларни ҳал этади;

фуқароларни қабул қилади, уларнинг шикоятлари, аризалари ва таклифларини кўриб чиқади;

фуқароларга уларнинг оилавий ва мулкӣ аҳволи тўғрисида маълумотномалар ҳамда ҳужжатлар, қонун ҳужжатларида назарда тутилган бошқа ҳужжатлар берилишини таъминлайди;

фуқаролар ўзини ўзи бошқариш органларининг ўз ваколатлари доирасида қабул қилган қарорларини бажармаганлиги ёки лозим даражада бажармаганлиги учун мансабдор шахсларни жавобгарликка тортиш тўғрисида қонунда белгиланган тартибда тегишли органларга тақдимномалар киритади;

қонун ҳужжатларига мувофиқ бошқа ваколатларни амалга оширади.

Фуқаролар йиғинининг раиси (оқсоқоли) белгиланган намунадаги гувоҳномага эга бўлади.

14-м о д д а. Шаҳарчалар, қишлоқлар ва овуллар фуқаролар йиғинларининг раислари (оқсоқоллари) томонидан айрим фуқаролик ҳолати далолатномаларининг рўйхатга олиниши ва нотариал ҳаракатларнинг амалга оширилиши

Шаҳарчалар, қишлоқлар ва овуллар фуқаролар йиғинларининг раислари (оқсоқоллари) фуқаролик ҳолати далолатномаларини рўйхатга олишнинг қўйидаги турларини белгиланган тартибда бажаришлари мумкин: туғилиш, ўлим, никоҳ тузиш ва никоҳдан ажратиш, оталикни белгилаш.

Аҳоли пунктида нотариус бўлмаган тақдирда, шаҳарчалар, қишлоқлар ва овуллар фуқаролар йиғинларининг раислари (оқсоқоллари) қонунга мувофиқ қўйидаги нотариал ҳаракатларни амалга оширадilar:

васиятномаларни тасдиқлайдилар;
ишончномаларни тасдиқлайдилар, автомобилотранспорт воситаларини бошқариш ва тасарруф этиш ҳақидаги ишончномалар бундан мустасно;

мерос мол-мулкнинг қўриқланишига доир чора-тадбирлар кўрадилар;

ҳужжатлар нусхаларининг ва ҳужжатлардан олинган кўчирмаларнинг тўғрилигини шаҳодатлайдилар, маълумот тўғрисидаги ҳужжатлар нусхалари бундан мустасно; ҳужжатлардаги имзонинг ҳақиқийлигини шаҳодатлайдилар.

Шаҳарчалар, қишлоқлар ва овуллар фуқаролар йиғинларининг раислари (оқсоқоллари) қонунларда назарда тутилган бошқа нотариал ҳаракатларни ҳам амалга оширишлари мумкин.

15-модда. Фуқаролар йиғинининг тафтиш ва маъмурий комиссиялари

Тафтиш комиссияси фуқаролар ўзини ўзи бошқариш органларининг молия-хўжалик фаолиятини текшириш учун тузилади.

Маъмурий комиссия маъмурий ҳуқуқбузарликлар тўғрисидаги ўз ваколатлари доирасидаги ишларни кўриб чиқиш учун тузилади.

Тафтиш комиссияси ва маъмурий комиссия ўз фаолиятида мустақилдир ва фақат фуқаролар йиғинига ҳисобдордир.

Тафтиш комиссияси ва маъмурий комиссия ўз фаолиятини фуқаролар йиғини тасдиқлайдиган низомлар асосида амалга оширади.

Тафтиш комиссияси ва маъмурий комиссия тўғрисидаги намунавий низомлар Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан тасдиқланади.

16-модда. Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларининг ва улар мансабдор шахсларининг қарорлари мажбурийлиги

Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларининг ва улар мансабдор шахсларининг ўз ваколатлари доирасида қабул қилган қарорлари тегишли ҳудудда яшовчи фуқаролар, шунингдек шаҳарча, қишлоқ, овул ва маҳалла ҳудудида жойлашган юридик шахслар (улар-

нинг мансабдор шахслари) томонидан ижро этилиши шарт.

Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларининг ва улар мансабдор шахсларининг қарорларини бажармаслик ёки лозим даражада бажармаслик қонунга мувофиқ жавобгарликка сабаб бўлади.

Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларининг ва улар мансабдор шахсларининг қарорлари уларни қабул қилган органлар ва мансабдор шахслар томонидан бекор қилиниши ёки суд қарорига кўра ҳақиқий эмас деб топилиши мумкин.

17-модда. Фуқаролар ўзини ўзи бошқариш органларининг фаолиятини мувофиқлаштириш

Фуқаролар ўзини ўзи бошқариш органларининг фаолиятини мувофиқлаштириш мақсадида республика оқсоқоллар Кенгаши, шунингдек фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш ишлари бўйича вилоят, туман, шаҳар мувофиқлаштириш кенгашлари тузилиши мумкин.

18-модда. Фуқаролар йиғинини чақириш тартиби

Фуқаролар йиғини фуқаролар йиғинининг раиси (оқсоқоли), йиғин кенгаши томонидан заруратга қараб, лекин йилнинг ҳар чорагида камида бир марта чақирилади. Фуқаролар йиғини халқ депутатлари туман, шаҳар Кенгашининг, туман, шаҳар ҳокимининг ёки ўн саккиз ёшга тўлган ва мазкур ҳудудда доимий яшовчи фуқароларнинг камида учдан бир қисми ташаббуси билан чақирилиши мумкин.

Фуқароларнинг йиғини фуқаролар йиғинида қатнашиш ҳуқуқига эга бўлган барча аҳолининг ярмидан кўпроғи ҳозир бўлган тақдирда ваколатлидир.

Фуқаролар йиғинини олиб бориш учун раёсат сайланади. Йиғинни фуқаролар йиғинининг раиси (оқсоқоли) ёки раиснинг маслаҳатчиларидан бири олиб боради. Барча масалалар бўйича қарорлар очиқ ёки ёпиқ овоз бериш орқали оддий кўпчилик овоз билан қабул қилинади.

Ҳар бир йиғинда йиғин ўтказилган сана, ҳозир бўлган фуқаролар сони, кун тартиби ва қабул қилинган қарорлар кўрсатилган ҳолда баённома юритилади. Фуқаролар йиғинининг баённомаси ва қарорини фуқаролар

Йиғинининг раиси (оқсоқоли) ва масъул котиби имзолайдилар. Раис (оқсоқол) йўқлигида, фуқаролар йиғинининг баённомасини раиснинг маслаҳатчиларидан бири ва масъул котиб имзолайди.

Фуқаролар йиғинини чақиришнинг иложи бўлмаган тақдирда, фуқаролар вакилларининг йиғилиши ўтказилади. Йиғилишга ҳовлилар, уйлар, кўчалар, маҳаллалар, мавзелар, даҳалардан фуқароларнинг намояндалари вакил қилинишлари мумкин. Вакиллик нормалари тегишли халқ депутатлари Кенгаши ёки туман, шаҳар ҳокими томонидан белгиланади.

Фуқаролар вакилларининг йиғилиши унда вакилларнинг камида учдан икки қисми ҳозир бўлган тақдирда ваколатлидир ва бундай йиғилиш ушбу Қонунда фуқаролар йиғинларини ўтказиш тартибига нисбатан қўйиладиган талабларга мувофиқ ўтказилади.

19-модда. Фуқаролар йиғини кенгашининг иш тартиби

Фуқаролар йиғини кенгашининг мажлиси фуқаролар йиғинининг раиси (оқсоқоли) томонидан, заруратга қараб, лекин ойида камида бир марта ўтказилади.

Фуқаролар йиғини кенгашининг мажлиси, агар унинг ишида кенгаш аъзоларининг камида учдан икки қисми қатнашаётган бўлса, ваколатли ҳисобланади. Қарор, агар уни фуқаролар йиғини кенгашининг ҳозир бўлган аъзоларидан ярмидан кўпроғи ёқлаб овоз берган бўлса, қабул қилинган ҳисобланади.

Фуқаролар йиғини кенгашининг қарори очиқ овоз бериш йўли билан қабул қилинади.

20-модда. Фуқаролар йиғинининг раисини (оқсоқолини) ва раис маслаҳатчиларини сайлаш тартиби

Фуқаролар йиғинининг раиси (оқсоқоли) ва раис маслаҳатчилари 2,5 йил муддатга сайланадилар. Фуқаролар йиғинининг раиси (оқсоқоли) тегишли туман, шаҳар ҳокими билан келишилган ҳолда, маслаҳатчилар эса — йиғин раисининг (оқсоқолининг) тақдимномаси бўйича сайланадилар.

Фуқаролар йиғинининг раиси (оқсоқоли) ва раис

маслаҳатчилари, агар уларни йиғинда ҳозир бўлган фуқароларнинг ярмидан кўпроғи ёқлаб овоз берган бўлса, сайланган ҳисобланадилар.

21-модда. Фуқаролар йиғини раисининг (оқсоқолининг) ваколатларини муддатидан илгари тугатиш

Раиснинг (оқсоқолнинг) ваколатлари қуйидаги ҳолларда муддатидан илгари тугатилади:

у ўз ваколатларини зиммасидан соқит қилганда;
фуқаролар йиғини қарор қабул қилганда;
у белгиланган тартибда муомалага лаёқатсиз деб топилганда;

унга нисбатан суднинг айблов ҳукми қонуний кучга кирганда.

22-модда. Фуқаролар ўзини ўзи бошқариш органларининг фаолиятини ташкил этиш

Фуқаролар ўзини ўзи бошқариш органларининг фаолиятини ташкил этишни унинг кенгаши ҳамда фуқаролар йиғинининг раиси (оқсоқоли) амалга оширади.

Раиснинг маслаҳатчилари ўртасида вазифаларни тақсимлаш фуқаролар йиғини раисининг (оқсоқолининг) тақдимномаси бўйича йиғин томонидан амалга оширилади.

Фуқаролар йиғини кенгаши ўз девонига эга бўлиши мумкин, унинг ходимлари сони йиғин томонидан белгиланади. Йиғиннинг масъул котиби ва кенгаш девони ходимлари йиғинни, кенгаш мажлисини ўтказишга доир материалларни тайёрлайдилар, йиғиннинг, кенгашнинг ва раиснинг (оқсоқолнинг) қарорлари ижрочиларга ўз вақтида етказилишини таъминлайдилар, иш юритилишини амалга оширадилар.

Фуқаролар йиғинининг раиси (оқсоқоли), масъул котиби ва кенгаш девони ходимлари фуқаролар йиғинининг маблағлари ҳисобига ҳам, қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда маҳаллий бюджет маблағлари ҳисобига ҳам таъминланиши мумкин.

23-модда. Фуқаролар ўзини ўзи бошқариш органларининг мулки

Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари томонидан қурилган, олинган ёки қонунда белгиланган тартибда уларга берилган жамоат, ижтимоий-маиший

ва бошқа мақсаддаги объектлар, шунингдек транспорт воситалари, хўжалик анжомлари ва бошқа кўчар ҳамда кўчмас мулк уларнинг мулки ҳисобланади.

Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари ўз мулки бўлган объектларни вақтинчалик ёки доимий фойдаланиш учун юридик ва жисмоний шахсларга беришга, ижарага топширишга, белгиланган тартибда ўз тасарруфидан чиқаришга, шунингдек қонун ҳужжатларига мувофиқ ушбу мол-мулк билан боғлиқ бошқа битимлар тузишга ҳақлидир.

24-модда. Фуқаролар ўзини ўзи бошқариш органлари фаолиятининг молиявий асоси

Фуқаролар ўзини ўзи бошқариш органлари фаолиятининг молиявий асоси ўз маблағларидан, халқ депутатлари туман ва шаҳар Кенгашлари томонидан белгиланган тартибда ажратиладиган бюджет маблағларидан, юридик ва жисмоний шахсларнинг ихтиёрий хайр-эҳсонларидан, шунингдек қонун ҳужжатларида назарда тутилган бошқа маблағлардан ташкил топади.

Фуқаролар ўзини ўзи бошқариш органларининг молиявий маблағлари банк муассасасидаги мустақил ҳисобварақда сақланади ҳамда белгиланган тартибда улар томонидан мустақил фойдаланилади ва бу маблағларнинг олиб қўйилиши мумкин эмас.

Фуқаролар йиғинининг кенгаши молиявий маблағлардан фойдаланилганлиги тўғрисида йилнинг ҳар чорагида фуқаролар йиғини олдида ҳисоб беради.

25-модда. Фуқаролар ўзини ўзи бошқариш органларининг ҳисоби ва ҳисоботи

Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари ўз фаолиятининг ҳисобини юритади ҳамда қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда маҳаллий статистика ва солиқ органларига ҳисобот тақдим этади.

26-модда. Фуқаролар ўзини ўзи бошқариш органларининг ва улар мансабдор шахсларининг мурожаатларини кўриб чиқишнинг шартлиги

Фуқаролар ўзини ўзи бошқариш органларининг ва улар мансабдор шахсларининг мурожаатлари давлат

ҳокимияти ва бошқарув органлари, корхоналар, муассасалар ва ташкилотлар, уларнинг мансабдор шахслари томонидан ўз ваколатлари доирасида қонунда белгиланган муддатда кўриб чиқилиши шарт.

27-модда. Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларини қайта ташкил этиш ва уларнинг фаолиятини тугатиш

Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларини қайта ташкил этиш ва уларнинг фаолиятини тугатиш маъмурий-ҳудудий бирликлар, шунингдек маҳалла қўшилганда, бўлинганда, тугатилганда фуқаролар йиғинининг қарорига биноан қонун ҳужжатларига мувофиқ амалга оширилади.

28-модда. Низоларни ҳал этиш

Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари фаолияти билан боғлиқ низолар суд томонида ҳал этилади.

Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари ва уларнинг мансабдор шахслари ўзини ўзи бошқаришни амалга оширишга доир фуқароларнинг ҳуқуқларини бузган давлат органлари ва бошқа органларнинг, шунингдек мансабдор шахсларнинг ҳаракатлари (қарорлари) устидан шикоят қилишга ҳақлидир.

Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларининг қарорлари, шунингдек улар мансабдор шахсларининг ҳаракатлари (ҳаракатсизлиги) устидан қонунда белгиланган тартибда судга шикоят қилиш мумкин.

29-модда. Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари тўғрисидаги қонун ҳужжатларини бузганлик учун жавобгарлик

Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари тўғрисидаги қонун ҳужжатлари бузилишида айбдор бўлган шахслар белгиланган тартибда жавобгар бўладилар.

Ўзбекистон Республикасининг
Президенти

И. ҚАРИМОВ

**ЯНГИ ТАХРИРДАГИ «ФУҚАРОЛАРНИНГ ЎЗИНИ ЎЗИ
БОШҚАРИШ ОРГАНЛАРИ ТЎҒРИСИДА»ГИ ЎЗБЕКИСТОН
РЕСПУБЛИКАСИ ҚОНУНИНИ АМАЛГА КИРИТИШ
ҲАҚИДА**

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ

ОЛИЙ МАЖЛИСИНИНГ

1999 йил 14 апрель

Қ А Р О Р И

**(Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг
Ахборотномаси, 1999 йил, 5-сон, 111-модда.)**

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси **қ а р о р**
қ и л а д и:

1. Янги таҳрирдаги «Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни матбуотда эълон қилинган кундан эътиборан амалга киритилсин.

2. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳукумат қарорларини янги таҳрирдаги «Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига мувофиқлаштирсин, вазирликлар ва идоралар ўзларининг мазкур Қонунга зид бўлган норматив ҳужжатларини қайта кўриб чиқишлари ва бекор қилишларини таъминласин.

Ўзбекистон Республикаси
Олий Мажлисининг Райси

Э. ХАЛИЛОВ

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИНИНГ

1999 йил 14 апрель

Қ О Н У Н И

(Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг
Ахборотномаси, 1999 йил, 5-сон, 112-модда)

Болаларни тарбиялаш учун шарт-шароит яратиш ҳамда хотин-қизларнинг меҳнатдан манфаатдорлигини ошириш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси қ а р о р қ и л а д и:

1. Уч ёшга тўлмаган болалари бор, бюджет ҳисобидан молиявий жиҳатдан таъминланадиган муассасалар ва ташкилотларда ишлаётган аёлларга меҳнатга тўланадиган ҳақни камайтирмасдан, иш вақтининг ҳафтасига ўттиз беш соатдан ошмайдиган қисқартирилган муддати белгилансин.

2. Ушбу Қонун 3-моддасининг 1-бандида назарда тутилган иш стажини мавжуд бўлган тақдирда эллик тўрт ёшга тўлган аёлларга пенсияга чиқиш ҳуқуқи берилсин.

3. Ўзбекистон Республикасининг қўйидаги қонун ҳужжатларига ўзгартишлар ва қўшимчалар киритилсин:

1) Ўзбекистон Республикасининг 1993 йил 3 сентябрда қабул қилинган «Фуқароларнинг давлат пенсия таъминоти тўғрисида»ги Қонуни (Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг Ахборотномаси, 1993 йил, № 9, 338-модда; Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 1995 йил, № 12, 269-модда; 1997 йил, № 4—5, 126-модда; 1998 йил, № 9, 181-модда) қўйидаги мазмундаги 12¹-модда билан тўлдирилсин:

12¹-м о д д а. Умумий белгиланган ёшни бир йилга қисқартирилган ҳолда пенсия олиш ҳуқуқи

Ушбу Қонун 37-моддасининг «а», «б», «в» ва «г» бандларида назарда тутилган камида йигирма йиллик иш стажини бўлган аёллар эллик тўрт ёшга тўлганда пенсия олиш ҳуқуқига эга бўладилар»;

2) Ўзбекистон Республикасининг 1995 йил 21 декабрда қабул қилинган Қонуни билан тасдиқланган **Ўзбекистон Республикаси Меҳнат кодексининг** (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 1996 йил, 1-сонга илова; 1997 йил, № 2, 65-модда; 1998 йил, № 5—6, 102-модда, № 9, 181-модда; 1999 йил, № 1, 20-модда):

116-моддасининг иккинчи қисми қуйидаги мазмундаги хатбоши билан тўлдирилсин:

«уч ёшга тўлмаган болалари бор, бюджет ҳисобидан молиявий жиҳатдан таъминланадиган муассасалар ва ташкилотларда ишлаётган аёллар (228¹-модда)»;

Кодекс қуйидаги мазмундаги **228¹-модда** билан тўлдирилсин:

«228¹-модда. Уч ёшга тўлмаган болалари бор, бюджет ҳисобидан молиявий жиҳатдан таъминланадиган ташкилотлар ва муассасаларда ишлаётган аёлларнинг иш вақтининг қисқартирилган муддатига бўлган ҳуқуқи

Уч ёшга тўлмаган болалари бор, бюджет ҳисобидан молиявий жиҳатдан таъминланадиган муассасалар ва ташкилотларда ишлаётган аёлларга иш вақтининг ҳафтасига ўттиз беш соатдан ошмайдиган қисқартирилган муддати белгиланади.

Иш вақтининг қисқартирилган муддати чоғида ушбу модданинг биринчи қисмида кўрсатилган аёллар меҳнатига ҳақ ҳар кунги-тўлиқ иш муддати чоғида тегишли тоифадаги ходимлар учун белгиланган миқдорда тўланади».

4. Ушбу Қонун 1999 йил 1 июлдан эътиборан кучга киради.

**Ўзбекистон Республикасининг
Президенти**

И. ҚАРИМОВ

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИНИНГ

1999 йил 15 апрель

Қ О Н У Н И

(Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг
Ахборотномаси, 1999 йил, 5-сон, 113-модда)

1-модда. Уй-жой мулкдорларининг ширкати

Уй-жой мулкдорларининг ширкати — қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда уй-жой мулкдорларининг уйдан фойдаланишни, унинг сақланишини биргаликда бошқариш ва таъминлаш, умумий фойдаланишдаги объектларга эгаллик қилиш ва улардан фойдаланиш шартлари, тартибни аниқлаш, умумий мулкдаги мол-мулкнинг лозим даражадаги ҳолатини таъминлаш мақсадидаги бирлашмасидир.

Уй-жой мулкдорларининг ширкати (бундан кейин матида ширкат деб юритилади) нотижорат ташкилот бўлиб, битта ёки яқин, зич жойлашган, умумий ер участкаси ва шифратузилма элементлари бир бўлган бир нечта уйда ёхуд уйнинг бошқа қисмларидан алоҳида қирини жойи бўлган, камида битта блок-секция ҳажмидаги мустакил қисмда турар жой мулкдорларидан камида ярмининг хоҳишига кўра, таъсис мажлисининг қарори билан ташкил этилади.

Ширкат юридик шахсдир, у ўз номи ёзилган муҳрга, банк муассасасида ҳисоб-китоб варағи ва бошқа ҳисоб-варақларга эга бўлади.

Ширкат ўз мажбуриятлари бўйича ўзига тегишли барча мол-мулк билан жавоб беради ҳамда ўз аъзоларининг мажбуриятлари бўйича жавоб бермайди.

2-модда. Ширкатлар тўғрисидаги қонун ҳужжатлари

Ширкатлар тўғрисидаги қонун ҳужжатлари ушбу Қонундан ва бошқа қонун ҳужжатларидан иборат.

Қорақалпоғистон Республикасида ширкатлар фао-

лияти Қорақалпоғистон Республикасининг қонун ҳужжатлари билан ҳам тартибга солинади.

3-м о д д а. **Ширкатларни давлат томонидан қўллаб-қувватлаш**

Давлат ширкатларнинг ҳуқуқларига риоя этилиши ва қонуний манфаатлари ҳимоя қилинишини кафолатлайди, уларнинг ривожланиши ва мустақамланишига қўмаклашади.

Ширкатлар фаолиятини давлат томонидан қўллаб-қувватлаш қуйидаги йўллар билан амалга оширилади:

уй-жой соҳасидаги норматив ҳужжатлар ва стандартларни ишлаб чиқиш ва тасдиқлаш;

уй-жой-коммунал хизматларига ҳақ тўлаш тизимини такомиллаштириш;

умумий фойдаланишдаги объектлардан фойдаланиш шартларини белгилаш;

уй-жой-коммунал хизматлари кўрсатиш бўйича танловлар ўтказиш асосида рақобатни ривожлантириш учун шароитлар яратиш;

ширкатлар фаолиятини юритиш учун қонун ҳужжатларига мувофиқ бериладиган компенсациялар, имтиёзлар ва кредитларни таъминлаш;

қонун ҳужжатларига мувофиқ бошқа чора-тадбирларни кўриш.

4-м о д д а. **Ширкатнинг таъсис мажлиси**

Ширкатнинг таъсис мажлиси турар жой мулкдорларининг ташаббускор гуруҳи томонидан чақирилади.

Ширкатнинг таъсис мажлиси:

ширкатни тузиш ва унинг уставини тасдиқлаш тўғрисида;

ширкат бошқарувини ва тафтиш комиссиясини (тафтишчисини) сайлаш тўғрисида;

ширкатнинг таъсис мажлиси ваколатига тааллуқли бўлган бошқа масалалар бўйича қарорлар қабул қилади.

Ширкат таъсис мажлисининг баённомасини мажлис раиси имзолайди.

5-м о д д а. **Ширкатнинг устави**

Ширкат ўз устави асосида фаолият кўратади. Ширкат уставида қуйидагилар бўлиши керак:

ширкатнинг тўлиқ номи, фаолиятининг соҳаси ва мақсади, жойлашган ери;

ширкат аъзоларининг ҳуқуқ ва мажбуриятлари;

уйни қараш ва таъмирлашга кетган фойдаланиш харажатлари ҳамда коммунал хизматлар ҳақи, яъни мажбурий тўловларни ширкат аъзолари томонидан тўлаш тартиби;

ширкат фаолиятини бошқариш тартиби;

ширкат бошқарув органларининг таркиби ва ваколатлари ҳамда уларнинг қарорлар қабул қилиш тартиби, шу жумладан оддий ёки мутлақ кўпчилик овоз билан қарор қабул қилинадиган масалалар тўғрисидаги маълумотлар.

Уставда ширкат фаолияти билан боғлиқ бўлган, қонун ҳужжатларига зид келмайдиган бошқа қоидалар ҳам бўлиши мумкин.

Ширкатнинг Намунавий устави Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан тасдиқланади.

6-модда. Ширкатни давлат рўйхатидан ўтказиш

Ширкат қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда маҳаллий давлат ҳокимияти органларида давлат рўйхатидан ўтказилган вақтдан бошлаб ташкил этилган ҳисобланади.

Ширкатни давлат рўйхатидан ўтказиш учун қуйидагилар тақдим этилади:

таъсис мажлиси раиси имзолаган ариза;

таъсис мажлисининг баённомасидан кўчирма;

ширкатнинг устави;

турар жой мулкдорларининг рўйхати;

уйга эгалик қилиш паспорти.

7-модда. Ширкатга аъзолик

Турар жой мулкдорлари — юридик ва жисмоний шахслар ширкат аъзоларидир.

Ширкат давлат рўйхатидан ўтказилган вақтдан бошлаб турар жой мулкдорларининг ширкатга аъзолиги вужудга келади.

Турар жойнинг сотувчиси — ширкат аъзоси харидорни ўзининг ширкат аъзоси эканлигидан ҳамда уставда белгиланган ҳуқуқларга эгаллиги ва зиммасида мажбу-

рийтлар борлигидан ҳамда бу ҳуқуқ ва мажбуриятлар харидорга ўтишидан хабардор қилади.

Ширкат аъзоларидан турар жойларни олаётган шахслар ўзларида турар жойга мулк ҳуқуқи юзага келганидан кейингина ширкат аъзоси бўладилар.

8-модда. Ширкатдаги умумий мол-мулк

Уйнинг биттадан ортиқ мулкдорга хизмат кўрсатувчи умумий жойлари, квартиралар оралиғидаги ихотланган (ўралма) пиллапоялар, зинапоялар, лифтлар, лифтининг шахталари ва бошқа шахталар, даҳлизлар, техник қаватлар, таянч ва тўсиқ конструкциялар, квартира ташқарисида ёки ичида жойлашган ва биттадан ортиқ квартирага хизмат кўрсатадиган механик, электр, санитария-техника қурилмалари ва бошқа қурилмалар, бино атрофидаги кўкаламзорлаштириш ва ободонлаштириш элементларини ҳам қамраб олган ер участкалари, шунингдек ширкат кўчмас мулкининг ягона комплексига хизмат кўрсатишга ва уни сақлашга мўлжалланган бошқа мол-мулк ширкатдаги умумий мол-мулк ҳисобланади.

9-модда. Умумий мол-мулкни сақлаш ва таъмирлаш

Ширкат аъзоси умумий мол-мулкни сақлаш ва таъмирлаш бўйича харажатларда уйнинг умумий майдонидаги ўзига тегишли бўлган квартира майдони улушига мутаносиб тарзда иштирок этади.

Мулкдор ўзига тегишли хоналардан фойдаланмаганлиги ёхуд умумий мол-мулкка эгалик қилишдан, ундан фойдаланишдан воз кечганлиги уни умумий мол-мулкни сақлаш ва таъмирлашга доир умумий харажатларда иштирок этишдан бутунлай ёки қисман озод этиш учун асос бўлмайди.

10-модда. Ширкатнинг ер участкалари

Уйлар атрофидаги ер участкалари ширкатга доимий фойдаланиш ҳуқуқи асосида берилади.

Ширкатнинг янги қурилаётган объектларига мўлжалланган ер участкаларининг ўлчами маҳаллий давлат ҳокимияти органлари томонидан шаҳарсозлик нормалари ва қоидалари талабларига мувофиқ белгиланади.

11-м о д д а. **Ширкатдаги умумий мол-мулкка эгалик ҳуқуқи**

Ширкатдаги умумий мол-мулк ширкат аъзоларининг умумий улушли мулкида бўлади, ер участкалари бундан мустасно.

Ширкатдаги умумий мол-мулк квартирага эгалик ҳуқуқидан алоҳида тарзда ўзга шахсга ўтказилиши мумкин эмас.

Ширкатдаги умумий мол-мулкка эгалик қилиш, ундан фойдаланиш барча мулкдорларнинг келишувига биноан амалга оширилади, бундай келишув бўлмаганда эса истаган мулкдорнинг даъвосига биноан суд томонидан белгиланади.

Умумий мол-мулк объектлари ширкат умумий мажлисининг қарорига биноан фойдаланиш учун бошқа шахсларга берилиши мумкин.

12-м о д д а. **Ширкатнинг яшаш учун мўлжалланмаган жойларнинг мулкдорлари билан муносабатлари**

Ширкатнинг кўн квартираларини уйлардаги яшаш учун мўлжалланмаган жойларнинг мулкдорлари ҳамда ширкат уйлари атрофидаги ер участкаларида жойлашган, алоҳида турган объектларнинг мулкдорлари билан муносабатлари қонун ҳужжатлари билан ҳамда улар ўртасида тузилган битим билан тартибга солинади.

13-м о д д а. **Ширкатнинг ҳуқуқлари**

Ширкат қуйидаги ҳуқуқларга эгадир:
таъмирлаш-фойдаланиш ишларини мустақил амалга ошириш;

уй-жой фондига хизмат кўрсатиш ва уни таъмирлаш учун ташкилотни белгилаш;

умумий мол-мулкни бошқариш, унга хизмат кўрсатиш ва ундан фойдаланиш, шунингдек коммунал ва бошқа хизматлар кўрсатиш учун юридик ва жисмоний шахслар билан шартномалар тузиш;

банкларнинг кредитларидан қонун ҳужжатларида назарда тутилган тартибда ва шартларда фойдаланиш;

ҳўжалик бинолари ва бошқа иморатлар қуришда фойдаланиш учун белгиланган тартибда ер участкалари олиш;

асбоб-ускуналар, анжомлар ва бошқа моддий бойликларни қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда олиш, сотиш, топшириш, айирбошлаш, ижарага бериш, балансдан чегириб ташлаш;

ишларни бажариш ва ширкат аъзоларига хизматлар кўрсатиш;

қонун ҳужжатларига ҳамда ширкат уставига мувофиқ хўжалик фаолияти билан шуғулланиш;

ширкат уставида назарда тутилган мақсадларга сарфланадиган махсус фондлар тузиш.

Турар жой мулкдори қонун ҳужжатларида белгиланган мажбурий тўловларни тўлаш бўйича ўз мажбуриятларини бажармаган ёки лозим даражада бажармаган тақдирда ширкат мулкдорга нисбатан ширкатга етказилган зарарларнинг ўрнини қоплаш талаби билан даъво қўзғатишга ҳақлидир.

Ширкат қонуни ҳужжатларида назарда тутилган бошқа ҳуқуқларга ҳам эга бўлиши мумкин.

14-м о д д а. Ширкатнинг мажбуриятлари

Ширкат:

шартнома мажбуриятларини бажариши;

уйлар ҳамда улар атрофидаги ҳудудлар лозим даражадаги санитария-техника ҳолатида сақлашишни таъминлаши;

уй-жой фондидан техник фойдаланишнинг ягона қондалари ва нормаларига риоя этилган ҳолда уйларга хизмат кўрсатишни ва уларни таъмирлашни ташкил этиши;

ширкатнинг барча аъзолари турар жойлардан фойдаланиш, уйни ҳамда унинг атрофидаги ҳудудни сақлаш қондаларини бажаришларини таъминлаши;

мажбурий тўловлар ўз вақтида келиб тушишини таъминлаши;

ширкатнинг йиллик даромадлар ва харажатлар сметасини белгилаши;

умумий мол-мулкка эгалик қилиш ва ундан фойдаланиш шартлари ва тартиби белгиланаётганда ширкат барча аъзоларининг манфаатларига риоя этилишини таъминлаши;

уй-жойга оид муносабатларда, шунингдек ширкат аъзоларининг учинчи шахслар билан бошқа муносабатларида қонун ҳужжатларида назарда тутилган тартибда ширкат аъзолари манфаатларини ифодалаши шарт.

Ширкат қонун ҳужжатларида назарда тутилган бошқа мажбуриятларни ҳам бажариши мумкин.

15-модда. Ширкатнинг бошқарув органлари

Ширкат аъзоларининг умумий мажлиси, ширкат бошқаруви ва тафтиш комиссияси (тафтишчиси) ширкатнинг бошқарув органларидир.

16-модда. Ширкат аъзоларининг умумий мажлиси

Ширкат аъзоларининг умумий мажлиси ширкатнинг юқори бошқарув органи бўлиб, ширкат уставига белгиланган тартибда йилига камида бир марта чақирилади.

Ширкатнинг умумий мажлисида ширкат аъзоларининг ярмидан кўпи ҳозир бўлган бўлса, у ваколатли ҳисобланади.

Ширкат аъзоларининг йиллик умумий мажлиси молия йили тугаганидан сўнг олтинчи кундан кечиктирмай чақирилади. Ширкат аъзоларининг навбатдан ташқари умумий мажлиси бошқарувнинг, ширкатда ўн фоиздан ортиқ овозга эга бўлган ширкат аъзоларининг ташаббуси билан, шунингдек тафтиш комиссияси (тафтишчи) ёки маҳаллий давлат ҳокимияти органларининг талабига биноан чақирилиши мумкин.

Ширкат умумий мажлисининг ваколатларига қуйидагилар кирadi:

ширкат уставига ўзгартишлар ва қўшимчалар киритиш ёки ширкат уставини янги таҳрирда тасдиқлаш;

бошқарув ва тафтиш комиссиясини (тафтишчини) сайлаш ва уларнинг ваколатларини муддатидан илгари тўхтатиш;

йиллик даромадлар ва харажатлар сметасини ҳамда унинг ижроси тўғрисидаги ҳисоботни тасдиқлаш;

ширкатнинг махсус жамғармаларини тузиш;

ширкат аъзоларининг ширкат раиси, бошқаруви ва тафтиш комиссияси (тафтишчиси) фаолиятига тааллуқли ариза ва шикоятларини кўриб чиқиш;

ширкат штатидаги ходимларнинг ички меҳнат тартиби қондаларини, улар меҳнатига ҳақ тўлаш ва мукофотлаш тўғрисидаги низомни қабул қилиш ва ўзгартириш;

асбоб-ускуналар, анжомлар ва бошқа моддий бой-

ликларни қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда олиш, сотиш, топшириш, айирбошлаш, ижарага бериш, шунингдек уларни баланسدан чегириб ташлаш тўғрисида қарорлар қабул қилиш;

уставда белгиланган вазифаларни бажариш учун хўжалик бинолари ва бошқа иморатларни қуриш, кўчмас мулк олиш тўғрисида қарорлар қабул қилиш;

қарзга маблағ олиш, шу жумладан банк кредитларини олиш тўғрисида қарор қабул қилиш;

ширкатнинг хўжалик фаолиятдан олинган даромаддан фойдаланиш йўналишларини белгилаш;

ширкатни қайта ташкил этиш ва тугатиш;

қонун ҳужжатларида ва ширкат уставида назарда тутилган бошқа масалаларни ҳал этиш.

17-модда. Ширкат аъзоларининг умумий мажлиси-ни олиб бериш ва овоз бериш тартиби

Ширкат аъзоларининг умумий мажлисини ширкат аъзолари томонидан кўпчилик овоз билан сайланадиган мажлис раиси олиб боради.

Ширкат аъзолари умумий мажлисининг қарори, агар мажлисда ҳозир бўлганларнинг ярмидан кўпроғи уни ёқлаб овоз берган бўлса, қабул қилинган ҳисобланади ҳамда ширкатнинг барча аъзолари учун мажбурий бўлади.

Ширкат уставида турар жой мулкдорларига тегишли бўлган турар жойларга ҳамда ҳал этилаётган масалаларга қараб бундай мулкдорларнинг гуруҳлари бўйича алоҳида-алоҳида овоз бериш назарда тутилиши мумкин.

18-модда. Ширкат бошқаруви

Ширкатнинг жорий фаолиятига раҳбарликни унинг бошқаруви амалга оширади.

Ширкат бошқаруви ширкат аъзолари орасидан ширкат уставида белгиланган муддатга умумий мажлис томонидан сайланади.

Бошқарув ўз таркибидан раисни ва унинг ўринбосарини сайлайди.

Бошқарув мажлиси раис томонидан ойнага камида бир марта чақирилади.

Бошқарув мажлиси унда бошқарув аъзоларининг ка-

мида учдан икки қисми иштирок этган тақдирда ваколатли деб топилади.

19-м о д д а. Ширкат бошқарувининг ваколатлари

Ширкат бошқарувининг ваколатларига қуйидагилар киради:

умумий мажлисни чақириш ва унинг ўтказилишини ташкил этиш;

йиллик даромадлар ва харажатлар сметаси лойиҳасини ҳамда унинг ижроси тўғрисидаги ҳисоботни тузиш;

уйга хизмат кўрсатиш ва уни таъмирлаш, шунингдек умумий фойдаланишдаги бошқа объектларни сақлаш бўйича шартномалар тузиш;

уйни асраш, сақлаш, таъмирлаш устидан ҳамда унга хизмат кўрсатиш бўйича тузилган шартнома мажбуриятларига риоя этилиши устидан назорат қилиш;

ширкат маблағларини умумий мажлис тасдиқлаган даромадлар ва харажатлар сметасига мувофиқ тасарруф этиш;

ширкат аъзоларининг белгиланган мажбурий тўловларни ўз вақтида тўлашлари устидан назорат қилиш;

иш юритиш, бухгалтерия ҳисоби ва ҳисоботини юритиш;

қонун ҳужжатларига мувофиқ бошқа ваколатлар.

Ширкат бошқаруви хўжалик фаолиятини юритиш учун ижрочи директорни ишга ёллаш ҳуқуқига эга, ижрочи директорликка номзод умумий мажлис томонидан тасдиқланади.

20-м о д д а. Ширкат бошқарувининг раиси

Ширкат бошқарувининг раиси ширкат уставда белгиланган муддатга сайланади.

Ширкат бошқарувининг раиси ширкат манфаатларини ифодалайди, бошқарув қарорларининг бажарилишини таъминлайди, ўз ваколатлари доирасида кўрсатмалар ва фармойишлар бериш ҳуқуқига эга.

Ширкат бошқарувининг раиси тўлов ҳужжатларини имзолайди, шунингдек умумий мажлис ёки бошқарув ваколатига кирмайдиган битимларни амалга оширади.

Ширкат бошқарувининг раиси ижрочи директорликка номзодни, ширкат штатидаги ходимларнинг ички меҳнат тартиби қоидаларини, улар меҳнатига ҳақ тўлаш

ва мукофотлаш тўғрисидаги низомни умумий мажлис тасдиғига киритади.

21-модда. **Ширкат тафтиш комиссияси (тафтиш-чиси)**

Тафтиш комиссияси (тафтишчи) ширкатнинг, бошқарувнинг молля-хўжалик фаолиятини текширади ва умумий мажлисга ҳисобдордир. Тафтишчи ёхуд таркиби камда уч кишидан иборат бўлган тафтиш комиссияси кўпи билан икки йил муддатга сайланади.

Ширкат ва бошқарувнинг молля-хўжалик фаолиятини текшириш учун умумий мажлис белгиланган тартибда аудитор ёки аудиторлик ташкилотини жалб этишга ҳақли.

22-модда. **Ширкатнинг маблағлари**

Ширкатнинг маблағлари қуйидагилардан иборат бўлиши мумкин:

ширкат аъзоларининг ихтиёрий бадаллари;
хўжалик фаолиятдан тушадиган даромадлар;
қонун ҳужжатларига мувофиқ бошқа тушумлар.

23-модда. **Ширкатни қайта ташкил этиш ва тугатиш**

Ширкатни қайта ташкил этиш ва тугатиш умумий мажлис қарорига ёки суд қарорига биноан қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда амалга оширилади.

Ширкат тугатилган тақдирда кредиторларнинг талаблари қондирилганидан кейин қолган мол-мулк ширкат аъзолари ўртасида уларнинг умумий мол-мулкдаги улушларига мутаносиб тарзда тақсимланади.

24-модда. **Ширкатлар уюшмалари**

Ширкатлар ўз фаолиятларини мувофиқлаштириш, умумий манфаатларини ифодалаш ва ҳимоя қилиш мақсадида уюшмаларга (иттифоқларга) бирлашишга ҳақлидир. Ширкатларнинг уюшмаларини (иттифоқларини) тузиш ва уларнинг фаолияти қонун ҳужжатларига мувофиқ амалга оширилади.

25-модда. Ширкатларнинг фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари билан ўзаро муносабатлари

Уй-жой мулкдорларининг ширкатлари мажбурий тўловлар ундирилишини таъминлаш, иссиқлик ва электр энергиясидан, иссиқ ва совуқ сувдан тежамкорлик билан фойдаланиш, ободонлаштириш, кўкаламзорлаштириш ва уйларни намунали сақлаш ишларини ихтиёрийлик асосида ташкил этиш бўйича тадбирларни фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари билан бирга-ликда ўтказадилар.

Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари ширкатларга уй-жой фондидан фойдаланиш ва унинг асралишини таъминлаш борасида ёрдамлашадилар.

26-модда. Низоларни ҳал этиш

Ширкатнинг фаолияти билан боғлиқ низолар суд тартибида ҳал этилади.

27-модда. Ширкатлар тўғрисидаги қонун ҳужжатларини бузганлик учун жавобгарлик

Ширкатлар тўғрисидаги қонун ҳужжатларини бузганликда айбдор шахслар белгиланган тартибда жавобгар бўладилар.

**Ўзбекистон Республикасининг
Президенти**

И. ҚАРИМОВ

**«УЙ-ЖОЙ МУЛҚДОРЛАРИНИНГ ШИРКАТЛАРИ
ТЎҒРИСИДА»ГИ ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ҚОНУНИНИ АМАЛГА КИРИТИШ ҲАҚИДА**

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ

ОЛИЙ МАЖЛИСИНИНГ

1999 йил 15 апрель

Қ А Р О Р И

**(Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг
Ахборотномаси, 1999 йил, 5-сон, 114-модда)**

**Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси қ а р о р
қ и л а д и:**

1. «Уй-жой мулкдорларининг ширкатлари тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни матбуотда эълон қилинган кундан эътиборан амалга киритилсин.

2. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳукумат қарорларини «Уй-жой мулкдорларининг ширкатлари тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига мувофиқлаштиради, вазирликлар ва идоралар ўзларининг мазкур Қонунга зид бўлган норматив ҳужжатларини қайта кўриб чиқишлари ва бекор қилишларини таъминласин.

**Ўзбекистон Республикаси
Олий Мажлисининг Раиси**

Э. ХАЛИЛОВ

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИНИНГ

1999 йил 14 апрель

Қ О Н У Н И

(Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг
Ахборотномаси, 1999 йил, 5-сон, 115-модда)

1. УМУМИЙ ҚОЙДАЛАР

1-м о д д а. Ушбу Қонуннинг мақсади

Ушбу Қонуннинг мақсади нодавлат нотижорат ташкилотларининг, шунингдек халқаро нодавлат нотижорат ташкилотларининг, чет эл нодавлат нотижорат ташкилотлари ваколатхоналари ва филиалларининг Ўзбекистон Республикаси ҳудудидаги фаолияти билан боғлиқ муносабатларни тартибга солишдан иборат.

2-м о д д а. Нодавлат нотижорат ташкилоти тушунчаси

Нодавлат нотижорат ташкилоти — жисмоний ва (ёки) юридик шахслар томонидан ихтиёрийлик асосида ташкил этилган, даромад (фойда) олишни ўз фаолиятининг асосий мақсади қилиб олмаган ҳамда олинган даромадларни (фойдани) ўз қатнашчилари (аъзолари) ўртасида тақсимламайдиган ўзини ўзи бошқармиш ташкилотидир.

Нодавлат нотижорат ташкилоти жисмоний ва юридик шахсларининг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини, бошқа демократик қадриятларни ҳимоя қилиш, ижтимоий, маданий ва маърифий мақсадларга эришиш, маънавий ва бошқа номоддий эҳтиёжларни қондириш, хайрия фаолиятини амалга ошириш учун ҳамда бошқа ижтимоий фойдали мақсадларда тузилади.

3-м о д д а. Нодавлат нотижорат ташкилотлари тўғрисидаги қонун ҳужжатлари

Нодавлат нотижорат ташкилотлари тўғрисидаги қо-

пун ҳужжатлари ушбу Қонун ва бошқа қонун ҳужжатларидан иборат.

Сийёсий партиялар, касаба уюшмалари, диний ташкилотлар ҳамда бошқа айрим нодавлат нотижорат ташкилотларини тузишнинг, улар фаолиятининг, қайта ташкил этилиши ва тугатилишининг хусусиятлари махсус қонунлар билан тартибга солинади. Нодавлат нотижорат ташкилотлари фаолияти соҳасининг у ёки бу муносабатлари махсус қонунлар билан тартибга солинмаган ҳолларда ушбу Қонуннинг нормалари қўлланилади.

Агар Ўзбекистон Республикасининг халқаро шартномасида нодавлат нотижорат ташкилотлари тўғрисидаги Ўзбекистон Республикасининг қонун ҳужжатларида назарда тутилганидан бошқача қоидалар белгиланган бўлса, халқаро шартнома қоидалари қўлланилади.

4-м о д д а. Нодавлат нотижорат ташкилотларининг давлат органлари билан ўзаро муносабатлари

Давлат нодавлат нотижорат ташкилотларининг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларига риоя этилишини таъминлайди, уларга ижтимоий ҳаётда иштирок этиш учун тенг ҳуқуқий имкониятлар яратиб беради.

Нодавлат нотижорат ташкилотларининг алоҳида ижтимоий фойдали дастурларига давлат кўмак кўрсатиши мумкин.

Давлат органлари ҳамда улар мансабдор шахсларининг нодавлат нотижорат ташкилоти фаолиятига аралашшига, худди шунингдек нодавлат нотижорат ташкилотининг давлат органлари ҳамда улар мансабдор шахсларининг фаолиятига аралашшига йўл қўйилмайди.

5-м о д д а. Нодавлат нотижорат ташкилотининг халқаро алоқалари

Нодавлат нотижорат ташкилоти қонун ҳужжатларига мувофиқ халқаро нодавлат нотижорат ташкилотларига кириши, улар билан тўғридан тўғри халқаро алоқалар ўрнатиши, ҳамкорлик тўғрисида тегишли битимлар тузиши мумкин.

II. НОДАВЛАТ НОТИЖОРАТ ТАШКИЛОТИНИНГ ХУҚУҚИЙ МАҚОМИ ХУҚУҚ ВА МАЖБУРИЯТЛАРИ

6-м о д д а. Нодавлат нотижорат ташкилотининг ху- қуқий мақоми

Нодавлат нотижорат ташкилоти юридик шахс бў-
лади.

Нодавлат нотижорат ташкилоти, агар унинг таъсис ҳужжатларида бошқача қонда белгиланган бўлмаса, фаолият мuddати чекланмаган ҳолда ташкил этилади.

7-м о д д а. Нодавлат нотижорат ташкилотининг ху- қуқлари

Нодавлат нотижорат ташкилоти қуйидаги ҳуқуқлар-
га эга:

Ўз аъзолари ва қатнашчиларининг ҳуқуқлари ва қо-
нуний манфаатларини ифодалаш ҳамда ҳимоя қилиш;
ижтимоий ҳаётнинг турли масалаларига доир ташаб-
буслар билан чиқиш, давлат ҳокимияти ва бошқарув
органларига таклифлар киритиш;

давлат ҳокимияти ва бошқарув органларининг қа-
рорларини ишлаб чиқишда қонун ҳужжатларида назар-
да тутилган тартибда иштирок этиш;

Ўз фаолияти тўғрисида ахборот тарқатиш;

оммавий ахборот воситаларини таъсис этиш ҳамда
белгиланган тартибда ноширлик фаолиятини амалга
ошириш;

уставда белгиланган вазифаларни бажариш учун
тадбиркорлик тузилмаларини ташкил этиш;

Ўз рамзий белгиларини таъсис этиш;

Ўз фаолиятига тааллуқли масалалар юзасидан йи-
гилишлар, конференциялар ўтказиш;

қонун ҳужжатларига мувофиқ ваколатхоналар очиш
ва филиаллар ташкил этиш.

Нодавлат нотижорат ташкилоти қонун ҳужжатлари-
да назарда тутилган бошқа ҳуқуқларга ҳам эга.

8-м о д д а. Нодавлат нотижорат ташкилотининг маж- буриятлари

Нодавлат нотижорат ташкилоти:
қонун ҳужжатларига риоя этиши;

Ўз мол-мулки ва пул маблағларидан фойдаланиш тўғрисидаги ахборот билан танишиш эркинлигини таъминлаши;

нодавлат нотижорат ташкилотини рўйхатдан ўтказувчи органга ўзи ўтказаетган тадбирларга эркин кириш имконини бериши;

солиқ ва статистика органларига ўз фаолияти тўғрисида ҳисоботлар тақдим этиши шарт.

Нодавлат нотижорат ташкилоти қонун ҳужжатларида назарда тутилган бошқа мажбуриятларга ҳам эга бўлади.

9-модда. Нодавлат нотижорат ташкилотларининг ваколатхоналари ва филиаллари

Нодавлат нотижорат ташкилотининг ваколатхонаси у турган ердан ташқарида жойлашган алоҳида бўлинма бўлиб, подавлат нотижорат ташкилотининг манфаатларини ифодалайди ва ҳимоя қилади.

Нодавлат нотижорат ташкилотининг филиали у турган ердан ташқарида жойлашган алоҳида бўлинма бўлиб, унинг барча вазифаларини ёки вазифаларининг бир қисмини, шу жумладан ваколатхона вазифаларини амалга оширади.

Нодавлат нотижорат ташкилотининг ваколатхоналари ва филиаллари давлат рўйхатидан ўтказилган пайдан эътиборан юридик шахс мақомига эга бўлиши мумкин.

10-модда. Нодавлат нотижорат ташкилотларининг ташкилий-ҳуқуқий шакллари

Нодавлат нотижорат ташкилотлари жамоат бирлашмаси, ижтимоий фонд, муассаса шаклида, шунингдек қонунларда назарда тутилган бошқа шаклда ташкил этилиши мумкин.

Нодавлат нотижорат ташкилотлари ўзларининг фаолиятини мувофиқлаштириб бориш, шунингдек умумий манфаатларини ифодалаш ҳамда ҳимоя қилиш мақсадида уюшмалар (иттифоқлар) шаклида бирлашмалар тузиши мумкин.

11-модда. Жамоат бирлашмаси

Маънавий ёки бошқа номоддий эҳтиёжларни қондириш учун ўз манфаатларининг муштараклиги асосида

қонунда белгиланган тартибда бирлашган фуқароларнинг ихтиёрий бирлашмаси жамоат бирлашмаси деб эътироф этилади.

Жамоат бирлашмаси қатнашчилари мазкур бирлашмага мулк қилиб берган мол-мулкларига, шу жумладан аъзолик бадалларига бўлган ҳуқуқларини сақлаб қолмайдилар. Улар аъзо сифатида қатнашаётган жамоат бирлашмасининг мажбуриятлари бўйича жавоб бермайдилар, мазкур бирлашма эса ўз аъзоларининг мажбуриятлари бўйича жавоб бермайди.

12-модда. Ижтимоий фонд

Жисмоний ва (ёки) юридик шахслар томонидан ихтиёрий мулкий бадаллар асосида таъсис этилган, хайрия, ижтимоий, маданий, маърифий ёки бошқа ижтимоий фойдали мақсадларни кўзлайдиган, аъзолиги бўлмаган ташкилот ижтимоий фонд деб эътироф этилади.

Ижтимоий фондга унинг муассислари томонидан берилган мол-мулк фонднинг мулки бўлади. Муассислар ўзлари тузган фонд мажбуриятлари бўйича жавоб бермайдилар, фонд эса ўз муассисларининг мажбуриятлари бўйича жавоб бермайди.

Ижтимоий фонд мол-мулкдан ўз уставида белгиланган мақсадлар учун фойдаланади.

Ижтимоий фонд ҳар йили ўз мол-мулкидан қандай фойдаланаётганлиги тўғрисида ҳисоботлар эълон қилади.

13-модда. Муассаса

Ижтимоий, маданий ва бошқа нотижорат тусдаги вазифаларни амалга ошириш учун жисмоний ва (ёки) юридик шахслар томонидан тузилган нодавлат нотижорат ташкилоти муассаса деб эътироф этилади.

14-модда. Халқаро нодавлат нотижорат ташкилоти

Ўз уставига ва Ўзбекистон Республикасининг қонун ҳужжатларига мувофиқ Ўзбекистон Республикаси ҳудудиди ҳамда битта ёки ундан кўпроқ чет эл давлати ҳудудиди фаолият олиб бориши мумкин бўлган халқаро ташкилот халқаро нодавлат нотижорат ташкилоти деб ҳисобланади.

III. НОДАВЛАТ НОТИЖОРАТ ТАШКИЛОТИНИ ТУЗИШ ТАРТИБИ

15-модда. **Нодавлат нотижорат ташкилотини ташкил этиш**

Нодавлат нотижорат ташкилоти унинг муассислари (аъзолари) қарори асосида қонун ҳужжатларига мувофиқ тузилади.

Нодавлат нотижорат ташкилотларининг уюшмалари (иттифоқлари) камида иккита нодавлат нотижорат ташкилоти ташаббуси билан тузилиши мумкин.

Нодавлат нотижорат ташкилотининг ташаббускорлари ёки муассислари таъсис съездини (конференциясини) ёки умумий йиғилишни чақирадилар, унда устав қабул қилинади ҳамда раҳбар органлари тузилади.

Нодавлат нотижорат ташкилоти давлат рўйхатидан ўтказилган пайтдан эътиборан тузилган деб ҳисобланади.

16-модда. **Нодавлат нотижорат ташкилотининг таъсис ҳужжатлари**

Нодавлат нотижорат ташкилотининг таъсис ҳужжатлари қуйидагилардан иборат:

муассислар (аъзолар) томонидан тасдиқланган устав;

қатнашчилар томонидан тузилган таъсис шартномаси ва улар тасдиқлаган устав — уюшма (иттифоқ) учун.

Нодавлат нотижорат ташкилоти таъсис ҳужжатларининг талаблари нодавлат нотижорат ташкилотининг ўзи учун, унинг муассислари ва қатнашчилари (аъзолари) учун мажбурийдир.

Таъсис шартномасида тарафлар (муассислар) нодавлат нотижорат ташкилотлари уюшмасини (иттифоқини) тузиш мажбуриятини оладилар, уни тузиш соҳасида биргаликда фаолият кўрсатиш тартибини, унга ўз мол-мулкини бериш ҳамда унинг фаолиятида иштирок этиш, нодавлат нотижорат ташкилоти фаолиятини бошқариш, муассисларнинг унинг таркибидан чиқиш шартларини белгилаб берадилар. Таъсис шартномасига муассисларнинг келишувига биноан бошқа шартлар ҳам киритилиши мумкин.

17-модда. Нодавлат нотижорат ташкилотининг устави

Нодавлат нотижорат ташкилотининг уставида қуйидагилар назарда тутилади:

нодавлат нотижорат ташкилотининг номи, мақсад ва вазифалари, унинг ташкилий-ҳуқуқий шакли, у ўз фаолиятининг амалга оширадиган ҳудуд;

нодавлат нотижорат ташкилотининг тузилмаси ва раҳбар органлари, заруратга қараб унинг назорат-тафтиш органлари (ижтимоий фондлар учун — мажбурий) ёки аудиторларни (аудиторлик фирмаларини) жалб этишнинг мажбурийлиги;

раҳбар органларнинг ваколат доираси ва уларни шакллантириш тартиби, уларнинг ваколат муддатлари, доимий асосда ишлайдиган раҳбар орган жойлашган ер;

аъзолик белгиланган бирлашмалар учун — аъзо бўлиш ва аъзолликдан маҳрум бўлиш шартлари ва тартиби, аъзоларнинг ҳуқуқ ва мажбуриятлари;

пул маблағлари ва бошқа мол-мулкни шакллантириш манбалари, нодавлат нотижорат ташкилоти ҳамда унинг таркибий бўлинмаларининг мол-мулкни бошқариш бо-расидаги ҳуқуқлари;

қайта ташкил қилиш ва тугатиш тартиби;

уставга ўзгартиришлар ва қўшимчалар киритиш тартиби.

Нодавлат нотижорат ташкилотининг уставида унинг рамзий белгилари тавсифи бўлиши мумкин.

Уставда нодавлат нотижорат ташкилотининг фаолиятига тааллуқли, қонун ҳужжатларига зид бўлмаган бошқа қондалар ҳам назарда тутилиши мумкин.

18-модда. Нодавлат нотижорат ташкилотининг муассисларига, қатнашчиларига (аъзоларига) қўйиладиган умумий талаблар

Агар қонун ҳужжатларида бошқача қоида белгиланган бўлмаса, ўн саккиз ёшга тўлган жисмоний шахслар, шунингдек юридик шахслар нодавлат нотижорат ташкилотининг муассислари, қатнашчилари (аъзолари) бўлиши мумкин.

Ёшларнинг нодавлат нотижорат ташкилотига ўн тўрт ёшга тўлган шахслар, болаларнинг нодавлат нотижорат ташкилотига эса ўн ёшга тўлган шахслар аъзо бўлиши мумкин. Нодавлат нотижорат ташкилотига аъзо бўлиш,

аъзоликдан маҳрум бўлиш шартлари ва тартиби, шу жумладан ёшига кўра аъзоликдан чиқиш шартлари тегишли нодавлат нотижорат ташкилотларининг уставлари билан белгиланади.

Расмий ҳужжатларда у ёки бу нодавлат нотижорат ташкилотига аъзолик ёки унинг фаолиятидаги иштирокнинг кўрсатилишини талаб қилишга йўл қўйилмайди. Фуқароларнинг нодавлат нотижорат ташкилотига мансублиги ёки мансуб эмаслиги уларнинг ҳуқуқлари ва эркинликларини чеклаш учун асос бўла олмайди.

Чет эл фуқаролари ва фуқаролиги бўлмаган шахслар Ўзбекистон Республикаси фуқаролари билан тенг равишда нодавлат нотижорат ташкилотининг муассислари, қатнашчилари (аъзолари) бўлиши мумкин, Ўзбекистон Республикасининг қонунлари ва халқаро шартномаларида белгиланган ҳоллар бундан мустасно.

19-модда. Нодавлат нотижорат ташкилотининг рамзий белгилари

Нодавлат нотижорат ташкилоти байроқ, эмблема, вимпел ва бошқа рамзий белгиларга эга бўлиши мумкин. Нодавлат нотижорат ташкилотининг рамзий белгилари давлат рамзий белгиларига ўхшамаслиги керак.

Нодавлат нотижорат ташкилотининг рамзий белгилари уставга мувофиқ унинг раҳбар органи томонидан тасдиқланади ҳамда давлат рўйхатидан ўтказилиши керак.

20-модда. Нодавлат нотижорат ташкилотини қайта ташкил этиш

Нодавлат нотижорат ташкилотини қайта ташкил этиш унинг юқори органи қарорига биноан бирлашиш, қўшилиш, бўлиниш, ажралиб чиқиш ва ўзгартириш йўли билан амалга оширилади.

Нодавлат нотижорат ташкилотини қайта ташкил этиш қонун ҳужжатларида назарда тутилган тартибда амалга оширилади.

IV. НОДАВЛАТ НОТИЖОРАТ ТАШКИЛОТИНИ ДАВЛАТ РҲЙХАТИДАН ҲТҚАЗИШ ТАРТИБИ

21-модда. Нодавлат нотижорат ташкилотини давлат рўйхатидан ўтказиш

Нодавлат нотижорат ташкилотини давлат рўйхати-

дан ўтказиш адлия органлари томонидан амалга оширилди.

Ўзбекистон Республикасида фаолият юритаётган халқаро нодавлат нотижорат ташкилотлари, чет эл нодавлат нотижорат ташкилотларининг ваколатхоналари ва филиаллари, республика, вилоятлараро нодавлат нотижорат ташкилотлари Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигида рўйхатдан ўтказилади.

Вилоят, туман, шаҳар, шаҳарча, қишлоқ ва овул ҳудудларида фаолият олиб борадиган нодавлат нотижорат ташкилоти Қорақалпоғистон Республикаси Адлия вазирлиги, вилоятлар ва Тошкент шаҳар адлия бошқармаларида рўйхатдан ўтказилади.

Нодавлат нотижорат ташкилотини рўйхатга олган орган унинг фаолияти устав мақсадларига мувофиқлигини назорат қилади.

22-м о д д а. Нодавлат нотижорат ташкилотини давлат рўйхатидан ўтказиш учун талаб этиладиган ҳужжатлар

Нодавлат нотижорат ташкилотини давлат рўйхатидан ўтказиш учун рўйхатга олувчи органга қуйидаги ҳужжатлар тақдим этилади:

мазкур нодавлат нотижорат ташкилотининг раҳбар органи аъзолари ҳар бирининг фамилияси, исми, отасининг исми, туғилган йили ва жойи, яшаш жойи ҳамда манзилнинг кўрсатган ҳолда улар томонидан имзоланган ариза;

нодавлат нотижорат ташкилотининг икки нусхадаги устави;

таъсис съезди (конференцияси) ёки умумий йиғилишнинг нодавлат нотижорат ташкилотини ташкил этиш тўғрисидаги, муассислари хусусидаги, унинг уставини тасдиқлаш ҳақидаги, раҳбар органлари ва бошқа органларини шакллантириш тўғрисидаги маълумотлар албатта мавжуд бўлган баённомаси;

рўйхатга олганлик учун йиғим тўланганлиги тўғрисидаги банк тўлов ҳужжати.

Давлат рўйхатидан ўтказиш учун ҳужжатлар таъсис съезди (конференцияси) ёки умумий йиғилиш ўтказилган кундан эътиборан икки ой ичида тақдим этилади.

Нодавлат нотижорат ташкилотининг ваколатхоналари ва филиалларини давлат рўйхатидан ўтказиш вако-

латхона ва филиал томонидан тақдим этилган, нодавлат нотижорат ташкилотининг марказий раҳбар органи томонидан тасдиқланган ҳужжатлар асосида, шунингдек нодавлат нотижорат ташкилоти давлат рўйхатидан ўтганлиги тўғрисидаги гувоҳноманинг нотариал тартибда тасдиқланган нусхаси асосида тегишли адлия органи томонидан амалга оширилади.

Нодавлат нотижорат ташкилотининг юридик шахс бўлмаган ваколатхоналари ва филиалларини ҳисобга олиш нодавлат нотижорат ташкилоти марказий раҳбар органи томонидан тақдим этилган ва тасдиқланган ҳужжатлар асосида, шунингдек нодавлат нотижорат ташкилоти давлат рўйхатидан ўтганлиги тўғрисидаги гувоҳноманинг нотариал тартибда тасдиқланган нусхаси асосида тегишли адлия органи томонидан амалга оширилади.

Чет эл нодавлат нотижорат ташкилотининг ваколатхоналари ва филиаллари учун асосий ташкилот рўйхатдан ўтганлиги тўғрисидаги гувоҳнома ҳамда уставнинг давлат тилига таржима қилинган матни тақдим этилиши зарур.

23-модда. Нодавлат нотижорат ташкилотини давлат рўйхатидан ўтказиш тўғрисидаги қарор

Нодавлат нотижорат ташкилотини давлат рўйхатидан ўтказиш учун ҳужжатларни қабул қилиб олган адлия органи уларни икки ойлик муддат ичида кўриб чиқади ҳамда нодавлат нотижорат ташкилотини давлат рўйхатидан ўтказиш тўғрисида ёки давлат рўйхатидан ўтказишни рад этиш тўғрисида қарор қабул қилади ва қарор қабул қилинган пайтдан эътиборан уч кун ичида муассисларга давлат рўйхатидан ўтказиш тўғрисида гувоҳнома ёки қонун ҳужжатларининг қайси қондалари бузилганлиги давлат рўйхатидан ўтказишни рад этишига олиб келганлиги ҳақида аниқ кўрсатилган ҳужжат беради.

24-модда. Нодавлат нотижорат ташкилотининг маълумотларини юридик шахсларнинг асо-на давлат реестрига киритиш

Давлат рўйхатидан ўтган нодавлат нотижорат таш

килотлари юридик шахсларнинг ҳамма танишиб чиқиши учун очиқ бўлган ягона давлат реестрига киритилади.

Юридик шахсларнинг ягона давлат реестрида қўйидагилар кўрсатилади:

таъсис этилган сана;

номи ва жойлашган ери;

раҳбар органлари;

вакиллар сифатида иш олиб боришга ваколатли

шахслар;

фаолият соҳаси.

25-модда. Нодавлат нотижорат ташкилотини давлат рўйхатидан ўтказишни рад этиш асослари

Нодавлат нотижорат ташкилотини давлат рўйхатидан ўтказиш, агар:

нодавлат нотижорат ташкилотининг таъсис ҳужжатлари Ўзбекистон Республикасининг конституциявий тузумини зўрлик билан ўзгартиришни, суверенитети, яхлитлиги ва хавфсизлигига путур етказишни, фуқароларнинг конституциявий ҳуқуқ ва эркинликларини камситишни, урушни, ижтимоий, миллий, ирқий ва диний адоватни тарғиб қилишни, фуқароларнинг соғлиги ва маънавиятига тажовуз қилишни мақсад қилиб қўйган бўлса;

ҳужжатлар рўйхат бўйича тўлиқ тақдим этилмаган ёки улар лозим даражада расмийлаштирилмаган бўлса;

ҳужжатлар устав қабул қилинган пайтдан бошлаб икки ойлик муддат ўтганидан кейин тақдим этилган бўлса;

илгари худди шу номдаги нодавлат нотижорат ташкилоти рўйхатдан ўтказилган бўлса;

нодавлат нотижорат ташкилотини тузишнинг қонунда белгиланган тартиби бузилган бўлса ёки унинг таъсис ҳужжатларида қонунга номувофиқликлар бўлса;

рўйхатдан ўтказиш учун тақдим этилган таъсис ҳужжатларида атайин нотўғри маълумотлар келтирилганлиги аниқланган бўлса;

нодавлат нотижорат ташкилотининг номи ёки рамзий белгилари маънавиятга, фуқароларнинг миллий ва диний туйғуларига дахл қилса;

нодавлат нотижорат ташкилотининг таъсис ҳужжат-

ларида ҳарбийлаштирилган бирлашмалар тузиш на-
зарда тутилган бўлса, рад этилиши мумкин.

Нодавлат нотижорат ташкилотини давлат рўйхати-
дан ўтказиш таъсис ҳужжатларида Ўзбекистон Респу-
бликасининг Конституциясига ва қонунарига энд қон-
далар мавжуд бўлган бошқа ҳолларда ҳам рад этили-
ши мумкин.

Нодавлат нотижорат ташкилотини тузиш мақсадга
мувофиқ эмас деган важ билан уни рўйхатдан ўтказиш-
ни рад этишга йўл қўйилмайди.

Нодавлат нотижорат ташкилотини давлат рўйхати-
дан ўтказишнинг рад этилиши рад этиш сабаблари бар-
тараф этилган тақдирда ҳужжатларни давлат рўйхати-
дан ўтказиш учун такроран тақдим этишга тўсқинлик
қилмайди.

Нодавлат нотижорат ташкилотини рўйхатдан ўтқа-
зувчи адлия органига такрорий қилинган мурожаатни
қўриб чиқиш ва бу мурожаат юзасидан қарор чиқариш
ушбу Қонунда назарда тутилган тартибда амалга оши-
рилади.

**26-модда. Нодавлат нотижорат ташкилотини рўй-
хатдан ўтказиш рад этилганлиги устидан
шикоят қилиш**

Нодавлат нотижорат ташкилотини давлат рўйхати-
дан ўтказиш рад этилганлиги, шунингдек рўйхатдан ўт-
казиш муддатлари бузилганлиги устидан судга шикоят
қилиш мумкин.

**27-модда. Нодавлат нотижорат ташкилотини қайта
рўйхатдан ўтказиш**

Нодавлат нотижорат ташкилотининг таъсис ҳужжат-
ларига киритиладиган ўзгартириш ва қўшимчалар но-
давлат нотижорат ташкилотининг ўзини давлат рўйха-
тидан ўтказиладиган тартибда ва муддатларда давлат
рўйхатидан ўтказилиши керак.

Нодавлат нотижорат ташкилоти халқаро нодавлат
нотижорат ташкилотига ёки унинг филиалига айланти-
рилган тақдирда уни қайта рўйхатдан ўтказиш мажбу-
рийдир.

V. НОДАВЛАТ НОТИЖОРАТ ТАШКИЛОТИ ФАОЛИЯТИНИНГ ИҚТИСОДИЙ АСОСЛАРИ

28-м о д д а. Нодавлат нотижорат ташкилотининг мол- мулки

Бинолар, иншоотлар, турар жойлар, ускуналар, инвентар, пул маблағлари, шу жумладан чет эл валютасидаги пул маблағлари, қимматли қогозлар ва бошқа мол-мулк нодавлат нотижорат ташкилотининг мулки бўлиши мумкин.

Нодавлат нотижорат ташкилотининг мулки қонун билан муҳофаза қилинади.

Нодавлат нотижорат ташкилоти ўз мажбуриятлари юзасидан қонунларга мувофиқ ундириш қаратилиши мумкин бўлган мол-мулки билан жавоб беради.

29-м о д д а. Нодавлат нотижорат ташкилотининг мол-мулкини шакллантириш манбалари

Нодавлат нотижорат ташкилотининг мол-мулкини шакллантириш манбалари қуйидагилардан иборат бўлиши мумкин:

кириш ва аъзолик бадаллари, агар улар уставда назарда тутилган бўлса;

муассислардан, қатнашчилардан (аъзолардан) бир маротаба ва мунтазам равишда келадиган тушумлар; ихтиёрый мулкый бадаллар ва эҳсонлар;

тадбиркорлик фаолиятдан олинган, фақат устав мақсадлари учун ишлатиладиган даромадлар (фойда); қонунларда тақиқланмаган бошқа тушумлар.

30-м о д д а. Нодавлат нотижорат ташкилоти фаолиятининг турлари

Нодавлат нотижорат ташкилоти қонун билан тақиқланмаган ҳамда ўзининг таъсис ҳужжатларида назарда тутилган мақсадларга мувофиқ бўлган фаолиятнинг ҳар қандай турини амалга ошириши мумкин.

Нодавлат нотижорат ташкилоти томонидан айрим фаолият турлари фақат лицензиялар асосидагина амалга оширилиши мумкин. Бундай фаолият турларининг рўйхати қонун ҳужжатлари билан белгиланади.

31-модда. Нодавлат нотижорат ташкилотининг тадбиркорлик фаолияти

Нодавлат нотижорат ташкилоти қонун ҳужжатлари-га мувофиқ ўз устав мақсадларига мос келадиган доираларда тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланиши мумкин.

32-модда. Нодавлат нотижорат ташкилотига солиқ солиш

Нодавлат нотижорат ташкилоти қонун ҳужжатлари-да белгиланган тартибда солиқлар, йиғимлар ҳамда бюджетга ва бюджетдан ташқари фондларга бошқа тўловлар тўлайди, шунингдек имтиёزلардан фойдаланади.

VI. ЯҚУНЛОВЧИ ҚОИДАЛАР

33-модда. Нодавлат нотижорат ташкилотининг ҳисоб ва ҳисоботи

Нодавлат нотижорат ташкилоти ўз фаолиятининг натижалари ҳисобини юритади ҳамда статистика ва солиқ органларига белгиланган тартибда ҳисоботлар тақдим этади.

34-модда. Нодавлат нотижорат ташкилотининг фаолиятини тўхтатиб қўйиш

Нодавлат нотижорат ташкилотининг фаолияти у Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси ва қонун ҳужжатларини бузган тақдирда суд томонидан тўхтатиб қўйилиши мумкин.

Нодавлат нотижорат ташкилоти томонидан подавлат нотижорат ташкилотлари тўғрисидаги қонун ҳужжатлари бузилган, шунингдек устав мақсадларига зид ҳаракатлар содир этилган тақдирда прокуратура органлари ёки адлия органлари кўрсатилган қоидабузарликлар тўғрисида мазкур нодавлат нотижорат ташкилотининг раҳбар органларига тақдимнома киритади ҳамда бу қоидабузарликларни бартараф этиш муддатини белгилайди. Агар бу қоидабузарликлар белгиланган муддатда бартараф этилмаса, нодавлат нотижорат ташкилотининг фаолияти прокуратура ва адлия органларининг тақдимномаси асосида суднинг қарори билан олти ойгача бўлган муддатга тўхтатиб қўйилади.

Ўзбекистон Республикасининг ҳудудда фавқулодда ҳолат жорий этилган тақдирда нодавлат нотижорат ташкилотининг фаолиятини тўхтатиб қўйиш тартиби қонун ҳужжатлари билан белгиланади.

35-м о д д а. Нодавлат нотижорат ташкилотининг фаолиятини тўхтатиб қўйиш оқибатлари

Нодавлат нотижорат ташкилотининг фаолияти суднинг қарори билан белгиланган муддатга тўхтатиб қўйилган тақдирда унинг оммавий ахборот воситалари муассиси тариқасидаги ҳуқуқлари тўхтатиб қўйилади, унга оммавий тадбирлар ташкил этиш, банк омонатларидан фойдаланиш тақиқланади, хўжалик фаолияти, меҳнат шартномалари, ўз ҳаракатлари (ҳаракатсизлиги) оқибатида етказилган зарарларнинг ўрнини қоплаш ва жарималар тўлашга доир харажатлар бундан мустасно.

Агар нодавлат нотижорат ташкилоти фаолиятини тўхтатиб қўйишнинг суд томонидан белгиланган муддати мобайнида у ўз фаолиятининг тўхтатилишига сабаб бўлган қондабузарликни бартараф этса, мазкур муддат тугаганидан сўнг нодавлат нотижорат ташкилоти ўз фаолиятини қайтадан бошлаши мумкин. Нодавлат нотижорат ташкилоти кўрсатилган қондабузарликни бартараф этмаган тақдирда унинг фаолиятини тўхтатиб қўйиш тўғрисида судга тақдимнома киритган орган бу ташкилотни тугатиш тўғрисида судга тақдимнома киритиши мумкин.

36-м о д д а. Нодавлат нотижорат ташкилотини тугатиш

Нодавлат нотижорат ташкилотини тугатиш унинг юқори органи қарорига биноан ёки суд тартибида амалга оширилади.

Нодавлат нотижорат ташкилотининг муассислари, қатнашчилари (аъзолари) ёки нодавлат нотижорат ташкилотини тугатиш тўғрисида қарор қабул қилган орган давлат рўйхатидан ўтказувчи адлия органи билан келишган ҳолда тугатиш комиссиясини тайинлайди.

Нодавлат нотижорат ташкилотини тугатиш Ўзбекистон Республикасининг Фуқаролик кодексига назарда тутилган тартибда амалга оширилади.

Нодавлат нотижорат ташкилотини тугатиш тўғрисидаги ёзув уни давлат рўйхатидан ўтказган адлия органи томонидан қўйидаги ҳужжатлар асосида юридик шахсларнинг ягона давлат реестрига киритилади:

нодавлат нотижорат ташкилотини тугатиш тўғрисидаги ёзувни юридик шахсларнинг ягона давлат реестрига киритиш тўғрисидаги ариза (ихтиёрий равишда тугатилаётган тақдирда);

тегишли органнинг нодавлат нотижорат ташкилотини тугатиш тўғрисидаги қарори;

нодавлат нотижорат ташкилотининг устави ва бошқа таъсис ҳужжатлари ҳамда у давлат рўйхатидан ўтганлиги тўғрисидаги гувоҳнома;

тугатиш баланси ёки топшириш ҳужжати ёхуд тақсимлаш баланси.

Кредиторларнинг талаблари қондирилгандан кейин қолган мол-мулк ташкилот қатнашчилари (аъзолари), шунингдек раҳбар органларнинг аъзолари ёки нодавлат нотижорат ташкилотларининг ходимлари ўртасида тақсимланиши мумкин эмас ҳамда ундан белгиланган тартибда фойдаланилади.

37-модда. Нодавлат нотижорат ташкилотлари тўғрисидаги қонун ҳужжатларини бузганлик учун жавобгарлик

Нодавлат нотижорат ташкилотлари тўғрисидаги қонун ҳужжатларини бузишда айбдор бўлган шахслар қонунга мувофиқ жавобгар бўладилар.

Ўзбекистон Республикасининг
Президенти

И. ҚАРИМОВ

УЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ

ОЛИЙ МАЖЛИСИНИНГ

1999 йил 14 апрель

Қ А Р О Р И

**(Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг
Ахборотномаси, 1999 йил, 5-сон, 116-модда)**

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси **қ а р о р**
қ и л а д и:

1. «Нодавлат нотижорат ташкилотлари тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни матбуотда эълон қилинган кундан эътиборан амалга киритилсин.

2. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳукумат қарорларини «Нодавлат нотижорат ташкилотлари тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига мувофиқлаштиради, вазирликлар ва идоралар ўзларининг мазкур Қонунга зид бўлган норматив ҳужжатларини қайта кўриб чиқишлари ва бекор қилишларини таъминласин.

**Ўзбекистон Республикаси
Олий Мажлисининг Раиси**

Э. ХАЛИЛОВ

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИНИНГ

1999 йил 15 апрель

Қ О Н У Н И

(Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг
Ахборотномаси, 1999 йил, 5-сон, 118-модда)

1-модда. Асосий тушунчалар

Ушбу Қонунда қуйидаги асосий тушунчалар қўлланилади:

темир йўл транспорти (темир йўл) — умумий фойдаланишдаги транспорт турларидан бири бўлиб, у ишлаб чиқариш ва ижтимоий йўналишдаги корхоналар, муассасалар ва ташкилотларни ўз таркибига олган, бошқа давлатларнинг темир йўллари ва транспортнинг бошқа турлари билан ўзаро ҳамкорликда ташиш эҳтиёжларини таъминловчи ягона ишлаб чиқариш-технология мажмуидин иборатдир;

темир йўл транспорти корхонаси — темир йўл асосий фаолиятининг тузилмавий бўлинмаси бўлиб, бевосита ташиш жараёнини таъминлайди;

темир йўл транспорти муассасаси — темир йўлнинг кадрлар тайёрлаш, темир йўл транспорти ходимларига ижтимоий-маиший ва маданий хизмат кўрсатиш соҳасида банд бўлган тузилмавий бўлинмаси;

темир йўл транспорти ташкилоти — темир йўлнинг қўшимча ёрдамчи фаолиятни амалга оширувчи ва ташиш жараёнида бевосита иштирок этмайдиган тузилмавий бўлинмаси;

темир йўл устави — қонун ҳужжатларига мувофиқ темир йўлнинг, темир йўл транспорти хизматларидан фойдаланувчи юридик ва жисмоний шахсларнинг (шу жумладан улар номидан иш кўрувчи экспедиторлик ва бошқа ташкилотларнинг) ҳуқуқлари, мажбуриятлари ва жавобгарлигини белгилайдиган норматив ҳужжат;

транспорт хизматлари бозори — юклар, йўловчилар, багаж ва юк багажини ташувчи, транспорт воситаларига техник хизмат кўрсатувчи ва таъмирловчи, темир йўл транспортида ташиш билан боғлиқ қўшимча ёрдамчи

ишларни ҳамда бошқа иш турларини (хизматларни) бажарувчи соҳа;

ташиш жараёни — юклар, йўловчилар, багаж ва юк багажини ташишга тайёргарлик кўриш, уни амалга ошириш ва тугаллаш чоғида темир йўл транспорти корхоналари бажарадиган ташкилий ва технологик жиҳатдан ўзаро боғлиқ ҳаракатлар ва операциялар мажмуи;

умумий фойдаланишдаги темир йўллар — темир йўлнинг поездларни қабул қилиш ва жўнатиш, юклар, багаж ва юк багажини қабул қилиш ҳамда топшириш ва йўловчиларга хизмат кўрсатиш, манёвр ишларини амалга ошириш бўйича тегишли операцияларни бажариш учун очиқ бўлган темир йўл бекатлари жойлашган тармоғи;

юк — ташиш учун темир йўл транспорти корхонаси томонидан белгиланган тартибда қабул қилинган, ўз вақтида элтиб берилиши ва сақланиши учун темир йўл жавобгар бўлган темир йўл ташиш объекти;

йўловчи — йўл ҳужжатларига эга бўлган ва поездда сафар қилувчи фуқаро (жисмоний шахс);

багаж — йўловчи олиб кетаётган ва сафар давомида йўловчилар вагонидан унинг ёнида бўладиган буюмлар, товарлар ва бошқа моддий бойликлар;

юк багажи — йўловчилар ва почта-багаж поездларида ташиладиган темир йўл ташиш объекти;

юк жўнатувчи (жўнатувчи) — ўз номидан ёхуд юк ёки юк багажи эгаси номидан иш кўрувчи ва ташиш ҳужжатларида қайд этилган юридик ёки жисмоний шахс;

юкни олувчи (олувчи) — юк ёки юк багажини олиш ҳуқуқига эга бўлган юридик ёки жисмоний шахс;

хавфли юклар — муайян омиллар мавжуд бўлганда ўз хоссалари ва хусусиятларига кўра ташиш жараёнида, ортиш-тушириш ишларини бажариш ва сақлаш чоғида портлаш, ёнғин чиқишига ёки ташилаётган юклар, техника воситалари, қурилмалар, бинолар ва иншоотлар, бошқа объектларнинг шикастланишига, шунингдек одамлар ҳаёти ёки соғлиғига зиён етишига, ҳайвонларнинг нобуд бўлишига, атроф табиий муҳитнинг зарарланишига сабаб бўлиши эҳтимоли бор моддалар, материаллар, буюмлар, ишлаб чиқариш ва бошқа фаолият чиқиндилари;

ажратилган минтақа — темир йўл транспортининг тупроқ кўтармаси, сунъий иншоотлар, йўл бинолари, темир йўл алоқаси ва электр таъминоти қурилмалари, те-

мир йўл бекатлари, бошқа бинолар, иншоотлар ва йўл қурилмалари, шунингдек ихота дарахтзорлари жойлашган ерлари;

муҳофаза зоналари — темир йўллардан, электр таъминоти ва алоқа тармоқларидан бир меъёрда фойдаланишни, темир йўл транспорти иншоотлари, қурилмалари ва бошқа объектларининг сақланиши, мустаҳкамлиги ва турғунлигини таъминлаш учун зарур бўлган ер участкалари, шунингдек темир йўл транспорти ерларига туташ бўлган силжувчи тупроқли ерлар.

2-модда. Темир йўл транспорти тўғрисидаги қонун ҳужжатлари

Темир йўл транспорти тўғрисидаги қонун ҳужжатлари ушбу Қонун ва бошқа қонун ҳужжатларидан иборат.

Темир йўл транспорти хизматларидан фойдаланиш чоғида темир йўл транспорти корхоналари билан юк жўнатувчилар, юкни олувчилар, йўловчилар, бошқа юридик ва жисмоний шахслар ўртасидаги муносабатлар Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси тасдиқловидигини Темир йўл устави билан ҳам белгиланади.

Темир йўл транспортида юклар, йўловчилар, багаж ва юк багажини ташишни ташкил этиш тартиби давлат темир йўл транспортини бошқариш органи томонидан тасдиқланадиган юклар, йўловчилар, багаж ва юк багажини ташиш қоидалари, шунингдек бошқа норматив ҳужжатлар билан белгиланади.

Агар Ўзбекистон Республикасининг халқаро шартномасида Ўзбекистон Республикасининг темир йўл транспорти тўғрисидаги қонун ҳужжатларида назарда тутилганидан бошқача қоидалар белгиланган бўлса, халқаро шартнома қоидалари қўлланилади.

3-модда. Темир йўл транспортида мулкчилик

Ташиш жараёнининг узлуксизлигини, ҳаракат хавфсизлигини ва авария-тиклаш ишлари ўтказилишини бевосита таъминловчи темир йўл транспорти корхоналари, умумий фойдаланишдаги темир йўллар ва темир йўл транспортининг бошқа мол-мулки мутлақ давлат мулкидир.

Ташиш жараёнида бевосита иштирок этмайдиган те-

мир йўл транспорти мол-мулки қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда хусусийлаштирилиши мумкин.

4-модда. Темир йўл транспорти корхоналарини ташкил этиш, қайта ташкил этиш ва тугатиш

Ташиш жараёнини таъминлаш билан боғлиқ бўлган темир йўл транспорти корхоналарини ташкил этиш, қайта ташкил этиш ва тугатиш давлат темир йўл транспортини бошқариш органи томонидан қонун ҳужжатларига мувофиқ амалга оширилади.

5-модда. Темир йўл транспорти корхоналари, муассасалари ва ташкилотларининг мол-мулки

Темир йўл транспорти корхоналари, муассасалари ва ташкилотларининг мол-мулки асосий ва айланма маблағлардан, шунингдек қиймати ўз мустақил балансида кўрсатиладиган бошқа моддий бойликлардан иборат бўлади.

Темир йўл транспорти корхоналари, муассасалари ва ташкилотларининг мол-мулкидан фойдаланиш, унга эгалик қилиш ва уни тасарруф этиш ҳуқуқи қонун ҳужжатларига мувофиқ амалга оширилади.

Темир йўл транспорти корхоналарига хўжалик юриши ҳуқуқи асосида тегишли бўлган кўчмас мол-мулкни сотиш давлат темир йўл транспортини бошқариш органи томонидан қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда амалга оширилади. Бу мол-мулкни ижарага ёки бошқа усулда эгалик қилиш учун бу мол-мулкка давлатнинг мулк ҳуқуқини ўзгартирмаган ҳолда бериш темир йўл транспорти корхоналари томонидан давлат темир йўл транспортини бошқариш органи билан келишилган ҳолда амалга оширилади.

Давлат мулки бўлган ҳаракатдаги состав ва контейнерларни бу мол-мулкка мулк ҳуқуқини ўзгартирмаган ҳолда сотиш, айирбошлаш, ижарага бериш, вақтинча фойдаланишга бериб қўйиш, баланسدан чиқариш давлат темир йўл транспортини бошқариш органи томонидан ёки унинг топшириғига биноан тегишли темир йўл транспорти корхоналари томонидан қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда амалга оширилади.

Ҳаракатдаги состав ва контейнерларни юридик ва жисмоний шахсларга сотиш, шунингдек темир йўл транспорти корхоналарининг бу мол-мулкни сотишдан олинган маблағларни ҳаракатдаги состав, контейнерлар олиш ва ишлаб чиқариш қувватларини ривожлантириш учун сарфлаши Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси белгилаган тартибда амалга оширилади.

6-модда. Темир йўл транспорти ерлари

Темир йўл транспорти ерлари жумласига давлат томонидан темир йўл транспорти корхоналари, муассасалари ва ташкилотларига темир йўл транспорти иншоотлари, қурилмалари ва бошқа объектларидан фойдаланиш, уларни сақлаш, қуриш, реконструкция қилиш, таъмирлаш, такомиллаштириш ва ривожлантириш соҳасида улар зиммасига юклатилган вазифаларни амалга ошириш учун доимий фойдаланишга берилган ерлар киради.

Темир йўл транспорти фаолиятини таъминлаш учун ерлар қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда берилади.

Темир йўл транспорти ерларидан ажратилган минтақни доирасида фойдаланиш тартиби давлат темир йўл транспортининг бошқарини органи томонидан қонун ҳужжатларига мувофиқ белгиланади.

7-модда. Темир йўл транспортининг муҳофаза зоналари

Аҳоли хавфсизлигини таъминлаш, шунингдек ер кўчиши, ер чўкиши, сув оқизиб кетиши, сел олиш ва бошқа хавфли таъсирларга учраши мумкин бўлган ерларда жойлашган темир йўллардан ҳамда темир йўл транспортининг бошқа объектларидан бир меъёردа фойдаланиш мақсадида муҳофаза зоналари белгиланади.

Муҳофаза зоналарини белгилаш тартиби, уларнинг ўлчамлари, бу мақсад учун ажратилган ерлардан фойдаланиш режими Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан белгиланади.

8-модда. Темир йўл қатновларининг турлари ва махсус ташишлар

Темир йўл қатновлари қуйидаги турларга бўлинади: ички қатновлар — юклар, йўловчилар, багаж ва юк

багажини Ўзбекистон Республикаси доирасида ташиш;
халқаро қатновлар — юклар, йўловчилар, багаж ва юк багажини Ўзбекистон Республикаси ва бошқа давлатлар ўртасида ташиш;

тўғри аралаш қатновлар — юкларни ягона транспорт ҳужжати бўйича транспортнинг ҳар хил турларида ташиш. Тўғри аралаш қатновлар ҳам ички, ҳам халқаро бўлиши мумкин.

Алоҳида муҳим давлат эҳтиёжларини, шу жумладан мудофаа эҳтиёжларини қондириш учун юкларнинг махсус турлари ташилишини таъминловчи ташишлар махсус ташишлар жумласига киради.

9-модда. Идораларга қарашли темир йўл шохобча йўллари

Идораларга қарашли темир йўл шохобча йўллари жумласига ҳужалик юритувчи субъектларнинг мулки бўлган ва умумий фойдаланишдаги темир йўллар билан туташадиган темир йўллар киради.

Идораларга қарашли темир йўл шохобча йўлларининг ишлаш шарт-шароитлари қонун ҳужжатлари билан белгиланади. Идораларга қарашли темир йўл шохобча йўлларининг мулкдорлари ва темир йўл транспорти корхоналари ўртасидаги муносабатлар шартнома билан белгиланади.

10-модда. Темир йўл транспортини бошқариш

Темир йўл транспортини бошқариш марказлаштирилган тартибда амалга оширилади ва давлат темир йўл транспортини бошқариш органининг ваколатлари жумласига киради.

Давлат темир йўл транспортини бошқариш органи: темир йўлда ташишларни ташкил этиш ва бажариш соҳасидаги ягона давлат сиёсатини амалга оширади;

темир йўл транспортининг фаолияти масалалари ва ташишларнинг шартлари бўйича норматив ҳужжатларни қабул қилади;

транспорт хизматлари бозорини шакллантириш ва ривожлантиришга кўмаклашади;

темир йўл транспорти, шу жумладан идораларга қарашли темир йўл шохобча йўлларини ривожлантириш ва улардан фойдаланишни назорат қилади;

темир йўлда ташишлар соҳасида тариф сиёсатини олиб боради;

темир йўл транспорти соҳасида халқаро ҳамкорликни амалга оширади;

қонун ҳужжатларига мувофиқ бошқа ваколатларни амалга оширади.

Темир йўл транспортининг ташиш жараёни билан боғлиқ фаолиятига аралашушга ҳеч кимнинг ҳаққи йўқ.

Давлат темир йўл транспортини бошқариш органининг ўз ваколатлари доирасида қабул қилган қарорлари барча юридик ва жисмоний шахслар, шунингдек маҳаллий давлат ҳокимияти органлари учун мажбурийдир.

11-модда. Юкларни ташиш

Темир йўл транспорти корхоналари, агар жўнатувчи юкларни ташишга нисбатан қўйиладиган талабларга риоя қилса ва ташишга темир йўл томонидан олди олиниши ёки бартараф этилиши мумкин бўлмаган ҳолатлар тўсқинлик қилмаса, юкни тайинланган жойига белгиланган муддатларда ташиб бериши шарт.

Юк жўнатувчилар ва темир йўл транспорти корхоналари юкларни муқтазам ташишларни амалга ошириш чоғида ташиш ва транспорт экспедициясини ташкил этиш тўғрисида узоқ муддатли шартномалар тузишлари мумкин.

Темир йўл транспортда юкларни ташиш юк жўнатувчиларнинг буюртманомаларига мувофиқ амалга оширилади. Юкларни ташиш учун буюртманомаларнинг шакллари, буюртмаларни бериш, бажариш ва ҳисобга олиш тартиби, шунингдек темир йўл транспортда ташиладиган юклар рўйхати давлат темир йўл транспортини бошқариш органи томонидан белгиланади. Юклар жўнатувчи томонидан ҳаракат хавфсизлиги ва юкларнинг сақланиши таъминланадиган қилиб ташишга тайёрланиши керак.

12-модда. Йўловчилар, багаж ва юк багажини ташиш

Темир йўл транспорти корхоналари йўловчилар, багаж, юк багажи ўз вақтида манзилига етказилишини, вокзалларда ва поездларда йўловчиларнинг хавфсизли-

гини, уларга хизмат кўрсатиш учун зарур қулайликлар ва шароитлар яратилишини, багаж ва юк багажининг сақланишини таъминлаши шарт.

Йўловчилар поездларнинг жўнаш ва келиш вақти, йўл ҳақи, багаж, юк багажи ташиш ҳақи, вокзалхоналарда жойлашган темир йўл чиптаси кассалари, сақлаш камераларининг иш вақти, йўловчиларга кўрсатиладиган хизматлар тўғрисида вақтида ишончли ахборот билан, шунингдек темир йўл транспорти корхоналари ва ташкилотларининг иши тўғрисидаги бошқа зарур ахборот билан таъминланишлари керак.

Темир йўл транспортида йўл чипталарини сотиш тартиби Темир йўл устави ҳамда йўловчилар, багаж ва юк багажини ташиш қондалари билан белгиланади.

Темир йўл транспортида йўл чипталари йўловчиларга тўлиқ қийматида сотилади, қонун ҳужжатларида имтиёзли юриши белгиланган фуқаролар бундан мустасно. Имтиёзли юришни компенсация қилиш қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда амалга оширилади.

Йўловчи поездда ўзи билан бирга беш ёшгача бўлган бир болани алоҳида жой берилмаган ҳолда бепул олиб юриш ҳуқуқига эга. Йўловчи билан бирга беш ёшгача бўлган биттадан ортиқ бола кетаётган бўлса, улардан бири бепул олиб юрилади, қолганлари эса чипта тўлиқ қийматининг 50 фоизи чегирилган, алоҳида жой берилган ҳолда олиб юрилади. Беш ёшдан ўн ёшгача бўлган болаларга ҳам чипта тўлиқ қийматининг 50 фоизи чегирилган ҳолда алоҳида жой берилади. Темир йўл транспортида болаларни ташиш бўйича бу имтиёзлар темир йўл транспорти корхоналарининг маблағлари ҳисобидан амалга оширилади.

Йўловчилар учун вокзалларда, поездлар кутиладиган бошқа жойларда бўлиш ҳамда поездга чиқиш, тушиш учун багаж ва юк багажи билан перронларга ўтиш эркинлиги кафолатланади. Йўловчиларни кузатиб қўювчи ва кутиб олувчи шахслар ҳам вокзалда бўлиш ва перронга ўтиш эркинлиги ҳуқуқига эга.

13-модда. Юклар, йўловчилар, багаж ва юк багажини темир йўл орқали ташиш тарифлари

Темир йўл транспортида юклар, йўловчилар, багаж ва юк багажини ташиш тарифлари юк жўнатувчилар-

нинг ҳамда йўловчиларнинг манфаатлари инobatга олинган ҳолда давлат темир йўл транспортини бошқариш органи томонидан Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан тайин этиладиган тартибда белгиланади.

Халқаро қатновда ташиш тарифлари Ўзбекистон Республикасининг халқаро шартномаларига мувофиқ белгиланади.

Юклар, йўловчилар, багаж ва юк багажини ташиш билан боғлиқ қўшимча ишлар ва хизматлар учун шартнома асосида ҳақ тўланади.

14-модда. Темир йўл транспортининг молиявий ва хўжалик фаолияти

Темир йўл транспорти фаолиятини молиялаш ўз хўжалик фаолияти даромадлари ҳисобидан ва имтиёзли ташишларга доир харажатларни қоплаш қисми бўйича давлат бюджети маблағлари ҳисобидан амалга оширилади.

Темир йўл транспортдаги ташишнинг барча турларидан олинган даромадларни тақсимлаш тартиби давлат темир йўл транспортини бошқариш органи томонидан ҳар бир темир йўл транспорти корхонасининг ташиш жараёнидаги аниқ улушини ҳисобга олган ҳолда белгиланади.

Темир йўлларни, сафарбарлик мақсадларига мўлжалланган объектларни, шу жумладан саноат корхоналари, электрлаштириш ва алоқа объектларини қуриш ва реконструкция қилиш, шунингдек темир йўл ҳаракатдаги составини ва махсус мақсадларга мўлжалланган йирик механизмларни олиш қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда амалга оширилади.

Темир йўл шохобча йўллари, тўхташ манзиллари, юк саройлари ва бошқа объектларни қуриш манфаатдор юридик ва жисмоний шахсларнинг ташаббусига кўра ҳамда уларнинг маблағлари ҳисобидан белгиланган тартибда амалга оширилиши мумкин.

Темир йўл тармоқлари, вокзаллар, пиёдалар ўтадиган кўприклар ва тоннеллар, йўловчилар платформалари ва темир йўл транспортининг аҳолига хизмат кўрсатувчи бошқа объектларини қуриш ва реконструкция қилиш, шаҳар атрофига қатнаш учун ҳаракатдаги составни олиш темир йўл маблағлари ҳисобидан амалга оши-

рилади, шунингдек маҳаллий бюджет, манфаатдор юридик ва жисмоний шахсларнинг маблағлари ҳисобидан ҳам амалга оширилиши мумкин.

Темир йўл транспортни ривожлантириш вазифаларини ҳал қилиш учун давлат темир йўл транспортни бошқариш органи томонидан марказлаштирилган сугурта ва захира жамғармалари ташкил этилиши мумкин.

Юклар ва юк багажини жўнатувчилар ва олувчиларнинг ташиш, юк операциялари, транспорт-экспедиторлик хизматлари ва ҳаракатдаги составдан фойдаланганлик учун темир йўл транспорти корхоналари билан ҳисобкитоблари, шунингдек шартнома мажбуриятларини бажармаганлик ва темир йўлга етказилган зарар учун жарималар ва пенялар тўлаш қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда амалга оширилади.

Темир йўл транспорти корхоналари уларга ташиш учун берилган юкларни тегишли ташиш ҳақининг ва ташишга доир бошқа тўловларни таъминлаш мақсадида қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда ушлаб қолиш ҳуқуқига эга.

Шаҳар атрофидаги йўловчилар ташишни молиялаш маҳаллий давлат ҳокимияти органлари томонидан маҳаллий бюджет маблағлари ҳисобидан ёхуд манфаатдор юридик ёки жисмоний шахслар томонидан амалга оширилиши мумкин.

15-модда. Темир йўл транспорти корхоналарининг темир йўл транспорти объектларининг мулкдорлари бўлган юридик ва жисмоний шахслар билан муносабатлари

Темир йўл транспорти корхоналарининг умумий фойдаланишдаги темир йўлларга ва темир йўл транспортининг бошқа объектларига чиқадиган темир йўл шохобча йўллари мулкдорлари бўлган юридик ва жисмоний шахслар билан муносабатлари, шунингдек темир йўл шохобча йўлларидан фойдаланиш ва уларга қарашли ҳаракатдаги составни умумий фойдаланишдаги темир йўлларда ишлатиш тартиби ва шартлари ушбу Қонун, бошқа қонун ҳужжатлари, шунингдек шартномалар билан белгиланади.

Темир йўл транспорти объектларининг мулкдорлари бўлган, умумий фойдаланишдаги темир йўлларга чиқувчи янги темир йўл тармоқларини барпо этувчи, шунинг-

дек ҳаракатдаги составни лойиҳалаштирувчи ва ишлаб чиқарувчи юридик ва жисмоний шахслар мазкур тармоқлар ва ҳаракатдаги составни давлат темир йўл транспортини бошқариш органи билан келишилган ҳолда лойиҳалаштирадилар ва қурадилар.

16-модда. Темир йўл транспорти ходимларининг меҳнатга оид муносабатлари

Темир йўл транспорти ходимларининг меҳнатга оид муносабатлари меҳнат тўғрисидаги қонун ҳужжатлари билан тартибга солинади.

Иши бевосита поездлар ҳаракати билан боғлиқ бўлган темир йўл транспорти айрим тоифадаги ходимларининг иш вақти режими, дам олиш ва бошқа меҳнат шароитлари режими хусусиятлари Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан тайин этиладиган тартибда белгиланади.

Темир йўл транспорти корхоналари поездлар ҳаракати билан боғлиқ ҳамда меҳнат шароити ноқулай ишларда банд бўлган ходимларни дастлабки тарзда ва вақти-вақти билан тиббий кўриклардан ўтказишни ташкил этади. Шундай вазифалар ва ишлар рўйхати, шунингдек тиббий кўрикларни ўтказиш тартиби ўтказишни ташкил этади. Шундай вазифалар ва ишлар рўйхати, шунингдек тиббий кўрикларни ўтказиш тартиби Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги томонидан белгиланади.

17-модда. Темир йўл транспорти ходимлари ишининг сайёр хусусияти билан боғлиқ кафолатлар, компенсациялар ва уларга бериладиган имтиёзлар

Меҳнати сайёр хусусиятли бўлган темир йўл транспорти ходимларига бериладиган кафолатлар ва компенсациялар қонун ҳужжатлари билан белгиланади.

Темир йўл транспорти ҳарбийлаштирилган қўриқчи бўлинмалари ходимлари хизмат вазифаларини бажаришда қонун ҳужжатларида назарда тутилган ҳуқуқий ва ижтимоий ҳимоя кафолатларига эга.

Темир йўл транспорти ходимлари жамоа шартномалари ёки тармоқ жамоа келишуви билан белгиланади.

ган тартибда ва шартларда темир йўл транспортида ҳар йилги бепул юриш ҳуқуқидан фойдаланадилар.

Меҳнатда майиб бўлиш ёки касб касаллиги оқибатида бошқа ишга ўтказилган ёхуд меҳнатда майиб бўлиш, касб касаллиги ёки ходимнинг айби бўлмаган сабабга кўра соғлиғига бошқача тарзда шикаст етиши муносабати билан ногиронлик пенсиясига чиққан темир йўл транспорти ходимлари учун темир йўл транспортида ҳар йилги бепул юриш ҳуқуқи ва қонун ҳужжатларида белгиланган бошқа имтиёзлар сақланиб қолади.

Ушбу модданинг учинчи ва тўртинчи қисмларида белгиланган имтиёзлар темир йўл транспорти корхоналарининг маблағлари ҳисобидан таъминланади.

18-модда. Темир йўл транспортида интизом

Темир йўл транспорти ходимларининг интизоми Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан тасдиқланадиган Темир йўл транспорти ходимларининг интизоми тўғрисидаги низом билан тартибга солинади.

Темир йўл транспорти корхоналарида жамоа меҳнат низоларини ҳал қилиш воситаси сифатида ишни тўхтатишга йўл қўйилмайди.

19-модда. Темир йўл транспортида ҳисоблаш-ҳисобот вақти

Ташишларда бевосита қатнашувчи темир йўл транспорти корхоналарида ташиш жараёнини марказлаштирилган ҳолда узлуксиз бошқаришни таъминлаш мақсадида, уларнинг жойлашган манзилидан қатъи назар, мамлакатда амал қилувчи ягона ҳисоблаш-ҳисобот вақти — Тошкент вақти белгиланади.

20-модда. Ҳаракат хавфсизлигини таъминлаш, темир йўл транспорти ва бошқа техника воситаларидан фойдаланиш

Темир йўл транспорти корхоналари йўловчилар ҳаёти ва соғлиғи учун хавфсиз қатнов, юклар, багаж ва юк багажи ташиш шарт-шароитларини, поездлар ва темир йўл транспорти бошқа воситаларининг ҳаракат хавфсизлигини, шу жумладан манёвр ишлари чоғидаги, та-

шиш жараёни билан боғлиқ транспорт ва бошқа техника воситаларидан фойдаланиш чоғидаги хавфсизликни, шунингдек темир йўл транспорти ходимларининг меҳнати ва атроф табиий муҳит муҳофаза қилинишини таъминлайдилар.

Темир йўл транспортида поездлар ҳаракати хавфсизлигини таъминлаш устидан назорат қилувчи махсус таркибий бўлинма, шунингдек темир йўлда авариялар оқибатларини тугатувчи авария-тиклаш бўлинмаларни фаолият кўрсатади. Ана шу бўлинмалар тўғрисидаги низом, шунингдек ҳаракат хавфсизлиги бузилишларини таснифлаш, хизмат текширувини олиб бориш ва ҳисобга олиш тартиби давлат темир йўл транспортини бошқариш органи томонидан белгиланади.

21-модда. Темир йўл транспортида ҳаракат хавфсизлигига доир асосий талаблар

Темир йўл бекатлари, вокзаллар ва темир йўлнинг ташиш жараёни билан боғлиқ бошқа бўлинмалари ҳудудлари, поездлар ҳаракати амалга ошириладиган ҳамда манёвр ва юк ортиш, юк тушириш ишлари бажариладиган йўловчилар платформалари ва темир йўл тармоқлари ўта хавфли зоналар ҳисобланади ва зарурат бўлганда атрофи ўраб қўйилади. Ўта хавфли зоналарда фуқароларнинг бўлиши ва объектларнинг жойлаштирилиши, бундай зоналарда ишлар бажариш, темир йўллар орқали юриш ва уларни кесиб ўтиш қоидалари давлат темир йўл транспортини бошқариш органи томонидан белгиланади.

Ҳаракатдаги состав, шу жумладан ҳаракатдаги махсус состав ва контейнерлар, темир йўлларнинг ер устки қурилмалари қисмлари ҳамда темир йўл транспортига етказиб бериладиган бошқа техника воситалари ва механизмлар, шунингдек йўловчиларга кўрсатиладиган хизматлар тегишли норматив ҳужжатлар билан белгиланган ҳаракат хавфсизлиги, меҳнатни муҳофаза қилиш ва экология хавфсизлиги талабларига мос келиши лозим ҳамда қонун ҳужжатларига биноан мазкур талабларга мувофиқликка доир мажбурий сертификатлаштиришдан ўтказилиши зарур.

Ҳудудида хавфли юкларни ишлаб чиқариш, сақлаш, ортиш, ташиш ва тушириш ишлари амалга ошириладиган объектлар умумий фойдаланишдаги темир йўллар-

дан ва иншоотлардан уларнинг хавфсиз ишлашини таъминлайдиган масофада узоқлаштирилган бўлиши керак. Умумий фойдаланишдаги йўлларнинг қувурлар, алоқа, электр узатиш тармоқлари ва бошқа иншоотлар билан кесишган жойларида мазкур объектлардан умумий фойдаланишдаги темир йўллар ва иншоотларгача бўлган энг кам масофа, шунингдек темир йўллар билан кесишиш ва яқинлашиш жойларида бундай объектларни қуриш ва сақлаш нормалари тегишли давлат бошқарув органларининг давлат темир йўл транспортини бошқариш органи билан келишилган ҳолда қабул қилинадиган норматив ҳужжатларида белгиланади.

Умумий фойдаланишдаги темир йўлларни кесиб ўтувчи ёки бевосита уларнинг яқинида жойлашган газ, нефть қувурлари ва бошқа иншоотларни қуриш ҳамда улардан фойдаланиш чоғида белгиланган нормативларни таъминлаш, шунингдек мазкур иншоотлардан фойдаланиш хавфсизлиги учун уларнинг эгалари жавобгар бўлади. Мазкур иншоотларнинг эгалари ҳаракат хавфсизлигига таҳдид солувчи авария ҳолатлари юзга келганлиги ҳақида темир йўл транспорти корхонасини ўз вақтида хабардор қилиши шарт.

Темир йўл орқали ташилаётган хавфли ва махсус юкларнинг эгалари, бундай юкларни жўнатувчилар ва олувчилар уларнинг ташилиши, ортилиши ва туширилиши хавфсизлигини кафолатлашлари, бу юкларни ташиш чоғида авария ҳолатлари юзга келган тақдирда авария ҳолатларини ва авария оқибатларини тугатиш учун зарур воситалар ва ҳаракатчан бўлинмаларга эга бўлишлари лозим.

Темир йўл транспорти корхоналари хавфли ва махсус юкларни ташиш хавфсизлигини таъминлаши ҳамда бу юкларни ташиш чоғида авария ҳолатлари юзга келган тақдирда уларнинг оқибатларини тугатишда қатнашиши шарт.

Темир йўлларнинг автомобиль йўллари билан кесишган жойлари (темир йўл кесишуви жойлари) темир йўлдан техник фойдаланиш қоидалари ҳамда қурилиш нормалари ва қоидалари билан белгиланади.

Темир йўл кесишуви жойларидан фойдаланиш, уларни очиш ва ёпиш тартиби давлат темир йўл транспортини бошқариш органи томонидан тегишли давлат бошқарув органлари билан келишилган ҳолда белгиланади.

Темир йўл транспорти ва ташиш жараёни билан боғ-

лиқ бошқа техника воситаларининг ҳаракат хавфсизлиги ҳамда улардан фойдаланиш қоидаларини бузганликда айбдор шахслар қонун ҳужжатларига мувофиқ жавобгар бўладилар.

22-модда. Темир йўл транспортида юклар ва объектларни қўриқлаш

Йўл давомида ва темир йўл бекатларида юкларни қўриқлаш, темир йўл транспорти объектларини қўриқлаш, шунингдек темир йўл транспортида ёнғиннинг олдини олишга қаратилган ишларни ўтказиш, ёнғинга қарши назорат ва ёнғинларни бартараф этиш темир йўл транспорти ҳарбийлаштирилган қўриқчи бўлинмалари томонидан амалга оширилади.

Темир йўл транспортининг ҳарбийлаштирилган қўриқчилиги тўғрисидаги низом ҳамда қўриқланиши ва кузатиб борилиши зарур бўлган юклар рўйхати Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан тасдиқланади. Бу юкларни қўриқлаш ва кузатиб бориш тартиби давлат темир йўл транспортини бошқариш органи томонидан белгиланади.

Кузатиб бориш талаб этиладиган юкларни темир йўл транспорти ҳарбийлаштирилган қўриқчи гуруҳлари Ўзбекистон Республикаси доирасида кузатиб борадилар. Ўзбекистон Республикаси чегараларини кесиб ўтиш чоғида кузатиб бориладиган юкларни топшириш тартиби ва жойи Ўзбекистон Республикасининг халқаро шартномаларида белгиланади.

Темир йўл транспортининг энг муҳим объектлари ва махсус юкларни қўриқлаш Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлигининг ички қўшинлари бўлинмалари ва давлат бошқарув органларининг бошқа ваколатли бўлинмалари томонидан амалга оширилади. Бундай объектлар ва юклар рўйхатлари Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан белгиланади.

Юкларнинг айрим турларини, шу жумладан қимматбаҳо, тез бузиладиган ва бошқа юкларни қўриқлаш ва кузатиб бориш бутун йўл давомида жўнатувчи ёки олувчининг кузатувчилари томонидан амалга оширилиши мумкин. Бундай юкларни қўриқлаш ва кузатиб бориш тартиби юк жўнатувчилар (юкни олувчилар) томонидан давлат темир йўл транспортини бошқариш органи билан келишилган ҳолда белгиланади.

Зарурат бўлганда давлат темир йўл транспортини бошқариш органи юк жўнатувчилардан (юкни олувчилардан) авария ҳолатлари ва бошқа фавқулодда ҳолатларнинг юзага келиши хавфини, шунингдек уларнинг юкларини ташиш чоғидаги эҳтимол тутилган зарарларни камайтирадиган қўшимча чоралар кўришни талаб қилишга ҳақлидир.

23-модда. Фавқулодда ҳолатларда темир йўл транспортининг ишлаши

Темир йўл транспорти корхоналари темир йўл транспорти ишининг бузилишига сабаб бўлган ҳалокатлар, авариялар, табиий офатларнинг оқибатларини (шамол ҳосил қилган тупроқ-қум босишлари, тошқинлар, ёнғинлар ва бошқа фавқулодда ҳолатларни) бартараф этиш учун шошилиш чора-тадбирлар кўради. Бундай чора-тадбирларни амалга ошириш учун улар рўйхати давлат темир йўл транспортини бошқариш органи томонидан белгиланадиган моддий ва техника воситалари захирасига эга бўлишлари зарур.

Давлат ҳокимияти ва бошқарув органлари одамлар ҳаёти ва соғлиғига, атроф табиий муҳитга, ҳаракат хавфсизлиги ва юкларнинг сақланишига таҳдид солувчи ҳалокатлар, авариялар, табиий офатлар ва бошқа фавқулодда ҳолатларнинг оқибатларини тугатишда темир йўл транспорти корхоналарига ёрдам кўрсатадилар.

Агар енгиб бўлмас куч таъсирида, ҳарбий ҳаракатлар, қамал, эпидемиялар ва бошқа фавқулодда ҳолатлар натижасида юк, багаж ва юк багажини бундан буюн ташиш учун темир йўл транспорти корхоналарини ушбу юк, багаж ва юк багажини белгиланган манзилга етказиш ёки тегишли олувчига топшириш имкониятидан маҳрум этадиган тўсиқлар вужудга келган бўлса, худди шунингдек ушбу сабабларга кўра юк, багаж ва юк багажини сақлашнинг энг охириги муддатлари ўтиб кетса, мазкур корхоналар қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда юк, багаж ва юк багажини жўнатувчилар ёки олувчиларнинг топшириғига биноан, шунингдек мазкур топшириқ белгиланган муддатда олинмаган тақдирда эса юк, багаж ва юк багажини топширишга (реализация қилишга) ёки бунинг имкони бўлмаган тақдирда жўнатувчининг ўзига қайтариб юборишга

ҳақлидир. Бунда топширилган (реализация қилинган) юк, багаж ва юк багажи учун темир йўл транспорти корхонаси томонидан олинган сумма ушбу корхонага тегишли бўлган суммалар чегириб қолинган ҳолда, қиймат ҳақи тўланган тақдирда ташиш ҳужжатларида кўрсатилган олувчининг ҳисобига, бошқа барча ҳолларда эса жўнатувчининг ҳисобига ўтказилади.

Ҳужжатлари бўлмаган юк, багаж ва юк багажини реализация қилганлик учун темир йўл транспорти корхонаси томонидан олинган сумма давлат темир йўл транспортини бошқариш органининг фойдасига ўтказилади ва ундан белгиланган манзилига етиб келмаган юк, багаж ва юк багажи учун темир йўл транспорти корхонаси томонидан тўланган маблағларни қоплаш учун фойдаланилади.

Олувчи (жўнатувчи) ушбу суммани талаб қилиб олмаган тақдирда, маблағлар даъво муддатлари ўтганидан сўнг давлат бюджети ҳисобига ўтказилиши керак.

24-модда. Темир йўл транспортида сафарбарлик тайёргарлиги ва фуқаролар муҳофазаси

Темир йўл транспортида сафарбарлик тайёргарлиги ва фуқаролар муҳофазасига раҳбарлик давлат темир йўл транспортини бошқариш органи томонидан амалга оширилади.

25-модда. Йўловчиларни, темир йўл транспорти ходимларининг айрим тоифаларини, юклар, багаж ва юк багажини суғурта қилиш

Темир йўл транспорти йўловчилари (шаҳар атрофига қатновчи йўловчилар бундан мустасно) поездда қатнов даврида, иши сайёр хусусиятли бўлган темир йўл транспорти ходимлари, шунингдек ўз лавозим вазифаларини ҳаёт учун хавfli бўлган шароитларда бажарувчи ходимлар ва ҳарбийлаштирилган қўриқчи бўлиналарнинг ходимлари ўз хизмат вазифаларини бажариш даврида мажбурий шахсий суғурта қилинадилар.

Йўловчилар ва темир йўл транспорти ходимларининг айрим тоифаларини мажбурий шахсий суғурта қилиш тартиби ва шартлари қонун ҳужжатлари билан белгиланади.

Темир йўл транспортида мажбурий шахсий суғурта билан бир қаторда қонун ҳужжатларига мувофиқ йўловчиларни ихтиёрий шахсий суғурта қилиш, шунингдек юклар, багаж ва юк багажини ихтиёрий суғурта қилиш мумкин.

26-модда. Темир йўл транспорти корхоналарининг жавобгарлиги

Темир йўл транспорти корхоналари йўл ҳақини ҳамда юк, багаж ва юк багажининг ташиш ҳақини тўлаган ва йўл ҳужжатларини тўғри расмийлаштирган йўловчи ва юк жўнатувчига, агар қонун ҳужжатларида бошқача тартиб назарда тутилган бўлмаса, ташишни рад этишга ҳақли эмас.

Ташиш жараёнини амалга оширувчи темир йўл транспорти корхоналари йўловчи ёки темир йўл транспорти хизматларидан фойдаланувчи бошқа шахснинг, худди шунингдек темир йўл транспорти фаолияти натижасида жабрланган шахснинг ҳаёти ва соғлиғига етказилган зарар учун қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда жавобгар бўлади.

Темир йўл транспорти корхоналари юкларни ташиш чоғида юкларни ташиш учун олинган буюртманомаларни бажармаганлик, вагонларни шохобча йўллариغا келтириб бермаганлик ва уларни шохобча йўллардан олиб кетишни кечиктирганлик, юкларни жўнатувчилар ва олувчиларга тегишли бўлган ёки улар томонидан ижарага олинган вагонлар ва контейнерларни ўзбошимчалик билан эгаллаганлик, бу вагонлар ва контейнерларга шикаст етказганлик ёки уларни йўқотганлик учун Темир йўл уставида белгиланган миқдорларда жарималар тўлаш тарзида жавобгар бўлади.

Темир йўл транспорти корхоналари юкларни ташишда юкни етказиб бериш муддатларини бузганлик учун мулкӣ жавобгарлик билан бир қаторда ташилаётган юкнинг сақланишини таъминламаганлик учун ҳам қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда ва миқдорларда мулкӣ жавобгар бўлади.

Темир йўл транспорти корхоналари йўловчилар, багаж ва юк багажини ташиш бўйича мажбуриятларни бажармаганлик ёки лозим даражада бажармаганлик учун қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда ва миқдорларда жавобгар бўлади.

Темир йўл транспорти корхоналари атроф табиий муҳитга етказилган зарар учун ҳамда темир йўл транспорти ерларини лозим даражада сақламаганлик ва улардан фойдаланмаганлик учун қонун ҳужжатларига мувофиқ жавобгар бўлади.

27-модда. Юк жўнатувчилар ва юкни олувчилар, йўловчилар, бошқа юридик ва жисмоний шахсларнинг темир йўл транспорти корхоналари олдидаги жавобгарлиги

Юк жўнатувчилар ва юкни олувчилар қўйидагилар учун қонун ҳужжатларида белгиланган миқдорларда жарималар тўлаш тарзида жавобгар бўладилар:

ташишлар ҳақини ўз вақтида тўламаганлик учун;
юкларни тақдим этмаганлик учун, юк ташишга берилган вагонлар, контейнерлардан фойдаланмаганлик ёки буюртманомада кўрсатилган вагонлар, контейнерларни рад этганлик учун;

темир йўлга қарашли вагонлар ва контейнерлардан рухсатсиз фойдаланганлик учун;

вагонлар ва контейнерларни юкни ортиш, тушириш ёки қайта юклаш пайтида белгиланган технология нормаларидан ортиқча кечиктирганлик (бекор ушлаб турганлик) учун, шунингдек уларни юкни ортиш, тушириш, қайта юклаш учун етказиб бериш пайтида куттириб қўйиш орқали ёки жўнатувчига боғлиқ бўлган бошқа сабабларга кўра кечиктирганлик (бекор ушлаб турганлик) учун;

маҳсулотларни экспортга етказиб бериш бўйича божхона, чегара органлари ёки бошқа давлат органлари томонидан белгиланган талабларни вагонлар ва контейнерларнинг кечиктирилганлигига сабаб бўлган тарзда бузганлик учун;

вагонлар, контейнерларга кўтарилган юкидан ортиқча юк ортиганлик учун;

вагонлар ва контейнерларни юкларни туширилганидан сўнг тозаламаганлик учун;

темир йўл томонидан берилган вагонлар ёки контейнерларга, чиқариб олинган ташиш мосламалари ва ўраш-жойлаш воситаларига шикаст етказганлик ёки уларни йўқотганлик учун;

ташиш тақиқланган юкни тақдим этганлик ёки ташиш чоғида ўта эҳтиёткорлик чораларни кўришни талаб

этувчи юкни унинг номи ёки хоссаларини нотўғри кўрсатиб тақдим этганлик учун.

Йўловчилар, бошқа юридик ва жисмоний шахслар темир йўл транспорти воситаларидан фойдаланиш, ҳаракат хавфсизлиги, ёнгин хавфсизлиги қоидаларини, темир йўл транспортидаги санитария-гигиена ва санитария-эпидемияга қарши қоидаларни бузганлик, қурилмалар, транспорт воситалари ва уларнинг ички жиҳозларига шикаст етказганлик учун қонун ҳужжатларига мувофиқ жавобгар бўладилар.

Темир йўл транспортига унинг коммуникацияларини қасдан тўсиб (узиб) қўйиш ёки темир йўл транспортнинг монеликсиз ва хавфсиз ишлашига халал берувчи қонунга хилоф бошқа хатти-ҳаракатлар натижасида етказилган зарар темир йўл транспорти корхоналарига айбдор юридик ва жисмоний шахслар томонидан қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда тўланади.

28-модда. Талаблар ва даъволарни кўриб чиқиш

Юклар, йўловчилар, багаж ва юк багажини ташиш бўйича мажбуриятлар бузилган тақдирда, юк жўнатувчилар ва юкни олувчилар тегишли темир йўл транспорти корхоналарига қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда ва муддатларда талаб ва даъволар тақдим этишга ҳақлидир.

Темир йўл транспортида ташишлар бўйича талаблар ва даъволарни кўриб чиқишнинг ўзига хос хусусиятлари Темир йўл уставида белгилаб қўйилади.

**Ўзбекистон Республикасининг
Президенти**

И. ҚАРИМОВ

**«ТЕМИР ЙЎЛ ТРАНСПОРТИ ТЎҒРИСИДА»ГИ
ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ҚОНУНИНИ АМАЛГА
КИРИТИШ ҲАҚИДА**

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ

ОЛИЙ МАЖЛИСИНИНГ

1999 йил 15 апрель

Қ А Р О Р И

**(Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг
Ахборотномаси, 1999 йил, 5-сон, 119-модда)**

**Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси қ а р о р
қ и л а д и:**

1. «Темир йўл транспорти тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикасининг Қонуни эълон қилинган кундан эътиборан амалга киритилсин.

2. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳукумат қарорларини «Темир йўл транспорти тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикасининг Қонунига мувофиқлаштирсин, вазирликлар ва идоралар ўзларининг мазкур Қонунга зид бўлган норматив ҳужжатларини қайта кўриб чиқишлари ва бекор қилишларини таъминласин.

**Ўзбекистон Республикаси
Олий Мажлисининг Раиси**

Э. ХАЛИЛОВ

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИНИНГ

1999 йил 15 апрель

Қ О Н У Н И

(Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг
Ахборотномаси, 1999 йил, 5-сон, 120-модда)

1-модда. Қонуннинг мақсади ва вазифалари

Ушбу Қонун архивларни шакллантириш, сақлаш ва улардан фойдаланишда юзага келадиган муносабатларни ҳамда Ўзбекистон Республикаси архив муассасалари фаолиятини тартибга солиди.

Қонун Ўзбекистон ҳудудида мавжуд бўлган барча архив ҳужжатларини тўлиқ қамраб олишга, Ўзбекистон Республикаси Миллий архив фондининг яхлитлигини сақлаб қолишга ва фуқаролар, жамият ва давлатнинг ижтимоий, маданий, илмий ва бошқа эҳтиёжларини қондириш мақсадида архив ҳужжатларини ҳисобга олиш, экспертиза қилиш, рўйхатдан ўтказиш, бутлаш ҳамда улардан фойдаланишнинг ягона тартибини белгилашга қаратилгандир.

2-модда. Архивлар тўғрисидаги қонун ҳужжатлари

Ўзбекистон Республикасининг архивлар тўғрисидаги қонун ҳужжатлари ушбу Қонун ва бошқа қонун ҳужжатларидан иборат.

Қорақалпоғистон Республикасида архив иши Қорақалпоғистон Республикаси қонун ҳужжатлари билан ҳам тартибга солинади.

Агар Ўзбекистон Республикасининг халқаро шартномасида Ўзбекистон Республикасининг архивлар тўғрисидаги қонун ҳужжатларида назарда тутилганидан бошқача қоидалар белгиланган бўлса, халқаро шартнома қоидалари қўлланилади.

3-модда. Асосий тушунчалар

Ушбу Қонунда қуйидаги асосий тушунчалар қўлланилади:

архив — архив ҳужжатлари мажмуи, шунингдек архив муассасаси ёки корхона, муассаса ва ташкилотнинг архив ҳужжатларини қабул қилувчи, сақловчи ва улардан фойдаланувчи таркибий бўлинмаси;

архив ҳужжатлари — қонун ҳужжатларида назарда тутилган тегишли экспертиза асосида архив аҳамиятига молик деб топилган матнли, қўлёзма ва машинада ўқиладиган ҳужжатлар, овозли ёзувлар, видеоёзувлар, киноленталар, фотосуратлар, фотография плёнкалари, чизмалар, схемалар, хариталар, шунингдек турли моддий ашёлардаги ёзувлар;

архив фонди — тарихий ёки мантиқий жиҳатдан бири билан алоқадор архив ҳужжатлари мажмуи;

архив иши — архив ҳужжатларини қабул қилиш, ҳисобга олиш, сақлаш ва улардан фойдаланишни ташкил этишга оид фаолият;

архив ҳужжатларини доимий сақлаш — уларни архивда, музейда, кутубхонада чекланмаган муддатларда сақлаш;

архив ҳужжатларини вақтинча сақлаш — уларни архивларда қонун ҳужжатларида белгиланган давр мобайнида сақлаш;

архив ҳужжатларини депозитар сақлаш — уларни ҳужжатлар мулкдори билан архив, музей, кутубхона ўртасидаги келишув (шартнома) бўйича белгиланган шартлар асосида мулкдорнинг архив ҳужжатларига нисбатан мулк ҳуқуқини сақлаб қолган ҳолда архивда, музейда, кутубхонада сақлаш.

4-м о д д а. **Ўзбекистон Республикаси Миллий архив фонди**

Ҳужжатларида Ўзбекистон халқининг моддий ва маънавий ҳаёти акс эттирилган барча архив фондларининг мажмуи Ўзбекистон Республикаси Миллий архив фонди деб ҳисобланади.

Ўзбекистон Республикаси Миллий архив фонди давлат ва нодавлат архив фондларидан ташкил топади.

Давлат архивларида ва давлатнинг бошқа ҳужжатхоналарида доимий сақланаётган ҳужжатлар, шунингдек давлат ҳокимияти ва бошқарув органларида, прокуратуралар, судлар, давлат корхоналари, муассасалари ва ташкилотларида, банкларда, Ўзбекистон Республикасининг дипломатик ваколатхоналари ва консуллик му-

ассасаларида вақтинча сақланаётган архив ҳужжатлари давлат архив фондини ташкил этади.

Нодавлат юридик шахсларнинг фаолияти натижасида тўпланган архив ҳужжатлари, шунингдек фуқароларнинг шахсий архивлари нодавлат архив фондини ташкил этади.

Ҳужжатларни Ўзбекистон Республикасининг Миллий архив фондига киритиш ёки ҳужжатларни ундан чиқариш эксперт комиссиясининг хулосаси асосида амалга оширилади.

Ҳужжатларнинг қимматлилигини аниқлаш мезонларини, эксперт комиссияларини тузиш ва уларнинг фаолият кўрсатиш тартибини Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Бош архив бошқармаси белгилайди.

Ҳужжатларни Ўзбекистон Республикаси Миллий архив фондига киритиш масаласини ҳал қилиш учун юридик ва жисмоний шахслар давлат архив муассасасининг талабига биноан ҳужжатларни экспертизага тақдим этишлари шарт.

5-модда. Архив ҳужжатларига бўлган мулкдорлик

Давлат архив фондининг ҳужжатлари давлат мулкдир ва улар давлат тасарруфидан чиқариш ва хусусийлаштириш, олди-сотди ёки мулк ҳуқуқини бериш билан боғлиқ бошқа битимлар объекти бўлиши мумкин эмас ҳамда фақат вақтинча фойдаланиш учун берилади.

Нодавлат архив фондларининг ҳужжатлари нодавлат юридик шахсларнинг — фонд эгаларининг мулкдир. Жисмоний шахсларнинг архив ҳужжатлари шу шахсларнинг хусусий мулкдир.

Вафот этган фуқароларнинг архив ҳужжатлари, қонун бўйича ёки васиятнома бўйича меросхўрлар бўлмаса, шунингдек архивнинг эгасини аниқлаш имконияти бўлмаса, давлат мулкига ўтади.

6-модда. Архивлар тузиш ҳуқуқи

Ўзбекистон Республикасининг юридик ва жисмоний шахслари архивлар тузиш ҳуқуқига эгадир.

Ўзбекистон Республикаси ва Қорақалпоғистон Республикаси давлат архивлари (уларнинг филиаллари) тегишли равишда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳ-

камаси ва Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши томонидан тузилади.

Вилоятлар давлат архивлари (уларнинг филиаллари) ҳамда Тошкент шаҳар давлат архиви тегиншли вилоят ва Тошкент шаҳар ҳокимларининг қарори билан тузилади.

Махфий архивлар тузишга йўл қўйилмайди.

7-модда. Архив ҳужжатларини доимий сақлаш ҳуқуқи

Давлат архив фондининг ҳужжатлари давлат ҳужжатхоналарида доимий сақланиши керак. Ҳужжатларни қабул қилиш ва рўйхатдан ўтказишни амалга оширадиган, уларнинг асралиши ва улардан фойдаланишни таъминлайдиган давлат архивлари ва уларнинг филиаллари давлат архив фонди ҳужжатларининг асосий ҳужжатхоналари ҳисобланади.

Давлат архив фонди ҳужжатларини вазирликлар ва идораларда доимий сақлаш Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Бош архив бошқармаси билан келишилган идоравий норматив ҳужжатлар асосида амалга оширилади.

Давлат архив фондининг ҳужжатларини доимий сақлаш вазифаси топшириладиган вазирликлар ва идораларнинг рўйхати Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан белгиланади.

8-модда. Идоравий архивлар

Давлат ҳокимияти ва бошқарув органлари, корхоналар, муассасалар ва ташкилотлар архив ҳужжатларини вақтинча сақлаш, улардан хизмат, ишлаб чиқариш, илмий ва бошқа мақсадларда фойдаланиш учун идоравий, бирлашган идоравий ёки идоралараро архивлар тузишлари мумкин.

Идоравий архивларда вақтинча сақланаётган ҳужжатларни рўйхатдан ўтказишни Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Бош архив бошқармаси ва у ваколат берган давлат архив муассасалари амалга оширади. Рўйхатдан ўтказиш тартиби ва рўйхатдан ўтиш гувоҳномасининг шакли Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан тасдиқланади.

Давлат архив фондининг ҳужжатларини идоравий архивларда вақтинча сақлаш муддатининг мезъралари

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан белгилаб қўйилади.

Идоравий архивда вақтинча сақлаш муддатлари ўтганидан кейин доимий сақланиши керак бўлган архив ҳужжатлари белгиланган тартибда давлат архивларига топширилади.

Идоравий архивларнинг архив ҳужжатларини сақлаш ва улардан фойдаланиш тартиби Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси тасдиқлаган низомида белгиланади.

9-модда. Фуқароларнинг шахсий архивлари

Хусусий мулкида архив ҳужжатлари бўлган фуқаролар уларнинг асралишини таъминлайдилар ва архив ҳужжатларини доимий ёки депозитар сақлаш учун давлат архивлари, музейлари ва кутубхоналарига топширишлари мумкин.

Депозитар сақлаш учун топширилган архив ҳужжатлари, уларнинг мулкдорлари ҳужжатларни сақлаш шартномасини ўз вақтида узайтирмаган бўлсалар ва мазкур ҳужжатлар архивга, музейга ва кутубхонага топширилган пайтдан бошлаб юз йил мобайнида уларни талаб қилиб олмасалар, давлат мулкига ўтади.

10-модда. Қайта ташкил этилаётган ва тугатилаётган корхоналар, муассасалар ва ташкилотларнинг архив фондлари

Корхоналар, муассасалар ва ташкилотлар қайта ташкил этилганда уларнинг архив ҳужжатларини келгусида сақлаш улар томонидан тегишли давлат архив муассасалари билан келишилган ҳолда амалга оширилади.

Корхоналар, муассасалар ва ташкилотлар тугатилганда уларнинг архив фонди ҳужжатлари тегишли давлат архивларига қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда топширилади.

11-модда. Архив ишини давлат томонидан бошқариш

Архив ишини давлат томонидан бошқариш Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси, Қорақалпоғис-

тон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари томонидан улар тузадиган архивлар ишини бошқариш ваколатли давлат органлари орқали амалга оширилади.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Бош архив бошқармаси, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши ҳузуридаги Архив бошқармаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликларининг архив бўлимлари архив ишини бошқариш ваколатли давлат органлари ҳисобланади.

Ўзбекистон Республикаси ва Қорақалпоғистон Республикасининг давлат архивлари (уларнинг филиаллари), вилоятлар давлат архивлари (уларнинг филиаллари) ва Тошкент шаҳар давлат архиви бевосита архив ишини бошқариш ваколатли давлат органларига бўйсунди.

Архив ишини бошқариш ваколатли давлат органининг фаолиятини ташкил этиш тартиби ҳамда тузилиши Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан белгиланади.

12-модда. Давлат архив муассасаларини молиялаш

Давлат архив муассасаларини молиялаш тегишли бюджетлар маблағлари ҳисобига, шунингдек бюджетдан ташқари маблағлар ҳисобига амалга оширилади.

Пулли хизматлар кўрсатишдан ҳамда молиялашнинг бошқа қўшимча манбаларидан олинadиган маблағлар архив муассасаларининг моддий-техника базасини ривожлантиришга ҳамда уларнинг ходимларини моддий рағбатлантиришга йўналтирилади.

13-модда. Архив муассасаларининг хизматлари

Давлат архив фонди муассасалари ва идоравий архивлар Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси белгилagan тартибда хизматлар кўрсатади.

Фуқароларнинг ҳуқуқлари ва манфаатларини ижтимоий ҳимоя қилиш учун зарур бўлган архив маълумотномаларини, шунингдек давлат ҳокимияти ва бошқарув органларига архив маълумотномаларини ва ҳужжатларнинг нусхаларини бериш бепул амалга оширилади.

14-модда. Архивларни бутлаш

Давлат архивлари давлат ҳокимияти ва бошқарув органлари, давлат корхоналари, муассасалари ва ташкилотларининг фаолияти жараёнида вужудга келган ҳужжатлардан, шунингдек улар томонидан қўлга киритилган ёки уларга бошқа юридик ва жисмоний шахслар топширган ҳужжатлардан бутланади.

Давлат архивлари фуқароларнинг шахсий архив ҳужжатларини шартнома асосида мулк қилиб олишлари мумкин. Фуқароларнинг архив ҳужжатлари сотилаётганда давлат архиви уларни мулк эгаси эълон қилган нархида сотиб олишда устувор ҳуқуққа эга.

Нодавлат юридик шахсларнинг архивлари ва фуқароларнинг шахсий архивларни давлат архив фонди ҳужжатларидан бутланишига йўл қўйилмайди.

Ҳужжатлари Ўзбекистон Республикаси Миллий архив фондига бутлаш мақсадида топширилиши лозим бўлган корхоналар, муассасалар, ташкилотларнинг рўйхати Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Бош архив бошқармаси томонидан белгиланади.

15-модда. Ҳужжатлар сақланишини таъминлаш юзасидан ҳужжатлар мулкдорларининг мажбурияти

Ўзбекистон Республикаси Миллий архив фондига киритилиши лозим бўлган ҳужжатларнинг мулкдорлари уларнинг сақланишини таъминлашлари ва кўпайиб боришига кўмаклашишлари шарт.

Алоҳида қимматли ва ноёб архив ҳужжатларининг суғурта нусхалари тайёрлаб қўйилади.

Архив ҳужжатларини алоҳида қимматли ва ноёб ҳужжатлар жумласига киритиш, шунингдек уларнинг суғурта нусхаларини тайёрлаш ва сақлаш тартиби Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Бош архив бошқармаси томонидан белгиланади.

Қимматли, ноёб архив ҳужжатларининг лозим даражада асралишини таъминламаётган нодавлат юридик шахслар суд қарори билан ҳужжатларга бўлган мулк ҳуқуқидан маҳрум этилишлари мумкин, шундан сўнг бу ҳужжатлар сақлаш учун тегишли давлат архивига топширилади.

16-модда. Ўзбекистон Республикаси Миллий архив фонди ҳужжатларини давлат ҳисобига олиш

Ўзбекистон Республикаси Миллий архив фондининг ҳужжатлари, уларнинг сақланаётган жойидан қатъи назар, давлат ҳисобига олиниши керак. Мазкур ҳужжатларни давлат ҳисобига олиш тартиби Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Бош архив бошқармаси томондан белгиланади.

17-модда. Архив ҳужжатларидан фойдаланиш

Ўзбекистон Республикаси фуқаролари, шунингдек чет эл фуқаролари ва фуқаролиги бўлмаган шахслар давлат архив фондининг архив ҳужжатларидан қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда фойдаланадилар.

Нодавлат архив фондининг ҳужжатлари, шу жумладан жисмоний шахсларнинг хусусий мулки сифатида ўзида сақланаётган архивлар юридик ва жисмоний шахсларнинг фойдаланиши учун фонд эгаларининг розилиги билан берилиши мумкин бўлиб, улар архив ҳужжатларининг асралишини таъминлаш мақсадида улардан фойдаланишни чеклашлари мумкин. Чеклашлар хизмат топшириғини бажараётган ҳуқуқни муҳофаза қилиш, назорат қилувчи органларнинг ходимларига нисбатан, шунингдек қонун ҳужжатларида назарда тутилган бошқа ҳолларда татбиқ этилмайди.

Архив ҳужжатларининг маҳфийлик даражаси, шунингдек Ўзбекистон Республикаси Миллий архив фондининг давлат ва тижорат сирини ўз ичига олган ҳужжатларидан фойдаланишга доир чеклашлар Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан белгиланади.

Фуқароларнинг шахсий ҳаёти тўғрисидаги ёки уларнинг ҳаёти ва хавфсизлигига таҳдид туғдирувчи маълумотларни ўз ичига олган архив ҳужжатларидан фойдаланишга доир чеклашлар, ҳужжатлар тайёрланган вақтдан эътиборан етмиш беш йил муддатга белгиланади. Ушбу муддатдан олдин ана шундай ҳужжатлардан фойдаланишга фуқаронинг ўзи томонидан, унинг вафотидан сўнг эса — унинг меросхўрлари томонидан рухсат берилиши мумкин.

Давлат архив муассасалари давлат архив фонди ҳужжатларидан фойдаланишни улар илмий-техник ишловдан ўтказилаётгани ёки қайта тикланаётгани муносабати билан чеклаб қўйиш ҳуқуқига эгадир.

18-модда. Архив иши соҳасидаги халқаро ҳамкорлик

Ўз архивларига эга бўлган юридик ва жисмоний шахслар архив иши соҳасидаги халқаро ҳамкорликда қонун ҳужжатларига мувофиқ иштирок этишлари мумкин.

Ўзбекистон Республикасидан четга олиб кетилган архив ҳужжатларини қайтариш халқаро шартномалар асосида амалга оширилади.

19-модда. Ўзбекистон Республикаси Миллий архив фонди ҳужжатларининг Ўзбекистондан олиб чиқилиши

Ўзбекистон Республикаси Миллий архив фонди ҳужжатларининг асл нусхаларини ёки уларнинг ўрнини босувчи нусхаларини Ўзбекистондан олиб чиқилишига йўл қўйилмайди, ушбу модданинг иккинчи қисмида назарда тутилган ҳоллар бундан мустасно.

Ўзбекистон Республикаси Миллий архив фондининг ҳужжатларини чет элда кўргазмага қўйиш ёки қайта тиклаш мақсадида Ўзбекистондан вақтинча олиб чиқилишига Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Бош архив бошқармасининг руҳсати билан қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда йўл қўйилади.

20-модда. Низоларни ҳал этиш

Архивлардан фойдаланиш масалаларига доир низолар суд томонидан ҳал этилади.

Юридик ва жисмоний шахслар архивлар тўғрисидаги қонун ҳужжатларини бузганлик учун етказилган зарар ўрнини қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда қоплашлари шарт. Зарар ўрнининг қопланиши айбдорларни қонун ҳужжатларига мувофиқ жавобгарликдан озод этмайди.

21-модда. Архивлар тўғрисидаги қонун ҳужжатларини бузганлик учун жавобгарлик

Архивлар тўғрисидаги қонун ҳужжатларининг бузилишида айбдор бўлган шахслар белгиланган тартибда жавобгар бўладилар.

**Ўзбекистон Республикасининг
Президенти**

И. ҚАРИМОВ

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ

ОЛИЙ МАЖЛИСИНИНГ

1999 йил 15 апрель

Қ А Р О Р И

**(Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг
Ахборотномаси, 1999 йил, 5-сон, 121-модда)**

**Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси қ а р о р
қ и л а д и:**

1. «Архивлар тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни матбуотда эълон қилинган кундан эътиборан амалга киритилсин.

2. Ўзбекистон Республикасидан четга олиб кетилган ҳамда халқ бойлиги бўлган архив ҳужжатларини Ўзбекистон Республикасига қайтариб олиб келиш масаласи бўйича Олий Мажлис ҳузурида махсус комиссия тузилсин.

3. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳукумат қарорларини «Архивлар тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига мувофиқлаштирсин, вазирликлар ва идоралар ўзларининг мазкур Қонунга зид бўлган норматив ҳужжатларини қайта кўриб чиқишлари ва бекор қилишларини таъминласин.

**Ўзбекистон Республикаси
Олий Мажлисининг Раиси**

Э. ХАЛИЛОВ

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИНING

1999 йил 15 апрель

Қ О Н У Н И

(Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг
Ахборотномаси, 1999 йил, 5-сон, 122-модда)

1-модда. Урмон тўғрисидаги қонун ҳужжатлари

Урмон тўғрисидаги қонун ҳужжатлари ушбу Қонун ҳамда бошқа қонун ҳужжатларидан иборат.

Ер, сув, ер ости бойликлари ва ҳайвонот дунёсидан фойдаланиш ҳамда уларни муҳофаза қилиш билан боғлиқ ўрмонлардан фойдаланиш соҳасидаги муносабатлар тегишли қонун ҳужжатлари билан тартибга солинади.

Қорақалпоғистон Республикасида ўрмонга оид муносабатлар Қорақалпоғистон Республикасининг қонун ҳужжатлари билан ҳам тартибга солинади.

Агар Ўзбекистон Республикасининг халқаро шартномасида Ўзбекистон Республикасининг ўрмон тўғрисидаги қонун ҳужжатларидагидан бошқача қондалар белгиланган бўлса, халқаро шартнома қондалари қўлланилади.

2-модда. Урмон тўғрисидаги қонун ҳужжатларининг вазифалари

Урмон тўғрисидаги қонун ҳужжатларининг вазифалари ўрмонларни муҳофаза қилиш, қўриқлаш, улардан оқилона фойдаланиш, такрорий кўпайтиришни таъминлаш ҳамда ўрмонлар маҳсулдорлигини ошириш мақсадига ўрмонга оид муносабатларни тартибга солишдан, шунингдек юридик ва жисмоний шахсларнинг ҳуқуқларини муҳофаза қилишдан иборат.

3-модда. Урмонларнинг вазифалари

Урмонлар асосан экологик (сувни муҳофаза қилиш, қўриқлаш, санитария-гигиена, соғломлаштириш, рекреация), эстетик ва бошқа вазифаларни бажаради, чекланган даражадаги фойдаланиш аҳамиятига эга.

4-м о д д а. **Ўрмонларга бўлган мулкчилик**

Ўрмонлар давлат мулки — умуммиллий бойлик бўлиб, улардан оқилона фойдаланиш лозим ҳамда улар давлат томонидан қўриқланади.

5-м о д д а. **Давлат ўрмон фонди**

Ҳамма ўрмонлар давлат ўрмон фондини ташкил этади.

Давлат ўрмон фонди:

давлат аҳамиятига эга бўлган ўрмонлардан, яъни давлат ўрмон хўжалиги органлари қарамоғидаги ўрмонлардан;

бошқа идоралар ва юридик шахслар фойдаланишидаги ўрмонлардан иборат.

6-м о д д а. **Давлат ўрмон фондига кирмайдиган дарахтзорлар ва бутазорлар**

Қуйидагилар давлат ўрмон фондига кирмайди:

қишлоқ хўжалигига мўлжалланган ерлардаги дарахтлар ва тўп-тўп дарахтлар, экинзорларнинг ихота дарахтзорлари, шунингдек бошқа дарахтзорлар ва бутазорлар;

темир йўл, автомобиль йўллари, каналлар ва бошқа сув объектларининг ажратилган минтақаларидаги ихота дарахтзорлари;

шаҳарлар ва бошқа аҳоли пунктларидаги дарахтлар ва тўп-тўп дарахтлар, шунингдек кўкаламзорлаштириш учун экилган ўсимликлар;

томорқалардаги ва боғ участкаларидаги дарахтлар ҳамда тўп-тўп дарахтлар.

Давлат ўрмон фондига кирмайдиган дарахтзорлар ва бутазорларни барпо этиш, парвариш қилиш, қўриқлаш ҳамда улардан фойдаланиш ўсимлик дунёсини муҳофаза қилиш ва ундан фойдаланиш тўғрисидаги қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда амалга оширилади.

7-м о д д а. **Ўрмон фонди ерлари**

Ўрмон билан қопланган ерлар, шунингдек ўрмон билан қопланмаган, аммо ўрмон хўжалиги эҳтиёжлари учун берилган ерлар ўрмон фонди ерлари ҳисобланади.

Ўрмон фонди ерларининг чегаралари қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда аниқланади.

Ўрмон фонди ерлари қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда эгаллик қилиш, фойдаланиш учун, шу жумладан ижарага берилиши мумкин.

8-модда. Давлат ўрмон фонди участкалари

Давлат ўрмон фонди участкалари давлат ўрмон фондининг бир қисми бўлиб, уларнинг муайян чегараси, майдони, жойлашган манзили, ҳуқуқий режими қайд этилган ҳамда чизма-картографик материалларда кўрсатилган бўлади.

9-модда. Ўрмонларни муҳофаза қилиш, қўриқлаш, улардан фойдаланиш ва уларни такрорий кўпайтириш соҳасидаги давлат бошқаруви

Ўрмонларни муҳофаза қилиш, қўриқлаш, улардан фойдаланиш ва уларни такрорий кўпайтириш соҳасидаги давлат бошқаруви Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси, маҳаллий давлат ҳокимияти органлари, Ўзбекистон Республикаси Давлат ўрмон қўмитаси ва Ўзбекистон Республикаси Табиатни муҳофаза қилиш давлат қўмитаси томонидан амалга оширилади.

Ўзбекистон Республикаси Давлат ўрмон қўмитаси ва унинг жойлардаги органлари давлат ўрмон хўжалиги органлари ҳисобланади.

10-модда. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг ўрмонга оид муносабатларни тартибга солиш соҳасидаги ваколатлари

Ўрмонга оид муносабатларни тартибга солиш соҳасида қуйидагилар Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг ваколатларига киради:

ўрмонларни муҳофаза қилиш ва улардан оқилона фойдаланиш бўйича ягона давлат сиёсатини амалга ошириш;

давлат ўрмон фондидини тасарруф этиш;

ўрмонларнинг қўриқланиш тоифаларини аниқлаш тартибини белгилаш;

Ўрмондан фойдаланганлик учун ҳақ ундириш тартиби ва миқдорларини белгилаш;

Ўрмонларни муҳофаза қилиш, қўриқлаш, улардан фойдаланиш ва уларни такрорий кўпайтириш устидан давлат назоратини ташкил этиш ва амалга ошириш;

Ўрмонларнинг давлат ҳисобини ва давлат ўрмон кадастрини юритиш тартибини белгилаш;

Ўз ваколат доирасига кирувчи бошқа масалаларни ҳал қилиш.

11-модда. Маҳаллий давлат ҳокимияти органларининг ўрмонга оид муносабатларни тартибга солиш соҳасидаги ваколатлари

Ўрмонга оид муносабатларни тартибга солиш соҳасида маҳаллий давлат ҳокимияти органларининг ваколатларига қўйидагилар киради:

давлат ўрмон хўжалиги органлари билан келишган ҳолда юридик ва жисмоний шахсларга давлат ўрмон фонди участкаларини бериш, давлат қўриқхоналарининг ўрмонлари ҳамда давлат миллий табиий боғларининг қўриқхона минтақалари бундан мустасно;

ўрмонларнинг давлат ҳисоби ва давлат ўрмон кадастри юритилишини таъминлаш;

ўрмонларни муҳофаза қилиш, қўриқлаш, улардан фойдаланиш ва уларни такрорий кўпайтириш устидан давлат назоратини амалга ошириш;

ўрмонлар ҳолатига зарар етказган ҳолларда корхоналар, муассасалар ва ташкилотлар фаолиятини чеклаш, тўхтатиб қўйиш ва тугатиш тўғрисида қарорлар қабул қилиш;

ўрмонларда мол боқиш ҳамда ёғочга тааллуқли бўлмаган ресурслардан фойдаланишнинг бошқа турлари нормаларини давлат ўрмон хўжалиги органлари билан биргаликда белгилаш ва тартибга солиш;

ўрмонларни муҳофаза қилиш, қўриқлаш, улардан фойдаланиш ва уларни такрорий кўпайтириш борасида аҳолининг маърифатли бўлишини ташкил этиш;

Ўз ваколат доирасига кирувчи бошқа масалаларни ҳал қилиш.

12-модда. Ўрмонларни муҳофаза қилиш, қўриқлаш, улардан фойдаланиш ва уларни такрорий кўпайтириш устидан назорат

Ўрмонларни муҳофаза қилиш, қўриқлаш, улардан

фойдаланиш ва уларни такрорий кўпайтириш устидан давлат назорати Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси, маҳаллий давлат ҳокимияти органлари, Ўзбекистон Республикаси Табиатни муҳофаза қилиш давлат қўмитаси томонидан қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда амалга оширилади.

Ўрмонларни муҳофаза қилиш, қўриқлаш, улардан фойдаланиш ва уларни такрорий кўпайтириш устидан идоравий назорат Ўзбекистон Республикаси Давлат ўрмон қўмитаси томонидан амалга оширилади.

13-модда. Ўрмон қўриқчилиги

Ўрмон қўриқчилиги ўрмон хўжалиги корхоналарида ўрмонларни қўриқлаш ва муҳофаза қилишни таъминлаш мақсадида тузилади.

Ўрмон қўриқчилигининг мансабдор шахслари айни бир вақтда давлат ўрмон хўжалиги органларининг инспекторларидир.

Ўрмон қўриқчилиги мансабдор шахсларининг асосий ваколатлари қуйидагилардан иборат:

юридик ва жисмоний шахсларнинг ўрмондан фойдаланишга ҳақли эканлигини тасдиқловчи ҳужжатларини текшириш;

ўрмонларни муҳофаза қилиш, қўриқлаш, улардан фойдаланиш ва уларни такрорий кўпайтириш соҳасидаги маъмурий ҳуқуқбузарликлар тўғрисида баённомалар тузиш, ҳуқуқбузарлик содир этган шахсларни тегишли органларга олиб бориш;

қонунга хилоф равишда қўлга киритилган ўрмон маҳсулотини ҳамда уни қўлга киритиш воситаларини олиб қўйиш;

ҳуқуқбузарлик содир этган шахсларни интизомий, маъмурий ва жиноий жавобгарликка тортиш тўғрисидаги материалларни тегишли органларга юбориш;

ўрмон тўғрисидаги қонун ҳужжатларининг талабларини бузиш оқибатида етказилган зарарнинг ўрнини қоплаш ҳақида судга даъво тақдим этиш;

юридик ва жисмоний шахсларга ўрмон тўғрисидаги қонунбузарликларни бартараф этиш ҳақида кўрсатма бериш.

Ўрмон қўриқчилигининг фаолият кўрсатиш тартиби Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан белгиланади.

14-м о д д а. **Ўрмон хўжалигини ташкил этишнинг асосий қондалари**

Ўрмон хўжалигини ташкил этиш қўйидагиларни таъминлаши шарт:

Ўрмонларнинг ҳимоя этиш, соғломлаштириш ва бошқа фойдали табиий хусусиятларини сақлаш ва кучайтириш;

Ўрмонлардан оқилона фойдаланиш;

Ўрмонларни такрорий кўпайтириш, уларнинг маҳсулдорлигини ошириш, нав таркиби ва сифатини яхшилаш;

Ўрмонларни ёнғиндан қўриқлаш, зараркунандалар ва касалликлардан ҳимоя қилиш;

Ўрмонларнинг қўриқланиш тоифаларини аниқлаш;

Ўрмоннинг етилиш ёшини, дарахт кесиш усуллари ва ўрмондан фойдаланиш нормаларини белгилаш;

Ўрмон фонди ерларидан оқилона фойдаланиш;

қокун ҳужжатларига мувофиқ бошқа ташкилий-техник тадбирлар.

15-м о д д а. **Ўрмонларнинг қўриқланиш тоифалари**

Белгиланган мақсади ва бажарадиган вазифаларига кўра ўрмонлар қўйидаги қўриқланиш тоифаларига киритилади:

Ўрмонларнинг дарёлар, кўллар, сув омборлари ва бошқа сув объектлари соҳиллари бўйлаб ўтган тақиқланган минтақалари;

Ўрмонларнинг овладидиган қимматли балиқлар увилдириқ сочадиган жойларни муҳофаза қилувчи тақиқланган минтақалари;

эрозиядан сақлайдиган ўрмонлар;

Ўрмонларнинг темир йўл ва автомобиль йўллари ёқалаб ўтган ихота минтақалари;

чўл ва чала чўл минтақасидаги ўрмонлар;

шаҳар ўрмонлари ва ўрмон-боғлар;

шаҳарлар, бошқа аҳоли пунктлари ва саноат марказлари атрофидаги кўкаламзорлаштирилган минтақадаги ўрмонлар;

сув таъминоти манбаларини санитария жиҳатидан муҳофаза қилиш минтақасидаги ўрмонлар;

курортларни санитария жиҳатидан муҳофаза қилиш минтақасидаги ўрмонлар;

алоҳида қимматга эга бўлган ўрмон мавзелари;

ёнфоқчилик минтақасидаги ўрмонлари;
ўрмоннинг мевали дарахтзорлари;
давлат қўриқхона ўрмонлари;
давлат миллий табиий боғларининг ўрмонлари;
илмий ёки тарихий аҳамиятга эга бўлган ўрмонлар.
Ўрмонларни қўриқланиш тоифаларига киритиш Ўзбекистон Республикаси Давлат ўрмон қўмитаси тақдимномасига биноан Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан амалга оширилади.

16-модда. Ўрмон тузиш

Ўрмон тузиш ўрмонларни муҳофаза қилиш, қўриқлашга, ўрмон хўжалиги ва ўрмондан фойдаланиш оқиллона юритилишини таъминлашга қаратилган тadbирлар тизими бўлиб, қуйидагиларни қамраб олади:

давлат ўрмон фонди участкаларининг чегараларини белгилаш ва давлат ўрмон фондининг ўрмондан доимий фойдаланувчилар фойдаланишидаги ҳудудининг ички хўжалигини ташкил этиш;

топография-геодезия ишларини бажариш ва ўрмонларни махсус харитага киритиш;

давлат ўрмон фондини ҳисобга олиш;

ўрмонларнинг этилиш ёшнини белгилаш, ўрмон хўжалигини юритиш билан боғлиқ ўрмон дарахтларини кесиш режасини, дарахтларни кесиш ҳажминини ҳамда ўрмондан фойдаланишнинг бошқа турлари миқдорларини аниқлаш;

ўрмонларни муҳофаза қилиш, қўриқлаш, қайта тиклаш ва барпо этиш борасидаги ишлар ҳажминини, шунингдек бошқа ўрмон хўжалиги ишлари ҳажминини аниқлаш;

ўрмон тузиш лойиҳаларини ишлаб чиқиш ва уларнинг амалга оширилиши устидан назорат қилиш.

Ўрмон тузиш лойиҳалари давлат экспертизасидан ўтказилади ҳамда давлат ўрмон хўжалиги органлари ва маҳаллий давлат ҳокимияти органлари томонидан тасдиқланади. Ўрмон тузиш лойиҳалари ўрмон, қўриқхона ва овчилик хўжаликлари юритиш, ўрмондан фойдаланишни амалга ошириш, жорий ва истиқболга мўлжалланган режалаштириш ишларини олиб бориш учун асосий норматив-техник ҳужжатдир.

Ўрмон тузиш ҳамма ўрмонларда ягона тизим бўйича Ўзбекистон Республикаси Давлат ўрмон қўмитаси томонидан белгиланган тартибда ўтказилади.

17-м о д д а. **Ўрмонларнинг давлат ҳисоби**

Ўрмонларнинг давлат ҳисоби ўрмон тузиш лойиҳалари асосида давлат ўрмон хўжалиги органлари томонидан, ўрмон тузиш ўтказилмаган жойларда эса давлат ўрмон фондини ҳисобга олиш ва текшириш материаллари асосида олиб борилади.

Ўрмонларнинг давлат ҳисоби давлат бюджети маблағлари ҳисобидан ягона тизим бўйича, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан белгиланган тартибда олиб борилади.

18-м о д д а. **Давлат ўрмон кадастри**

Давлат ўрмон кадастри ўрмонларнинг табиий, хўжалик ва ҳуқуқий режими, уларнинг тоифалари, давлат ўрмон фонди участкаларининг сифат тавсифлари ҳамда уларнинг ўрмондан фойдаланувчилар ўртасидаги тақсимоти тўғрисидаги маълумотлар ва ҳужжатлар тизимидан иборат.

Давлат ўрмон кадастри манфаатдор юридик ва жисмоний шахсларни ўрмонга оид муносабатларни тартибга солиш, ўрмонларни муҳофаза қилиш, қўриқлаш, улардан оқилона фойдаланиш ва уларни такрорий кўпайтириш мақсадида ўрмон тўғрисидаги маълумотлар билан таъминлаш учун мўлжалланган.

Давлат ўрмон кадастри давлат ўрмон хўжалиги органлари томонидан давлат бюджети маблағлари ҳисобидан ягона тизим бўйича, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси белгиланган тартибда олиб борилади.

19-м о д д а. **Ўрмондан фойдаланиш**

Давлат ўрмон фонди участкалари юридик ва жисмоний шахсларга фойдаланишга берилиши мумкин.

Ўрмондан фойдаланиш учун ҳақ тўланади, ушбу Қонуннинг 30-моддасида назарда тутилган ҳоллар бундан мустасно. Тўловлар миқдори ва уларни ундириш тартиби Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан белгиланади.

Ўрмондан фойдаланиш доимий ва вақтинчалик бўлиши мумкин.

Ўрмон фонди ерлари доимий эгалик қилишга бериб қўйилган ўрмон хўжалиги корхоналари, муассасалари ва ташкилотлари ўрмондан фойдаланувчилардир.

Ўрмондан вақтинчалик фойдаланиш қисқа муддатли — уч йилгача ва узоқ муддатли — ўн йилгача бўлиши мумкин.

20-модда. Ўрмондан фойдаланиш ҳуқуқини бериш

Ўрмондан фойдаланиш ҳуқуқи юридик ва жисмоний шахсларга, агар қонун ҳужжатларида бошқача қоида белгиланган бўлмаса, давлат ўрмон хўжалиги органлари томонидан ёки улар ваколат берган корхоналар, муассасалар ва ташкилотлар томонидан берилади.

Ўрмондан фойдаланишга махсус рухсатнома — дарахт кесиш ёки ўрмон чиптаси асосида йўл қўйилади, ушбу Қонуннинг 30-моддасида назарда тутилган ҳоллар бундан мустасно. Ўрмондан фойдаланувчилар давлат ўрмон фонди участкаларидан ўрмондан фойдаланишнинг махсус рухсатномаларда назарда тутилган турларидангина фойдаланишга ҳақлидир.

21-модда. Ўрмондан доимий фойдаланувчиларнинг ҳуқуқ ва мажбуриятлари

Ўрмондан доимий фойдаланувчилар қуйидаги ҳуқуқларга эга:

давлат ўрмон фондининг ўзларига бериб қўйилган участкаларида ўрмон хўжалигини мустақил юритиш, ўрмондан фойдаланиш;

ўрмон фонди ерларидан, сув ресурсларидан, кенг тарқалган фойдали қазилмалардан ўрмон хўжалиги эҳтиёжлари учун белгиланган тартибда фойдаланиш;

белгиланган тартибда йўл очиш, ўрмон маҳсулотини жойлаштириш учун майдончалар жиҳозлаш, ишлаб чиқариш ва уй-жой бинолари ҳамда иншоотлари қуриш;

тайёрланган маҳсулотга ва уни сотишдан олинган даромадга мулкдор бўлиш.

Ўрмондан доимий фойдаланувчилар қуйидаги мажбуриятларга эга:

ўрмонларни муҳофаза қилиш, қўриқлаш, улардан оқилона фойдаланиш ва уларни такрорий кўпайтиришни таъминлаш;

Ўрмонларнинг давлат ҳисобини олиб бориш;

Ўрмонларнинг ҳолатига ва уларни такрорий кўпайтиришга, тупроқ ва ҳайвонот дунёсига, шунингдек сув объектларининг ва бошқа табиий объектларнинг ҳолатига салбий таъсир кўрсатишга йўл қўймайдиган усуллар билан иш олиб бориш;

Ўрмондан фойдаланганлик учун ўз вақтида ва белгиланган тартибда ҳақ тўлаш;

алоҳида муҳофаза этиладиган табиий ҳудудлар режимини таъминлаш;

Ўрмондан фойдаланувчи бошқа шахсларнинг ҳуқуқларини бузмаслик.

Ўрмондан доимий фойдаланувчилар қонун ҳужжатларида белгиланган бошқа ҳуқуқларга эга бўлишлари ва ўзга мажбуриятларни бажаришлари мумкин.

22-модда. Ўрмондан вақтинчалик фойдаланувчиларнинг ҳуқуқ ва мажбуриятлари

Ўрмондан вақтинчалик фойдаланувчилар қуйидаги ҳуқуқларга эга:

Ўрмондан фойдаланиш ҳуқуқини берувчи ҳужжатларда кўрсатилган давлат ўрмон фонди участкалари доирасида, муддатларида ҳамда ундан фойдаланиш турларида амалга ошириш;

белгиланган тартибда йўл очиш, ўрмон маҳсулотини жойлаштириш учун майдончалар жиҳозлаш, ишлаб чиқариш бинолари ва иншоотлари қуриш.

Ўрмондан вақтинчалик фойдаланувчилар қуйидаги мажбуриятларга эга:

ўзларига бериб қўйилган яйловлар, пичанзорлар ва бошқа ўрмонзорлардан оқилона фойдаланиш;

ўрмонларнинг ҳолатига ва уларни такрорий кўпайтиришга, тупроқ ва ҳайвонот дунёсига, шунингдек сув объектларининг ва бошқа табиий объектларнинг ҳолатига салбий таъсир кўрсатишга йўл қўймайдиган усуллар билан иш олиб бориш;

Ўрмондан фойдаланганлик учун ўз вақтида белгиланган тартибда ҳақ тўлаш;

Ўрмондан фойдаланувчи бошқа шахсларнинг ҳуқуқларини бузмаслик.

Ўрмондан вақтинчалик фойдаланувчилар қонун ҳужжатларида белгиланган бошқа ҳуқуқларга эга бўлишлари ва ўзга мажбуриятларни бажаришлари мумкин.

23-м о д д а. Ўрмондан фойдаланувчилар ҳуқуқларининг кафолатлари

Давлат, хўжалик ва бошқа органлар ҳамда ташкилотлар томонидан ўрмондан фойдаланувчиларнинг фаолиятига аралashiшига йўл қўйилмайди.

Ўрмондан фойдаланувчиларнинг бузилган ҳуқуқлари қонун ҳужжатларида назарда тутилган тартибда тикланиши лозим.

Ўрмондан фойдаланувчиларнинг ҳуқуқларини бузиш оқибатида етказилган зарарлар (шу жумладан бой берилган фойда) тўла ҳажмда қопланиши лозим.

24-м о д д а. Ўрмондан фойдаланиш ҳуқуқининг тугатилиши

Ўрмондан фойдаланиш ҳуқуқи қуйидаги ҳолларда тугатилади:

ўрмондан фойдаланиш ҳуқуқидан ихтиёрий воз кечилганда;

ўрмондан фойдаланиш муддати тугаганда;
фойдаланишида давлат ўрмон фонди участкаси бўлган юридик шахс тугатилганда;

ўрмонлардан ва ўрмон фонди ерларидан белгиланган мақсадда фойдаланилмаганда;

ўрмондан фойдаланиш ўрмонлар ва бошқа табиий объектларнинг ҳолатига ҳамда уларни такрорий кўпайтиришга салбий таъсир кўрсатадиган усуллар билан амалга оширилганда;

ўрмонларда ёнғин хавфсизлиги қондаларини бузганда;

ўрмондан фойдаланганлик учун ҳақ белгиланган муддатларда тўланмаганда;

ўрмон фонди ерлари давлат ёки жамоат эҳтиёжлари учун олиб қўйилганда.

Ўрмондан фойдаланиш ҳуқуқини тугатиш тартиби қонун ҳужжатлари билан белгиланади.

25-модда. Ўрмондан фойдаланиш турлари

Ўрмондан фойдаланиш турлари қуйидагилардан иборат:

дарахтзорлар ва бутазорларни кесиш;

ўрмондан қўшимча фойдаланиш (пичан ўриш, мол боқиш, асалари уялари ва қутиларини жойлаштириш, ёввойи ўсимликлар доривор хом ашёсини тайёрлаш (йиғиш) ва озиқ-овқат мақсадлари учун ёввойи ўсимликларни тайёрлаш (йиғиш));

давлат ўрмон фонди участкаларидан овчилик хўжалиги эҳтиёжлари учун фойдаланиш;

давлат ўрмон фонди участкаларидан илмий-тадқиқот мақсадларида фойдаланиш;

давлат ўрмон фонди участкаларидан маданий-маърифий, тарбиявий, соғломлаштириш, рекреацион ва эстетик мақсадларда фойдаланиш.

Қонун ҳужжатларида ўрмондан фойдаланишнинг бошқа турлари ҳам назарда тутилиши мумкин.

26-модда. Дарахтзорлар ва бутазорларни кесиш

Ишлаб чиқариш-техник заруратдан келиб чиқмаган биноларни, иншоотларни ва коммуникацияларни қуриш пайтида дарахтзорлар ва бутазорларни кесиш ман этилади.

Дарахтзорлар ва бутазорларни кесиш фақат қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда ўрмонларни албатта қайта тиклаш тарзида йўл қўйилади.

Дарахтзорлар ва бутазорларни кесиш ўрмонларнинг қўриқланиш тоифаларига қараб, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан тасдиқланган ўрмонларни кесиш қоидаларига мувофиқ амалга оширилади.

Ўрмонларнинг дарёлар, кўллар, сув омборлари ва бошқа сув объектлари соҳиллари бўйлаб ўтган тақиқланган минтақаларида, темир йўл ва автомобиль йўллари ёқалаб ўтган ихота минтақаларида, чўл ва чала чўл минтақасидаги ўрмонларда, шаҳарлар, бошқа аҳоли пунктлари ва саноат марказлари атрофидаги кўкаламзорлаштирилган ўрмонларда асосий фойдаланишдаги дарахтларни ўрмон ҳолатини яхшилаш мақсадида кесишга йўл қўйилади.

Давлат миллий табиий боғларининг, алоҳида қимматга эга бўлган ўрмон мавзеларининг ўрмонларида,

ёнғоқчилик теграси ўрмонларида, мевали дарахтзорларда, шаҳар ўрмонлари ва ўрмон-боғларда, сув таъминоти манбаларини санитария жиҳатидан муҳофаза қилиш теграси ўрмонларида, курортларни санитария жиҳатидан муҳофаза қилиш минтақасидаги ўрмонларда, эрозиядан сақлайдиган ўрмонларда ва ўрмонларнинг овладанган қимматли балиқлар увилдириқ сочадиган жойларни муҳофаза қилувчи тақиқланган минтақаларида фақат оралиқ фойдаланишдаги кесишга (ўрмон парвариши ва санитария мақсадида кесишга) йўл қўйилади.

Ҳамма қўриқланиш тоифаларидаги ўрмонларда ёнғинга қарши оралиқ жой ҳосил қилиш билан боғлиқ бошқа кесишларга йўл қўйилиши мумкин, давлат қўриқхоналарининг ўрмонлари бундан мустасно.

Асосий фойдаланиш бўйича кесиш миқдорлари ўрмон кесиш участкалари режаси доирасида, оралиқ фойдаланишдаги кесиш эса ўрмон хўжалиги талабларига мувофиқ амалга оширилади. Ўрмон кесиш режаси Ўзбекистон Республикаси Давлат ўрмон қўмитаси томонидан тасдиқланади.

27-модда. Ўрмондан қўшимча тарзда фойдаланиш

Давлат ўрмон фонди участкалари юридик ва жисмоний шахсларга ўрмондан қўшимча тарзда фойдаланишга бериб қўйилиши мумкин.

Давлат ўрмон фонди участкаларида пичан ўриш ва мол боқиш юридик ва жисмоний шахслар томонидан шу мақсадлар учун махсус мўлжалланган майдонларда қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда амалга оширилади. Алоҳида қимматли ўрмон мавзеларида, ёнғоқларни йиғиб тайёрлаш, курортларни санитария жиҳатидан муҳофаза қилиш доирасидаги ўрмонларда, эрозиядан сақлайдиган ўрмонларда мол боқишга йўл қўйилмайди.

Юридик ва жисмоний шахсларга асалари уялари ва қутиларини жойлаштириш учун давлат ўрмон фонди участкалари Ўзбекистон Республикаси Давлат ўрмон қўмитасининг рухсатномаси асосида белгиланган тартибда берилади.

Ёввойи ўсимликлар доривор хом ашёсини тайёрлаш (йиғиш) ва озиқ-овқат мақсадлари учун ёввойи ўсимликларни тайёрлаш (йиғиш) мавжуд ресурсларнинг тамом бўлиб қолишига ва ўрмон хўжалигига зарар етказили-

шига йўл қўйилмайдиган воситалар ва усуллар билан амалга оширилади.

28-м о д д а. Давлат ўрмон фонди участкаларидан овчилик хўжалиги эҳтиёжлари учун фойдаланиш

Давлат ўрмон фонди участкаларидан овчилик хўжалиги эҳтиёжлари учун фойдаланиш ҳуқуқи юридик ва жисмоний шахсларга берилади. Давлат ўрмон фонди участкаларидан овчилик хўжалиги эҳтиёжлари учун фойдаланиш тартиби қонун ҳужжатлари билан белгиланади.

29-м о д д а. Давлат ўрмон фонди участкаларидан илмий-тадқиқот, маданий-маърифий, тарбиявий, соғломлаштириш, рекреацион ва эстетик мақсадларда фойдаланиш

Давлат ўрмон фонди участкаларидан илмий-тадқиқот мақсадларида фойдаланиш қонун ҳужжатлари билан белгиланади.

Юридик ва жисмоний шахсларга давлат ўрмон фонди участкаларидан маданий-маърифий, тарбиявий, соғломлаштириш, рекреацион ва эстетик мақсадларда фойдаланиш ўрмондан доимий фойдаланувчилар билан келишилган ҳолда тегишли маҳаллий давлат ҳокимияти органлари томонидан берилади.

Давлат ўрмон фонднинг маданий-маърифий, тарбиявий, соғломлаштириш, рекреацион ва эстетик мақсадларда фойдаланиш учун берилган участкаларида ўрмондан фойдаланувчилар ўрмонларни ва табиий ландшафтларни сақлаш, ўрмонларда ёнғин хавфсизлиги ва санитария қоидаларига риоя қилиш шарти билан бу участкаларни ободонлаштириш тадбирларини ўтказадилар.

Давлат ўрмон фонди участкаларидан маданий-маърифий, тарбиявий, соғломлаштириш, рекреацион ва эстетик мақсадларда фойдаланиш тартиби Ўзбекистон Республикаси Давлат ўрмон қўмитаси томонидан тасдиқланади.

30-м о д д а. Фуқароларнинг ўрмонларда бўлиши

Фуқаролар ўсимлик дунёси объектларидан умумий фойдаланишни кўзлаб ўрмонларда бўлиш, ёввойи дори-

вор ҳамда озиқ-овқатбоп ўсимликлар, мевалар ва қўзи-қоринларни ўз эҳтиёжлари учун қонун ҳужжатларида белгиланган шартларда йиғиш ҳуқуқига эга.

Фуқаролар ўрмонларда ёнғин хавфсизлигига риоя этишлари, дарахтлар ва буталарни синдиришга, кесишга, ўрмон экинларига шикаст етказилишига, ўрмонларнинг ифлосланишига, чумоли инлари, қуш уяларининг йўқ қилиниши ва бузилишига йўл қўймасликлари, шунингдек қонун ҳужжатлари билан белгиланган бошқа талабларни бажаришлари шарт.

31-м о д д а. Чегара минтақаларида ўрмондан фойдаланиш хусусиятлари

Чегара минтақаларида ўрмондан фойдаланиш тартиби Ўзбекистон Республикаси Давлат чегараларини ҳимоя қилувчи қўмита билан келишилган ҳолда давлат ўрмон хўжалиги органлари томонидан белгиланади.

32-м о д д а. Ўрмонларни қўриқлаш

Маҳаллий давлат ҳокимияти органлари, табиатни муҳофаза қилиш ва ўрмон хўжалиги давлат органлари ўрмонлардан фойдаланиш тартиби бузилишидан, шу жумладан ноқонуний кесиш (яганалаш)дан ҳамда ўрмонларга бошқача тарзда зарарли таъсир кўрсатишдан ўрмонлар қўриқланишини таъминлайдилар.

Маҳаллий давлат ҳокимияти органлари ва давлат ўрмон хўжалиги органлари ўрмонларни ёнғиндан қўриқлаш ва ёнғинга қарши курашишга оид чора-тадбирларнинг амалга оширилишини таъминлайдилар, зарур ҳолларда ёнғинларни ўчириш учун аҳолини, корхона, муассаса ва ташкилотларнинг ўт ўчириш, ер қазилар ва транспорт воситаларини жалб этадилар, ёнғин хавфи юқори бўлган даврда аҳолининг ўрмонда бўлишини ва ўрмонларга транспорт воситаларининг киришини чеклайдилар ёки тақиқлайдилар.

Ўрмондан фойдаланувчилар ўрмонларда ёнғин хавфсизлигига риоя этишлари, иш жойларида ёнғинга қарши тадбирлар ўтказишлари, ўрмонда ёнғин чиққан тақдирда уни ўчиришни таъминлашлари шарт.

33-м о д д а. Ўрмонларни зараркунандалар, касалликлар ва бошқа салбий омиллардан муҳофаза қилиш

Ўрмонларни зараркунандалар, касалликлар ва бош-

қа салбий омиллардан муҳофаза қилиш ўрмондан доимий фойдаланувчилар томонидан қуйидаги йўллар билан амалга оширилади:

Ўрмон зараркунандалари ва касалликлари ўчоқларини, саноат ва коммунал-маиший ифлосланишлар ҳамда бошқа омилларнинг салбий таъсир доираларини ҳисобга олиш ва олдиндан айтиб бериш;

Ўрмон зараркунандаларининг оммавий кўпайиш ва ўрмон касалликларининг тарқалиш ўчоқларининг юзга келиши ва кенгайишининг олдини олиш, ўрмонларнинг биологик жиҳатдан чидамлилигини ошириш тadbирларини ўтказиш.

Ўрмонларни муҳофаза қилиш чора-tadbирларини амалга ошириш тартиби Ўзбекистон Республикаси Давлат ўрмон қўмитаси томонидан белгиланади.

34-м о д д а. Ўрмонларни тиклаш

Ўрмонларни тиклаш қуйидаги талабларга риоя қилинган ҳолда амалга оширилади:

дарахт кесилган жойларда ва ўрмон билан қопланмаган бошқа ерларда хўжалик жиҳатидан қимматли навли дарахтларни мажбурий равишда қайта экишни таъминлаш;

ўрмонларнинг нав таркибини яхшилаш, уларнинг маҳсулдорлигини ва муҳофаза хусусиятларини ошириш;

ўрмонларнинг генетик фонди ва биологик хилма-хиллигини сақлаб қолиш.

Ўрмонларни тиклаш тартиби ва муддатлари Ўзбекистон Республикаси Давлат ўрмон қўмитаси томонидан белгиланади.

35-м о д д а. Ўрмонларни кўпайтириш

Ўрмонларни кўпайтириш ўрмонлардан доимий фойдаланувчилар томонидан ҳудудларнинг сердарахтлигини ошириш, ўрмонларнинг нав таркибини яхшилаш, қимматли навли дарахтларни кўпайтириш ва эрозия жараёнларининг олдини олиш мақсадида махсус дастурлар асосида олиб борилади.

Ўрмонларни кўпайтириш учун бериб қўйилган қишлоқ хўжалигига ва бошқа мақсадларга мўлжалланган ерлар қонун ҳужжатларига мувофиқ ўрмон фонди ерлари тоифасига ўтказилади.

36-модда. Ўрмонларнинг маҳсулдорлигини ошириш

Ўрмонларнинг маҳсулдорлигини ошириш ўрмонларни такрорий кўпайтириш, уларнинг нав таркибини яхшилаш, ўрмон мелиорацияси ва ўрмонларни плантация усулида етиштириш натижасида амалга оширилади.

37-модда. Қонунга хилоф равишда қўлга киритилган ўрмон маҳсулотини олиб қўйиш

Қонунга хилоф равишда қўлга киритилган ўрмон маҳсулоти олиб қўйилиши лозим. Қонунга хилоф равишда қўлга киритилган ўрмон маҳсулотини олиб қўйишнинг имкони бўлмаган тақдирда, унинг қиймати қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда ва миқдорларда ундириб олинади.

38-модда. Ўрмонларнинг ҳолатига ва уларни такрорий кўпайтиришга таъсир этадиган корхоналар, иншоотлар ва бошқа объектларни жойлаштириш, лойиҳалаш, қуриш ва ишга тушириш

Ўрмонларнинг ҳолатига ва уларни такрорий кўпайтиришга таъсир этадиган янги ва қайта тикланаётган корхоналар, иншоотлар ва бошқа объектларни жойлаштириш, лойиҳалаш, қуриш ва ишга тушириш, шунингдек янги технологияларни жорий этиш ўрмонларни муҳофаза қилиш ва такрорий кўпайтириш тадбирлари таъминланган ҳолда амалга оширилади.

Ўрмонларнинг ҳолатига ва уларни такрорий кўпайтиришга таъсир этадиган корхоналар, иншоотлар ва бошқа объектларни жойлаштириш, лойиҳалаш, қуриш, шунингдек навли дарахтларни кесиш зарурлиги қонун ҳужжатларида белгиланган ҳолларда ва тартибда мажбурий давлат экологик экспертизасидан ўтказилиб давлат ўрмон хўжалиги органлари ва маҳаллий давлат ҳокимияти органлари билан келишилади.

39-модда. Ўрмон хўжалигини юритиш билан боғлиқ бўлмаган ишларни амалга ошириш тартиби

Ўрмон фонди ерларида ўрмон хўжалигини юритиш ва ўрмондан фойдаланиш билан боғлиқ бўлмаган қури-

лиш ва портлатиш ишлари, фойдали қазилмаларни қазиб олиш, кабеллар, қувурлар ва бошқа коммуникацияларни ўтказиш, пармалаш ва бошқа ишлар давлат ўрмон хўжалиги органлари ва маҳаллий давлат ҳокимияти органлари билан келишилган ҳолда қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда амалга оширилади.

40-модда. Ўрмондан фойдаланиш ҳуқуқини чеклаш, тўхтатиб қўйиш ёки тақиқлаш

Ўрмондан фойдаланиш ҳуқуқи ўрмон тўғрисидаги қонун ҳужжатларининг талаблари бузилган тақдирда, шунингдек ўрмонларни ва бошқа табиий объектларни муҳофаза қилиш, қўриқлаш ва такрорий кўпайтириш мақсадида қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда чекланиши, тўхтатилиши ёки тақиқланиши мумкин.

41-модда. Ўрмонларни муҳофаза қилиш, қўриқлаш, улардан оқилона фойдаланиш ва уларни такрорий кўпайтиришни молиялаштириш ҳамда иқтисодий рағбатлантириш

Ўрмонларни муҳофаза қилиш, қўриқлаш, улардан оқилона фойдаланиш ва уларни такрорий кўпайтиришни молиялаштириш давлат бюджети маблағлари ва бошқа манбалар ҳисобидан амалга оширилади.

Ўрмонларни муҳофаза қилиш, қўриқлаш, улардан оқилона фойдаланиш ва уларни такрорий кўпайтиришни иқтисодий рағбатлантириш тадбирларини амалга ошириш тартиби Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан белгиланади.

42-модда. Низоларни ҳал этиш

Ўрмонларни қўриқлаш ва улардан фойдаланиш масалаларига оид низолар қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда ҳал этилади.

43-модда. Ўрмон тўғрисидаги қонун ҳужжатларини бузганлик учун жавобгарлик

Ўрмон тўғрисидаги қонун ҳужжатларини бузганликда айбдор бўлган шахслар белгиланган тартибда жавобгар бўладилар.

**Ўзбекистон Республикасининг
Президенти**

И. ҚАРИМОВ

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ

ОЛИЙ МАЖЛИСИНИНГ

1999 йил 15 апрель

Қ А Р О Р И

**(Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг
Ахборотномаси, 1999 йил, 5-сон, 123-модда)**

**Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси қ а р о р
қ и л а д и:**

1. «Ўрмон тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни матбуотда эълон қилинган кундан эътиборан амалга киритилсин.

2. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳукумат қарорларини «Ўрмон тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига мувофиқлаштирсин, республика вазирликлари ва идоралари мазкур Қонунга зид келадиган ўз норматив ҳужжатларини қайта кўриб чиқишлари ва бекор қилишларини таъминласин.

3. Қуйидагилар ўз кучини йўқотган деб ҳисоблансин:

1978 йил 26 июлда қабул қилинган «Ўзбекистон Республикасининг Ўрмон кодексини тасдиқлаш тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни (Ўзбекистон Республикаси Олий Советининг Ведомостлари, 1978 йил, № 22, 371-модда);

1978 йил 18 декабрда қабул қилинган «Ўзбекистон Республикасининг Ўрмон кодексини амалга киритиш тартиби тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Олий Совети Президиумининг Фармони (Ўзбекистон Республикаси Олий Советининг Ведомостлари, 1978 йил, № 36, 515-модда);

1980 йил 29 апрелда қабул қилинган «Ўзбекистон Республикасининг Ўрмон кодексига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш ҳақида»ги Ўзбекистон Республикаси Олий Совети Президиумининг Фармони (Ўзбекистон Республикаси Олий Советининг Ведомостлари, 1980 йил, № 13, 195-модда);

1980 йил 12 ноябрда қабул қилинган «Ўзбекистон Республикасининг Ўрмон кодексига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш ҳақида»ги Ўзбекистон Республикаси Олий Совети Президиумининг Фармони тасдиқлаш тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни (Ўзбекистон Республикаси Олий Советининг Ведомостлари, 1980 йил, № 32, 538-модда);

1985 йил 25 мартда қабул қилинган «Ўзбекистон Республикасининг баъзи қонун актларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Олий Совети Президиуми Фармонининг 7-банди (Ўзбекистон Республикаси Олий Советининг Ведомостлари, 1985 йил, № 10, 84-модда);

1985 йил 30 мартда қабул қилинган «Ўзбекистон Республикаси Олий Совети Президиумининг Ўзбекистон Республикасининг баъзи қонун актларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисидаги ҳамда Айрим гражданданлардан ўқ отар қуроллар ва ўқ-дориларни олиб қўйиш ҳақидаги фармонларини тасдиқлаш» тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни учинчи хатбошисининг (Ўзбекистон Республикаси Олий Советининг Ведомостлари, 1985 йил, № 10, 115-модда) Ўзбекистон Республикасининг Ўрмон кодексига оид қисми;

«Табиатни муҳофаза қилиш тўғрисида»ги ва «Алоҳида муҳофаза этиладиган табиий ҳудудлар тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунларининг қабул қилинганлиги муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонунларига ўзгартишлар ва қўшимчалар киритиш ҳақида» 1994 йил 6 майда қабул қилинган Ўзбекистон Республикаси Қонунининг I-бўлими (Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг Ахборотномаси, 1994 йил, № 5, 158-модда).

Ўзбекистон Республикаси
Олий Мажлисининг Раиси

Э. ХАЛИЛОВ

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИНING АЯРИМ ҚОНУН
ҲУЖЖАТЛАРИГА ЎЗГАРТИШЛАР ВА ҚУШИМЧАЛАР
КИРИТИШ ТЎҒРИСИДА**

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИНING

1999 йил 15 апрель

Қ О Н У Н И

**(Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг
Ахборотномаси, 1999 йил, 5-сон, 124-модда)**

**Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси қ а р о р
қ и л а д и:**

Ўзбекистон Республикасининг қуйидаги қонун ҳуж-
жатларига ўзгартишлар ва қўшимчалар киритилсин:

**1. Ўзбекистон Республикасининг 1991 йил 15 феврал-
да қабул қилинган «Ўзбекистон Республикасидаги кор-
хоналар тўғрисида»ги Қонунининг (Ўзбекистон Респуб-
ликаси Олий Кенгашининг Ахборотномаси, 1991 йил,
№ 4, 78-модда; 1993 йил, № 6, 246-модда; 1994 йил,
№ 11—12, 285-модда; Ўзбекистон Республикаси Олий
Мажлисининг Ахборотномаси, 1995 йил, № 9, 193-мод-
да; 1997 йил, № 2, 56-модда, № 4—5, 126-модда, № 9,
241-модда; 1998 йил, № 5—6, 102-модда, № 9, 181-мод-
да):**

**1) 24-моддасининг 3-банди қуйидаги таҳрирда баён
этилсин:**

**«3. Корхоналар ўз ҳисоб-китоб ва касса хизмати учун
банкларни мустақил равишда танлайди ҳамда қонун
ҳужжатларида белгиланган тартибда битта ёки бир
нечта банкда миллий ва чет эл валюталарида талаб
қилиб олгунча сақланадиган депозит ҳисобварақлар
очишга ҳақли»;**

2) 36-моддаси қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«36-м о д д а. Корхона фаолиятини назорат қилиш

**1. Корхонанинг молия-хўжалик фаолияти корхона
мол-мулки эгасининг ташаббусига биноан тафтиш қи-
линиши мумкин.**

2. Корхоналар фаолиятини режали тарзда текширишлар Ўзбекистон Республикаси Назорат органлари фаолиятини мувофиқлаштирувчи республика кенгашининг қарорига биноан солиқ ва бошқа назорат қилувчи органлар томонидан йилига кўпи билан бир марта амалга оширилиши мумкин.

Солиқлар ва бошқа мажбурий тўловларни ўз вақтида ҳамда тўла ҳажмда тўловчи, бошқа норма ва қоидаларга риоя қилувчи, аудиторларнинг ҳар йилги тегишли хулосаларига эга бўлган корхоналар фаолиятини текширишлар назорат қилувчи органлар томонидан, қоида тариқасида, икки йилда кўпи билан бир марта амалга оширилади.

Корхоналар фаолиятини текширишдан ўтказиш муддатлари ўттиз календарь кунидан ошмаслиги лозим. Алоҳида ҳолларда Назорат органлари фаолиятини мувофиқлаштирувчи республика кенгашининг қарорига биноан бу муддат узайтирилиши мумкин.

3. Кичик ва ўрта бизнес корхоналарининг, Ўзбекистон Товар ишлаб чиқарувчилар ва тадбиркорлар палатаси аъзоларининг фаолиятини текширишлар Палата юридик хизматлари ва ҳудудий тузилмаларининг мажбурий иштирокида амалга оширилади.

4. Корхоналарни уларнинг хўжалик фаолиятини тафтиш қилиш билан боғлиқ бўлмаган ҳолда текширишлар Назорат органлари фаолиятини мувофиқлаштирувчи республика кенгаши тасдиқланган режалар асосида тегишли назорат қилувчи (ёнғинга қарши, санитария, ветеринария, энергетика назорати ва бошқа) органлар томонидан, қоида тариқасида, бир йўла ўтказиладиган комплекс текширув давомида амалга оширилади.

5. Аудиторлик текширишларини ўтказиш харажатлари шу текширишларни тайинлаган ташкилотлар ҳисобидан қопланади».

II. Ўзбекистон Республикасининг 1991 йил 18 ноябрда қабул қилинган «Ўзбекистон Республикасининг Давлат байроғи тўғрисида»ги Қонунининг (Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг Ахборотномаси, 1992 йил, № 1, 27-модда):

1) 5-моддасида:

1-банд қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«1) доимий суратда:

Ўзбекистон Республикаси Президенти девонининг биносида;

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг биносида;

Ўзбекистон Республикаси Хукуматининг биносида;

Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгеси ва хукуматининг биносида;

Ўзбекистон Республикаси маҳаллий давлат ҳокимияти органларининг биносида;

судларнинг биносида»;

4-банддаги «Ўзбекистон Республикаси халқ депутатлари» деган сўзлар «Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси депутатлари» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

6-банддаги «Олий Кенгашининг Раиси», «Ўзбекистон Республикасининг мудофаа ишлари вазири — Миллий гвардия қўмондони» деган сўзлар тегишинча «Олий Мажлисининг Раиси», «Ўзбекистон Республикасининг мудофаа вазири» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

2) 9-моддасининг биринчи қисмидаги «Олий Кенгаши Раёсатининг қарорига мувофиқ» деган сўзлар «Президентининг Фармониغا мувофиқ» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

3) 12-моддасидаги «халқ депутатлари маҳаллий Советлари ижроия қўмиталарига» деган сўзлар «вилоятлар, туманлар ва шаҳарларнинг ҳокимликларига» деган сўзлар билан алмаштирилсин».

III. Ўзбекистон Республикасининг 1992 йил 13 январда қабул қилинган «Аҳолини иш билан таъминлаш тўғрисида»ги Қонунининг 1998 йил 1 майда қабул қилинган Ўзбекистон Республикаси Қонуни билан тасдиқланган янги таҳрири (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 1998 йил, № 5—6, 97-модда, 1999 йил, № 1, 20-модда) 25-моддасининг еттинчи қисмидаги «шу корхоналарнинг ҳуқуқий ворислари маблағларидан тўланади, ҳуқуқий ворислар бўлмаган тақдирда эса — Иш билан таъминлашга кўмаклашувчи давлат жамғармаси маблағлари ҳисобидан тўланади» деган сўзлар «Иш билан таъминлашга кўмаклашувчи давлат жамғармаси маблағлари ҳисобидан тўланади» деган сўзлар билан алмаштирилсин.

IV. Ўзбекистон Республикасининг 1992 йил 2 июлда қабул қилинган «Ўзбекистон Республикаси Давлат герби тўғрисида»ги Қонунининг (Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг Ахборотномаси, 1992 йил, № 9, 328-модда):

1) 3-моддасининг иккинчи қисмидаги «ярим ой ва юлдузлар — олтин рангида» деган сўзлар «ярим ой ва юлдузлар — оқ рангида» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

2) 4-моддасида:

биринчи қисм 1-бандининг «б», «д» ва «е» кичик бандлари қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«б) Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг биносида»;

«д) Ўзбекистон Республикаси вазирликлари, давлат қўмиталари, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасига қарашли бошқа органларнинг биноларида;

е) судларнинг биноларида»;

биринчи қисмнинг 2, 3 ва 4-бандлари қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«2) Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг сессиялари, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Кенгашининг, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг мажлислари, халқ депутатлари маҳаллий Кенгашларининг сессиялари ўтказилаётган залларда, судларнинг суд мажлислари залларида, шунингдек туғилиш ва никоҳ тантанали суратда рўйхатга олинмаган хоналарда;

3) Ўзбекистон Республикаси Президенти ва унинг дони, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси, унинг Кенгаши, қўмиталари, комиссиялари ва Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қотибияти, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси, Ўзбекистон Республикаси дипломатия ваколатхоналари ва консуллик муассасалари, Ўзбекистон Республикаси вазирликлари ва давлат қўмиталарининг, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасига қарашли бошқа органларнинг, судларнинг, Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссияси, Ўзбекистон Республикаси прокуратура органлари, маҳаллий ҳокимият ва бошқарув органларининг, давлат нотариал идораларининг, Ўзбекистон Республикаси банк муассасалари ва ташкилотларининг, шунингдек Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари билан муҳрлари ва ҳужжат бланкаларида гербнинг тасвирини тушириш ҳуқуқи берилган республика ва маҳаллий бўйсунувдаги корхоналар, муассасалар ва ташкилотларнинг муҳрлари ва ҳужжат бланкаларида;

4) Ўзбекистон Республикаси Президентининг, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг, Ўзбекистон

Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг расмий нашрларида»;

иккинчи қисмдаги «судлар ва ҳакамлик судлари — суд ўтказиладиган мажлис залларида» деган сўзлар «судларнинг суд мажлислари залларида» деган сўзлар билан алмаштирилсин.

V. Ўзбекистон Республикасининг 1992 йил 3 июлда қабул қилинган «Давлат санитария назорати тўғрисида»ги Қонунининг (Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг Ахборотномаси, 1992 йил, № 9, 355-модда; Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 1995 йил, № 6, 118-модда) **27-моддаси биринчи қисмининг «ж» бандида** «исталган вақтда хизмат гувоҳномасини кўрсатиб, қайси идорага қарашли бўлишдан ва мулкчилик шаклларида қатъи назар, корхоналар, муассасалар, ташкилотлар, бирлашмаларга тўсқинликсиз кириш» деган сўзлар «қайси идорага қарашли бўлишдан ва мулкчилик шаклларида қатъи назар, корхоналар, муассасалар, ташкилотлар, бирлашмаларга қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда кириш» деган сўзлар билан алмаштирилсин.

VI. Ўзбекистон Республикасининг 1992 йил 9 декабрда қабул қилинган «Аудиторлик фаолияти тўғрисида»ги Қонуни (Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг Ахборотномаси, 1993 йил, № 1, 15-модда) **10-моддасининг 4-банди** қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«4. Аудиторлик текширишларини ўтказиш харажатлари шу текширишларни тайинлаган ташкилотлар ҳисобидан қопланади».

VII. Ўзбекистон Республикасининг 1994 йил 22 сентябрда қабул қилинган Қонуни билан тасдиқланган Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексининг (Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг Ахборотномаси, 1995 йил, № 1, 3-модда; Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 1996 йил, № 9, 144-модда; 1997 йил, № 2, 56-модда, № 9, 241-модда; 1998 йил, № 5—6, 102-модда, № 9, 181-модда; 1999 йил, № 1, 20-модда):

1) **53-моддаси** қуйидаги мазмундаги **тўртинчи қисм** билан тўлдирилсин:

«Турар жойлар ёки яшаш учун мўлжалланмаган жойлар, мулк шаклидан қатъи назар, давлатга хослик қилиш, конституциявий тузумга, Ўзбекистон Республикаси Президентига тажовуз қилиш, терроризм, қўнорун

чилик жиноятлари содир этиш учун фойдаланилган ёхуд бу жиноятлар қасддан одам ўлдириш, босқинчилик, та-лончилик ёки бошқа оғир, ўта оғир жиноятлар билан боғлиқ бўлган ҳолларда — бу жойлар давлат фойдасига мусодара қилинади»;

2) 178-моддасида:

биринчи қисмининг санкцияси қуйидаги таҳрирда ба-ён этилсин:

«энг кам ойлик иш ҳақининг етмиш беш баравари-дан юз бараваригача миқдорда жарима ёки уч йилдан беш йилгача муайян ҳуқуқдан маҳрум қилиш ёхуд мол-мулк мусодара қилиниб ёки мусодара қилинмай, беш йилгача озодликдан маҳрум қилиш билан жазоланади»;

иккинчи қисмининг санкциясидаги «мол-мулк мусодара қилиниб ёки мусодара қилинмай, уч йилдан беш йилгача» деган сўзлар «мол-мулк мусодара қилиниб, беш йилдан саккиз йилгача» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

учинчи қисмининг санкциясидаги «мол-мулк мусодара қилиниб, беш йилдан ўн йилгача» деган сўзлар «мол-мулк мусодара қилиниб, саккиз йилдан ўн икки йилгача» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

3) **Кодекс** қуйидаги мазмундаги 184¹-модда билан тўлдирилсин:

«184¹-модда. Бюджет интизомини бузиш

Бюджет интизомини бузиш, яъни бюджет маблағларини бюджетда ёки бюджетдан молияланадиган муассасалар ва ташкилотларнинг сметаларида назарда тутилмаган харажатларга йўллаш, шундай муассасалар ва ташкилотларда харажатлар қисми бўйича бюджетдан ажратилган маблағларнинг лимитлардан ортиб кетиши, штат-смета интизомини бузиш, шундай қилмиш учун маъмурий жазо қўлланилганидан кейин содир этилган бўлса, —

энг кам ойлик иш ҳақининг эллик бараваригача миқдорда жарима ёки бир йилгача ахлоқ тузатиш ишлари ёхуд олти ойгача қамоқ билан жазоланади.

Ўша қилмиш кўп миқдорда содир этилган бўлса, — энг кам ойлик иш ҳақининг эллик бараваридан етмиш беш бараваригача миқдорда жарима ёки икки йилгача ахлоқ тузатиш ишлари ёхуд бир йилгача озодликдан маҳрум қилиш билан жазоланади.

Уша қилмиш жуда кўп миқдорда содир этилган бўлса, —

энг кам ойлик иш ҳақининг етмиш беш бараваридан юз бараваригача миқдорда жарима ёки икки йилгача озодликдан маҳрум қилиш билан жазоланади.

Бюджетдан молияланадиган муассасалар ва ташкилотларга иш ҳақи, нафақалар, стипендиялар ва уларга тенглаштирилган бошқа харажатлар тўлови учун пул маблағлари бериш банкларнинг раҳбарлари ва бошқа мансабдор шахслари томонидан асоссиз равишда кечиктирилганлиги, шундай ҳаракатлар учун маъмурий жазо қўлланилганидан кейин содир этилган бўлса, —

энг кам ойлик иш ҳақининг эллик бараваригача миқдорда жарима ёки уч йилгача муайян ҳуқуқдан маҳрум қилиш ёхуд бир йилгача озодликдан маҳрум қилиш билан жазоланади»;

4) 216-моддасининг номи ва диспозицияси қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«216-модда. Жамоат бирлашмалари ёки диний ташкилотларни ҳилоф равишда тузиш

Ғайриқонуний жамоат бирлашмалари ёки диний ташкилотларни қонунга ҳилоф равишда тузиш ёки уларнинг фаолиятини тиклаш, шунингдек бундай бирлашмалар ёки ташкилотлар фаолиятида фаол қатнашиш —»;

5) 216¹-моддасининг номи ва диспозициясидаги «Фаолияти тақиқланган», «Фаолияти Ўзбекистон Республикасида тақиқланган» деган сўзлар тегишинча «Ғайриқонуний», «Ўзбекистон Республикасида ғайриқонуний» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

6) 224-моддасида:

биринчи қисмининг диспозициясидаги «рўйхатдан ўтиш, прописка» деган сўзлар «вақтинча ёки доимий прописка» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

биринчи қисмининг санкцияси қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«энг кам ойлик иш ҳақининг эллик бараваридан юз бараваригача миқдорда жарима ёки бир йилдан уч йилгача озодликдан маҳрум қилиш билан жазоланади»;

учинчи қисмининг диспозициясидаги «мазкур фуқароларнинг чет эл паспортларини ўз вақтида рўйхатдан ўтказишга, улар шу ерда бўлишининг белгиланган муддати ўтгач чиқиб кетишларини таъминлашга» деган сўз-

лар «мазкур фуқароларнинг вақтинча пропискадан ўтишларини шунингдек улар шу ерда бўлишининг белги-ланган муддати ўтгач чиқиб кетишларини таъминлаш-га» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

учинчи қисмнинг санкциясидаги «етмиш беш барава-ригача» деган сўзлар «юз бараваригача» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

7) Кодекс қуйидаги мазмундаги 244²-моддаси билан тўлдирилсин:

«244²-м о д д а. Диний экстремистик, сепаратистик, фундаменталистик ёки бошқа тақиқ-ланган ташкилотлар тузиш, уларга раҳбарлик қилиш, уларда иштирок этиш

Диний экстремистик, сепаратистик, фундаменталистик ёки бошқа тақиқланган ташкилотлар тузиш, уларга раҳ-барлик қилиш, уларда иштирок этиш —

мол-мулк мусодара қилиниб, беш йилдан ўн беш йилгача озодликдан маҳрум қилиш билан жазоланади.

Уша ҳаракатлар оғир оқибатлар келиб чиқишига са-баб бўлса, —

мол-мулк мусодара қилиниб, ўн беш йилдан йигирма йилгача озодликдан маҳрум қилиш билан жазоланади.

Башарти шахс тақиқланган ташкилотлар мавжудли-ги тўғрисида ўз ихтиёри билан хабар қилган ва жиноят-ни очишга ёрдам берган бўлса, у ушбу модданинг би-ринчи қисмида назарда тутилган жиноят учун жавоб-гарликдан озод қилинади».

VIII. Ўзбекистон Республикасининг 1994 йил 22 сен-тябрда қабул қилинган Қонуни билан тасдиқланган **Ўз-бекистон Республикаси Жиноят-процессуал кодексининг** (Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг Ахборот-номаси, 1995 йил, № 2, 5-модда; Ўзбекистон Республи-каси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 1995 йил № 12, 269-модда; 1997 йил, № 2, 56-модда, № 9, 241-модда; 1998 йил, № 5—6, 102-модда, № 9, 181-модда; 1999 йил, № 1, 20-модда):

1) 48-моддасининг биринчи қисмидаги «қарор ёки ушланганлиги тўғрисидаги баённома унга маълум қи-линган пайтдан бошлаб» деган сўзлар «қарор унга маъ-лум қилинган пайтдан ёки у ушланган пайтдан бошлаб» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

2) 49-моддасининг учинчи қисмидаги «қарор ёхуд

ушланганлиги тўғрисидаги баённома эълон қилинган пайтдан бошлаб» деган сўзлар «қарор эълон қилинган пайтдан ёхуд у ушланган пайтдан бошлаб» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

3) 53-моддасининг биринчи қисми қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«Ҳимоячи: манфаатларини ҳимоя қилаётган шахснинг нимада гумон қилинаётганлиги ёки айбланаётганлигини билиш; ишда иштирок этиш учун ўзига ижозат берилгани тўғрисида суриштирув, дастлабки тергов органлари ва суддан ёзма равишда тасдиқ талаб қилиш; гумон қилинувчи сўроқ қилинаётганда иштирок этиш, шахсга айблов эълон қилинаётганда ҳозир бўлиш ҳамда айбланувчи сўроқ қилинаётганда, шунингдек уларнинг иштирокида ўтказиладиган бошқа тергов ҳаракатларида қатнашиш ва гумон қилинувчига, айбланувчига, гувоҳларга, экспертларга, мутахассисларга саволлар бериш; суриштирувчи ёки терговчининг рухсати билан бошқа тергов ҳаракатлари юргизиладиганда иштирок этиш; ўзи қатнашган тергов ҳаракатларининг юритилиши хусусида ёзма мулоҳазалар бериш; илтимоснома бериш ва рад этиш; далиллар тақдим қилиш; давлат органлари, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари, корхоналар, муассасалар ва ташкилотлардан ҳамда жамоат бирлашмаларидан ҳимояни амалга ошириш учун зарур бўлган маълумотномалар, тавсифномалар ва бошқа ҳужжатлар сўраб олиш; гумон қилинувчи ёки айбланувчи иштирокида ўтказилган процессуал ҳаракатларга оид ҳужжатлар билан, дастлабки тергов тамом бўлгандан кейин эса, жиноят ишига доир барча материаллар билан танишиш ва улардан керакли маълумотларни ёзиб олиш; агар ҳимояни амалга ошириш зарурияти тақозо этса, давлат сирлари, тижорат сирини ёки бошқа сир ҳисобланган маълумот билан қонун ҳужжатларида назарда тутилган тартибда танишиш; ишнинг суддаги муҳокамасида тараф сифатида иштирок этиш; суриштирувчининг, терговчининг, прокурорнинг ва суднинг ҳаракатлари ҳамда қарорлари устидан шикоятлар келтириш; суд мажлисининг баённомаси билан танишиш ва у ҳақда ўз мулоҳазаларини билдириш; иш бўйича келтирилган шикоятлар, протестлардан хабардор бўлиш ва уларга нисбатан эътирозлар билдириш; кассация ва назорат инстанцияси суди мажлисларида иштирок этиш ҳуқуқига эгадир»;

4) **216-моддасининг иккинчи қисмидаги «Ушлаб турилган ва қамоққа олинганлар сақланадиган жой маъмурияти: қамоққа олинганларга айблов хулосасининг нухасини, шунингдек суднинг ҳукми ва ажримининг нухасини улар келиб тушган кунда топширишни таъминлаши» деган сўзлар «Ушлаб турилган ва қамоққа олинганлар сақланадиган жой маъмурияти: ушлаб турилганлар ва қамоққа олинганларга адвокат билан монеликсиз ва холи учрашиш ҳамда ундан маслаҳат олиш учун зарур шарт-шароитларни таъминлаши; қамоққа олинганларга айблов хулосасининг нухасини, шунингдек суднинг ҳукми ва ажримининг нухасини улар келиб тушган кунда топширишни таъминлаши» деган сўзлар билан алмаштирилсин;**

5) **290-моддаси қўйидаги мазмундаги учинчи қисм билан тўлдирилсин:**

«Тураб жойлар ёки яшаш учун мўлжалланмаган жойлар, мулк шаклидан қатъи назар, давлатга хоинлик қилиш, конституциявий тузумга, Ўзбекистон Республикаси Президентига тажовуз қилиш, терроризм, қўпуровчилик жиноятлари содир этиш учун фойдаланилган ёхуд бу жиноятлар қасдан одам ўлдириш, босқинчилик, талончилик ёки бошқа оғир, ўта оғир жиноятлар билан боғлиқ бўлган ҳолларда — бу жойлар хатланади»;

учинчи, тўртинчи, бешинчи, олтинчи, еттинчи ва саккизинчи қисмлар тегишинча тўртинчи, бешинчи, олтинчи, еттинчи, саккизинчи ва тўққизинчи қисмлар деб ҳисоблансин;

6) **345-моддасида:**

иккинчи қисм «183» рақамидан кейин «184¹» деган рақам билан тўлдирилсин, «241¹» рақами эса чиқариб ташлансин;

олтинчи қисмдаги «167-моддасида» деган сўзлар «167, 244¹, 244²-моддаларида» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

7) **479-моддаси тўртинчи қисмининг иккинчи жумласи қўйидаги таҳрирда баён этилсин:**

«Ишни назорат тартибида кўриш чоғида ҳимоячи иштирок этишга ҳақлидир, бошқа шахслар эса зарурат туғилган ҳолларда таклиф этиладилар».

IX. Ўзбекистон Республикасининг 1994 йил 22 сентябрда қабул қилинган Қонуни билан тасдиқланган Ўзбекистон Республикаси Маъмурий жавобгарлик тўғриси-

даги кодекснинг (Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгазининг Ахборотномаси 1995 йил, № 3, 6-модда; Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 1995 йил, № 9, 193-модда, № 12, 269-модда; 1996 йил, № 5—6, 69-модда, № 9, 144-модда; 1997 йил, № 2, 56-модда, № 4—5, 126-модда, № 9, 241-модда; 1998 йил, № 3, 38-модда, № 5—6, 102-модда, № 9, 181-модда; 1999 йил, № 1, 20-модда):

1) Кодекс қуйидаги мазмундаги 104¹-модда билан тўлдирилсин:

«104¹-м о д д а. Қишлоқ хўжалик экинларининг навини янгилаш ва нав жойлаштириш тартибини бузиш

Қишлоқ хўжалик экинларининг навини янгилаш ва нав жойлаштириш тартибини бузиш —

мансабдор шахсларга энг кам иш ҳақининг беш бараваридан ўн бараваригача миқдорда жарима солишга сабаб бўлади»;

2) 159-моддаси қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«159-м о д д а. Турар жойлардан фойдаланиш қоидаларини, уй-жой фондидан техник фойдаланиш қоидалари ва нормаларини бузиш

Турар жойларни сақлаш ва улардан фойдаланиш, умум фойдаланадиган жойларни санитария ҳолатида сақлаш қоидаларини бузиш, уй-жой фондидан техник фойдаланиш қоидалари ва нормаларини бузиш, кўп квартирали уйлардаги турар жойларда чорва молларни, худди шунингдек одамларнинг саломатлигига хавф солувчи ҳайвонларни боқиш —

фуқароларга энг кам иш ҳақининг беш бараваридан ўн бараваригача, мансабдор шахсларга эса — ўн бараваридан ўн беш бараваригача миқдорда жарима солишга сабаб бўлади»;

3) 160-моддасининг санкцияси қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«энг кам иш ҳақининг беш бараваридан ўн бараваригача миқдорда жарима солишга сабаб бўлади»;

4) 171-моддасида:

биринчи, иккинчи ва учинчи қисмларнинг санкцияларидagi «уч бараваридан беш бараваригача» деган сўзлар «саккиз бараваридан ўн икки бараваригача» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

тўртинчи қисмдаги «иккинчи ва учинчи қисмларида» деган сўзлар «биринчи, иккинчи ва учинчи қисмларида» деган сўзлар билан, «беш бараваридан ўн бараваригача» деган сўзлар эса «ўн икки бараваридан ўн беш бараваригача» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

5) Кодекс қуйидаги мазмундаги 175² ва 175³-моддалар билан тўлдирилсин:

«175²-модда. Бюджет интизомини бузиш

Бюджет интизомини бузиш, яъни бюджет маблағларини бюджетда ёки бюджетдан молияланадиган муассасалар ва ташкилотларнинг сметаларида назарда тутилмаган харажатларга йўллаш, шундай муассасалар ва ташкилотларда харажатлар қисми бўйича бюджетдан ажратилган маблағларнинг лимитлардан ортиб кетиши, штат-смета интизомини бузиш —

мансабдор шахсларга энг кам иш ҳақининг беш бараваридан ўн бараваригача миқдорда жарима солишга сабаб бўлади

Бюджетдан молияланадиган муассасалар ва ташкилотларга иш ҳақи, нафақалар, стипендиялар ва уларга тенглаштирилган бошқа харажатлар тўлови учун пул маблағлари бериш банкларнинг раҳбарлари ва бошқа мансабдор шахслари томонидан асоссиз равишда кечиктирилганлиги —

мансабдор шахсларга энг кам иш ҳақининг ўн бараваридан ўн беш бараваригача миқдорда жарима солишга сабаб бўлади.

175³-модда. Солиқ тўловчиларнинг идентификация рақамларини қўлланиш тартибини бузиш

Солиқ тўловчиларнинг идентификация рақамларини қўлланиш тартибини бузиш —

фуқароларга энг кам иш ҳақининг бир бараваридан уч бараваригача, мансабдор шахсларга эса — уч бараваридан етти бараваригача миқдорда жарима солишга сабаб бўлади»;

6) 176²-моддасининг номи ва биринчи қисмидаги «ёки банк реквизитлари ўзгарганлиги» деган сўзлар «банк реквизитлари ўзгарганлиги ёки қайта рўйхатдан ўтганлиги» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

7) **Кодекс** қўйидаги мазмундаги 178¹-модда билан тўлдирилсин:

«178¹-модда. Реклама тўғрисидаги қонун ҳужжатларини бузиш

Рекламага тааллуқли маълумотларни ваколатли давлат органига белгиланган муддатда тақдим этмаганлик, шунингдек реклама тўғрисидаги қонун ҳужжатлари бузилишини тугатиш ҳақидаги кўрсатмаларни ўз муддатида бажармаганлик —

энг кам иш ҳақининг уч бараваридан беш бараваригача миқдорда жарима солишга сабаб бўлади.

Нотўғри реклама берганлик, ташқи рекламани жойлаштириш тартибига риоя этмаганлик ёки ~~ж~~силреклама беришдан бош тортганлик —

энг кам иш ҳақининг беш бараваридан етти бараваригача миқдорда жарима солишга сабаб бўлади».

8) 202¹-моддасининг номи ва диспозициясидаги «Фаолияти тақиқланган», «Фаолияти Ўзбекистон Республикасида тақиқланган» деган сўзлар тегишинча «Ғайриқонуний», «Ўзбекистон Республикасида ғайриқонуний» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

9) 215-моддасида:

биринчи қисмнинг санкцияси қўйидаги таҳрирда баён этилсин:

«энг кам иш ҳақининг беш бараваридан етти бараваригача миқдорда жарима солишга сабаб бўлади»;

иккинчи қисмнинг санкцияси қўйидаги таҳрирда баён этилсин:

«энг кам иш ҳақининг етти бараваридан ўн икки бараваригача миқдорда жарима солишга сабаб бўлади»;

10) **Кодекс** қўйидаги мазмундаги 215¹-модда билан тўлдирилсин:

«215¹-модда. Қорхонанинг молия-хўжалик фаолияти тўғрисидаги материалларни тақдим этиш тартибини бузиш

Қорхоналарнинг молия-хўжалик фаолияти тўғрисидаги материалларни мансабдор шахслар томонидан

банкротлик тўғрисидаги ишлар бўйича давлат органларига тақдим этмаслик ёки вақтида тақдим этмаслик— энг кам иш ҳақининг уч бараваридан беш бараваригача миқдорда жарима солишга сабаб бўлади.

Худди шундай ҳуқуқбузарлик маъмурий жазо чораси қўлланилганидан кейин бир йил давомида такрор содир этилган бўлса, —

энг кам иш ҳақининг беш бараваридан ўн бараваригача миқдорда жарима солишга сабаб бўлади»;

11) 223 ва 224-моддалари қўйидаги таҳрирда баён этилсин:

«223-м о д д а. Паспорт тизими қоидаларини бузиш

Паспорти бўлиши шарт бўлган фуқаронинг паспортсиз ёки ҳақиқий бўлмаган паспорт билан, вақтинча ёки доимий пропискасиз яшаши, паспортни қасдан яроқсизлантириши, шунингдек паспортни бепарволик билан сақлаши ва бунинг оқибатида паспортнинг йўқолиши —

энг кам иш ҳақининг бир бараваридан уч бараваригача миқдорда жарима солишга сабаб бўлади.

Фуқароларнинг йўқолганлиги тўғрисида ўзлари ариза берган ўз паспортларидан, шунингдек бошқа фуқароларга тегишли паспортлардан ғаразли мақсадларда фойдаланиши —

энг кам иш ҳақининг беш бараваридан ўн бараваригача миқдорда жарима солишга сабаб бўлади.

Паспорт тизими қоидаларига риоя этиш учун масъул бўлган шахсларнинг фуқароларнинг паспортсиз ёки ҳақиқий бўлмаган паспорт билан ёхуд вақтинча ёки доимий пропискасиз яшашига йўл қўйиши, худди шунингдек фуқароларнинг ўз турар жойларида паспортсиз, вақтинча ёки доимий пропискасиз шахслар яшаб туришига йўл қўйиши —

энг кам иш ҳақининг уч бараваридан ўн бараваригача миқдорда жарима солишга сабаб бўлади.

Паспортсиз ёки ҳақиқий бўлмаган паспорт билан, худди шунингдек вақтинча ёки доимий пропискасиз яшаб турган фуқароларни ишга қабул қилиш, шунингдек фуқаролардан паспортларини қонунга хилоф равишда олиб қўйиш ёки уларнинг паспортларини гаровга олиш —

мансабдор шахсларга энг кам иш ҳақининг беш бараваридан ўн беш бараваригача миқдорда жарима солишга сабаб бўлади.

224-м о д д а. **Чегара зонасига, шунингдек фуқаро-ларнинг кириши ва бўлишига вақтинча чеклов белгиланган жойларга кириш ҳамда уларда яшаш қоидаларини бузиш**

Чегара зонасига, шунингдек фуқароларнинг кириши ва бўлишига вақтинча чеклов белгиланган жойларга кириш ҳамда уларда яшаш қоидаларини бузиш —
энг кам иш ҳақининг бир бараваридан уч бараваригача миқдорда жарима солишга сабаб бўлади»;

12) 225-моддасида:

биринчи қисмнинг диспозициясидаги «рўйхатдан ўтиш, прописка» деган сўзлар «вақтинча ёки доимий прописка» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

иккинчи қисмнинг санкциясидаги «ўн бараваригача» деган сўзлар «ўн беш бараваригача» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

учинчи қисмнинг диспозициясидаги «мазкур фуқароларнинг чет эл паспортларини ўз вақтида рўйхатдан ўтказишга, улар шу ерда бўлишининг белгиланган муддати ўтгач чиқиб кетишларини таъминлашга» деган сўзлар «мазкур фуқароларнинг вақтинча пропискадан ўтишларини, шунингдек улар шу ерда бўлишининг белгиланган муддати ўтгач чиқиб кетишларини таъминлашга» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

учинчи қисмнинг санкциясидаги «беш бараваригача» деган сўзлар «ўн бараваригача» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

13) 245-моддасининг биринчи қисмидаги «175¹-моддасида» деган сўзлар «175¹, 175³-моддаларида» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

14) **Кодекс қуйидаги мазмундаги 264¹, 266³ ва 267¹ моддалар билан тўлдирилсин:**

«264¹-м о д д а. Назорат-тафтиш бош бошқармаси органлари

Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлигининг Назорат-тафтиш бош бошқармаси органларига ушбу Кодекснинг 175²-моддасида назарда тутилган маъмурий ҳуқуқбузарликлар тўғрисидаги ишлар тааллуқлидир.

Молия вазирлиги Назорат-тафтиш бош бошқармаси бошлиғи, Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва

Тошкент шаҳар назорат-тафтиш бошқармаларининг бошлиқлари ҳамда уларнинг ўринбосарлари Молия вазирлиги Назорат-тафтиш бош бошқармаси органлари номидан маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисидаги ишларни кўриб чиқиш ва маъмурий жазо чорасини қўлланишга ҳақлидирлар»;

«266³-м о д д а. Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги ҳузуридаги Қишлоқ хўжалиги экинлари уруғларини сертификациялаш ва уларнинг сифатини назорат қилиш давлат маркази органлари

Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги ҳузуридаги Қишлоқ хўжалиги экинлари уруғларини сертификациялаш ва уларнинг сифатини назорат қилиш давлат маркази органларига ушбу Кодекснинг 104¹-моддасида назарда тутилган маъмурий ҳуқуқбузарликлар тўғрисидаги ишлар тааллуқлидир.

Қуйидагилар ушбу модданинг биринчи қисмида кўрсатилган органлар номидан маъмурий ҳуқуқбузарликлар тўғрисидаги ишларни кўриб чиқиш ва жарима солиш тариқасида маъмурий жазо чорасини қўлланишга ҳақлидирлар:

Қишлоқ хўжалик экинлари уруғларини сертификациялаш ва уларнинг сифатини назорат қилиш бўйича Ўзбекистон Республикаси бош давлат инспектори — энг кам иш ҳақининг ўн бараваригача миқдорда;

Қишлоқ хўжалик экинлари уруғларини сертификациялаш ва уларнинг сифатини назорат қилиш бўйича давлат маркази инспекторлари, қишлоқ хўжалик экинлари уруғларини сертификациялаш ва уларнинг сифатини назорат қилиш бўйича вилоятлар давлат инспекторлари — энг кам иш ҳақининг етти бараваригача миқдорда;

қишлоқ хўжалик экинлари уруғларини сертификациялаш ва уларнинг сифатини назорат қилиш бўйича туманлар инспекторлари — энг кам иш ҳақининг беш бараваригача миқдорда жарима солишга»;

«267¹-м о д д а. Банкротлик тўғрисидаги ишлар бўйича давлат органлари

Банкротлик тўғрисидаги ишлар бўйича давлат органларига ушбу Кодекснинг 215¹-моддасида назарда ту-

тилган маъмурий ҳуқуқбузарликлар тўғрисидаги ишлар тааллуқлидир.

Қуйидагилар ушбу модданинг биринчи қисмида кўрсатилган органлар номидан маъмурий ҳуқуқбузарликлар тўғрисидаги ишларни кўриб чиқиш ва жарима солиш тариқасида маъмурий жазо чорасини қўлланишга ҳақлидирлар:

Иқтисодий ночор корхоналар ишлари қўмитаси раиси ва унинг ўринбосарлари — энг кам иш ҳақининг ўн бараваригача миқдорда;

Иқтисодий ночор корхоналар ишлари қўмитаси ҳудудий бошқармалари бошлиқлари ва уларнинг ўринбосарлари — энг кам иш ҳақининг беш бараваригача миқдорда жарима солишга»;

15) 268¹-моддасида:

биринчи қисмдаги «178-моддасида» деган сўзлар «178 ва 178¹-моддаларида» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

иккинчи қисмнинг иккинчи хатбошисидаги «беш бараваригача» деган сўзлар «етти бараваригача» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

иккинчи қисмнинг учинчи хатбошисидаги «тўрт бараваригача» деган сўзлар «беш бараваригача» деган сўзлар билан алмаштирилсин.

Х. Ўзбекистон Республикасининг 1995 йил 21 декабрда қабул қилинган «Ўзбекистон Республикаси Марказий банки тўғрисида»ги Қонунининг (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 1995 йил, № 12, 247-модда; 1998 йил, № 9, 181-модда):

1) 4-моддасининг **тўртинчи хатбошиси** қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«Ўзбекистон Республикаси Халқ банкининг, шунингдек Марказий банк фаолият юритишини таъминловчи корхоналар ва ташкилотларнинг капиталларида иштирок этишини истисно этганда, банклар ва бошқа юридик шахсларнинг капиталларида қатнашишга ҳақли эмас»;

2) 51-моддасида:

иккинчи қисмнинг тўққизинчи хатбошисидаги «банк акцияларининг йигирма фоизидан ортиғини» деган сўзлар «устав капиталининг қонун ҳужжатларида белгиланган миқдордан ортиқ қисмини» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

тўртинчи қисм қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«Қонун ҳужжатларида белгиланган ҳолларда банк

акцияларини сотиб олиш учун олдиндан Марказий банкнинг розилигини олиш талаб қилинади. Марказий банк акция сотиб олувчиларнинг молиявий аҳволи қониқарсизлиги аниқланган тақдирда банк акциялари харид қилиниши ва сотилишига розилик бермаслик ҳуқуқига эга. Марказий банк ўз қарори тўғрисида ариза берувчига илтимоснома олинган кундан бошлаб ўттиз кундан кечиктирмай ёзма равишда хабар беради».

XI. Ўзбекистон Республикасининг 1995 йил 21 декабрда қабул қилинган «Кичик ва хусусий тадбиркорликни ривожлантиришни рағбатлантириш тўғрисида»ги Қонунининг (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 1995 йил, № 12, 252-модда; 1998 йил, № 9, 181-модда) 6-моддаси қуйидаги мазмундаги қисмлар билан тўлдирилсин:

«Кичик ва хусусий тадбиркорлик субъектлари фаолиятини режали тартибда текширишлар Ўзбекистон Республикаси Назорат органлари фаолиятини мувофиқлаштирувчи республика кенгашининг қарорига биноан солиқ ва бошқа назорат қилувчи органлар томонидан йилига кўпи билан бир марта амалга оширилиши мумкин.

Солиқлар ва бошқа мажбурий тўловларни ўз вақтида ҳамда тўла ҳажмда тўловчи, бошқа норма ва қоидаларга риоя қилувчи, аудиторларнинг ҳар йилги тегишли хулосаларига эга бўлган кичик ва хусусий тадбиркорлик субъектларининг фаолиятини текширишлар назорат қилувчи органлар томонидан, қонда тариқасида, икки йилда кўпи билан бир марта амалга оширилади.

Кичик ва хусусий тадбиркорлик субъектлари фаолиятини текширишдан ўтказиш муддатлари ўттиз календарь кунидан ошмаслиги лозим. Алоҳида ҳолларда Назорат органлари фаолиятини мувофиқлаштирувчи республика кенгашининг қарорига биноан бу муддат узайтирилиши мумкин.

Кичик ва хусусий тадбиркорлик субъектларининг, Ўзбекистон Товар ишлаб чиқарувчилар ва тадбиркорлар палатаси аъзоларининг фаолиятини текширишлар Палата юридик хизматлари ва ҳудудий тузилмаларининг мажбурий иштирокида амалга оширилади.

Кичик ва хусусий тадбиркорлик субъектларини уларнинг хўжалик фаолиятини тафтиш қилиш билан боғлиқ бўлмаган ҳолда текширишлар Назорат органлари фаолиятини мувофиқлаштирувчи республика кенга-

ши тасдиқлаган режалар асосида тегишли назорат қилувчи (ёнгинга қарши, санитария, ветеринария, энергетика назорати ва бошқа) органлар томонидан, қонда тариқасида, бир йўла ўтказиладиган комплекс текширув давомида амалга оширилади.

Аудиторлик текширишларини ўтказиш харажатлари шу текширишларни тайинлаган ташкилотлар ҳисобидан қопланади.

Кичик ва хусусий тадбиркорлик субъектлари ўз фаолияти текширишдан ўтказилаётганда қуйидаги ҳуқуқларга эга:

ўз фаолияти текширилиши тўғрисидаги тегишли ахборотга эга бўлиш;

назорат қилувчи органларнинг текширувчи мансабдор шахсларидан Назорат органлари фаолиятини мувофиқлаштирувчи республика кенгаши ёки унинг ҳудудий комиссиялари қарорини, текшириш ўтказиш учун асос ҳисобланувчи бошқа ҳужжатларни талаб қилиш, текширувчиларнинг шахсини тасдиқловчи ҳужжатлар билан танишиш;

текшириш ўтказиш учун асосга эга бўлмаган шахсларнинг текшириш ўтказишига йўл қўймаслик;

назорат қилувчи органларнинг улар ваколатига кирмайдиган масалаларга оид талабларини бажармаслик ва текшириш предметига тааллуқли бўлмаган материаллар билан уларни ташиштирмаслик;

назорат қилувчи органларнинг текширувчи мансабдор шахсларидан текшириш тугаганидан сўнг ўн кунгача бўлган муддат ичида текшириш натижаларини акс эттирувчи ҳужжатнинг бир нусхасини олиш;

текшириш натижалари устидан қонунда белгиланган тартибда шикоят қилиш»;

ХII. Ўзбекистон Республикасининг 1995 йил 21 декабрда қабул қилинган Қонуни билан тасдиқланган Ўзбекистон Республикаси Меҳнат кодексининг (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 1996 йил, 1-сонга илова; 1997 йил, № 2, 65-модда; 1998 йил, № 5—6, 102-модда, № 9, 181-модда; 1999 йил, № 1, 20-модда):

1) **67-моддасининг еттинчи қисмидаги** «шу корхоналарнинг ҳуқуқий ворислари маблағларидан тўланади, ҳуқуқий ворислари бўлмаган тақдирда эса — Иш билан таъминлашга кўмаклашиш жамғармаси маблағлари ҳисобидан тўланади» деган сўзлар «Иш билан таъмин-

лашга кўмаклашиш давлат жамғармаси маблағлари ҳисобидан тўланади» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

2) 131-моддасидаги «9 май — Ғалаба куни» деган сўзлар «9 май — Хотира ва қадрлаш куни» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

3) 237-моддаси биринчи қисмининг иккинчи жумласи қуйидаги таҳрирда баён этилсин: «Мазкур аёлларни ишга жойлаштиришни маҳаллий меҳнат органи уларни ишга жойлаштириш даврида қонун ҳужжатларида белгиланган тегишли ижтимоий тўловлар билан таъминланган ҳолда амалга оширади».

ХIII. Ўзбекистон Республикасининг 1996 йил 25 апрелда қабул қилинган «**Банклар ва банк фаолияти тўғрисида**»ги Қонунининг (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 1996 йил, № 5—6, 54-модда; 1997 йил, № 2, 56-модда, № 9, 241-модда):

1) 7-моддасида:

учинчи, тўртинчи ва бешинчи қисмлар қуйидаги мазмундаги **учинчи, тўртинчи, бешинчи ва олтинчи қисмлар** билан алмаштирилсин:

«Ҳар бир акциядорнинг устав капиталидаги иштирокининг энг кўп улуши қонун ҳужжатлари билан белгиланади.

Банкларнинг акцияларини олиш қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда амалга оширилади.

Банк муассислари банк акциядорлари таркибидан у рўйхатга олинган кундан бошлаб бир йил мобайнида чиқиб кетиш ҳуқуқига эга эмаслар.

Банкнинг бошқа банкларнинг устав капиталида иштирокига йўл қўйилмайди, чет эл капитали иштирокидаги банклар ва шўъба банклар ташкил этиш ҳоллари бундан мустасно»;

2) 26-моддаси **учинчи қисмининг учинчи ва тўртинчи хатбошилари** қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«устав капиталининг қонун ҳужжатларида белгиланган миқдордан ортиқ қисмига эгаллик қилиб турган банк акциядорлари;

устав капиталининг қонун ҳужжатларида белгиланган миқдордан ортиқ қисмига эгаллик қилиб турган акциядор юридик шахсларнинг мансабдор шахслари, шунингдек уларнинг яқин қариндошлари»;

3) 31-моддасининг **иккинчи қисми** қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«Мижозлар қонун ҳужжатларида белгиланган тар-

тибда ўзлари танлаган битта ёки бир нечта банкда миллий валютада ва чет эл валютасида талаб қилиб олгунча сақланадиган депозит ҳисобварақлар очишга ҳақли».

XIV. Ўзбекистон Республикасининг 1996 йил 29 августда қабул қилинган «Фуқаролар соғлиғини сақлаш тўғрисида»ги Қонунининг (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 1996 йил, № 9, 128-модда):

1) 5-моддасининг биринчи қисми қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги:

соғлиқни сақлаш ва тиббий суғуртанинг, соғлиқни сақлаш сифати давлат стандартларининг норматив базасини ишлаб чиқади ҳамда барча тиббий муассасаларнинг уларга роя этиши устидан назоратни амалга оширади;

фуқаролар соғлиғини сақлаш соҳасида тармоқ давлат дастурларини амалга оширади;

давлат томонидан кафолатланган ҳажм доирасида аҳолига бирламчи тиббий-санитария ёрдами кўрсатишни бюджет маблағлари ҳисобидан молиялайди;

даволаш-профилактика ва дорихона муассасаларининг сертификацияси ва аккредитациясини амалга оширади;

шифокорларга хусусий тиббиёт амалиёти билан шуғулланиш учун, фармацевтларга хусусий фармацевтика фаолияти билан шуғулланиш учун лицензиялар беради;

тиббий хизмат тарифлари даражасини бошқариб боради;

Ўзбекистон Республикаси ҳудудида қўлланишга рухсат этилган дори воситалари ва препаратларини стандартлаштириш ва сертификация қилишни амалга оширади;

қонун ҳужжатларига мувофиқ бошқа ваколатларни амалга оширади»;

2) 6-моддаси қуйидаги мазмундаги ўн тўртинчи хатбоши билан тўлдирилсин:

«соғлиқни сақлашнинг хусусий ва бошқа хил тизимларини ривожлантиришни рағбатлантирувчи шароитлар яратиш»;

ўн тўртинчи хатбоши ўн бешинчи хатбоши деб ҳисоблансин;

3) 8-моддасининг учинчи қисми қуйидаги мазмунда

ги учинчи ва тўртинчи қисмлар билан алмаштирилсин:

«Давлат соғлиқни сақлаш тизимининг даволаш-профилактика муассасалари аҳолига давлат томонидан кафолатланган бепул тиббий ёрдам кўрсатади. Бепул тиббий ёрдам кўрсатиш ҳажми ва тартиби қонун ҳужжатлари билан белгиланади.

Давлат томонидан кафолатланган тиббий ёрдам ҳажмининг белгиланганидан ортиқча тиббий ва бошқа хил хизматлар кўрсатиш қўшимча хизматлар бўлиб, аҳоли томонидан белгиланган тартибда ҳақ тўланади»;

4) 9-моддаси қуйидаги мазмундаги бешинчи хатбоши билан тўлдирилсин:

«даволаш-профилактика муассасаларининг давлат томонидан кафолатланган ҳажмдан ортиқча тиббий ёрдам кўрсатганлик учун ва пуллик хизматлар кўрсатганлик учун олинган маблағлари»;

бешинчи, олтинчи ва еттинчи хатбошилар тегишинча олтинчи, еттинчи ва саккизинчи хатбошилар деб ҳисоблансин;

5) 10-моддаси қуйидаги мазмундаги иккинчи қисм билан тўлдирилсин:

«Соғлиқни сақлашнинг хусусий ва бошқа хил тизимларига тааллуқли даволаш-профилактика муассасалари фуқароларнинг айрим гуруҳларига бепул тиббий хизмат кўрсатадилар. Бундай хизматларнинг ҳажми, рўйхати, уларни кўрсатиш тартиби ҳамда компенсацияси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан белгиланади»;

6) 17-моддасининг биринчи қисмидаги «Вазирлар Маҳкамаси» деган сўзлар «Соғлиқни сақлаш вазирлиги» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

7) 19-моддасининг учинчи қисмидаги, 25-моддасининг иккинчи қисмидаги, 26-моддасининг учинчи қисмидаги, 34-моддасининг иккинчи қисмидаги ва 45-моддаси учинчи қисмининг бешинчи хатбошидаги «Ўн беш ёшдан», «Ўн беш ёшга», «Ўн беш ёшга» деган сўзлар тегишинча «Ўн тўрт ёшдан», «Ўн тўрт ёшга», «Ўн тўрт ёшга» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

8) 29-моддасининг иккинчи қисми «ушбу Қонун 10-моддасининг иккинчи қисмига мувофиқ шундай ёрдам кўрсатиладиган фуқароларнинг айрим гуруҳлари бундан мустасно» деган сўзлар билан тўлдирилсин.

XV. Ўзбекистон Республикасининг 1996 йил 29 августда қабул қилинган «Уруғчилик тўғрисида»ги Қонунининг

(Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборот-номаси, 1996 йил, № 9, 130-модда; 1997 йил, № 4—5, 126-модда):

1) 2-моддасининг тўртинчи ва бешинчи хатбошилари қўйидаги таҳрирда баён этилсин:

«мамлакатимиз ва жазҳоннинг қимматли генофондини сақлаб қолиш ҳамда ундан самарали фойдаланиш; республиканинг турли табиий-иқлим минтақаларига мосланган янги тезпишар, серҳосил, интенсив навларини яратиш ва кўпайтириш»;

2) 7-моддасида:

иккинчи қисм «Ўзбекистон Республикаси» деган сўзлардан олдин «амалдаги стандартлар асосида» деган сўзлар билан тўлдирилсин;

учинчи қисмидаги «уруғликларга сертификат» деган сўзлар «уруғликларга мувофиқлик сертификати» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

3) 8-моддасида:

биринчи қисмидаги «кўрсатилган сертификат» деган сўзлар «кўрсатилган мувофиқлик сертификати» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

иккинчи қисм «ишлов берилган уруғлар» деган сўзлардан кейин «истеъмолчига ёки» деган сўзлар билан тўлдирилсин;

4) 9-моддаси биринчи қисмининг тўртинчи хатбоши-си қўйидаги таҳрирда баён этилсин:

«уларнинг мувофиқлик сертификати ва мувофиқлик белгиси мавжуд бўлса»;

5) 12-моддасида «Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги» деган сўзлар «Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги ҳузуридаги» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

6) 16-моддаси биринчи хатбошидан кейин қўйидаги мазмундаги хатбошилар билан тўлдирилсин:

«уруғчиликни ривожлантириш давлат дастурини амалга оширади;

уруғлик маҳсулот экспертизасини ташкил этади»;

7) 17-моддасининг учинчи қисмида:

еттинчи ва саккизинчи хатбошилар қўйидаги таҳрирда баён этилсин:

«мувофиқлик сертификати ва фитосанитария ёки карантин рухсатномаси мавжуд бўлмаса, уруғлик туркумларининг ташилишини тақиқлаб қўйиш;

мувофиқлик сертификати, фитосанитария ёки карантин рухсатномаси бўлмаган уруғликларни бошқа давлат-

лардан республикага олиб киришга йўл қўймаслик»;
қисм қуйидаги мазмундаги хатбоши билан тўлдирилсин:

«қишлоқ хўжалик экинларининг навини янгилаш ва нав жойлаштириш тартибини бузганлик учун хўжаликларнинг раҳбарлари ва бошқа масъул шахсларига жарима жазоси бериш»;

XVI. Ўзбекистон Республикасининг 1997 йил 24 апрелда қабул қилинган Қонуни билан тасдиқланган Ўзбекистон Республикасининг Солиқ кодекси (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 1997 йил, 4—5-сонга илова, № 9, 241-модда; 1998 йил, № 3, 38-модда, № 5—6, 102-модда, № 9, 181-модда; 1999 йил, № 1, 20-модда):

1) **12-моддаси биринчи қисмининг 1-банди** «манзили ўзгарган» деган сўзлардан кейин «ёки қайта рўйхатдан ўтган» деган сўзлар билан тўлдирилсин;

2) **126-моддаси қуйидаги тахрирда баён этилсин:**

«126-м о д д а. Идентификация рақами

Тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланаётган, давлат рўйхатидан ўтган юридик ва жисмоний шахслар рўйхатга олинган пайтдан эътиборан ўн кун мобайнида идентификация рақами олиш учун солиқ органига мурожаат қилади. Норезидентлар (шу жумладан тегишли давлат органларида аккредитация қилинган норезидентлар) Ўзбекистон Республикаси ҳудудида фаолият бошлаганидан эътиборан ўн кун мобанида ҳисобга туриш ва идентификация рақами олиш учун солиқ органларига мурожаат қилади.

Бошқа солиқ тўловчилар — жисмоний шахслар буйича идентификация рақамларини расмийлаштириш солиқ органлари томонидан хонадонларни айланиб чиқиш пайтида амалга оширилади.

Солиқ органи ҳар бир солиқ тўловчига идентификация рақами беради.

Солиқ тўловчи ушбу Кодексга мувофиқ фойдаланиладиган барча ҳужжатларда ўзининг солиқ тўловчи тариқасидаги идентификация рақамини кўрсатиши шарт. Солиқ органи солиқ тўловчига юборадиган унинг солиқ мажбуриятларига тааллуқли барча хабарномаларида солиқ тўловчининг идентификация рақамини кўрсатади».

XVII. Ўзбекистон Республикасининг 1997 йил 25 апрелда қабул қилинган «Дори воситалари ва фармацев-

тика фаолияти тўғрисида»ги Қонунининг (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 1997 йил, № 4—5, 120-модда):

1) 2-моддаси қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«2-модда. Асосий тушунчалар

Ушбу Қонунда қуйидаги тушунчалар қўлланилмоқда:
дори воситалари — келиб чиқиши табиий ва сунъий бўлган бир ёки бир неча дори моддалари (субстанциялари) ҳамда ёрдамчи моддалар асосида ҳосил қилинган, касалликнинг олдини олиш, ташҳис қўйиш ва даволаш учун қўллашга рухсат этилган воситалар. Улар жумласига иммунобиологик, радиофармацевтик ва парафармацевтик препаратлар, гомеопатик, ташҳис қўйиш ва стерилизация воситалари кирди;

дори препаратлари — дозаланган, идишга жойланган-ўралган, қўллашга тайёр дори воситалари;

дори моддалари (субстанциялари) — келиб чиқиши табиий ва сунъий бўлган, қўллашга рухсат этилган биологик фаол моддалар;

фармакологик воситалар— белгиланган фармакологик фаолликка эга бўлиб, клиник синов объектлари ҳисобланадиган муайян доривор шаклидаги моддалар ёки моддалар аралашмаси;

фармакопея — дори воситалари сифатини, уларни тайёрлаш, сифат-миқдор жиҳатидан назорат қилишни, сақлаш шарт-шароитларини ва номланишини белгилайдиган давлат стандартлари тўплами;

фармакопея мақоласи— дори воситаси учун фармакопея қўмитаси томонидан тасдиқланган норматив-техник ҳужжат;

фармакопея қўмитаси — дори воситалари, тиббий буюмлар сифатига ва уларни назорат қилиш усуллари-га нисбатан қўйиладиган талабларни белгилайдиган норматив-техник ҳужжатларни тасдиқловчи расмий эксперт органи;

рўйхатдан ўтказилганлик гувоҳномаси — дори воситаларини тиббий қўлланиш ҳуқуқи учун Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги рухсатини тасдиқловчи ҳужжат;

дори воситаларининг, тиббий буюмларнинг давлат реестри — расмий ҳужжат бўлиб, у тиббиёт амалиётида қўллашга рухсат этилган дори воситалари, тиббий буюмлар рўйхатидан иборат;

рилганларидан қолишмайдиған, лекин бошқа ишлаб чи-
генерик дори воситалари (генериклар) — патент бе-
қарувчи томонидан тайёрланган дори препаратлари;

гомеопатик воситалар — гомеопатик қоидаларга би-
ноан қўлланиладиган ва давлат реестрининг махсус бў-
лимига киритилган дорилар;

фармацевтик фаолият — дори воситаларини, тиббий
буюмларни яратиш бўйича изланишларни, тадқиқотларни,
шунингдек уларни ишлаб чиқариш, тайёрлаш, сифа-
тини назорат қилиш, стандартлаш, рўйхатдан ўтказиш,
сақлаш, ахборот бериш, етказиб бериш ва реализация
қилишни қамраб оладиган фаолият;

дорихона — дори воситаларини тайёрлаш, қадоқлаш,
уларнинг сифатини назорат қилиш, шунингдек даволаш
ҳамда касалликнинг олдини олишга мўлжалланган дори
воситалари, тиббий буюмларни, санитария ва гигиена
ашёларини, шифобахш озиқ-овқатларни, маъданли сув-
ларни, даволаш-косметика маҳсулотларини харид қи-
лиш, сақлаш ва сотишни амалга оширувчи тиббиёт му-
ассасаси. Дорихона муассасалари жумласига дорихона-
лар ва уларнинг филиаллари, даволаш ва касалликнинг
олдини олиш муассасаларининг дорихоналари киради;

рецепт — шифокорнинг фармацевтга дори тайёрлаш
ва бериш ҳақидаги ёзма кўрсатмаси бўлиб, унда дорини
қўллаш усули қайд этилган бўлади;

стандарт ёзув — дори препаратларининг даволаш ху-
сусиятлари самарадорлиги текширилганидан сўнг тузил-
ган таркиби;

тиббий буюмлар — касалликнинг олдини олиш, таш-
ҳис қўйиш ва даволаш учун тиббиётда қўлланиладиган
буюмлар. Улар жумласига боғлаш ва тикиш материал-
лари, шприцлар, қон ва инфузион эритмаларни қўйишга
мўлжалланган системалар, беморларни парваришлашда
қўлланиладиган ашёлар ва материаллар киради»;

2) 6-моддаси учинчи қисмининг учинчи хатбошиси
қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«дориларни тайёрлашда қўлланиладиган дори воси-
талари (субстанциялари) ва биологик фаол ёрдамчи
моддалар»;

3) 7-моддаси қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«7-модда. Дори воситаларини ишлаб чиқариш

Дори воситаларини ишлаб чиқариш — дори восита-
ларини уларни ишлаб чиқариш ҳамда сифатини назорат
қилишни ташкил этиш қоидаларига мувофиқ кўплаб.

ҳосил қилиш, шу жумладан тўлиқ технологик туркум ёки унинг айрим босқичлари: дори воситаларини синтез (биосинтез) қилиш, экстракциялаш, тозалаш, уларга ишлов бериш, уларни қадоқлаш, идишга жойлаш-ўраш ва уларни марказлаш босқичлари бўйича ҳосил қилиш.

Ўзбекистон Республикасида давлат рўйхатидан ўтказилмаган дори воситаларини ишлаб чиқариш тақиқланади.

Дори воситаларини ишлаб чиқариш лицензияга эга бўлган корхоналар томонидан амалга оширилади.

Дори воситалари давлат реестридан чиқарилган тақдирда ишлаб чиқарилган ҳамда дорихоналар, омборлар ва даволаш-касалликнинг олдини олиш муассасаларида мавжуд бўлган мазкур дори воситаларининг қолдиқлари масаласи Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги томонидан ҳал қилинади.

Дори воситаларини яратиш, уларни синаш, ишлаб чиқариш, тайёрлаш, сақлаш, йўқ қилишни амалга оширувчи корхоналар, муассасалар ҳамда ташкилотлар дори воситаларининг сифатини назорат қилувчи ички идоравий хизматга эга бўлишлари керак»;

4) **8-моддасидаги** «дори воситалари субстанцияларидан» деган сўзлар «дори воситаларидан (субстанцияларидан)» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

5) **13-моддаси** қўйидаги мазмундаги **бешинчи қисм** билан тўлдирилсин:

«Ўзбекистон Республикасида рўйхатдан ўтказилган дори воситаларининг қалбакиси ёки ғайриқонуний нусхаси бўлган дори воситаларини реализация қилиш тақиқланади»;

бешинчи ва олтинчи қисмлар тегишинча **олтинчи ва еттинчи қисмлар** деб ҳисоблансин;

6) **14-моддаси** қўйидаги мазмундаги **иккинчи қисм** билан тўлдирилсин:

«Ўзбекистон Республикасида рўйхатдан ўтказилган дори воситаларининг қалбакиси ёки ғайриқонуний нусхаси бўлган дори воситаларини Ўзбекистон Республикаси ҳудудига импорт қилиш тақиқланади»;

7) **16-моддасида:**

модданинг номи қўйидаги таҳрирда баён этилсин:

«Дори воситалари, тиббий буюмлар ҳақида ахборот бериш ва уларни реклама қилиш»;

иккинчи қисм қўйидаги таҳрирда баён этилсин:

«Дори воситалари ва тиббий буюмларни реклама қилиш қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда амалга оширилади».

**Ўзбекистон Республикасининг
Президенти**

И. ҚАРИМОВ.

НОВЫЕ ЗАКОНЫ УЗБЕКИСТАНА

**ЗАКОНЫ И ПОСТАНОВЛЕНИЯ XIII СЕССИИ
ПЕРВОГО СОЗЫВА ОЛИЙ МАЖЛИСА
РЕСПУБЛИКИ УЗБЕКИСТАН, ПРИНЯТЫЕ
24—25 ДЕКАБРЯ 1998 ГОДА**

**° О ГОСУДАРСТВЕННОМ КОНТРОЛЕ ДЕЯТЕЛЬНОСТИ
ХОЗЯЙСТВУЮЩИХ СУБЪЕКТОВ**

ЗАКОН

РЕСПУБЛИКИ УЗБЕКИСТАН

от 24 декабря 1998 года

**(Ведомости Олий Мажлиса Республики
Узбекистан, 1999 г., № 1, ст. 8)**

Статья 1. Цель настоящего Закона

Настоящий Закон регулирует отношения, связанные с осуществлением государственного контроля деятельности хозяйствующих субъектов.

Государственный контроль деятельности учреждений, финансируемых за счет средств государственного бюджета и внебюджетных фондов, осуществляется в порядке, установленном законодательством.

**Статья 2. Законодательство о государственном
контроле деятельности хозяйствующих
субъектов**

Законодательство о государственном контроле деятельности хозяйствующих субъектов состоит из настоящего Закона и иных актов законодательства.

Государственный контроль осуществляемый в порядке прокурорского надзора регулируется также соответствующим законодательством.

Если международным договором Республики Узбекистан установлены иные правила, чем те, которые предусмотрены в законодательстве Республики Узбекистан о государственном контроле деятельности хозяйствующих субъектов, то применяются правила международного договора.

Статья 3. Основные понятия

В настоящем Законе применяются следующие основные понятия:

контролирующие органы—министерства и ведомства, уполномоченные законодательством осуществлять государственный контроль деятельности хозяйствующих субъектов;

проверка — единовременный контроль, осуществляемый контролирующими органами, за исполнением хозяйствующими субъектами законов и иных актов законодательства, регулирующих их деятельность;

ревизия — проверка бухгалтерских, финансовых и иных документов хозяйствующих субъектов с целью осуществления контроля за соблюдением законодательства по финансовым и налоговым вопросам, достоверностью учета и отчетности, представляемой налоговым органам, органам государственной статистики и банкам;

встречная проверка — проверка, заключающаяся в сопоставлении документов, связанных между собой единством операций и находящимися в различных хозяйствующих субъектах или в разных подразделениях одного хозяйствующего субъекта;

проверка в порядке контроля — проверка, осуществляемая контролирующими органами за устранением хозяйствующими субъектами нарушений, отмеченных предыдущей проверкой.

Статья 4. Формы государственного контроля деятельности хозяйствующих субъектов

Государственный контроль деятельности хозяйствующих субъектов осуществляется путем:

проверки, в том числе ревизии, встречной проверки, проверки в порядке контроля;

анализа статистической и другой информации;

инспектирования подведомственных органов.

Государственный контроль деятельности хозяйствующих субъектов путем анализа статистической и другой информации, а также инспектирования подведомственных органов осуществляется в соответствии с законодательством.

Статья 5. Основные принципы осуществления государственного контроля деятельности хозяйствующих субъектов

Основными принципами осуществления государственного контроля деятельности хозяйствующих субъектов являются:

- законность, объективность и гласность в деятельности контролирующих органов;
- защита прав и законных интересов юридических и физических лиц;
- невмешательство в деятельность хозяйствующих субъектов.

Статья 6. Требования к должностным лицам, осуществляющим проверку

Проверка деятельности хозяйствующих субъектов осуществляется должностными лицами контролирующих органов. Должностные лица контролирующих органов подлежат аттестации в порядке, установленном законодательством.

Допуск должностных лиц контролирующих органов к проверке деятельности хозяйствующих субъектов подтверждается специальным удостоверением установленного образца.

Статья 7. Координация деятельности контролирующих органов

Координация деятельности контролирующих органов осуществляется специальным уполномоченным органом, решения которого в части проведения проверок деятельности хозяйствующих субъектов являются обязательными.

Статья 8. Основные задачи специального уполномоченного органа

Основными задачами специального уполномоченного органа являются:

- координация деятельности контролирующих органов по вопросам осуществления проверок деятельности хозяйствующих субъектов;

разработка координационных планов проверок деятельности хозяйствующих субъектов, включая комплексные проверки и ревизии, не допускающие дублирования деятельности контролирующих органов;

осуществление контроля за деятельностью контролирующих органов в части соблюдения координационных планов проведения проверок и недопущения проведения внеплановых проверок без согласования со специальным уполномоченным органом.

Порядок образования и деятельности специального уполномоченного органа определяются законодательством.

Статья 9. Основания проведения проверок

Основанием для проведения плановой проверки, в том числе ревизии деятельности хозяйствующих субъектов — юридических лиц являются:

выписка из координационного плана осуществления проверок деятельности хозяйствующих субъектов, выданная специальным уполномоченным органом или его соответствующим территориальным подразделением;

приказ контролирующего органа, изданный на основании координационного плана либо решения специального уполномоченного органа о проведении проверки, в том числе ревизии, с указанием целей проверки, даты проведения и состава должностных лиц, которым поручено осуществить проверку.

Основанием для проведения проверок финансово-хозяйственной деятельности хозяйствующих субъектов органами прокуратуры, внутренних дел и службы национальной безопасности является наличие возбужденного уголовного дела.

Статья 10. Периодичность проверок

Проверки деятельности хозяйствующих субъектов могут осуществляться в плановом порядке не чаще одного раза в год по решению специального уполномоченного органа.

Проверки деятельности хозяйствующих субъектов, своевременно и в полном объеме уплачивающих налоги и другие обязательные платежи, соблюдающих другие

нормы и правила, имеющих соответствующие ежегодные заключения аудиторов, осуществляются контролирующими органами, как правило, не чаще одного раза в два года.

Статья 11. Сроки проверок

Сроки проведения проверок деятельности хозяйствующих субъектов не должны превышать тридцати календарных дней. В исключительных случаях, по решению специального уполномоченного органа, этот срок может быть продлен.

Статья 12. Внеплановые проверки

